

83-3  
8-34.

ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛ

ИРФОН  
ВА  
ИДРОК



83,3  
x-34

ИБРОХИМ ХАКҚУЛ

ИРФОН  
ВА  
ИДРОК



ТОШКЕНТ "МАЪНАВИЯТ" 1998

TerDU ARM

Мазкур китоб кўп асрлик бой тарихга эга бўлган мумтоз адабиётимизнинг шу пайтга қадар кам тадқиқ қилинган гоёвий-бадий йўналишларини ўрганишга бағишлангандир. Унда Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий сингари Шарқнинг улур шоирлари эришган ижодий ютуқларининг сир-асрорлари янгича талқин ва таҳлил этилади. Муаллифнинг тасаввуф ва адабиёт муносабатлари, ўзбек тасаввуф адабиётига хос бош хусусият ва фазилатларига доир фикр-мулоҳазалари ҳам диққатга молик. Китобнинг алоҳида бир бўлимида ирфоний истилоҳлар қизиқарли тарзда шарҳлаб берилгандирки, улар мумтоз шеърятимиз маъно қатламлари ва руҳият манзараларини янада кенг мушоҳада этишга яқиндан ёрдам беради. Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Ундан фақат ўтмиш адабиёти билангина қизиқувчилар эмас, маърифат ва маънавият тарихи билан қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ҳ 34

Ҳаққул, Иброҳим  
Ирфон ва идрок. — Т.: «Маънавият», 1998. —  
160 б.

ББК 83.3Ўз

И 4702620204—18  
М 25(04)—98 2—98.

© «Маънавият», 1998 й

БУ КИТОВНИ ОНАМ, ШАМСИЯ АҲМАД  
ҚИЗИНИНГ ПОРЛОҚ ХОТИРАСИГА БА-  
ҒИШЛАЙМАН.

МУАЛЛИФ

## I МОҲИЯТ, МАСЛАК ВА ҚИСМАТ

### «АНАЛ-ҲАҚ» НЕДУР?

*«Анал-Ҳақ» сиррини ҳар беҳабарга  
айтмагил зиндор,  
Худонинг розига маҳрам эмасдур кимки  
тангдилдур.*

*Бобораҳим Машраб*

### I

Нақлга кўра, кунлардан бир кун Бағдодда бир ўғ-  
рини дорга осишибди. Муридлари билан йўлдан ўтиб  
кетаётган улуғ шайх Жунайд Бағдодий дорга осилиб  
ётган шу ўғрининг оёғини бориб ўпибди. Муридлари  
пирнинг бу ишидан ҳайрон қолиб, сабабини сўрашган-  
да у:

— Ўз ишига шу даражада рағбат айлаб, ўз маслаги  
учун ўлган ва бошини шундай баланд мартабага етказ-  
ган одам, албатта, эҳтиромга сазовордур, — деган экан.  
Бу ҳикоятдаги мақсад ўғри ёки ўғриликни қувватлаш  
эмас, балки эътиқодсизликни қоралаш, эътиқод сустли-  
ги ва мунофиқлик ўғриликдан-да жирканчлигини таъ-  
кидлашдир. Шунинг учун Шарқнинг кўп буюк фарзанд-  
лари имон ва эътиқоддан чекинишдан кўра ўлимга то-  
мон дадил боришни афзал ва устун кўрганлар. Шундай  
зотлардан бири — энг машҳур ислом мутасаввифи ва  
мутафаккирларидан саналмиш Абул Муғис-ал Ҳусайн  
бин Мансур Халлож эди. Алишер Навоий «Насойимул  
муҳаббат» асарида Мансур Халлож ҳақида бундай маъ-  
лумот беради: «...Кунияти Абулғайс. Форснинг Байзо-  
сидиндур. Аввал халлож эмас эрди. Бир халлож дў-  
конида эрдиким, анинг дўсти эрди. Ани бир ишга йи-  
борди. Кўнглига ўттики, анинг рўзгорин зоеъ қилдим.  
Бармоғи била ишорат қилди: момуғ чигитдан айрилди.  
Анга бу жиҳатдин халлож от қўйдилар...»  
«Қашфул маҳжуб» асарида таърифланишича, Ман-

сур Халлож «тасаввуф йўлининг сармастларидан ва иштиёқ соҳибларидан бўлган. Улуғ бир ҳиммат ва юксак бир ҳолга етишган». У дастлаб Саҳл бин Абдуллоҳнинг муриди бўлган. Муршидининг рухсатисиз ундан ажралиб, Амр бин Жумонга боғланган. Сўнгра дастурсиз уни ҳам тарк этган. «Фосили хитоб» китобида Халложнинг қатлига Жунайд Бағдодий фатво берганлиги ҳақида сўз юритилган экан. Бу фикрга эътироз билдириб, Абдураҳмон Жомий «Нафоҳот-ул унс»да бундай дейди: «Зеро, тарихни билганлар учун маълум ва равшандурки, бу фикр ифтиродир ва Жунайди Бағдодийнинг вафоти Ҳусайн Мансурнинг ўлиmidан ўн бир йил аввал воқе бўлгандир...». Лекин Халлож ўлимининг Жунайд Бағдодий номи билан боғланиши ҳам тасодифий бўлмаслиги керак. Чунки Жунайд унга муридликка келган Халложни қабул қилмаган. Унинг қарашларини инкор этган. Худди мана шу сабаб Халложни кўпчилик машойихлар тарк айлашган. У муомала-муносабатда жуда уқувсизлик қилган. Ҳужвирийнинг «Халлож асил ва асос жиҳатиданмас, муомала ва хатти-ҳаракатлари учун тарк этилмишдир», — дея таъкидлаши ҳам бежизмас. Хуллас, Халлож ёлғизлик саҳросининг ёлғиз йўлчисига ўхшаб қолгандир. У Аллоҳга суянган одам ҳеч қачон ёлғиз бўлмаслигини мукаммал билса-да, жамият ёлғизлантирган ва ҳокимият ғазабига учраган кишининг бошига не балолар ёғилишини тўлиқ тасаввур айлашга рағбат қилмаган. Чунки у ўлимдан чўчиш ҳиссини ҳам тамоман маҳв эта олган эди.

Мансур Халлож илоҳий ишқ майидан масту беҳуш бўлган кунлардан бирида ундан «Сен кимсан?» деб сўрашади. У «Анал-Ҳақ», деб жавоб беради. Бор-йўқ гап шу. Айни шу бир ибора кўплаб олиму уламоларни дарғазаб қилиб, ислом оламида улкан бир ғавғо кўзгайди. Дин ва тасаввуф тариқининг шайхлари Мансур Халложнинг ҳол ҳақиқати тўғрисида қарама-қарши тушунчаларни билдириб, кўп ихтилофларга йўл қўйганлар. Улардан бирлари уни мардуд десалар, бошқа бирлари унинг ҳолини қўллаб-қувватлашган. Амир бин Усмон, Абу Ёқуб Наҳражорий, Абу Ёқуб Акто, Али бин Ато сингари мутасаввифлар унга тўла хайрихоҳ бўлганлар. Жунайд ва Шиблийга ўхшаш сўфийлар эса ўзларини мутлақо бетараф тутганлар. Халложни сеҳргарликда айблаганлар ҳам оз бўлмаган. Хуллас, кофирликда айбланган Халлож мелодий 922 йилда ваҳшиёна бир тарзда ўлдирилади. Мансур Халлож «аҳлуллоҳдан бир зот»

бўлганлиги учун, унинг борлиги шафқат ва марҳаматга тўлиғ эди. «Нафоҳот-ул унс»да айтилишича; худди шу шафқат ва марҳамати боис уни ўлдиришга келганларнинг ҳаммасини хайри дуо этиб, Аллоҳдан тиламишки: «Буларнинг барчасини раҳматга ноил айла... Аллоҳим, менинг зоҳирий борлигимни ўзингнинг маънавий борлигинга йўқ эттинг... шунинг ҳаққи мени ўлдиришга келганларнинг барчасига марҳамат айла...».

Мана шундай қудратли шахсият соҳиби бўлган Халлож.

Албатта, Халложнинг қатлига розилик бермаган ва фатво битмаган уламою машойхлар ҳам бўлган. Алишер Навоий булардан бир нечасининг номини қайд этган. Бироқ шулар ҳам «Биз билмасмизки, ул не дейдур», дейишган экан. Дунёдаги барча буюк ОДАМларнинг бошига тушган кулфат, қисматини қуршаган мусибатлар — ўша улуғ зотларнинг маслак ва ҳақиқатларини халқу халойиқ тушуна олмаганлиги ёки англашга қодир эмаслигидан юзага келган. Шунинг учун Исо алайҳис-салом чормихга тортилган. Будда ташбўрон қилинган. Сукроти ҳақимга заҳар ичирилган. Қанчадан-қанча комил инсонларнинг умрлари ҳибсхоналарда чиритилган. Жамиятга сиғмаган ва жамият уларни фақат ўлимидан сўнг қабул қилган бундай улуғ кишиларнинг қалбида ўлимдан устун ва голиб сирли бир қудрат — илоҳий ишонч инсониятни ҳамиша ҳайратлантириб келган. Мансур Халложнинг шогирди Абдумалик Аскофнинг эслашича, ўлимидан анча муддат олдин Халлождан «Эй шайх, ориф кимдир?» деб сўрашганда у: «Ориф улдурки, уч юз тўққузда, зулқаъда сийнинг йигирма тўртида сешанба куни ани Бағдодда Бобутоққа элтгайлар ва аёғ-илкин кесгайлар ва кўзин ўйгайлар ва сарнигун дордин осқайлар ва танин куйдургайлар ва кулин кўкка совургайлар», деб жавоб берган экан. Бу — Халложнинг ўз қисмати ҳақидаги башорати эди. Чунки у айни шу тарихда, худди ўзи айтган шаклда ўлдирилгандир. Юнус Эмро бир шеърида:

Ошиқ ўлди дея салоҳ этарлар,  
Улган ҳайвон эрур, ошиқлар ўлмас, —

дейди. Бу гап Халложга ўхшаш Ҳақ ошиқлари тўғрисида айтилган. Шу боис унинг ўлими — боқий ҳаётининг ибтидосига айланганди. Мансур Халлож вафотидан сўнг у илгари сурган «Анал-Ҳақ»лик тушунчаси жуда кўп тасаввуф арбоблари ва Фаридуддин Аттор, Жалолид-

дин Румий, Аҳмад Яссавий сингари Шарқнинг ўнлаб буюк шоирлари томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. Халложнинг қисмати, ҳолу ҳолоти, кашфи кароматларидан баҳс этувчи ва «Анал-Ҳақ» тушунчаси талқинларига бағишланган насрий ва шеърӣ асарлар тасаввуф адабиётининг бағоят қизиқарли ва ўзига хос салмоққа эга бир қисмини ташкил қилади.

## II

«Бағдод ва унинг атрофида мулҳидлардан бир жамоатни кўрдимки, — дейди Хужвирий, — Халложга издошлик даъвоси ила унинг сўзларини ўзларининг зиндиқликлари учун далил қилиб кўрсатурлар ва ўзларига «Халложий» номини бермишларди». Бундай интилиш ва ҳаракатлар Мансур Халлож асарларини кенг ўқиб-ўрганиш ва унинг таълимотини оммага тўғри талқин қилиш имкониятларини янада чекларди. Шунинг учун Халлож ўлимидан кейин ҳам уни улуғлаш ва фикр-қарашларини очиқ-ойдин тарғиб қилишга эрк берилмаганлигини «Кашфул маҳжуб»даги «Бизнинг кунларимизда Шайх Абу Саид, Шайх Абу Қосим Журжоний ва Шайх Аббос Шакконий Халложга тегишли фикрларини яширин тутарлар. Халложнинг сўзларини ҳам тилга олмаслар», — деган қайдларидан билиш мумкиндир. Аммо вақт ўтган сайин тариқат асосчилари ва буюк тасаввуф шайхлари орасида Халложнинг «Анал-Ҳақ»чилик маслағига қизиқиш кучайса кучайганки, лекин су-саймаган. Бу ғоя, айниқса, тасаввуф адабиётининг етакчи ғояларидан бирига айланган.

Туркий адабиётда Мансур Халлож тақдирига қизиқишнинг кучайиши ва «Анал-Ҳақ»лик маслағининг кенг ўрин ишғол қилиши орифлар султони Хожа Аҳмад Яссавийнинг муборак номи ва ҳикматнавислик тажрибаси билан боғлиқ. Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»да Мансур Халлож ишқ ва содиқлик, ҳақиқат ва орифлик, руҳоний ҳуррият ва комилликнинг ҳақиқий тимсоли даражасига кўтарилган. Халложнинг «Анал-Ҳақ»лик «даъво»си ва фоже қисмати Яссавий учун ўздан кечиб, жондан кечиб Ҳақни деган ва Ҳаққа интилувчи Инсон қалби, имон ва эътиқод хусусида теран мушоҳада юритишга кенг имкон берган. Бу имкониятдан Яссавий ҳазратлари моҳирлик билан фойдалана олганлар. Шунинг учун ул зотнинг Халложга бағишланган ҳикматларида ишқ ва виждон шуъласи порлаб турибди.

Шунинг учун улардаги ҳар бир сўзда мутаассибликка кескин қаршилик бор, ҳар бир оҳангда диний хурофот ва зўравонликдан норозилик ҳиссиёти мавжланади.

Яссавий Халлож мафкурасидан хато ахтармайди, заррача бўлсин унга иштибоҳ билан ҳам қарамайди. Балки уни тўла қувватлайди. Унингча, Халложнинг «Анал-Ҳақ» — «Мен Худоман» дейиши, моҳият эътибори ила теран асосга эга. Зеро, у ошиқлик ва орифликда ўз йўлини топган ва гумроҳлик ҳамда гумроҳларни ортда қолдириб фанофиллоҳ сирини кашф эта олган:

Шоҳ Мансурни «Анал-Ҳақ»и бежо эмас,  
Йўлни тобқон, бизга ўхшаш гумроҳ эмас.  
Ҳар ножинслар бу сўзлардан огоҳ эмас,  
Огоҳ бўлиб, бўйи Худо олдим мано.

Аҳмад Яссавийнинг яна бир қанча ҳикматларида Мансурнинг дорга осилиши, «Муни кўриб халқи олам ибрат» олиши, унинг жасади куйдирилиб кулининг кўкка созурилиши, шу кулдан дарё ичра ташланганида, «Зимистонда дарё тошиб наъра» тортганлиги каби ҳодиса ва ҳолатлар талқин қилинган. Шундай ҳикматлардан яна бирида ўқиймиз:

Эсиз Мансур хорлиқ бирла бўлди адо,  
Бир сўз бирла ёронлардан бўлди жудо.  
Ҳоли дилин ҳеч ким билмас, Тангрим гувоҳ,  
Қонлар ютуб, мен ҳам гувоҳ бўлдум мано.

Хожа Али Рометаний «агар ер юзида Хожа Абдухалиқ фарзандларидин бири бўлса эрди, Мансур ҳаргиз дорга осилмас эди», деган эканлар. Бу фикрга ишониш мумкин. Чунки Халложнинг тавҳиддаги камолот ҳоли — фақат у юксалган қалб ва ҳол мақоми эмас эди. Шайх Шиблий Халлож ҳақида, «Улча ул деди мен ҳам дерман. Аммо мени телбалик қутқарди ва ани ақл гирифтор қилди», — дейди. Мансур Халлож Хожа Абдухалиқ Ғиждувоний таълимотидан хабардор бўлганида ёки хожাগон тариқатининг вакилларида бирортаси билан муносабат ўрнатганда Хожа Баҳоуддин Нақшбандга ўхшаб ўзи ўзининг халоскори бўла билиши эҳтимолдан йироқ эмас. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ёзади: «Нақл қилишларича, Ҳазрати Хожамиз (яъни Нақшбанд—И.Х.) айтган эканлар: «Талаб айёмларида Мансур Халлож сифати икки марта менда туғён қилди. Бир дор бор эди, икки марта ўзимни дор остига етказдим ва дедим:

«Жойинг мана шу дордир». Тангри инояти билан бу мақомдан ўтиб кета олдим».

Мансур Халлож ҳам бу мақомдан ўтиб кетса бўларди. Уни ўз даъвосидан кечишга ундаганлар ҳам қўп бўлган. Бироқ на устоди Усмон Маккийнинг қарғиши, на олиму уламоларнинг тушунтириш ва айблашлари, на қатл ҳукми — хуллас ҳеч нарса ва ҳеч бир куч уни бағоят ғаройиб эшитиладиган даъвосидан қайтара олмаганди. Биринчидан, Халлож тариқи шутторнинг<sup>1</sup> улуғ пешволаридан бўлиб, ўзининг сакр ҳолига мағлуб эди. Унинг қалбини касрат<sup>2</sup> туйғуси тўла тарк этган, у фақат том бир тавҳид ҳоли ила нафас оларди. У Мен ва Сенликни унутганди. Унинг дилида мажзублик<sup>3</sup> оташи ёнарди. У ишқни англашда ҳам, висолга интилишда ҳам ниҳоятда илгарилаб кетган, энди уни ортга қайтариш имкони қолмаганди. Ривоят борки, Мансур Халлож ҳибсда экан, бир куни Имом Шиблий унинг ёнига келиб: «Эй Мансур, севги-муҳаббат недур?» — деб сўрабди. «Бугун сўрама, эртага келгил», — дебди Мансур. Эртаси уни қатл этмоқ учун зиндондан чиқариб бир майдонга олиб борибдилар. Шу пайт унинг ёнига етиб келган Шиблийга у дебди: «Эй Шиблий, севги-муҳаббатнинг аввали ёнмоқ, охири дорга осилмоқдир». Балки Шарқ ошиқлари ва шоирлари ўртасида дорни севиш, ишқда аввал ёниб, кейин бошни дорга тикиш орзуси ана шу кундан бошлангандир. Машрабнинг «Минг «Анал-Ҳақ» келадур Мансур осилгон дордан», деган сўзлари ушбу даъвонинг бир исботи эмасми?

Аҳмад Яссавий ҳам ишқда ёнишни дор қувончи ила уйғунликда талқин этади. Ва масалани гўё янада кескинроқ, янада қатъий тарзда ўртага қўйиб дейди:

«Ло-ло» дегил, олам сени кофир десун,  
Кофур дебон Мансур сифат дорга оссун,  
Бошинг бергил, дийдорини Ҳақ кўрсатсун,  
Бошин берган Ҳақ дийдорин кўрар эрмиш.

Ошиқ Мансурнинг «Анал-Ҳақ»и хусусида мушоҳада юритганда Яссавий «ҳол» сўзини қайта-қайта тилга олади. «Ҳолдин айтиб, ошиқларга бердим маъно», «Ҳоли дилин ҳеч ким билмас, Тангрим гувоҳ» ва ҳ.к. Бундай мисраларда кўзда тутилган ҳол — сулук ҳоли. Зеро Ибн

<sup>1</sup> Ошиқлар йўли. Ишқ ва муҳаббат йўли.

<sup>2</sup> Кўнлик, ваҳдатнинг зидди.

<sup>3</sup> Жаавага берилиш.

Арабий таъкидлаганидек, «Солик мақомотда илм билан эмас, ҳол билан илгарилловчи кишидир». Маълумки, таъсаввуфда сайру сулик асфори арбаъ дея номланган тўрт босқичга ажратилган. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Сайри иллоллоҳ, яъни соликнинг ўзининг башарий вужудидан ҳақиқий вужудга ёки улухият мақомига сайр демак.

2. Сайри филлоҳ — маъруфий бир ҳаракатдурки, ас-мо ва сифотининг илмини орта қолдириб, «бақобиллоҳ» илмига эришмоқ эрур.

3. Сайри маоллоҳ — соликнинг ҳар васил бўлгани мартабада Аллоҳ билан бўладиган сайри. Унга «мартабаи айнаължам» ҳам дейилур.

4. Сайри аҳиллоҳ — Ҳақдан Ҳаққа қайтишдир. Бақо мақоми дейиладиган ушбу босқичда солик ваҳдатни касрат, касратни ваҳдат шаклида кўради. Тариқат тилида у тамкиндан кейин талвин ҳам дейилган. Халложнинг «Анал-Ҳақ» дейиши мана шу сайр босқичларини мукамал кечиб ўта олганлигининг инкор этиб бўлмас тасдиғидир. Шу маънода султони тариқат Шайх Абу-саид Абулхайрнинг Халлож «улви (олий) ҳолдадур ва анинг замонида машриқдан мағрибгача анингдек йўқ эрди», дейиши муболағасиз эътироф эди. Афсуски, Халлож ҳол ва «илҳом масаласида» қатл қилинганди. Бу «анга жавр эди». Чунки у руҳоний юксалиш ва висол шавқи ила «Анал-Ҳақ» деганди. Хужжатул ислом Имом Ғаззолий сўзлари билан шарҳлаганда, Халложнинг «назарида Аллоҳдан бошқа барча борлиқ фоний, йўқликка маҳкум ва ботил эди. Ҳақиқий борлиқ ёлғиз Аллоҳ — Ҳақ эди. Бу қадар юксак бир мартабага кўтарилган Халлож Аллоҳнинг ёлғиз бир исми бўлмиш Ҳақ — мавжуд калимасини билур, ҳатто ўзининг исмини ҳам хотирлай олмасди». Дарҳақиқат, ал-Ҳақ асмой ҳуснадан бири бўлиб, борлиғи доимо мавжуд, борлиғи ҳақиқий бўлган зотнинг исми эрур. Аллоҳ таолонинг зоти йўқликни қабул қилмагани сингари, ҳар турли зиддият ёки тафовутларни ҳам қабул этмайди. Ҳатто шу моҳиятга таяниб хулоса қилинадиган бўлса, Халлож на худолик, на пайғамбарлик даъвоси ила майдонга чиқмаган, балки «Мен доимий мавжудман, Ҳақнинг мавжудлиги абадий бўлганидек, фанофиллоҳ саодатига етишган ошиқнинг умри ҳам боқийдур», деган тушунчада устувор турган дейишга тўғри келади. Бугун биз нима демайлик, фожиа ва содир этилган жиноятнинг асил сабаби завқ

илми, яъни илми ҳолдан хабарсизлик жаҳолати бўлиб қолаверади. Ва Аҳмад Яссавийнинг:

Билмадилар муллолар «Анал-Ҳақ»ни маъносин,  
Қол аҳлига ҳол илмин Ҳақ кўрмади муносиб,—

деган танқид ва танбеҳ сўзлари ҳам ҳеч қачон кучини йўқотмай, халқу халойиқни ҳушёрлик ва руҳий бедорликка чорлашга давом этаверади.

### III

Биз юқорида Яссавийнинг «Ло-ло дегил, олам сени кофир десун...» мисраси билан бошланадиган ҳикматига диққатни жалб этган эдик. Лекин унда таъкидланган куфр масаласига ойдинлик киритилмади. Энди гап шу ҳақида. «Ло-ло», яъни «Ло илоҳа иллаллоҳ», демоқ — бу кофирликдан юз буриб исломга таслим бўлиш иқрори, янада аниқроғи, Аллоҳга шайдоликни эътироф айлаш демак. «Куфр» — Ҳақ сирини махфий тутмоқ, зоти илоҳийни пинҳон сақлаш сифатлари демак. Аммо Яссавий назарида тутган «кофир»лик мазмуни яна ҳам кенг бўлиб, тўғри маънода унинг кофирликка мутлақо алоқаси йўқ. Тариқатда «Солик кофир бўлмасдан мусулмон бўлмас», — деган ақида мавжуд бўлган. Ва бу «куфр» — тариқат куфри деб аталади. Тасаввуфда «фарқ» ва «жам» тушунчаси ҳам бор. «Фарқ» коинотдаги нарса ва борлиқларнинг кўплиги, хилма-хиллиги ҳамда уларнинг ўзаро фарқланишларини акс эттиради. «Жам» эса фарқ оламидаги бу кўплик, хилма-хиллик моҳият-эътибори билан борлиқнинг бирлиги — тоқлиқни акслантиради, деган моҳиятда қўлланилади. Тариқат куфри айти шу жам мартабасига асосланади. Бу тўғрида Имом Раббоний ёзади: «Тариқат куфри жам мартабасидан иборат эрур. Жам мартабаси эса бекиниш жойи, исломнинг гўзаллиги билан куфрнинг орасида имтиёз бўлмаслик мақомидир. Ҳатто ислом қандай гўзал кўрилса, куфр ҳам айти шаклда гўзал кўрилуру. Бири Ҳоди, бири Мудилл исмининг мазҳари номён бўлур... Ҳусайн бин Мансур Халлож шу куфрдан бундай хабар бермиш, шу куфр соҳиби бўлмиш ва шу куфрдан ўлмишдир:

Куфр эттим Аллоҳнинг динигаки, куфр вожибдур  
Манимча, аммо мусулмонларнинг наздинда қабиҳдур...»

Хуллас, куфр мақоми «жаҳл ва ҳайрат мақомидур. Аммо бу мақомнинг жаҳли гўзалдир, ҳайрати ҳам латифдир». Мана шу гўзаллик ва ҳайрат Яссавийни ҳам завқлантирган. Шунинг учун у «Мансуртек жондин кечиб, дорда қўнсам, Дор узра шавқланиб Ҳақни айтсам», деган орзуни баён этган. Шунинг учун Яссавий Аллоҳсевар ошиқларга Мансур Халложни қайта-қайта ибрат ва намуна қилиб кўрсатган:

Ошиқликнинг осон иши бош бермаклик,  
Мансур сифат ўздин кечиб жон бермаклик.

#### IV

«Анал-Ҳақ» демоқ кимга лойиқ? Маҳмуд Шабустарийнинг «Гулшани роз» номли машҳур асарида бу саволга атрофлича жавоб берилган. Шабустарий шарҳига кўра, «Анал-Ҳақ» — мутлақ борлиқнинг сирини кашф этмоқ. Ҳақдан ўзга нима ҳам «Анал-Ҳақ» дея олади. Оламнинг ҳамма зарроти Мансур янглиғдир. Хоҳлаган уларни маст десин, хоҳлаган махмур. Лекин улар Аллоҳни улуғлаб, мадҳ айлашда собит ва содиқдирлар. Модомики, холислик ва бехатарлик саҳросида иттифоқо бир дарахтдан «Анал-Ҳақ»ни эшитиш мумкин бўлганда, Мансур нега «Анал-Ҳақ» демаслиги керак? Зеро, Ҳақдан ўзга бир борлиқ мавжуд эмас. Иста, «У — Ҳақ» дегил, иста, «Анал-Ҳақ» деб айт:

Ману моу туу ў ҳаст як чиз,  
Ки дар ваҳдат набошад ҳеч тамийз.

Бу бирлик, яъни ваҳдат мақомига севган эмас, балки Аллоҳ томонидан севилган ошиқлар мушарраф бўлганлар. Бунда ошиқ зоҳир ва ботин иккилигидан мутлақо халос бўлиб Ҳам ва Аҳадият ҳолига соҳиб бўлади.

«Анал-Ҳақ» ғоясининг нисбатан оддий шеърӣ талқинига Юнус Эмро девонида дуч келиш мумкин. Юнус Эмронинг «Суратдан кеч — сифатга йўлда сафо бўларсан, Хаёлларда қолмағил — йўлдин маҳрум бўларсан», деб бошланадиган шеърӣда айтилишича, «Ҳақ шаҳри»нинг еттита эшиги мавжуд. Биринчи эшикда ошиқни таслим айлашга қасд қилган «бир кимса» тураркан. Иккинчи эшикда қўрқинч солувчи «икки арслон», учинчи эшикда ҳамлакор «уч аждаҳо», тўртинчи эшикда «тўрт пир», бешинчи эшикда «турли матолар сотувчи» «беш

## ХОЖА ОРИФ МОҲИТОВОН

Хожа Ориф Ревгарий Хожагон силсиласига мансуб валийлардан. Хожа Ориф тўғрисида Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳот ул-унс», Фахриддин Али Софийнинг «Рашаҳот», Абул Ваҳҳоб Шаронийнинг «Мадориж-ус соликин», Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи Бухоро», Шайх Жамолиддин Қозикумуҳлининг «Ал-адабал марзия фит-тариқати нақшбандия» ва яна бошқа бир қанча асарларида фикр ва маълумотлар ёзиб қолдирилган. Аксарият қадимий манбаларда Хожа Ориф «қутбул авлиё» — валийлар йўлбошчиси деб баҳоланган. Хожа Орифнинг наздида, валийликнинг энг муҳим аломати учтадир: биринчиси — ҳар қандай баланд мартаба ёки мавқега кўтарилганда ҳам камтарлик ва хокисорликка содиқ қолмоқ, иккинчиси — тавбаю тазарру ва парҳезкорликдан асло чекинмаслик, учинчиси инсофни куч, кучни инсоф деб билмоқ. Хожа Ориф валийларнинг сардори сифатида одамларни Аллоҳ дўстлиги ва муҳаббатига даъват этган, камтарлик, парҳезкорлик, инсоф ва ҳалоллик ҳиссиётлари оғушида умр кечиришга чорлаган.

Бу улуг зот Бухоронинг Шофиркон туманидаги Ревгар қишлоғида таваллуд топган. «Рашаҳот»да бу қишлоқ Бухоро шаҳридан олти фарсанг олисда деб кўрсатилган. Хожа Ориф юз йилдан ортиқ муддат давом этган файзу саховатли умрининг асосий қисмини шу қишлоқда ўтказганлар. Бир замонлар Вардонхудоғлар салтанати ҳукм сурган Шофиркон замини ўзининг бу солиҳ ва ҳаққа содиқ фарзандининг маърифий-руҳий камолотига доялик қилган. Тарихий маълумотларга кўра, Хожа Ориф ўрта бўйли, ой юзли, йирик кўзли, қошлари ҳилол янглиғ нозик, оқ-қизғиш тусли киши бўлган. Ва муборак вужудларидан доимо мушки анбар ҳидлари таралиб турган.

Хожа Ориф — Абдухолиқ Ғиждувонийнинг тўртинчи халифаси. У бир қанча муддат Ғиждувоний хизматида бўлиб, пирдан таҳсил олган.

Абдухолиқ Ғиждувонийнинг йўл ва таълим қоидалари «тариқатда ҳужжатдур» деб таи олинган.

Тасаввуфнинг моҳиятини баъзилар диннинг моҳиятига тенглаштирган бўлишса, бошқа бир тоифа уни даҳрийлик фалсафаси деб тушунишган. Илмда тасаввуф — диний-ахлоқий таълимот деган қараш ҳам илгари сурилган. Тасаввуфни илоҳий ишқ маслағи,

комиллик тариқига кирган инсоннинг яшаш тарзи ва Аллоҳпарастлик мафкураси деб тан олгувчилар кўпчиликини ташкил қилади. IX асрнинг бошларидан эътиборан сўфий, ориф ва дарвешлар ўзларининг ирфоний изланишлари ва руҳий интилишларини илм деб белгилашган. Жаноб пайғамбаримизнинг «Илм ўрганиш ҳар бир мусулмон учун фарздир», деган ўғитларига биноан, бошқа илм соҳа вакиллари қатори тасаввуф олимлари ҳам кашфу каромат илми ҳар бир мусулмон учун фарзи айндир, деган даъвонинг исботи учун курашганлар. Бу масалада бир-бирига қарама-қарши фикр-қарашлар ҳам ўртага қалқиб чиққан. Тариқат арбобларидан бирлари қулининг ҳоли ва Аллоҳ даргоҳидаги ўрнини билдирадиган илмни фарз десалар, иккинчи бирлари эса ихлос ва нафс офатларини англатадиган илмни, бошқалари малакдан келадиган илҳом билан шайтондан йўналган илҳомни ажратувчи илмнинг фарзлигини баён этганлар. Шу тарзда пайғамбар ҳадисидаги илм сўзига хусусий бир маъно юкланган. Аммо инсонни гафлат, разолат, нодонлик ва ақидапарастликдан озод айлайдиган бош аеос — нафсни таниш, нафсни билиш — Ҳақни таниш демак, деган қараш устунликка эришган ва қўллаб-қувватланган. Шунинг учун буюк озарбойжон шоири Насиймий:

Нафсни ҳар кимсаким таниди ул Ҳақни билур,  
Орифи раб ўлди ул ким, таниди, бўлди сабот,—

дейди. Шу маънода Хожа Ориф Абдухолиқ Гиждувоний муридларига дастур бўларли фикрларни айтганлар. Ва улар Алишер Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат» асари саҳифаларидан ҳам ўрин олган: «Хожа (яъни Гиждувоний — И. Ҳ.) ул зот шогирдларига Ҳақ йўлига кирган солик «китобуллоҳни ўнг илкига тутқой ва Расул суннатини сўл илкига ва бу икки ёруғлик оросида йўл сулук қилғай», дея сабоқ берганлар. Хожа Ориф устознинг бу ўғитларини бир умр эсдан чиқармаган ва у кишининг сайру сулук йўллари икки муқаддас нур — Қуръон ва пайғамбар суннатидан мунаввар эди. Хожа Орифнинг Қуръони каримга ишонч-эътиқоди ва муҳаббати чексиз эди. Қуръон ҳақиқатлари ва сирлари тўғрисида Хожа жуда кўп мушоҳада юритар, бу муқаддас китобнинг оятларини тафсиру талқин қилишдан асло толиқмасди. Шайх кексайиб, ёши етмишга яқинлашиб қолганда доимий мусоҳибларига бундай дегандир:

— Қуръонни билган — Аллоҳни билур. Аллоҳни севган — Қуръонни севур. Қуръон ва Аллоҳ севгиси эса Расули акрамга бўлган ишқни камолга етказур. Мен йигирма йилдан ортиқ муддат Қуръон ҳақиқатларини билиш ва ўзлаштиришга куч ва умр сарф этдим. Бу йиллар ҳаётимдаги энг саодатли, энг фароғатли ва фараҳбахш дамлар бўлганди. Лекин Қуръон завқини суриш менга орадан яна йигирма йил ўтгач nasib айлади. Шунин хотирдан фаромуш этмағайсизларким, бундоқ завқ — унсият ва муҳаббатдан пайдо бўлур. Унсият ҳам, муҳаббат ҳам давомли интилиш, узоқ заҳматлардан сўнг қўлга киритилур. Қуръони карим тиловати ила тоат-ибодат қилмоққа не етсун?

Хожа Орифнинг орифона сўз ва суҳбатларини тинглаш ғоятда мароқли, бағоят файзбахш эди. Шайх ҳеч вақт чалажон ё ўлик сўзларни тилга олмас, эшитувчини зериктирадиган бир маромда сўзламас, қалбга таъсир ўтказмайдиган фикрларни айтмасди. Унинг сўзларидан ҳамиша маърифат, заковат, ҳикмат саслари таралар, сокин ва қатъиятли овози мусоҳибларининг қалбини илоҳиёт дунёсига бошлаб кетарди. Шайх табиатан камгап, камсуқум. киши бўлиб, хилват ва зикрни жуда ёқтиргандир. У илм ва маърифатни кўз-кўз этишни саёзлик ва худпарастлик нишони деб билар, хусусан, бой-бадавлат кимсалар ҳузурида илму донишдан баҳс юритишга қарши эди. Унингча, «илм ва маърифатини дунёпараст ва бадавлатлар олдиға «дастурхон» этиш орифлик ахлоқига мутлақо зид саналарди. Хожа Ориф ўз суҳбатларида маърифат муаммоларига кенг тўхталар ва орифлик сирларини очишға кўп ҳаракат қиларди.

Ориф — Аллоҳни таниган, билган ва илоҳий маърифатдан мукаммал хабардор солиқ. Борлиқда фаний бўлиб, Ҳақнинг борлиғида тирик юрмоқ орзуси ила яшаши туфайли орифнинг ҳолатларида шошқинлик, бесаранжомлик, шикоят ва тангдиллик кўзга чалинмайди. Ориф мушоҳада юритаркан, Аллоҳнинг ҳаёт, илм, ирода, қудрат, калом сингари сифатларини теран идрок этиш ёки ўзлаштириш билан чекланмайди. Балки бутун коинот — борлиқ-оламнинг сир-асроридан ҳам чуқур огоҳликка етишади. Чин Орифнинг мақсад ва матлаби битта — Аллоҳдан бошқа ҳеч нимаға кўнгил боғламаслик, маъшуқи азалнинг маърифати ва висолидан ўзга ҳеч нарсаға талабгор бўлмаслик. Ориф охират завқи ва мукофоти учунмас, «вали-

лигин ишоратларини англамоқ» давомли ва сокин бир назар билан Тангри даргоҳига талпинади. Хожа Ориф томонидан нақл этилган бир неча ҳикоят ҳам худди шу моҳиятни исботлашга хизмат қилади. Мана, ўша ҳикоятлардан бири: Яҳё Розийнинг бир биродари бўлиб, у Маккага борибди-да, ўша ерда муқим қолибди. Орадан анча муддат ўтгач, у оғасига мактуб ёзиб дебди: «Менда уч армон бор эди. Иккитасига эришдим. Бири — умрим охирида шундай бир манзилга етсамки, ул жой барча ерга нисбатан муқаддас ва фазилатли бўлсин. Иккинчиси — бир ходима топайки, ҳаминша менга садоқат билан хизмат этсин... Иншооллоҳ, булар менга муяссар бўлди. Учунчиси — ўлимимдан олдин сенинг дийдорингни кўриб, кўнглим таскин топса. Лекин ҳануз ушбу учинчи муродим ушалмай турибди».

Яҳё Розий биродари мактубини олиб ўқигач, унга жавоб битибди: «Сенинг ҳар учала орзуйинг ҳам Ҳақдан йироқ бўлганлар орзусидир. Хатингда «фазилатли заминдаман» дебсан. Сен фазилатли одамлар қаторига қўшилмоққа ҳаракат қил, зеро фазилатли мард жойни азиз этар, жой мардни фазилатли қилмас. «Менга бир садоқатли ходимани. Худо берди», деб хушнуд бўлиб ўтирибсан. Агар сен мард бўлганингда эди, ҳаргиз бировнинг хизматини орзу ҳам ва қабул ҳам қилмас эдинг. Зеро, маҳдумлик — Ҳақ сифати ва аксинча ходимлик банда сифатидир. Бинобарин, бу орзуйинг ҳам ботилдир... Ва мени кўрмоқ орзуйингга келсак, агар сенинг юрагингдан Ҳақ таолонинг муҳаббати жой олган бўлса, ўзга киши учун у ерда жой йўқ. Ва агар сен Аллоҳ таоло муҳаббатини топган бўлсанг — унда мен ортиқчаман, агар топмаган бўлсанг — унда мендан фойда йўқ».

Яҳё Розийнинг мазкур сўzlари тўла равишда орифлик маслагини ифодалайди. Ориф — илоҳий файз одами. Орифнинг дили — илоҳий нур қайноғи. Шунинг учун Абу Туроб Нахшабий: «Ориф — ҳеч нимадан тийралашмайдиган, балки ҳамма нарса ундан равшанлашадиган зотдир», — деган эди.

Тариқат арбобларининг диний-тасаввуфий маслаклариди зикр жуда муҳим ўрин ишғол қилади. Бу ҳол Хожа Орифга ҳам тегишли.

«Сўфиёни Саври раҳматуллоҳи алайҳи бир кеча Фақил ёнига борди, — деб ҳикоя қилади Хожа Ориф. — У оят, ахбор ва осорлардан гапирди. Пировардида Сўфиён деди: «Бу кеча не қадар файзли ва муборак

бўлди». Фақил деди: «Бу кеча ва суҳбат нақадар бе-  
маза бўлди». Сўфиён деди: «Нега бундай дерсан?»  
Деди: «Зеро сен бу кеча фақат манзур бўлгулик бир  
фикр айтмоққа, мен ҳам сенинг дилингни хушнуд этув-  
чи суҳан демоқ ила машғул бўлдик. Ваҳоланки, ҳар  
иккаламиз ҳам Аллоҳ таоло зикридан Мосуво бўлдик».

Зикр — сўзлаш, баён қилиш, хотирлаш, ёд айлаш,  
хотирадагини унутмаслик — маъноларидаги арабча  
калима бўлиб, тасаввуфда гафлат ва нисён — эсдан  
чиқаришнинг зидди ўрнида татбиқ қилинган. Тадқи-  
қотчиларнинг аниқлашларича, Қуръони каримда икки  
юз эллик тўрт маротаба «зикр» сўзи ишлатилган экан.  
Тасаввуф тариқатларидаги зикр жараёни Аллоҳ ки-  
тобидаги: «Эй мўминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинг-  
лар» (Азҳоб, 41), «Аллоҳни кўп зикр қилингларки,  
шояд нажот топурсизлар» (Жумъа, 10) каби оятлар  
таъсирида шаклланган ва ривож топган.

Тасаввуфда зикр икки қисмга ажратилган: бири —  
«зикри омма», иккинчиси — «зикри хос». Зикри омма  
савобга эришмоқ мақсадида амалга оширилиб, унда  
зикр қилувчининг табиатидан ёмон хислатлар, айтай-  
лик, кибр, манманлик, ғазаб, қаҳр, макр кабилар бу-  
тунлай барҳам топмаган бўлади. Хосларнинг зикри эса  
бунинг акси: унда зокир Аллоҳнинг гўзал исмларини  
хотирлаш орқали нафсини тўла таслим айлайди. Қалб  
хузур топиб, маърифати илоҳ ва дунё гўзалликларини  
чуқур ҳис қилишга кенг йўл очади. Шу тариқа руҳ-  
ний ҳаёт сирлари кашф этилади. Хожа Орифнинг юқо-  
рида келтирилган ҳикоятни нақл қилишдан кўзлаган  
бир мақсади ҳам зикри хосни тарғиб ва ташвиқ қил-  
моқ бўлган. Чунки Хожа Ориф зикруллоҳни тариқат-  
даги барча мақомларнинг пойдевори ва тасаввуфий  
ахлоқнинг ҳуснини очадиган зиё манбаи деб қараган-  
лар. Умуман, зикрга бугунги кун нуқтан назари бил-  
ан муносабат билдирилганда, тариқат пирларининг  
зикрнинг фойдалари ҳақидаги қарашларига ҳам бе-  
фарқ бўлмаслик керак. Чунки улар зикр — шайтонни  
қувар, қалбни ғам-ғуссалардан халос айлар, кўнгилда  
шодлик, кенглик ва поклик ҳосил қилар, хулқни гўзал-  
лаштирар, тафаккур ва маърифатни юксалтирар, хато  
ва гуноҳларнинг илдизини қуритар, деган ишонч-  
дан сира чекинмаганлар.

«Фойдали бўладиган зикр, — дейди Имом Ғаззолий,  
— давомли ва қалб хузур ила бўладиган зикр эрур.  
Зокир Аллоҳ ила унсият пайдо этиб, қалбида Аллоҳ-

га муҳаббат ҳосил бўлгунга қадар бироз заҳмат чекар. Сўнгра эса уни хотирламаса тура олмайдиган ҳолга келур...»

Маълумки, Хожа Орифнинг устозлари Абдухолик Гиждувоний зикри хуфия — яширин зикр, яъни кўнгил зикрига риоя қилганлар. Хожа Ориф устозларига издош бўлиб, умрларининг охириги йилларигача зикри хуфияни тарк этмаганлар. Аммо вафотларидан олдин зикри алоний — овоз чиқариб зикр айлаш, яъни ошқора зикрга ҳам рағбат кўрсатганлар. Бу хусусда турк тасаввуфшуноси Маҳмед Зоҳид Кутку бундай ёзади: «Хожа Ориф Ревгарий туркий қавмли валийларнинг улуғларидан эди. Илм, ҳилм, зуҳд, тақво, риёзат, ибодат, камолот касб этиб ва суннати сонияга тўла риоя этарди... Иртиқоли пайтларида сархалифаси Маҳмуд Фағнавийга (алоний зикрни) таълим беришлар ва бу ҳол шундай бир завқ, шундай шавқи маънавийга мунжар бўлмишки, ўзларидан сўнгра солиқларнинг мажлисларида жам бўлишиб, алоний зикр қилиб, кўпчиликнинг истифода ва истифозасига имкон очилиб зикр завқи халққа етказилмишдир».

Орадан анча муддат кечгач, замондош олимлари Маҳмуд Анжир Фағнавийдан нима учун йиғилишиб мажлисларда зикри жаҳр қилишларини сўрашганда буюк пири сабоқларига асосланиб, «Ғофиллар уйғонурлар ва огоҳ бўлурлар. Тариқи Ҳаққа мутаважжих бўлина олур. Истиқомат ила шариятга ва тариқатга қирар, тавба ва тоатга юз буриб ҳақиқатга етишурлар. Зеро, зикр хайрларнинг жавҳари, саодатнинг бошланғичидир. Зикр очиқ-ошкор ўлсинки, халқ баҳра топсин. Аллоҳни зикр айлаган кишига мусалламдирки тили ёлғон ва ғийбатдан, ҳалқуми ҳаром ва шубҳадан, кўзи хиёнатдан, кўнгли риё ва шумликдан, қалби мосиводан пок бўлсин!» — деган экан. Мана, зикр деганда қанча фикр ва ҳақиқатларни ёдга келтириш лозим.

Шарқнинг кўпчилик орифу валийларига ўхшаб Хожа Ориф Моҳитобон бобомиз ҳам мушоҳада ва муроқабанинг буюк ғамхўри ва жонкуяри бўлганлар.

«Имони комил мўмин улдурки, пулу давлатдан юз ўгирсин, рангин либослар ва нозу неъматлар уни ўзига мафтун этмасин, — дейдилар Хожа Ориф, — катта нафс гадосига айланмасин. Ва у буларга зулм этиб, ҳақорат назари билан қарасин. Унинг нафси саркашлик ва хурсандлик этмасин, рўзгор ташвишларидан малул бўлмасин. Ва яхши кун ҳам, ёмон кун ҳам унга

баробар моҳият касб этсин». Бундай ҳолга эришиш — донишмандликнинг баланд чуққиларини эгаллаш демак.

Мавриди келганда бир нарсани шарҳлаб ўтайлик. Бизда тасаввуфий маслак — мол-мулк ва бойликка қарши, тасаввуф одамларни фақирлик, қашшоқлик ва юпунликка чорлайди, деган нотўғри бир қараш яшаб келади. Хожа Орифнинг юқоридаги гаплари ҳам шундай мулоҳазаларга сабаб бўлмоғи мумкин. Одам бу ўткинчи дунёга бой бўлмоқ, бойлик ичида фарқ бўлиб яшамоқ ёки қашшоқлик, йўқчилик қўлида қуриб-қақшаб кун ўтказмоқ учун келмайди. У Одам бўлмоқ, ақл, маърифат, тафаккур орқали ўзлигини билиб, Раббисининг ҳузурига пок ва ёруғ юз билан қайтмоқ учун туғилади. Шу маънода моддий бойлик инсоннинг илоҳий моҳиятидан хориждаги бир нарса бўлганидек, камбағаллик ва йўқсиллик ҳам ўша моҳиятдан ташқаридаги нарсадир. Масалан, биров миллионер дейлик. Ўз-ўзича ўша миллион сўмнинг нима ёмонлиги бор? Ҳеч ёмонлиги йўқ. Ёмонлик пулга, бойликка ҳирс қўйишдан, унинг қимматини нотўғри баҳолашдан ёки бойликнинг туб моҳиятини тўғри тушунмасликдан юзага чиқади. Нақл борки, Тангри Имом Ғаззолийга: «Сен ҳар кун дунё аҳлини қоралайсан. Халқнинг бир-бирлари билан алоқаларини ҳам тўхтатишга интиласан. Ўзингнинг оғилда шунча от ва хачирларинг бор, оғилхонангнинг миҳи олтиндан. Яна қанчадан-қанча мол-мулкнинг бор. Шундай бўлгач, ул сўзларинг нимаси?» деганда, Ғаззолий: «Мен оғилхонанинг миҳини лойга қоққанман, дилга эмас», деб жавоб берган экан. Демак, ҳамма гап дунёнинг ҳеч қандай зоҳирий бойлигини кўнгилга яқинлаштирмаслик ва дилдан уларга меҳр боғламасликда. Тасаввуфдаги фақрлик ташвиқотини худди шу маънода тушунмоқ керак. Зеро, мутлақ ҳақиқатдан йироқ, ундан ажралган орзуо аъмол одамни тафаккур ҳурриятдан йироқлаштиради. Хожа Ориф: «Ул қушки, бўйнида оғир юк осифлиқ экан, бас, қандоқ кўкка парвоз айласун? Солиқким бу дунёга дилбандлиги бисёрдур, илоҳий парвоз қилолмас ва талаб водийсига қадам қўйолмас», — деганда нақадар ҳақ бўлганлар.

Ривоят қилинишича, Луқмони ҳаким кўп пайт ёлғиз ўтирар ва узоқ-узоқ фикрга бериларкан. Дўстлари унга: «Нечун бунча ёлғиз ўтиурсен? Жамоатга аралашиб, улар билан ҳамсуҳбат бўлганинг яхши

«масми?» деганларида, у: «Ёлғизлик фикрламоқ учун беҳад ўнғайдир...», деганмиш. Абдулвоҳид бинини Зайд эса бир кун узлатга чекинган соликка дуч келиб ушга: «Бу танҳолигиндан ажабланаётирман», деганда у: «Агар ёлғизликнинг завқига етсайдинг, ўзинг ўзингдан безиб ваҳшат туярдинг. Ахир, ёлғизлик ибодатнинг ибтидоси-ку»,—дебди. Хилват—холи жой, танҳолик, ҳеч нимага боғланмаслик, дунёнинг хилма-хил нарсаларидан фориглик демак. Тасаввуфда эса шайх раҳнамолиги ва кўрсатмаларига биноан муриднинг махсус бир гўшада бекиниб Ҳақ билан руҳий алоқа ўрнатиши англашилади. Қамида қирқ кун давом қиладиган бу жа-раёнга «чилла» ёки «арбаин чиқармоқ» дейилган. Хилват ва узлат масаласидаги замонавий фикр-қарашлар ҳам жуда саёз ва ғалатдир. Дин ва тасаввуф ҳеч қачон бутун ҳаётни хилватда ўтказишни тарғиб этмаган. Узлат— ҳаётдан қочиш, турмушдан ажралиш, одамлардан безиш эҳтиёжмас, балки маълум муддат «касби камол ва сайри жамол» айлагач, руҳий шавқ ва камолот ила яна фаолиятда бўлмоқдир. Хилват шарти бўйича инсон танҳолик гўшасига беркинаркан, у: «Бошқалар менинг ёмонлик ва гуноҳимдан халос бўлсинлар», дея ният қилмоғи шарт саналган. Бунинг аксини ўйлаб, «Мен одамларнинг шарорат ва гуноҳларидан эмин бўлурман», деган фикрда бўлса, у кибру ҳавога йўл қўйган саналади. Хилватдан кўзда тутилган асосий муддао ва хилватнинг фойдалари ҳақида жуда кўп мулоҳазалар айтилган. Лекин ҳамма олим-алломалар ҳам узлатнинг афзаллигини ёқламаганлар.

Хожа Ориф ёши улғайган сайин илоҳий хаёлларга чўмиб давомли тарзда сукут сақлашни жуда хуш кўрадиган бўлганди. Муридлари билан сукут «тили»да сўзлашувда, сукут йўли билан кўнгилдагини бошқаларга етказишда шайх маҳорат касб айлаганди. Вужуди руҳоний қувватга тўлиқ ул хоксор зот, сукут орифлар учун хос фазилат ва сукутнинг таъсири гоҳо каломдан ортиқлигини теран англаганди. Узоқ умри мобайнида у қанчадан-қанча сўзга чечан, қанчадан-қанча сергаи ва эзма кимсаларга дуч келмади?

Бироқ улардан ҳеч бировига ҳатто ишорат тили билан ҳам танбеҳ бермади. Сукут— тинган ва покланган дил ҳолати. Айни шу ҳолатда ҳайрат пардалари очилғай. Сукут— дилнинг дил билан сўзлашуви. Сукут— бу борлиқнинг тили. Сукутда борлиқ— жаҳонни

тинглаш мумкин. Хожанинг сукут борасида ўзи суйган ва такрор-такрор эслайдиган ривояту ҳикоятлари бор эди: кунлардан бир кун Луқмони ҳаким Довуд алай-ҳиссаломнинг ҳузурига ташриф буюрибди. Кўрсаки, ул зотнинг қўлларида темир парчалари мум янглиғ юмшаб, исталгандек кичик-кичик ҳалқалар шаклида бирига уланмоқда экан. Ҳеч дуч келмагани бу санъатдан таажжубланган Луқмони ҳаким ўша ҳалқалардан нима ҳосил бўлишини ҳазрати Довуддан сўрамоқчи бўлибдию, аммо кўнглидаги ҳикмат буни сўрашга монелик этибди. Иш тугалланиб ҳалқалардан «тўқилган» нарсани Довуд кийгач: «Бу зирҳ инсон учун муҳораба асносида метин бир қалъа эрур», — дебди. Шунда Луқмони ҳаким унга: «Менинг сукутимга не дерсанки, унинг нималигини мен сендан сўрамадим?» деганида у: «Сукут бир ҳикматдурки, унинг соҳиби оздир. Сукут тил ва жон учун бағоят мукаммал бир қалъа ҳисобланади», — дея жавоб қайтарган экан. Хожа Ориф негадир сукутда чин ориф фаришталарга ҳам устозлик қила олади деб, ўйлар ва кўп еб, кўп ухлайдиганлар сингари кўп вайсайдиганларнинг ҳам жонларида бир хасталик борлигига инонади. Унингча, жондаги хасталикнинг шифоси ҳикмат ва маърифат эди. Ҳа, орифликдан юзага келган сукут одамни ўзига тобе айлайди. Бироқ одам бу сукутни тобе қила олмайди. Шунинг учун ориф сукутни эмас, сукут орифни бошқаради. Буни англаш ҳам яна бир ҳикмат.

Халқимизда «Ҳалоли — ҳисоб, ҳароми — азоб», деган қадимий бир мақол бор. Шу ҳикматнинг мағзини чаққан киши — тасаввуфий ахлоқнинг жуда кўп сир ва фазилатларини кашф қила олади. Диний-тасаввуфий маслакка кўра, дунёда битта қўрқув бор: бу — Худодан қўрқув. Хожа Ориф ҳам: «Албатта, қўрқув — фақат Аллоҳ таолодан бўлмоғи лозим», — дейдилар. Ва шундай ҳикояни нақл қилдилар. Абу Туроб Нахшабий деди: «Қоронғу тунда бир саҳродан ўтар эдим, баногоҳ отлиқ бир киши пайдо бўлди. Қўрқиб кетдим ва сўрадим: «Сен девми ёки пари?» Отлиқ деди: «Ўзинг-чи: мусулмонми ё кофир?» Дедим: «Мусулмонман». Деди: «Мусулмон Аллоҳ таолодан бошқэ зотдан қўрқмайди-ку? Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам дейдиларки, Аллоҳ таолодан қўрққан кишидан ҳамма нарса қўрқади». Хавф танамни тарк этди ва билдимки, у Ҳақ Субҳонаҳу тарафидан юборилган киши экан».

Ҳаром билан ҳалолни фарқламаган, ҳаромга ўрганган одам ҳамма нарсадан қўрқиши мумкин, аммо Худодан қўрқмайди. Бу исботини топган ҳодисалардан бўлганлиги учун ҳам Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий: «Ҳалол луқма емаганларнинг ичида, Аллоҳ қўрқуви бўлмас», — дегандир. Одам одамдан қўрқса — улар бир-бирдан йироқлашади ёки қай бирининг бағрида нафрат ва ғазаб қўзғалади. Илоҳий қўрқувдан эса қалб покланади ва Аллоҳга муҳаббат кучаяди. Инсон ҳаётидаги кўп азоб, кўп кулфат ва ҳасратлар ҳаромдан парҳез қилмасликдан туғилиши туфайли динда ҳам, тасаввуфда ҳам бу тўғрида ниҳоятда чуқур ва кенг мубоҳаса юритилган. Пайғамбаримизнинг кўрсатмалари бўйича: «Ҳалол билан ҳаром бор нарсадир. Аммо иккаласини бир-бирдан фарқлашда ноаниқликлар мавжуд. Одамларнинг кўплари уларни билмаслар (ҳалол ё ҳаром эканини). Шунинг учун кимки шубҳали нарсалардан ўзини тийгайдир, динини камчиликлардан, обрўини таънадан сақлағайдир ва кимки шубҳали нарсалардан тийилмайдир, у бировнинг экини чеккасидаги қўй боқаётган чўпонга ўхшайдир. Унинг қўйларини экинга тушириш эҳтимоли бордир». Пайғамбар таъкидлари бўйича, Аллоҳнинг заминдаги чегараси ҳаром қилинган нарсалардир. Ёлғон ва алдов, хушомад ва тилёгламалик, тамаъ ва мунофиқлик билан эришилган ҳар қандай манфаат ё даромад ҳаромдир. Бундай манфаат ва даромад инсоннинг ахлоқий қуввати ва ички хотиржамлигига ёмон таъсир ўтказади. Бу дунёда ҳамма нарсанинг ўз ҳаракат тарзи бўлганидек, ҳалол ва ҳаромнинг ҳам ўз ҳаракат тарзи бор. Ҳалолнинг қадами сокин, у оҳиста ва оҳисталик билан келади, ҳаром эса ҳаддан ташқари югурик, у тўфонга ўхшаб ёпирилиб келади ва тўфон янглиғ ҳамма нарсани барбод қилади. Ҳалол туйғуси шаклланган шахс ҳеч қачон бировнинг ҳақини емайди, ҳеч пайт тамаъгирлик этмайди, ҳеч вақт эл-юртнинг кўзига хас ташламайди. Чунки у, энг аввало, Аллоҳдан қўрқади. Ҳаромдан руҳ тийралашиб, гурур шикаст топишини яхши фаҳмлайди.

Хожа Ориф ҳам ҳаром емагани, ҳаром ичмагани, ҳаром демагани учун ҳам қутбул авлиё мартабасига етган. Шайх: «Сизга Аллоҳ таоло қай бандадан рози бўлишини айтайми? Ул кишиким, меҳнатдан келган неъматга шукрона қилур», — деганда ҳалол луқма

хосияти, ҳалол луқмадан пайдо бўлажак маърифат ва илоҳий шукуҳга урғу бергандир.

Хожа Орифни нега Моҳитобон дейишган? Чунки у кишининг кўнгил миъроти Ҳаққа айланган. Хожанинг руҳониятига басират нигоҳи ила қарай олганлар унда Аллоҳ тажаллийсини кўра билганлар. Халлоқи олам сифотининг зуҳрини идрок этганлар. Шунингдек, у кишининг юксак табиати ва гўзал ахлоқидан ой нурига ўхшаш бир нур таралиб турган. «Ақл тўрт турли нурдан майдонга келмишдир: булардан биринчиси — ой нури, иккинчиси — қуёш нури, учинчиси — сидратул мунтаҳо нури, тўртинчиси — арш нури», — дейди Ҳожи Бектоши Вали. Бу гап қанчалик тўғри ё нотўғри — қатъий бир нарса дейиш қийин. Лекин Хожа Ориф тоифасидаги сиймоларнинг ақлу идрокида шу нурларнинг бирлашмаганига инонмоқ қийин, албатта.

Агар биз кучли миллат ва келажаги буюк деб белгиланган давлатнинг комил фарзанди бўлишни истасак, ақл ва ахлоқ, маърифат ва руҳоният кучига таянмоғимиз шарт. Моддий бойлик жуда керак, жуда зарур ҳам. Лекин моддий бойликка майл, ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда маънавий бойликка иштиёқ устидан ҳокимликка эришмаслиги лозим. Жамиятда мунаввар ва мусаффо бир руҳий иқлим ғолиб келмаса, кишиларнинг онгини қоронғилик, кўнглини қаҳр ва қўполлик, хулқини ожизлик ва забунлик қуршаб олиши шубҳасиздир. Бу ҳолатда тариқат ҳақиқатлари ва тариқат пирларининг мақсадларидан баҳс юритиш ҳам бефойдадир.

Руҳоний ҳаёт дегани — бирор бир моддий нарсага эришиш ёки нафс талабларини қондиришмас. Руҳ ва руҳоний ҳаётнинг моҳиятини чуқур идрок қилиш, руҳ завқи, руҳ қувончи ила яшаш. Руҳоний ҳаёт Навоий бобомизнинг:

Руҳ раҳмони эрур, нафс эрур шайтони,  
Иккисин бир-бирига қўшмоқ эмастур маршрут.

деган сўзларини сабру тоқат, маърифату заковат билан амалда исботлашдир. Тасаввуфий тасаввурга кўра, авом ва жоҳилларнинг руҳи бўри сувратида бўлиб, бўрига ўхшаб ҳаракат қиларкан, маърифат соҳибларининг руҳи жувон шаклида, комил инсонларнинг руҳи бағоят мунаввар ва безавол латиф куч тарзида намоен бўлармиш. Эҳтимол, мана шунинг учун Хожа Аҳмад Яссавийнинг муборак номини таҳқирлаб, ҳатто

тарих саҳифасидан суриб ташламоқчи бўлганлар сул-  
тонул орифиннинг руҳлари қаршисида ҳамиша кучсиз  
ва ожиз қолгандирлар. Нажмиддин Кубронинг мўғул  
куффорлари мағлуб айлай олмаган шавкатли ва ши-  
жоатли руҳи ўзбек халқини қуллик ва манқуртликнинг  
қанчадан-қанча офатларидан муҳофаза қилганлигига  
шак келтириш мумкинми? Баҳоуддин Нақшбанднинг  
руҳи поклари балогардон бўлмаганида Ҳақ ва ҳақиқат,  
дин ва маърифат йўлига чиқишимиз ниҳоятда қийин  
кечарди.

Шўро тузуми даврида тасаввуф тарихи ва таълимо-  
ти кенг ва изчил тадқиқ этилмагани учун тариқат ва-  
киллари фаолиятларини баҳолашда ҳамон чекланган-  
лик ва хато фикрлар кўзга ташланади. Ҳолбуки, ҳақи-  
қий ориф, сўфий ва дарвешлар ватан ва халқ тақдири-  
га бефарқ бўлмаганлар. Уларнинг ҳаммасига ҳам  
ҳаётдан ажралган бир гўшанишин, ўзининг ботиний ҳу-  
зур-ҳаловатига банди бўлиб қолиб, элу улус ғам-таш-  
вишларидан йироқланган кишилар деб қарамаслик  
керак. Қалбни покламоқ, Ирфон соҳиби бўлмоқ, одам-  
ларга меҳру вафо кўрсатмоқ, вақтни ғанимат билмоқ,  
беҳуда кечган ҳар бир дақиқа учун афсусланмоқ, та-  
маъ домига тушмаслик — булар тасаввуфий ахлоқнинг  
мажбуриятлари эди.

Имом Ғаззолийнинг таъкидлашича, Муҳаммад алай-  
ҳиссаломнинг бошқа пайғамбарлардан устунлигининг  
бир ҳикмати, «дин ва дунё ишларини ўз қўлида бир-  
лаштиргани эди. Аллоҳу таоло Расули акрам ила инсон-  
ларни ҳам дин, ҳам дунёларидаги салоҳларини камол-  
га эриштирмишдир. Ундан бошқа ҳеч бир пайғамбарга  
ҳар икки вазифа бирданига берилган эмас». Шунинг  
учун ислом тариқатларида ҳам дин ва маърифат иш-  
лари, дунё ишлари ва дунёвий тараққиёт ҳаракатлари-  
дан ажратилмагандир. Хожа Орифдан мерос қолган  
энг зўр сабоқ ҳам ана шу.

1996 йил.

## ТИМСОЛ ВА МОҲИЯТ

Тасаввуф шеърлятида татбиқ этилган ифода воситалари — ташбиҳ, истиора, рамз ва таъбирлар шеърнинг ғоявий-бадий таркибини очишга хизмат қиладиган ёки ёрдам берадиган «белги» — «кўрсаткич» вазифасини бажаради. Шунга кўра улар асл маъносида шеърхонга деярли янгилик бермайди. Бунинг бир сабаби, тасаввуфий шеърларда янгилик, зоҳириймас, ботиний эканлиги билан изоҳланса, иккинчи сабаб, уларда мажознинг ҳал қилувчи вазифани бажаришидир. Мажознинг моҳиятини тўғри очиш ва аниқ тушунтириш осон иш эмас. Мажоз — кўринмайдиган нарсаларни кўрсата билиш, белги ва тимсоллар воситасида мавҳум ёхуд сирли туйилган ҳақиқатларни сувратлантириш санъати. Шунинг учун ҳам И. Қант мажозни «Яратувчи хаёл кучи»нинг маҳсули деб таърифлаган.

Мажозий образлар устунлик қилган шеърларда, ҳатто шоирнинг ўзи кўзлаган ёки ўйлаганидан ҳам анча кўп ва кенг мазмун аксини топади. Бу хусусият, айниқса, тасаввуфий шеърлар учун жуда характерли. «Билгилки, бутун олам—Аллоҳ нурининг зуҳурланиши эрур. Ҳақнинг кўринмаслиги шу нурда яширин эканлигидадир», — дейди Маҳмуд Шабустарий. «Ҳикмат ал-ишроқ» муаллифи Сухравардийга кўра, дунёдаги ҳамма нарса ана шу нурдан яралган, борлиқнинг энг олий интизоми, ҳаётий қуввати ва гўзаллигининг туб манбаи ўша нурда ҳамда ўша нурдандир. Ваҳдат ҳам аслида оламни чулғаган нури илоҳийнинг иймонда акс этиши. Нурда касрат белгиси йўқ-у ҳақиқий Бирлик тимсоли. Тасаввуфда ошиқлик йўли — шу нурга восил бўлмак ва риёзат, нафс тарбияси ва ахлоқ комиллиги билан ботинда уни кўпайтирмақ демак. «Ахлоқ камолга етганда илоҳий нур ҳафиф ва пинҳона тарзда ора-сира порлай бошлайди, сўнгра тўла вусул, яъни етишиш келади», — дейди Ибн Сино. Аҳмад Яссавий ҳикматларида ҳам «нур» асосий тимсоллардан («Чин ошиқлар куйган сари пурпур бўлғай, «Дийдор кўрай деган қуллар бедор бўлур... Ичи-таши андор қулни нурга тўлур», «Тажаллийни мақомидур ажаб мақом, Ул мақомда ошиқ қуллар жавлон қилур» ва ҳ.к.).

Яссавий тўла вусулни «нурга тўлмоқ», «ичга нурни тўлдирмоқ», «нурга ботмоқ» каби иборалар орқали акс эттирган. У ишқ камолотини ҳам «нур»да англаб, дейди:

Аллоҳ дебон ичга нурни тўлдирмасанг,  
Валлоҳ-биллоҳ, сенда ишқни нишони йўқ.

«Девони ҳикмат»да Аллоҳ тимсоли сифатида «анвор», «қуёш», «хуршид» атамаларидан ҳам унумли фойдаланилган.

Шарқ сўфий ва мутасаввифлари Муҳаммад пайгамбарни «илк нур, сўнг пайгамбар» деб таърифлаганлар. Улар эътиқодларига кўра, агар Ҳазрат Муҳаммад бўлмаганда эди, борлиқ вужудга келмасди. Чунки ул зот борлиқнинг илк нури ва илк зуҳури. Аллоҳнинг ўзи ҳам дастлаб пайдо этгани ана шу нурга ошиқ бўлган ва Одам Атодан бошлаб ҳамма пайгамбарлар томонидан бу нурнинг завқи ва моҳияти идрок этилгандир. Бу хусусда Яссавий:

Бул жаҳонга Муҳаммадни нури тўлди,  
Ул нур билан икки жаҳон ёрур эрмиш, —

дейди. Пайгамбар бу дунёни тарк этганда ҳам оламда яна шу нур тўлиб-тошган:

Осмондаги фаришталар ерга инди,  
Пайгамбарни нури билан олам тўлди.

Сайру сулукка кирган сўфий, дарвеш ёки ошиқ етишган мақомга қараб нури Муҳаммадни турли шакл ва даражаларда зуҳурланишини кўра олган. Шундай мақомлардан бири ва энг муҳими «туфроғ бўлмоқ»дир. Аҳмад Яссавий бир мисрасида:

Туфроқ бўлғил, олам сани босиб ўтсин, —

дейди. Бу сатр Яссавий мафқурасини кескин таҳқирлаш ва муаллифига кўп маломатлар ёғдирилишига сабаб бўлган. Юзаки қаралганда, яссавийшуносларнинг танқид ва таъналарига асос борга ўхшайди. Дарҳақиқат, инсон нега «Туфроқ» бўлмоғи, бу ҳам етмаганидек, «олам»нинг оёғи остида нега босилиб ётиши керак?

Ҳозирги замон ўқувчиси, хусусан, тасаввуф ҳақиқатларидан беҳабар шеърхонда шундай эътироз туғилиши табиий. Негаки, у «туфроқ» сўзини ўз мазмунида ёки ўлиб ерга қоришиш маъносида қабул қилади.

«Авесто»да ер-тупроқни қизни севгандай севиш кераклиги нақл қилинади. Аҳмад Яссавийнинг «Туфроқ бўлғил» деган даъватида ҳам ишқ бор. Лекин у тасаввуфий бир ҳақиқатни бағрига олган илоҳий ишқдир.

Нақл этилишича, Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Одамни йўқликдан борлиқ оламида пайдо қилмоқчи бўлиб, шундай нидо қилибди:

— Мен бир мавжудот яратмоқчиманки, у ҳузуримдаги энг яқинларимдан бўлади, яна унинг зурриётидан бандалар яратажакманки, улар мени дўст тутадилар... Шунда Арш, Курси, Осмон «бундай бандани мендан яратгил» деб бирин-кетин Аллоҳга мурожаат этишибди. Ер эса сукут сақлаб тураверибди. Аллоҳ ундан: «Эй Ер, Одам алайҳиссалом сендан яратилишини нега орзу қилмайсан?» — дея сўраганида, у дебди: «Эй илоҳим, сен ўзинг доносан, биносан. (кўриб турувчи), Аршинг ўзининг улканлиги билан ноз қилади, осмон юлдузлари билан мақтанади, мен эса барча мажудотларнинг оёғи остидаман, мен шунчалик заиф ва бечора бўла туриб, шундай улуғ ҳилқатни қандай қилиб ўзимга раво кўрай?» «Эй Ер, — дебди Худо, — сен шунчалик ожиз ва шикасталик изҳор қилдинг, мен дўсти ҳабибимни сендан яратажакман». Хуллас, фаришталарнинг эътирозлари ва қаршилигига қарамай Зул-Жалол Одамни яратиш учун Жаброилга ердан бир ҳовуч тупроқ олиб келишни буюрибди. Жаброил алайҳиссалом ердан тупроқ олмоқчи бўлганда ер титраб тилга кирибди:

— Эй Жаброил, Худо сизни, мени, барча махлуқлар ва барча нарсаларни яратди, уларнинг ҳаққи ҳурмати учун мендан тупроқ олманг.

Жаброил бўлган воқеани Худога айтибди.

«Шунда: «Ердан тупроқ олиб кел», — деб Макоилга фармон бўлди. Ер ҳазрати Макоилга ҳам Худойи таолонинг ҳаққи ҳурматидан онт берди. У ҳам қайтиб, Худойи таолога аҳволни арз қилди. Сўнг: «Ердан тупроқ келтир», деб Исрофилга фармон бўлди. Унга ҳам ер онт берди. Исрофил ҳам қайтиб бориб, Худойи таолога аҳволни айтибди. Шундан сўнг тупроқ келтиришни Азроилга буюрди. Азроил алайҳиссалом Ер қошига келди. Ер унга ҳам онт берди. Шунда Азроил:

— Мен Худойи таолонинг буйруғини бузмайман, — деб Ер юзидан бир сиқим тупроқ олиб, Худойи таолонинг даргоҳига олиб борди...

Тупроқ хамир қилиниб Одам ясалгач, фаришталарнинг улуғи Азроил ўзича: «Бориб одамнинг тупроғини кўрай, на мақому, на манзилда турган экан», деб, Одам ёнига келди ва унинг ичига кирди. Қараса, тупроқдан ҳуққа ясаб қўйилибди. У қанча мулоҳаза қил-

масин, унинг нима эканини барибир билмабди. Сўнг ўзича: «Мен ошиқман десам, мендан ҳам ошиқроқ пайдо бўлибди, аммо мен нурдан, у эса тупроқдан яратилган», — деб ўйлабди.

Ер юзида бир от бор эди. Иблис:

— Отни олиб келай, бу тупроқни бузсин, — дебди. Шундай деб отга хабар борибди.

Шу пайт Одам алайҳиссалом гавдасига жон киргизилди. Одам аксирди ва «алҳамду лиллоҳи рабб ул-оламин» («оламларнинг парвардигорига ҳамд бўлсин») деди. Парвардигори оламдан: «Аллоҳ сенга раҳм қилсин ва шифо берсин», — деган жавоб эшитилди. Фаришталар:

— Илоҳа, Одам сени таниб, бандалик лаззатини тотмай туриб қутлуғ жавобни эшитди. Бизлар неча йилдирки, даргоҳингда тасбиҳу таҳлилга (зикр маъносиди) машғулдирмиз, бироқ бизга бундай иноят бўлмаган, — дедилар.

Худодан жавоб келди:

— Тупроққа кўрсатган лутфу карамим ҳеч қачон сизларга бўлмайди<sup>1</sup>.

Демак, тупроқ ҳеч нарса ва ҳеч қандай мавжудотга мушарраф бўлмаган илоҳий лутфу карамга эришган. Ҳикоятда бунинг туб сабаблари ҳам қайд этилган. Булар — тупроқнинг ожизлиги, шикасталиги, узр сўраши, одам тимсолида Аллоҳга имон келтириши ва Аллоҳнинг марҳаматини қозониши.

Тупроқ образининг тасаввуф адабиётидан ўрин топишига, ҳеч шубҳасизки, юқоридаги ёки унга яқин ҳақиқатларнинг у ёки бу даражада роли бўлгандир.

Маълумки, диний ақида бўйича Худо даставвал тўрт унсур: ўт, сув, ер, шамолни бунёд этган. Тасаввуф фалсафасига кўра шу тўрт унсурнинг ҳар биридан инсон учун тўрт хусусият, тўрт ҳолат, тўрт майл, тўрт сифат юзага келтирилганмиш. 1. Тупроқдан — сабр, умид (Тангри марҳаматига), эзгу хулқ, мурувват. 2. Сувдан — қувонч, саховат, назокат, бирлик. 3. Шамолдан — ёлғон, иккиюзламачилик, сабрсизлик, тантиқлик. 4. Оловдан — нафс, кибр, тамаъ, ҳасад. Бундан ташқари, тупроқ—Аллоҳнинг мунаввар нури, сув — унинг ёруғ ҳаёти, ҳаво — буюклиги, олов — унинг га-

<sup>1</sup> Сайф уз-Зафар Навбаҳорий. Дурр ул-мажалис, Тошкент, 1992, 9—12-бетлар.

заби тимсоли. Тупроқ ва сув — жаннат мулки, шамол ва олов — дўзах ичидаги нарсалар.

Масалага умумий тарзда қараладиган бўлса, тупроққа доир юқоридаги тушунча ва туйғулар Аҳмад Яссавийнинг биргина «Туфроқ бўлгил» иборасида сндирилган дейиш мумкин. Чунки бу «туфроқ» оддий сўзмас, поэтик образ. Поэтик образ эса серқирра «қурулма». Унинг асосий белгиларидан бири — мазмунда «қатлам»дорлик, туйғуда рангдорлик.

Тасаввуфда тупроқ — жувонмардлик тимсоли. Тупроқ учун эса у Аллоҳ улуши: «Жумардлик тупроққа берилмиш Ҳақдан...» (Ошиқ Вайсал). Бир одамдан: «Қандай киши жувонмард аталишга лойиқдир?» — деб сўралганда, у: «Нух пайғамбарнинг яхши хулқи, Иброҳимнинг ишончи, Исмоилнинг тўғрилиги, Мусонинг самимияти, Аюбнинг сабри, Довуднинг изтироби, Муҳаммаднинг шижоати, Абу Бакрнинг ҳамдардлиги, Усмоннинг уятчанлиги, Алининг билимдонлигини ўзида мужассамлаштирган зот жувонмарддир. Шулар билан бир қаторда, у одам ўзини тергаши, яъни ҳеч нимадан мағрурланмаслиги, ҳеч пайт шахсиятпарастлик қилмаслиги, мақтовга учмаслиги, ҳамиша ва ҳамма жойда ўз сифатларидан фақат камчиликларини, биродарларининг хулқидан эса яхши ва мукамалликларни кўрсатиши шартдир», — деган экан.

Манманликдан тамоман қутилмоқ; бировга қасд этмаслик; тил ва дил бирлиги; тафаккур қилмоқ; мулойим сўзлик; сафарни севиш; тан ва кийимни покиза тутмоқ; сир сақлаш лаёқатига эга бўла олиш; синиқлик ва хоксорлик. Булар ҳам жувонмардлик одобининг шартларидандир.

Жувонмардлик эътиқоди бўйича, ҳамма вақт ва ҳар қандай ҳолатда ҳақиқатни сўзлаш керак. Ҳақиқатга хиёнат — жамики эзгуликка хиёнат ҳисобланган. Чунки фақат ҳақиқатдан ҳақиқатга қараб юришган ишларгина Ҳаққа маъқулдир. «Қобуснома»да жувонмардликнинг асоси уч нарсдан деб белгиланган. Бири — айтган сўзинини ўзинг бажариш. Иккинчиси — тўғриликка мутлақо хилоф иш қилмаслик. Учинчиси — хайру эҳсонни кўзлаш.

Навойининг бир ғазалидаги эътирофича:

Бевафолар ўт, вафо аҳли туфроғ, —

мисрасидаги «ўт», «туфроғ» сўзларининг иккаласи ҳам поэтик образ. Бевафолар нега «ўт»? Негаки инсон

табиатида нафс, кибр, тамаъ ва ҳасад сингари хислатларнинг юзага чиқиши бевосита оловга боғланган. Шунинг учун нафсни енгмаган, кибр қафасидан озод бўлмаган, тамаъ ва ҳасад зулматидан йироқлаша олмаган кимсалардан вафо чиқмаслиги мутлақо табиийдир. Вафо аҳлининг «туфроғ»лиги эса уларнинг жувонмардлиги. Шу боис Аҳмад Яссавийнинг «туфроғ бўлгил», деган ғоявий даъватлари Алишер Навоий шеърларида ҳам давом эттирилиб, ривожлантирилган:

Эй, Навоий, ўзни мақбул истасанг туфроғ бўл,  
Ким эрур мардуд, улким бошида пиндори бор.

Мардуд — рад этилган. Рад этилиш «бошида пиндори бор»ликдан. Бошида пиндори бор — кеккайган, мағрур. У айни ҳолатда Шайтонга ўртоқ. Шайтон оловдан яралганини пеш қилиб Одамга сиғинмаган ва қаҳрга учраган.

Тасаввуфда «тупроқлик» салоҳияти — осон эришиладиган салоҳият эмас. Бунинг учун ҳам, энг аввало пирнинг тарбияси ва пешволиги зарур. Аҳмад Яссавий буни «Пири муғон хизматида хок» бўлиш деб таъкидлаган. Ва бошқа ўринда «тупроқлик» тўғридан-тўғри пир таъсирида ҳосил бўлишини эътироф этиб:

Ишқ бобини мавлом очгач, манга тегди,  
Туфроғ қилиб, ҳозир бўл деб бўйним эгди, —

деган. Бу ерда гап фано ҳозирлиги ҳақида.

Абул Ҳасан ан-Надавийнинг эътирофи бўйича, «Туфроғ-Раббул олам қандай севилар демасликдир. Балки ҳақиқий ишқ ва севилишни истагандир. Ва ўз-лигига қайтмоқ истагининг жазби эрур». Бу — бир жиҳат. Ҳожи Бектоши Валининг талқинида тупроғ бўлмоқ (жувонмардлик) тасаввуфдаги тўрт мақомнинг охиргиси — Ҳақиқат мақомининг илк босқичидир. Ҳақиқатнинг ана шу босқичига етмагунча, солиқ «тупроқлик»ни тўла даъво эта олмайди. Аммо Аҳмад Яссавий «тупроғ» бўлмоқдан кўзда тутган ҳақиқатнинг илдизи бевосита пайғамбарлик рутбаси томон боради.

Аш-Шайх Абдулазиз Даббож, пайғамбар ва малак ўртасидаги фарқ борасида баҳс юритиб, ёзади: «Пайғамбарга келадиган бўлсак, унинг зоти тупроқдан яратилмиш, Руҳ эса барча сирлари билан бирликда тупроқдан бўлган шу зотда пардалангандир. Лекин Жаноби Ҳақ Расулиллоҳ ҳазратларининг зотини дунёга келтираркан, унга нубувват нури-ла имдода бўлинмиш

ва шундай тарзда унинг зотидаги қоронғулик барҳам топиб, ҳижоб сурилиб, Соҳиби ҳақнинг ёнидан жой олмиш ва давомли тарзда унга яқин бўлур, фақат Ҳақ ила ҳаракат этар ва фақат Ҳақда сукут сақлар». Бу руҳий комиллик қисмати, худди найғамбар меъро-жига ўхшаб, илоҳий ишқ аҳлини доимий равишда завқлантирган ва Ҳаққа яқинликка интилиш, Ҳақ ила бирлашиш орзусини ифодаловчи тимсолга айланиб қолган. Мана шунинг учун «тупроқ» тимсоли тасаввуф шеъриятининг барча намуналарида тез-тез учрайвер-майди. Мана шунинг учун султон-ул орифин Аҳмад Яссавий ҳазратлари:

Бошим туфроғ, ўзим туфроғ, жисмим туфроғ,  
Ҳақ васлига етармен деб руҳим муштоқ, —  
дегандирлар.

Тупроқ сингари тош ҳам Аҳмад Яссавий ҳикмат-ларидаги рамзий тимсоллардан. Бу образнинг умуман тасаввуф адабиётига кириб келиши ва маълум мавқега эришишининг ўзига хос диний, ахлоқий, фалсафий ва мифологик асослари бор. Аввало шуни қайд этмоқ керакки, энг қадим даврларданоқ одамларда тошнинг илоҳий, магик қудратига қатъий ишонч шаклланган. Дунёдаги кўп халқлар тасаввур ва эътиқодида тош — Худо тимсоли эди. Тошни илоҳ маскани, яъни Худо хонақоси сифатида қабул қилувчи халқлар ҳам жаҳонда озчилик бўлмаган. А. Ф. Лосевнинг айтишича, тош юнонларнинг қадимий култида магик қудрат ато этувчи фетишдан ўзга нарса эмасдир. Шарл де Бросснинг маълумотига кўра, арабларнинг исломгача бўлган қадимги худолари тўрт қиррали тош ҳисобланган. Америкадаги бир қанча ҳинду қабилаларида тош худоларга топиниш муқаддас одат шаклини олган. Ҳатто Перудаги ҳинду қабилалари яшайдиган қишлоқда худо деб тан олинган, одам шаклидаги тошга тахминан ўн тўрт ёшли гўзал бир қизни эрга бериб, тўй маросимини бутун қишлоқ аҳли уч кун давомида тантана ва хурсандчилик билан ўтказишган экан<sup>1</sup>. Матута деб аталмиш италянларнинг қадимий худоси ҳам қирралари нотекис муҳташам қора тошдир<sup>2</sup>. «Тошга сиғи-ниш Оврўпода нисбатан яқин вақтларгача сақланган, — дейди Л. Я. Штеренберг, — Ирландиянинг Инник

<sup>1</sup> Фрезер Дж. Дж. Золотая ветвь. — М., 1980. 168-бет.

<sup>2</sup> Шарл де Бросс. О фетишизме. — М., 1973: 6-бет.

ороли аҳолиси 1851 йилда ҳам эҳтиёткорлик билан махсус матога ўралган тошни маълум кунларда сизгин-моқ учун юзага чиқарганлар. Норвегияда эса юмалоқ тошларни йиғиш ва ҳар кеч уларни ювиш, олов қаршида ёглаш, сўнг энг эътиборли жойга қўйиш... одати XVIII асрнинг охиригача мавжуд бўлган»<sup>1</sup>. Тошга нисбатан юксак ишонч-эътиқодлар фақат тошга сизгинишни эмас, балки ҳар хил урф-одат билан, маросим, диний-ахлоқий тушунча ва қарашларни келтириб чиқарган. Магик қудратга эга тошга ишонч шаман динига эътиқод боғлаган халқлар орасида хусусан кучли бўлган. Л. Я. Штеренберг бир беморнинг касаллигини аниқлаш ва уни хасталикдан халос этиш учун шаман тошдан фойдаланиши ҳақида фавқулодда ҳайратланарли воқеани ҳикоя қилган.<sup>2</sup>

Тош, айниқса, тоғларнинг илоҳий қудратига инонч туркийлар ўртасида жуда қадимий даврлардаёқ мавжуд бўлган. Юксаклик эътибори билан улар тоғни Тангрига энг яқин ва яқинлаштирувчи жой деб тасаввур этганлар. Бир афсонага кўра, уйғурлар ўзларини бир тоғ устига инган нурдан яралган деб ишонганлар<sup>3</sup>. Ўрта Осиё ва Сибирия минтақаларида истиқомат этган турклар тоғларга муқаддас, муборак эга, улуғ ота, буюк Қоғон маъноларида келадиган номлар берилган. Шунингдек, Турклар орасида тухум катталигидек «сабр тоши» дейилган бир тош бўлиб, у донишманд ва билимдон зотларнинг қўлида турган. Одамлар дардларини, сирларини бошқа бировларга айтиш ўрнига, ана шу тошга изҳор қилганлар. Ва шундан сўнг сабрли бўлиш ҳамда таянч топилганига ишонганлар<sup>4</sup>. Махсус тошлар воситасида ёмғир ёғдириш, ҳавони иситиш ёки шамол қўзғаш туркий халқлар учун ҳам қадимдан одатга айланганлиги илмда ёритилган. Буюк тилшунос олим Маҳмуд Қошғарий ёзади: «Ялт-ялт ёмғир, шамол ва бошқаларни талаб қилиш учун махсус тошлар (Яда тоши) билан фол очиш одатдир. Бу одат улар орасида кенг тарқалгандир. Мен буни яғмолар шаҳрида ўз кўзим билан кўрдим. У ерда пайдо бўлган бир ён-

<sup>1</sup> Штеренберг Л. Я. Первобытная религия в свете этнографии. —Л., 1936, 213-бет.

<sup>2</sup> Штеренберг Л. Я. Ўша асар, 6-бет.

<sup>3</sup> Б. Угал. Турк мифологияси, II том. Истамбул, 1971, 286-бет.

<sup>4</sup> Н. Таню. Туркларда тош билан алоқадор инончлар, Анқара, 1968, 107-бет.

гинни сўндириш учун шундай фол қилинган эди. Худонинг амри билан ёзда қор ёғди. Кўз олдимда ёнгинни сўндирди»<sup>1</sup>.

Алишер Навоийнинг фардларидан бирида бундай дейилган:

Қотиқ кўнглингдин оқди Ҳақ ёши,  
Ки ёвғур бойсидур ёда тоши.

Байтдаги «Ёда тоши» — поэтик образ. Навоий ундан ғазалларида ҳам фойдаланган. Бу образлар маъно — мундарижасини англаш ва тўғри талқин қилиш учун яда тош орқали ёмғир, қор, шамол талаб қилиш одатларини ҳисобга олиш шарт, албатта. Яда тоши ёқутларда «сата» деб аталаркан. «Верхоянск ёқутларининг эътиқодий қарашларига кўра, — дейди фольклорист Б. Саримсоқов, — сата тошининг бир неча турлари бўлиб, улардан бири «этит сата» — «яшин сата» деб юритилади. Бундай тошни яшин урган дарахтнинг илдизлари остидан энг бахтли киши яшин тушган кундан уч кун кейин топиб олар эмиш. Сата тошининг бошқа бир тури чизиқча билан бургут сатаси шаклан ўрдак тухумига ўхшаш бўлган. Бургут сатаси ўз эгасига ҳамма ишларида омад келтирган, шу сабабли у «бахтли тош» деб юритилган. Бахтли тош мўйнага ўралиб, ҳеч кимга кўрсатилмаган... Бахтли тош, бундан ташқари, фол очишда ҳам қўлланилган. Агар у тош бўйинга осиб қўйилса, шамол турган. Шамолнинг қаёқдан эсишига қараб тош эгаси ҳамма нарсани айтиб берган»<sup>2</sup>. Яда тоши туркларда булардан кўра муҳим — бошқа бир вазифани бажарган. Чунки ҳокимиятга эришиш ва ҳокимиятни сақлашда бу тош ҳал этувчи ролни ўйнаган эмиш. Эски турк ривоятларига кўра, дунёнинг ҳокимият тилсими бўлган яданинг ҳақиқий соҳиби «Турк»дир. «Иссиққўл соҳилларида яшаган ва давлатнинг машҳур ҳукмдори «Турк» билан Жайхунда (яъни Орол тарафида) яшаган қондоши «Ўғуз» орасида «яда тоши» — миллатлар устидан ҳукмронликни таъминловчи тилсими учун узоқ курашлар бўлган...»<sup>3</sup>. Лекин ҳокимият тилсими — яда тоши

<sup>1</sup> Кошғарий Маҳмуд. Девону луғотит турк, III том, Тошкент, 1963, 8-бет.

<sup>2</sup> Б. Саримсоқов. Ўзбек маросим фольклори, Тошкент, 1986, 62—63-бетлар.

<sup>3</sup> Тўғон А. Э. Умумий турк тарихига кириш, 1-жилд, Истанбул, 1981, 17—18-бетлар.

барибир Туркнинг қўлида қолган. Демак, яда тоши эски турклар онгидан голиблик, зафар, енгилмаслик тимсоли сифатида ҳам ўрин топган, дейиш мумкин. Бундай дейишимизга умумий асос ҳам бор. Масалан, рус фольклорида тош магик предмет сифатида эртан қаҳрамонларига баҳодирлик қудрати бахш этганлиги илмда исботланган.<sup>1</sup> Бундан ташқари, дунёдаги бир қанча диний-фалсафий оқимларда тош инсон комиллигини белгилловчи мезон ролини ўтаган. Б. Геливернинг маълумоти бўйича тарошланмаган тош масонлик оқидамида ақл ва юракда баркамолликка эришмаган, аммо илоҳий ғайрат ва шижоат билан руҳий-ахлоқий камолот сари бораётган инсон рамзи бўлган. Бундай тош масоннинг энг муҳим мажбурияти — ўзни англаш, ўзни тийиш, ўзни комиллаштиришнинг конкрет тимсоли бўлиб, масон зиммасига ақлнинг саёзлик ва хатоликлардан халос айлаб, шу йўл билан фикр ва дунёқараш мукамаллигига етишиб, ҳақиқат, гўзаллик, эзгуликни теран билиш мажбуриятини юклаган<sup>2</sup>. Албатта, бу ва бунга ўхшаш нуқтаи назарлар эҳтимол бизга янгилик бўлиб туюлар. Лекин кўҳна Шарқ, айниқса, ислом дини ва тасаввуфдан пухта хабардор аждодларимизга уларнинг мутлақо янгилиги йўқдир. Қуръоннинг «Алисро» сурасида бундай дейилган: «Етти кўк ер ва улардаги ҳамма нарса уни (Аллоҳни) тасбиҳ этар. Уни ҳамд ила тасбиҳ этмайдиган ҳеч бир нарса йўқдир. Фақат сиз уларнинг тасбиҳ айтишларини англамайсизлар. Дарҳақиқат у ҳалиим ва мағфиратли зотдир» (46-оят). Чиндан еру кўкдаги барча нарсалар, жумладан, тоғу тошни ҳам Аллоҳни тасбиҳ этиб, унга таъзим бажо келтиришини англамоқ жуда қийин. Лекин бу қийинликни осонлаштирадиган мисол ва далиллар дин тарихида ҳам, тасаввуфий ҳаёт тарихида ҳам кўпдир. Шундай далиллардан жуда характерлиси Мусо пайгамбар тақдирига дахлдор бир ҳикоятдир.

Нақл этилишича, ўз қавмидан кўп азият, жафо чеккан ҳазрати Мусо тухмат балосига ҳам йўлиқибди. Қимлардир унинг оғир касаллиги бор, вужуди мутлақо айб саналадиган иллатга мубтало деган иғво тарқатишибди. Одамлардан ўзини четга тортган Ҳазрати Мусо ниҳоят бир кунни кимсасиз жойда бир кичик чашма то-

<sup>1</sup> Дмиденко Е. Л. Значение и функции общенародного образа камня «Русский фольклор», XXIV, — М., 1987.

<sup>2</sup> Геливер Б. Школь мистерий. АУМ Синтез мистический учений Запада и Востока, № 2, «Терра», 1990, 63-бет.

пибди... Кийимларини ечиб тош устига қўйибди-да, ювина бошлабди. Ювиниб бўлиб, кийимларига қўл узатиши ҳамон, тошнинг ҳаракатга тушганини кўрибди. Тош эса чопқиллагандай узоқлашаверибди. У эса тош ортидан чопишга тушибди. Кучли, қудратли зот бўлмиш Ҳазрати Мусо оёқларига ишонаркан. Тош кетидан сурат-ла югураркан, «Эй тош, кийимларимни ташлаб кет», — дея ҳайқиришдан ўзини тия олмабди. Тошнинг ҳаракатида Аллоҳнинг ҳикмати бор эди. Ҳазрати Мусонинг аҳволи эса бунинг идрокига монелик қиларди. Одамлар кўзига кўринмоқ кўрқуви ва уяти билан бор кучи ила чопар, аммо тошга етишмоқ имконсиз экан. Чунки у тош Мусо етиб олсин ва кийимларини қўлга киритсин дея ҳаракат эттирилмаганди.

Тош охири Исроил ўғиллари тўпланиб турган жойга гўёучиб келгандай борибди-ю тўхтабди. Орқадан Ҳазрати Мусо ҳам ҳансираб етиб келибди. Бунча халқнинг назарида уни расво айлаган тошга бор кучи билан бир неча зарба уришдан тийина олмабди. Хуллас у кийимларини кийибди, аммо Исроил фарзандлари ҳам муродларига эришибдилар. Пок-покиза, қусурсиз солиҳ бир инсон вужудини кўриб, улар бекорга ёмон хаёлга борганликларини англабдилар. Бироқ ма-на шу эътироф учун Аллоҳ тошни юритиб сеvimли пайғамбарини яланғоч ҳолда ўшаларга кўрсатганди.

Энди Муҳаммад пайғамбаримиз Ҳазрати Мусонинг бошдан кечган ушбу воқеани нақл этгач, кийим олиб қочган ўша тошда Мусонинг зарбалари натижасида уч-тўрт ёки беш из қолганлигини таъкидлаб, яна бундай демишлар: «Эй, мўминлар, сизлар Мусога азият берганларга ўхшаманглар. Чунки Аллоҳ уни исроилликларнинг қалбларида айб ва қусурлардан фориғлигини исботлади...»

Тошнинг халойиқ тўпланган жойга қадар етгандан сўнг тўхташи, Ҳазрати Мусо тарафидан — бир замон кейин бўлса ҳамки, мутлақо бир ҳикматга боғли ўлароқ ҳаракатлантирилганлиги далил сифатида тан олингандир<sup>1</sup>.

Ана шу илоҳий ҳикматга таяниб тасаввуфда икки ҳақиқат кашф этилган. Биринчиси — тошда ҳам қалб борлигига ишонч. Муассир тожик шоири Лойиқнинг

<sup>1</sup> *Аҳмед Лутфи Қазоичи*. Ҳаз. Одамдан хотамул анбиёгача Қуръон танитган пайғамбарлар. 2-китоб. Измир, 1990, 264—265-бетлар.

«Тош варағи» деб номланган тўпلامдаги шеърлардан бири «Санг санг аст, лек дил дорат, роҳ кушоем дар дили ҳар санг»<sup>1</sup> — «Тош тошдир, лекин юраги бор, ҳар тошнинг юрагига йўл очайлик», — деган фикр билан бошланади. Бунда Лойиқ тасаввуф шеърляти тажрибаларидан таъсирланган ва шунинг учун ҳам шеърға Мирзо Бедилнинг «Санг ҳам диле дорат...», яъни «тошда ҳам қалб бордир...», деган сўзларни эпиграф қилиб келтирган. Лекин тошга доир бу тушунчани тасаввуф вакиллари дунёқараши доирасида чегаралаш ҳам тўғри бўлмайди. Чунки тош ва қалб тушунчаси қадим Юнон файласуфлари диққат-этиборидан ҳам четда қолмаган. Масалан, Демократ тошнинг пайдо бўлишига сабаб — қалб деб билгани учун ҳам тош қалбга эга, деган даъвои илгари сурган экан<sup>2</sup>. Энди иккинчи ҳақиқат хусусида. Ривоят этилишича, машҳур мутасаввиф ва шоира Робиъа ал-Адавий бир кун далада сайр этиб юриб, «Мени Худо билан қовушмоқ иштиёқи қуршаб олди. Эй Тагрим, сен ҳам туфроқ, ҳам тошсан. Лекин мен Сенинг ўзингни кўрмоққа илҳақман», — деган экан<sup>3</sup>. Бу фикр ва илтижонинг замирида туфроқ сингари тош ҳам Аллоҳнинг акси жамолини жилвалантирадиган хос унсур, деган моҳият ётади. Ҳақ ошиқларининг тошни кўнгилга яқин тутишлари мана шундан. Алишер Навоийнинг ғазалларидан бирида шундай фикр айтилган:

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,  
Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадир.

Бу байтнинг иккинчи мисрасида ийҳом санъати қўлланилган. Уни «Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг суврати ва сийратиндадир», деб ҳамда «Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндан», деб англаш мумкин. Ёр кўнглида «тош» яширин бўлмаганида «ақлга юз ҳайрат» воқе бўлмасди. Зеро, ҳайрат тамали сийм тан ичидаги ўша «тош»дир. Халқ шеърляти ёки ёзма адабиётдагидек, тасаввуф шеърлятида ҳам «тош» образи гоҳо бағриқаттиқлик, бераҳмлик, зolimлик маъноларини билдирса-да, лекин у асосан илоҳий моҳиятни зухрлантиришга хизмат ётади. Шунинг учун ҳам Аҳмад Яссавий

<sup>1</sup> Лойиқ. Варақи санг. Душанбе, 1980, 188-бет.

<sup>2</sup> Лосев А. Ф. Кўрсатилган асар, 105-бет.

<sup>3</sup> Казанский К. Суфизм с точки зрения современной психопатологии, Самарканд, 1904, 56—57-бетлар.

ҳикматларидан бирида «Туғон ерим ул муборак Туркистондин, Бағримга тош боғлаб чиқдим мано», деган. Бағрига тош боғлаш ҳодисаси мавлавийлик, бектошийлик тариқати вакиллари томонидан ҳам эътироф қилинган. Ҳақни «таниш»да фақат тош эмас, балки «тоғ»лар ҳам ишқ аҳлига ибратдир. Шу боисдан улар сулук аҳлидаги риё ва шумликларга тоқат эта олмайдилар. Гуё чин ошиқлик маъносида баҳс очиш ёки сабоқ беришга ўзларини ҳақли санайдилар. Яссавий ҳикматларидан бирида «тоғу тошлар»ни шахслантиришдан асл мақсад ҳам ана шундадир:

Шумлигимдин тоғу тошлар сўкди мани,  
Фосиқ тилда сўкиб, айди, феълинг қани?  
Ошиқ бўлсанг аввал боқиб Ҳақни тани,  
Маҳрам бўлиб ер остига кирдим мано.

Аҳмад Яссавий «Чин олим ёстуғин тошдин яратти», дейди. Алишер Навоий тирикчилиги ўлмакдан ҳам офир ва қийин чин ошиқнинг ҳолат ва ҳасратини мана бундай сўзларда сувратлантиради:

Мунглуғ бошим остидаги тошимниму дейин?  
Тош устидаги ғариб бошимниму дейин?  
Ҳасрат суйидин кўзимда ёшимниму дейин?  
Ўлмасдин саъброқ маошимниму дейин?

Авалло шуни айтиш керакки, Аҳмад Яссавий назарда тутган «тош» билан Навоий тасвиридаги «мунглуғ бош» остидаги «тош» ўртасида тафовут йўқ. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам илоҳий ирода ва «илми жунун» устуворлигининг тимсолидир. Навоийда бу мақсад: «жунун тоши» воситасида ҳам ифода этилган:

Қийик чарми заиф эгнимга мажнунлиғ нишони бас,  
Жунун тоши синуқ бошим уза қуш ошени бас.

Аммо Айнул яқин ва Ҳаққул яқинлик учун «тошдин қаттиғ тош» зарурдир. Шу маънода Яссавий «Тошдан қаттиғ тошга ётғил ёнинг бирла, Йўлдин озгон юз минг ғофил мардон бўлур», дейди. Ростини эътироф этганда, мазкур фикрларни бугун деярли ҳеч ким қабул қилмаслиги, беҳабарлик ёки жаҳолат туфайли бутунлай инкор қилиши мумкин. Ҳўш, шу жиҳатдан Яссавий замондаги аҳвол қандай бўлган? Бу саволга жавоб мана бу ҳикматдан топилади:

Тошдин қаттиғ тошни сўрғон беҳабарлар,  
Уқбо ишин орқа ташлаб дунё излар,  
Оят-ҳадис баён қилсам қаттиғ-сўзлар,  
Зоҳир одам ботинлари шайтон бўлур.

Хуллас, тасаввуфий ахлоқнинг талабига кўра тошдай қаттиқ бўлмоқ ёки «тошдин қаттиғ тош»лик идеали илоҳий ишқда камолотга эришиш даражасини акс эттиради. Биз учун жумбоқ бўлган бу ҳақиқат тасаввуфга бағишланган бир неча китобларда шарҳланган, албатта. Масалан, Ҳамза Фансурий ёзади: «Сиз ҳали тош янглиғ қаттиқ эмассиз», — деган сўзлардан қуйидагилар англашилади: «Қаттиқ» — сокинлик, лекин ҳам зоҳирий, ҳам ботиний сокинликни билдиради. Агар сиз тошга ўхшай олган бўлсангиз, «тавҳидга етишган» ифодаси мувофиқ келади сизга. Ахир сиз ўзингизнинг туб моҳиятингиз билан абадий бирликдасиз-ку, Гарчи тош кўринишида Аллоҳни очиқ-ойдин тасбиҳ этмаса ҳам, ўзининг ботинида уни шарафлайди. Зеро, сўфийлар айтганларидек, ҳамма нарсада қалб ҳам, ақл ҳам, англаш ҳам бор. Англаш бўлмаса улар Аллоҳни қандай қилиб мадҳ этишлари мумкин?

Шу боис Аллоҳ Қуръонда бундай дейди: «Сиз осмондаги ва ердаги бор жонзот, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дов-дарахтлар ва (барча) жониворлар ҳамда кўпдан-кўп инсонлар (ёлғиз) Аллоҳга сажда қилишини кўрмадингизми?» («Ҳаж» сураси, 18-оят).

Коинотни нима тўлдирган бўлса, ҳаммаси Аллоҳни улуғлайди, унга таъзим бажо айлайди. Агар биз тошга ўхшаб мустаҳкам бўлсак, Қуръонда кўрсатилганидек, бизнинг бутун борлигимиз Аллоҳга саждада бўлади»<sup>1</sup>.

Агар тошга ўхшашга қувват ва салоҳият етмаса-чи?

Агар санге най, нақш ор дар санг,  
Бубин, он нақшҳо якрўю якранг, —

дейди Фаридуддин Аттор. Яъни: «Агар тош бўлолмасанг, тошга нақш эт. Ва бу нақшларнинг якрўю якранглигини кўргил». Фаридуддин Аттор талқинича, ана шу якрангликлар жам этилса, у жойда тошдан бўлак ҳеч нима қолмайди. Ва унда ваҳдат сирлари очилиб, ҳақиқий мавжудликдан бўлак ҳеч нима бўлмаслиги шаксиздир:

<sup>1</sup> Брагинский В. И. Ҳамза Фансури, М., 1988, 317-бет.

Ҳама чизе чу якранг аст ин жо,  
Агар жамъ овари, санг аст ин жо.  
Дар он ваҳдат ду оламо шаке нест,  
Ки мавжуди ҳақиқий жуз яке нест<sup>1</sup>.

Атторнинг ушбу сатрларида ифодаланган фикр, тасаввуф шеъриятидаги тош тимсоли маъно-мундарижасининг энг теран таркиби ва умумий натижасини очад.

1995 йил.

### БОҶИРҒОНИЙ САБОҚЛАРИ

(ёхуд дарвешлик нима?)

Аҳли тасаввуф ҳукмига кўра, нафас — от, маърифат — чавандоз эрур. Сайру суликда манзилга эришмоқ шу «от»га миниб, чавандозлик қилмоқдир. Мана шунинг учун маърифат толиблари ҳар лаҳзаю ҳар дамга алоҳида аҳамият бериб, уни юксак қадрлаганлар. Уларнинг ҳаёти ниҳоятда оддий ва камтарона кечган. Ҳеч кимдан иззат ва эътибор талаб қилишмаган, фавқулодда сокинлик ҳамда Руҳга ғамхўрлик билан умрларини ўтказишган улар. Сулаймон Боқирғоний ҳам ана шундай буюк сиймолардан. Боқирғоний султонул-орифин Хожа Аҳмад Яссавийнинг учинчи халифаси — тариқатда ҳам, шеърятда ҳам Яссавий анъаналарининг давомчиси. Боқирғонийнинг дин ва тасаввуф, ишқ ва ахлоқдан сабоқ берувчи ҳикматлари фақат Туркистонда эмас, ундан ташқарида ҳам кенг тарқалган ва ихлос билан ўқиб-ўрганилган.

Боқирғоний сабоқлари тўғрисида фикр юритганда, гапни унинг пирига муносабатидан бошлаш керак. У буюк муршидига махсус шеър бағишлаган. Шеърнинг илк байтида Аҳмад Яссавийнинг шайхлик ва пирлик насабига тегишли машҳур «хурмо» воқеаси, сўнг Муҳаммад пайғамбар суннатиға садоқати, илми ладунга мушарраф бўлганлиги, насл-насабининг пок ва улуглиги («Асил эрур хонадон, билмас уни кўб нодон, Билур ани Ҳақ Яздон, шайхим Аҳмад Яссавий») баён этилган. Хуллас, шеър «икки жаҳон кўзгуси», «Ҳақ қошида ҳурматлик» Яссавийга муридликка даъват айловчи сатрлар билан хотима топган.

<sup>1</sup> *Фаридуддин Аттор*. Хусравнома, Душанбе, 1990, 16-бет.

Туркистонга Ёролинг, кизматинда бўлолинг,  
Улуш берса ололинг, шайхим Аҳмад Яссавий.  
Бобо Мочин ул султон мурид бўлди бегумон,  
Ҳаким хожа Сулаймон шайхим Аҳмад Яссавий.

Аҳмад Яссавийда бўлганидек, Боқирғонийнинг ҳам ҳикматнависликдаги илҳом манбаи диний-тасаввуфий туйғу ва тушунчалардир. Устозига ўхшаб Боқирғоний ҳам «касби фикр ила ҳосил бўлган маъни»лардан эмас, балки «кашфи Ҳақ ила» ҳосил бўлган илоҳий туйғу ва маънилардан сатрлар яратади. Бу эса Аҳмад Яссавий ва Боқирғоний ижод тажрибаларидаги умумий яқинлик, гоҳо ўхшашликка сабаб бўлган.

«Рухнинг моҳиятини изоҳламоқ, ўзига хос хусусиятларини англамоқ ҳайрат уйғотадиган ва кўп ғаройиб вазифалардан баҳс юритмоқни зиммага олиш демак», — дейди Имом Ғаззолий. Шу маънода Боқирғонийнинг мунозара жанри хусусиятларини ақс эттирувчи бир ҳикмати алоҳида эътиборга молик. Унда Рухнинг моҳияти ва асосий хусусиятлари нафс билан баҳслашув, яъни мунозара шаклида ифодаланган.

Маълумки, ибтидоий давр одамлари руҳни енгил доимий ҳаракатдаги латиф ва нозик кўринишига эга бир нарса деб билганлар. Арасту ва унинг тарафдорларига кўра, «Рух уч қувватдан иборатдурки, уларнинг биринчиси — бўйинда бўлиб, ҳикмат маншаъидир. Иккинчиси — юракда бўлиб, ғазаб; учинчиси — қора жигарда бўлиб, шаҳват (эҳтирос) маншаъидир». Рухни фоний нафас деб англаганлар ҳам бўлган. Брахманизмда эса «брахи» сўзи нафас, рўзгор ва руҳ демак. Рухчилар (спиритуалистлар)га кўра, руҳ вужудга тобе бўлмаган, ўзича мустақил ва гўзал бир модда ҳисобланади. «Инжил»да руҳ сўзи ниҳоятда кўп маротаба қўлланилгани ҳолда, унинг нимадан иборатлиги аниқ белгиланмаган. Айрим ислом олимлари руҳнинг латиф ва оташли жисмга ўхшашлигини исботлашга уринганлар. Қуръони Каримнинг йигирмадан ортиқ оятида руҳ сўзи мавжуд. «Эсланг, Парвардигорингиз фаришталарга деган эди: «Албатта, мен лойдан бир одам яратувчидирман. Бас, қачон уни ростлаб, унга ўз руҳимдан пуфлаб киргизганимдан сўнг, унга сажда қилган ҳолларингизда йиқилинглар» (Сод сураси: 71—72). Демак, инсондаги руҳ — илоҳий руҳ. Шунга кўра у Рухга бўйсунуши, руҳоний эҳтиёж ва хузур ичида яшамоғи шарт. Чунки

Рух инсонни фақат эзгулик, гўзаллик ва маърифатга чорлайдиган Ҳақ ҳадясидир.

Қуръонда Юсуф алайҳиссалом тилидан: «Мен нафсимни оқламайман. Чунки нафс — агар Парвардигоримнинг ўзи раҳм қилмаса — албатта барча ёмонликларга буюргувчидир», — дейилади.

Ғаззолийнинг айтишича, «Нафс деганда инсондаги ғазаб ва шаҳват қувватларини ўз ичига олган жиҳат назарда тутилади. Нафсни бу маънода тушуниш аҳли тасаввуфда ғолибдир. Улар нафс деганда инсондаги барча манфур сифатларни ўзида жамлаган зўравон кучни назарда тутадилар».

Боқирғоний нафс ва руҳ хусусиятларини очишда дин ва тасаввуфдаги юқорида қайд қилинган моҳиятларга тўла таяниб фикр юритади: «Бу беш кунлик тирикликда даврон сур, танни яйрат», дейди Нафс. Рух буни инкор этади ва унга қарши дейди: «Илм бирла тариқатнинг илмин билиб, Саҳар вақтинда уёғлиқни одат қил». Нафсга бундай бедорликнинг ҳам, илм йўлига кириб маърифат мақомларига юксалишнинг ҳам ҳожати йўқ. Нафс моддий дунё мулкига эғалик қилишга, бойлик қанча кўп бўлса, яна ўшанча йиғиб-йиғиштиришга ишқивоз. У «Хитой, Қирғиз, Қибчоқ, Ҳиндистонни олсам», дейди.

Шайтонга ишонмаган одамни шайтон таслим эта олмайди. Лекин шайтонга алданмасликнинг иложи йўқ. Чунки у инсоннинг вужудидан жой эгаллаган. Нафсни шайтон бошқарганидек, шайтонга нафс ёрдамчи ва хизматкордир. Шу боис Нафснинг талаб ва ҳаракатлари доимо қатъиятли бўлади:

Нафсим айтур, яхши билинг касбим ишин,  
Не қилурман емак-ичмак, ёзу қишин,  
Текма бир эр кишиларнинг кўрсам ишин,  
Ҳалол-ҳаром емишингни ютойин дер.

Одам фарзандининг ташқаридаги тортишув-талашувлари, баҳсу мунозаралари аслида унинг ботинидан бошланади. Ва бу нафсга таслимиятнинг бир кўринишидир. Ўз-ўзидан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Зеро, «Инсон ожиз қилиб яратилгандир» (Нисо сураси: 27), у «жуда кўп баҳс-жанжал қилувчидир» (Қаҳф сураси: 54).

Инсоннинг яратувчиси Тангри таоло экан, унинг ғам-қайғулари, меҳнат-машаққатлари нима ва нималарда эканлигини билгувчи ҳам ўша улуғ зотдир. Ал-

лоҳ бандасига ҳар ким ва ҳар нарсадан яқин. Қуръони Қаримнинг бир қанча оятларида таъкидланганидек, инсон алал-оқибатда яна тангрига қайтажак. Ана шунинг учун ҳам у Нафснинг эмас, Руҳнинг раҳнамолигида яшашга масъулдир. Боқирғоний яратган мунозара мана шулар тўғрисида мушоҳада қилишга имкон берадиган бир асар. Шоир Руҳ тили билан инсон табиатида яшириниб ётадиган тубан ва энг ярамас нуқсонларни кескин қоралайди. Булар: хорислик, мол-парастлик, босқинчилик ва ҳокимиятпарастлик, шон-шўҳрат ва ҳаромхўрликка ўчлик, ясан-тусанга берилиш ва «улуғ от», яъни улуғ ном қозонмоқ майли.

Руҳ «Муҳаббат камарини белга боғлаюбон, бу дунёга талоқ бериб кетойин» дер экан, нафсга мансуб дунёни тарк қилишга чорлайди.

Тарихдан маълумки, Қорахонийлар салтанати қулаганидан кейин Бухорода руҳоний феодалларнинг садрлар деб аталувчи ўзига хос сулоласи пайдо бўлган. «Ўзбекистон халқлари тарихи»да ёзилишича, «Садрлар Бухорода нафақат руҳоний, балки дунёвий ҳокимиятни ҳам ўз қўлларига олишган, шаҳарда хил-ма-хил қўзғалмас мулкка — бозорлардаги дуконларга, карвонсарой, тегирмон ва ҳоказоларга эгалик қилишар, карвон савдосида, бошқа ишларда қатнашишарди». Боқирғоний мунозарасида Садр атамаси ҳам тилга олинган:

Нафсим айтур, Садр ёнинда ўлтурубон,  
Турлук-турлук неъматларни келтирубон,  
Ейиб-ичиб, туну кун қорин тўлдирубон,  
Ёстуқ узра така қилиб ётойин дер.

Турк олими Абдулқодир Инон мазкур мисраларга асосланиб, Боқирғоний шеърида Бухорони идора этган ўша «садр»ларнинг аҳволи тавсиф қилинган дейди. Бу фикрда ҳам жоғ бор, албатта. Аммо ҳокимият мавжуд бўлгач, инсон инсоннинг устидан ҳукмронлик қилгач, албатта, нафс устунлик қилади. Салтанат бор экан, нафсу ҳаво ва роҳату фароғат талаблари ила салтанат соҳиблари пинжига тикилувчилар топилади. Шу маънода мунозаранинг маъно ва моҳият доирасини ёлғиз Бухоро «садр»ларининг ҳолати ва қилмишлари билан чегаралаш тўғри эмасга ўхшайди.

Тасаввуф нафсини енгиб, Руҳни камолга етказишнинг турли йўли ва шаклларини тақдим этади. Шулардан бири дарвешликдир.

Дарвешлик — тасаввуфнинг ўндан зиёд тариқатлари асосини белгилаган энг юксак Ҳол ва ўзига хос гўзалликларга эга бир мақомдир.

Яссавийга нисбат берилган «Фақирнома»да қайд этилганки, «Ҳар ким дарвешлик даъвосини қилса, аввал Ҳақ амрига бўйсуниб, шариаат амри билан бўлмай, Ва ботил ишлардин, бидъат ишлардин парҳез қилмай, кеча қиём бўлмагунча, кундуз хизмат қилмагунча, шайхлик даъвосини қилса, ботил турур». «Гиёсул луғот»да изоҳланишича, дарвеш сўзининг асл маъноси эшиклардан нарса тиловчи бўлиб, дарвез демакдир. Дарвезнинг қадимий шакли даровез — эшикларга осилувчидирки, у кейинчалик дарвеш дейилган. Албатта, одамларнинг эшикларига осилиб тиланчилик қилиб юргувчи қашшоқ ва гадолар билан тариқатга мансуб дарвеш ўртасида тўғридан-тўғри бир боғлиқлик йўқ. Лекин мажозий ўхшашлик бор. Дарвеш учун муршиднинг эшиги бамисоли Қаъбадурки, у ана шу эшикка осилувчи ва ундан нажот тиловчидир.

Дарвешнинг Кўнгли — Ҳақ назаргоҳи. Шунинг учун сулук мақомларида кўнглини поклаш, том бир таслимият ичра таваккул ишонч-эътиқодини мустаҳкамлаш, узлуксиз равишда ишқ сирларидан завқланиш, ўтмиш учун «ўлиб», келажак учун доимо қайта «туғилиш» ва руҳоний ҳузур ичра озод ҳаёт кечириш дарвешларга хос хусусият ва сифатлар саналади.

«Нур ал-улум» асарида бундай савол-жавоб битилган: «Сўрдиларки, «Дарвешлик недур?» Айтди: «Уч чашмадан иборат бир дарёдир. Бу чашмалардан бири—парҳез; иккинчиси—саховат; учинчиси—Тангри таоло бандаларидан инъизмандлик этмаслик эрур». Шайх розияуллоҳ анҳу бир сўфийдан сўрдики, «Сизлар кимни дарвеш деб атайсизлар?» Деди: «Дунёдан хабари бўлмаганни». Шайх деди: «Бундай эмас, юрагида дунё андешаси бўлмаганга айтилура. Чин сўзлайдию сўзи йўқ, кўрадию кўзи йўқ, эшитадю қулоғи йўқ, овқатланадию лаззати йўқ. Ҳаракат ва хотиржамлик, қайғу ва қувончдан фориг киши — бу дарвеш».

Бундай салоҳият, бундай хотиржамлик, бундай қаноат ва форигликни руҳоний озодликнинг идеал намунаси деса хато бўлмайди.

Дунёдаги барча буюк дин, фалсафий таълимот ва маърифий-маданий мафкураларнинг пойдеворини Инсон эрки — тўла маънодаги дахлсиз озодлиги муаммолари ташкил этади. Инсон учун чин ҳуррият — ташқи

таъсирлардан халос этадиган ботиний ҳаёт эркинлигидир. Бу — ташқаридаги бирор бир кучга эмас, одамнинг ўз кўнглидаги Мутлақ ҳокимга қулликдирки, шу маънода дарвешга тенг келадиган маърифат соҳиби жуда сўйрак топилади.

Жалолиддин Румий кенг самога эркин ва яйраб парвоз қилгучи қуш билан дарвеш ўртасида жуда яқинлик, ўхшашлик кўрган. Буюк шоир ҳурликка интилишнинг ўзиёқ дунёнинг бир қанча «тузоқ»ларидан қутқаза олишини таъкидлаб дейди: «...қушки ердин юқори учқай, агарчи осмонга етмагай, аммо домдин йироқ бўлғай. Ҳамул навъ агар киши дарвешликка етмаса, аммо мунча бўлғайки, зумраи халқдин ва бозор аҳлидин мумтоз бўлғай ва дунёнинг заҳматларидан сабукбор бўлғай...»

Дарвешлар жамоаси орасида бўлиш, суҳбатларини тинглаш, кўрсатма ва насиҳатларига амал қилиш — ахлоқни гўзаллаштириш, Ҳақ йўлида мақсадга етишишнинг қулай бир чораси ёки усули деб қаралган. Дарвешлик маслагини — энг юксак маслақ сифатида қабул қилган Боқирғоний шу масала талқинида маҳсус ҳикмат битган:

Мунглиғ ожиз бўлдим ман, нафсимни ўздин юлдим ман,  
Истадигим бўлдим ман дарвешларнинг ичинда.  
Безор бўлдим даъвидин, ҳам ҳужжату фатвидин,  
Сир очилди Мавлидин дарвешларнинг ичинда,  
Сирим сирға уланди, кўнглим Аршга йўлланди,  
Ишқ қиличи бойланди дарвешларнинг ичинда.

Демак, «Ҳаққа ошиқ бўлгон» «Ҳақ қуллари» учун — дарвешларга қўшилиши ёки издошликнинг илк самараси — «нафсни ўздин юлиб» ташламоқ. Иккинчиси, ҳар қандай даъвони тарк айлаш. Ва илоҳий Сир пардаси ўртадан кўтарилгач, «Сирни сирға» улаш.

Алишер Навоий «Шоҳ юриб олам очар, дарвеш оламдан қочар», дейди машҳур ғазалида. Дарвешнинг таркидунёчи эканлиги — ҳақиқат ва унинг характери сифатларидан ҳисобланади. Лекин олам аҳлининг дарвешларга муносабати бошқача: шоҳ учун ҳам, гадо учун ҳам дарвешни эъзозлаш, дарвешга эҳтиром кўрсатиш шараф бўлган. Бу эъзоз ва эҳтиромнинг асл сабаблари нимада? Боқирғоний шеърдан шу саволга ҳам жавоб топиш мумкин:

Ким бор дарвешларга тенг-тўш, ондин ўрган ақлу ҳуш,  
Шавқ шароби бўлур нўш дарвешларнинг ичинда.  
Дарвешларнинг бозори, зикр турур гулзори,  
Ҳақнинг сирри асрори дарвешларнинг ичинда.  
Суратлари мундадир, сийратлари андадир,  
Подшоҳлара на сондур дарвешларнинг ичинда...

Чин дарвеш Ҳақдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нимага қарамлиги йўқ, тўғрилиги каромат даражасига кўтарилган, ҳақиқат ҳисси бағоят ўткир ва ўзининг мавжудлигини Ишқ, Маърифат, Рухоният эҳтиёжларидан хориждан тасаввур қила билмайдиган ошиқдир. Дарвешлар шундай зотларки, Боқирғоний айтмоқчи:

Омий келса хос бўлур, юлдуз келса ой бўлур,  
Мис келса олтун бўлур дарвешлар суҳбатинда.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан «Ўзгаларнинг кўнглидагини билиб олиш дарвешларда қандай ва қаердан пайдо бўлади?» деб сўралганда, «Кўзи очиқлик ва англаб олиш фаросат нури орқали бўлиб, Ҳақ субҳонаҳу буни дарвешларга ато қилдики, «фаиннаҳу янзуру би-нуриллаҳи» — «чунки у (яъни дарвеш) Аллоҳ нури орқали боқади», деб жавоб берган эканлар. Дарвешлар ёлғиз дунёгамас, балки инсон табиати ва қисматига ҳам Аллоҳ нури билан назар ташлаганликлари учун уларда яна икки муҳим хислат жуда тараққий топган. Булардан бири — ҳамма давр ва замонлар учун олтиндан ҳам ортиқ қимматга эга бўлган камтарлик ва хоксорликдирки, буни Боқирғонийнинг қуйидаги сатрларидан англаш осондир:

Ўзингни халқдин ортуқ ҳам кўрмагил,  
Улуғлиқни Ҳақга сазо кўрмиш керак...  
Кўтаргил бошингдин бу кибру мани,  
Қадамни рости «ман»ни куни урмоқ керак.

Иккинчиси — дарвешлардаги ўзига хос ҳиммат ва фидойилик. Ҳазрат Нақшбанддан, «Дарвешлар ҳузуз (лаззат)дан бутунлай воз кечганлар, улар яна нечун, «Эй худовандо, мени кечиргил» дуосини ўқийдилар», деб савол беришибди. Шунда ул зот, «Улар (яъни дарвешлар) ўзларининг вужудларини поклаш билан ўзгаларнинг вужудларини поклашни истайдилар», деб жавоб қайтарганлар. Боқирғоний дейди:

Кўзда ёшлари оқиб, даргоҳ қапуғин очиб,  
Меҳнатга тизин чўкиб қаршу турғон дарвешлар.

Бир-биридан сир сўзлар, мунг бирла ҳикмат тузар,  
Ишқ бирла жаҳон гезар бенгзи сориг дарвешлар.  
Арслон миниб еларлар, йилон қамчи қилурлар,  
Бошин кирпичга қўюб, тизин қучон дарвешлар...

Демак, бунча заҳмат чекиб, «арслон миниб» елишлар фақат дарвешларнинг ўзлари учунмас, ўзгаларнинг қалби ва ахлоқига ижобий таъсир ўтказиш учун ҳам воқе этилгандир.

Сулаймон Боқирғоний «Меърожнома» яратишда ҳам Яссавий анъаналарига содиқ қолган. Меърож ҳодисасига муносабат, пайғамбарнинг меърожга кўтарилиш асносидаги ҳолати, Жаброил ва Буроқ образига хос хусусиятларнинг тасвирланишида Яссавий ва Боқирғоний асарларида ўхшашликлар кўзга ташланади. Шунга қарамасдан, Боқирғоний «Меърожнома»си ғоявий-бадий жиҳатдан ўзига хос мустақил асар. Унда пайғамбарнинг Меърожга кўтарилиш сабаблари бевосита ҳаёт ва инсон тақдири билан боғлиқ тарзда талқин қилинади.

Боқирғонийнинг «Меърожнома»си бундан анча аср муқаддам яратилган бир манзума. Албатта, уни қизиқиб ўқиб, қийналмасдан тушунадиган кишиларнинг сони бугунгига қараганда ўтмиш замонларда кўпчиликни ташкил этган. Бундай асарларни тадқиқ ва таҳлил қилишнинг бугун учун аҳамияти борми? Уларни синчиклаб ўрганиш, ҳар бир сўз, ҳар бир фикр ва сатр ортида бекиниб ётган ахлоқий, фалсафий ва маърифий маъноларни кўрсатиб, ўқувчиларни «назми маъориф»га қизиқтириш керак. Бу, энг аввало, инсоннинг ўз моҳиятини англаш, руҳоний ҳаёт сирларини идрок этишига ёрдам беради.

Расул меърожин эшит, кенди иймонинг ёрут,  
Зоҳир-ботининг орит, нури сафо келдиё, —

дейди Боқирғоний. Муаллифнинг меърож ҳодисасини ҳикоя қилишдан кўзда тутган асосий мақсади ҳам шу: инсоннинг қалб нигоҳини ўз имонига қаратиш, уни ҳам зоҳиран, ҳам ботинан покланишга рағбатлантиришдир. Шу маънода «Меърожнома»да энг ибратли бир нуқта бор: пайғамбар Аллоҳ висолига етишгач, Аллоҳ Расули акромдан «Дўст дўстга келурда холи келмас, сен не келтирдинг», дея сўраганда демиш:

Расул айди, ё Саттор, раҳм қилғувчи Ғаффор,  
Мен нимарса келтурдим, йўқтур санда тедиё.

Тўрт нимарса келтирдим, йўқтур санинг ганжингда,  
Журм, ҳожат, йўқсизлик, тўртинчи ёзиқ тедиё.

Тасаввуф адабиётида гуноҳ ва нуқсонларни очиқ-ойдин сўзлаш, гуноҳ дардларига Аллоҳдан даво исташ тамойилидаги фикрларнинг илдизи пайғамбар томонидан айтилган ана шундай ҳақиқатларга бориб туташади. Бундан ташқари, бир неча наби ва пайғамбарлар, жумладан, Нух, Мусо, Исо алайҳиссалом ҳам Ҳақ йўлига кирмай, дину имонни тан олмасдан куфру гуноҳларга ботган қавмдошларига Аллоҳдан шафқатсиз жазо беришни тилаганлар. Муҳаммад пайғамбар эса ваҳшийлик, жоҳиллик, гумроҳлик қилган энг қийин пайтларда ҳам умматни дуоибад қилмаган, Аллоҳдан жазо сўрамаганлар. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Тоифдан қайтишда бир гуруҳ оломон пайғамбарга тошлар ёғдириб, оёқларини қонга белашган экан. Шунда Аллоҳ тарафидан Ҳазрати пайғамбарга бу ёвузлар ҳақидаги дуоибад қабул қилиниши, исталса улар ҳалок этилажаги маълум қилинибди. Жаноби пайғамбар эса Аллоҳга: «Йўқ, балки булардан сенга ибодат қилувчи фарзандлар туғилар, ё Раб», — деган экан.

Хуллас, Расули акром ўзини лаънат этувчи эмас, раҳмат тилувчи пайғамбар билган. Муҳаммад пайғамбардан кейин авф ва кечирим — одамни одамдан юз буришига эрк бермайдиган, Мўминнинг мўминга қасд қилиши, бир-биридан ўч олишини тақиқловчи улўф фазилатга айланган. Шунинг учун пайғамбар суннатига содиқ сўфий, дарвеш, ориф ва оқиллар одамларга Аллоҳдан жазо тилаш, қусур, камчилик ёки гуноҳлари учун уларни қарғаш майлларидан бутунлай йироқдирлар. Нақл этилишича, Маъруфи Қархий ўз яқинлари билан Бағдодда дарё соҳилида ўтиришганда, ичкилик ичган ва чолғу чалиб хурсандчилик қилиб юрган бир гуруҳ кишилар шовқин солиб ўтишибди. Шунда мусоҳиблардан икки-учтаси Қархийга «Бу бадбахтларнинг очиқчасига исён этишларини кўрмаётирмисан? Дуоибад қилсангчи уларни», — дейишибди. Қархий қўлларини дуога очиб: «Аллоҳим, ана уларни бунда роҳатлантириб завқлантирганинг каби охиратда ҳам ҳузур ва завққа восил қилгайсан», — дебди. Шайхдан қарғиш сўраганлар: «Биз дуоибад қил, дедик, Сен эса... Бу қандоқ бўлди?» — дейишибди. Қархий эса: «Охиратда уларни фараҳлантирмоқ ва

авф этилиши ўз гуноҳларига пушаймон бўлишлари ҳамда тавба туфайли мумкиндир», — деган экан.

«Меърожнома» талқинига қайтадиган бўлсак, Меърожда Аллоҳ Расулидан «Не ҳожатким тиласанг, қабул қилай», деганда, пайғамбар уммат тақдири, уммат дарди ва келажаги учун ҳожат тилайди:

Расул айтур, тиларман, умматларим қўлларман,  
Осий уммат ёзуқин авф қилғил тедиё...

Ҳазрати Муҳаммад: «Ҳеч бир пайғамбарга меъга бўлган қадар азият кўрсатилмагандир», деган эканлар. Шунга қарамасдан, Аллоҳ даргоҳида ул улуғ зот «уммат ёзуғини» авф айлашни сўраганлар. Боқирғоний «Расул меърожин айтиб дўстига ёдгор» яратганда ана шу мислсиз меҳр ва инсонпарварликни ўрناق ва намуна қилиб кўрсатгандир.

1996 йил.

## РУҲИ ҲУР, ИРФОНИ ҲУР ШОИР

### 1

Бундан минг йиллар муқаддам қадим Хитой қишлоқларидан бирида халта кўтарган бир фақир пайдо бўлибди. Қишлоқ аҳли ундан: «Елкангда нимани кўтариб юрибсан?» — деб сўрашганда у: «Бутун дунёни», — дея жавоб берибди. Ци-ци номли бу донишманд зот назарда тутган «бутун дунё» — ҳақиқат бўлиб, у ҳақиқатга зор ва ҳақиқатдан йироқ одамларга ҳақиқатни таништириш ва тарғиб қилиш билан машғул бўлган экан. Шарқда туғилиб, камол топган улуғ шоир ва ёзувчиларнинг кўпчилиги елкасига «халта» кўтарган ана ўша фақирга ўхшайди. Зеро, улар ҳам дунёнинг дунёлигини ҳақиқатда кўрган, Ҳақиқат учун туғилиб, бутун умри ва фаолиятини Ҳақиқат истиқболига бағишлаган истеъдодлар бўлишган.

Ҳақиқат — турғун фикр ва тушунчалар бирлигидангина иборат эмас, албатта. Ҳақиқат янгиланиши, доимий равишда илгарилаб, юксалиб бориши билан қудратли ва умидбахшдир. Мана шунинг учун Ҳақиқат ҳар гал баланд мақомларга кўтарилганда, Олам ва одам тақдирида ижобий ўзгаришлар юзага келади. Ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳақсизликлар, қисман бўлса-да, барҳам топади. Ва ўз-ўзидан бу одамларнинг Ҳақиқатга ишонч ҳиссини кучайтиради. Шу

тариқа юксак ахлоқий туйғулар уйғонади. Жалолиддин Румий бадий ижод оламига кириб келганида аҳвол бутунлай бошқача эди.

Тарихдан маълумки, Румий яшаб ижод этган давр — ер юзининг анча катта қисмини аёвсиз мўғул тўфони қуршаб олган, кўп халқларнинг қалбида қўрқув ва таҳликалар кучайган машъум бир давр эди. Эрон олими Абул Ҳасан Надавийнинг қайд этишича, Мавлоно Румий «инсоннинг инсонлигини рад қилган ва бу оламдаги қадр-қимматини таҳқирлаган замон фарзанди ўлароқ майдонга чиққандир. Ва Мавлоно шундай замон, шундай жамиятда ўзининг оламшумул шеърияти билан умидсиз адабиёт харобалари ичида қолган ҳамда таназзулга юз тутган шеър ила кўмилган инсон кароматини ҳаракатлантира олганди».

Румийнинг бетакрор шеърияти ва санъаткор сифатидаги тарихий хизматларидан фикр юритаркан, Надавий эътиборга молик яна шундай фикрларни ёзди: «Мавлоно Румий порлоқ ва гўзал бир тил, имон ва балоғат билан инсоннинг кароматини ва инсонлик фазилатини улуғлади. Ниҳоят, жамиятда жонланиш бошланди. Инсон ўзининг шарафи ва қадр-қимматини теран англаш йўлига тушди. Ислом адабиёти ҳам бу жозибали қувват ва улуғворлик билан илгарилади. Мусулмон шоирлари шу тамойилда шеърлар ёзиб, диққатни унга қаратдилар. Тасаввуф оламида ҳам янги ҳаракат юз очди. Буларнинг ҳаммасини бир ибора билан инсонликдан фахр айламоқ дейиш мумкиндир» («Туйғу ва тушунчада тозалик...», Кўнё, 1986: 120—121-саҳифалар).

Дарҳақиқат, Жалолиддин Румий инсоният фикр ва туйғу тарихида ўзига хос юксак босқич яратган, Шарқ шеъриятида руҳоният завқи ва сирларини кашф этишда беллашиб бўлмас натижаларга эришган шоир эди. Румийнинг инсон кароматини улуғлаши зоҳирий бир мақсад эмасди. Бунда у ўзининг ботиний салоҳияти ва сўзининг таъсир қувватига ҳам инонар ҳамда тўла ишонч ила одам табиатида туб ўзгаришлар пайдо қилишидан баҳс этганди. Масалан, шоир бир ғазалида:

Ман ғуссаро шоди кунам, гумроҳро ҳоди кунам,  
Ман гургро Юсуф кунам, ман заҳроо шакар кунам.

(Мазмуни: «Мен ғуссани шодлик қилай, гумроҳни тўғри йўл бошловчи қилай, мен бўрини Юсуф этай, мен заҳарни шакар қилай»), деса бошқа бир шеърда:

ҳасад аҳлини ғамдан озод айлаб, «эшаклар тудаси»га шодлик бағишлаганидан сўзлайди:

Ҳасудонро зи ғам озод кардам,  
Дили галае харонро шод кардам.

## 2

Алишер Навоий «Маҳбубул қулуб» асарида шоирларни бир неча табақага ажратиб, аввалги жамоанинг «ишлари маоний хазинасидан маърифат жавҳарин термак ва эл файзи учун вазн силкида назм бермак», — дейди.

Навоий таснифи бўйича, Жалолиддин Румий ушбу гуруҳга мансуб шоирлардан. «... Яна қойили маснавийи маънавий, ғаввоси баҳри яқин Мавлоно Жалолиддин, яъни Мавлавий Румийдурки, мақсадлари назмдан асрори илоҳий адоси ва маърифати номутаҳоний имлосидан ўзга йўқтур». Навоий Румийни «ғаввоси баҳри яқин» деганида, албатта, яқин илмидаги ғаввослигини назарга олган.

«Яқин» — очиқ-ойдин, аниқ ва шубҳа-гумондан бутунлай холи илм демак. Имом Ғаззолийнинг ҳукмига кўра, «дин Сарватининг бутун сармояси» Яқин илмидир. Яқин — илмнинг бошланғичи бўлиб, унга эришилгач, қалб учун барча нарсани фаҳхламоқ, англамоқ имконлари очиларкан. Мутасаввифларнинг тунунчасида, «қай замонки нафс бирор нарсани тасдиқлашга тарафдор бўлиб, ўша нарса нафсдан ғолиб келиб исталган шаклда нафсни тасарруф айлай олса, унга Яқин номи берилур».

Яқин учун уч мақом белгиланган: Илмул яқин — ўқиш ва ақлий далилларга асосланиб эришиладиган билим. Айнул яқин — бу мукошафа йўли ила ҳосил этиладиган ботиний, яъни ҳол сирларини бичувчи билим. Ҳаққул яқин эса илм, мушоҳада ва ҳол босқичларини кечиб Ҳаққа фоне бўлмоқ. Чунончи, фақат илм билан эмас, кўриш, ҳол ва сир мақомларида яшаб ҳақиқатни билиш ва шу ҳолатда давом этиш. Бу — Яқин даражаларининг охири ва энг юксаги. Чунки унда илм ва мушоҳададан кечиб, асил моҳият ичида яшаш ҳақиқати қўлга киритилади. Айрим олимлар Ҳаққал яқин ошиқнинг ҳам илм, ҳам ҳол, ҳам мушоҳада соҳибни ўлароқ Ҳақ васлига етишиши, деган фикрни илгари сурганлар. Навоий худди шу жиҳатлардан Мав-

лоно Румийни «ғаввоси баҳри Яқин» деб билган ва ибрат қилиб кўрсатган. Навоийнинг бир рубойидаги «Шукр айлаки Ҳақ аҳли яқин қилди сени» деган сўзлари ҳам Румийнинг хизматларини яқиндан англашга ёрдам беради.

Тасаввуф адабиёти — илми ҳол, илми ботин, илми ҳақиқат деб аталмиш тасаввуф илми билан алоқадорликда тараққий топиб борган. Шунинг учун бу илм ўртага қўйган асосий тушунчалар, ботиний томондан таъвил ва талқин қилиниши лозим бўлган фикр-қарашларни инобатга олмасдан, ижоди тасаввуф таълимотига боғланган ҳеч бир шоир ёки ёзувчи асарлари устидан тўғри ҳукм чиқариб бўлмайди. Мана шунинг учун шоир ва мутафаккир сифатида дунёга донг таратган Гётенинг ақли-идроки ҳам Румий шеъриятининг туб моҳиятини билиш, Завқ мақомларини топишда кучсизлик қилган. Акс тарзда бу улуғ санъаткор «Ғарбу Шарқ девони»да, «Жалолиддин Румий воқеликнинг шубҳали заминиди ўзини ўнғайсиз ҳис этади. У ҳодисаларнинг ички ва ташқи жумбоқларини зукколик ила соф руҳий, хаёлий зайлда ҳал қилишга уринади. Аммо охир-оқибатда у яратган асарларнинг ўзи янги талқин ва шарҳларга муҳтож жумбоққа айланади...», дея шарҳ битмаган бўлурди. (Иқтибос И. Брагинский китобидан келтирилди: «12 миниатюр». М., 1966, стр. 204).

### 3

Румий тасвирларидаги маъно ва туйғуларнинг замини ҳам, миқёси ҳам жуда кенг. Бу тасодифий эмас, албатта. Унинг ўзидан олдинги маданиятларни мукамал ўзлаштирганлиги илмда ёритилган. Румий ижодиёти Юнон, Эрон, Миср, Ҳинд мифологияси билан алоқада бўлган. Араб, юнон адабиёти тажрибалари билан боғланган. Ислом дини, айниқса, Қуръони карим унинг шаклланишида ҳам, ривожланишида ҳам зўр таъсир кўрсатганки, буни шоирнинг ўзи ҳам қайта-қайта эътироф этган. Мана, у бир рубойида нима дейди:

Ман бандан Қуръонам агар жон дорам,

Ман хоки роҳи Муҳаммади мухторам.

Гар нақл кунад жуз ин кас гуфторам,

Безорам аз ўву, з-он сухан безорам.

(Мазмуни: Агар жоним бор экан, мен Қуръоннинг

бандасиман. Мен соҳиб ихтиёр Муҳаммад йўлининг тупроғиман. Биров сўзимни бундан бошқача нақл қилса, ундан ҳам, ўша сўздан ҳам безорман).

Мавлоно Румий ислом ва тасаввуф маърифати бирлигига асосланган форсий шеърятнинг муҳиби ва беназир билимдони эди. Буюк шоир учун Фаридуддин Аттор — Руҳ, Санойӣ — кўз мавқеида бўлиб, у ўзини шу икки санъаткорга издош деб билган:

Аттор руҳ буду Санойӣ ду чашми ў,  
Мо аз пой Санойю Аттор омадем.

Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат» асарида Румийнинг Фаридуддин Аттор билан учрашуви ҳақида шундай дейди: «Мақкага борурда Нишопурда Шайх Фаридуддин Аттор суҳбатиға етиштилар. Шайх «Асрорнома» китобин аларға берган экандур. Доим ўзлари билан асрор экандурлар. Алар дер эрмишларки, мен бу жисм эмасменки, ошиқлар назарида манзурмен, балки ул завқ ва хушлуқменки, муридлар ботинида менинг каломимдин бош урар. Олло-олло чун ул дамни топсанг ва ул завқни топсанг, ғанимат тут ва шукур қилки, мен улдурмен».

Ҳа, Румий ЗАВҚ муқтадоси эди. Уни завқ руҳоният шоирига айлантирганди. У илоҳий гўзаллик нурларидан завқланар, кўнгли завқ-шавққа тўлган сайин дунёни унутар, шу завқ уни оламнинг оқу қароси, яхшилигию ёмонлиги; тубанлигию юксаклиги устидан том бир ғолибликқа етказарди. Шу ҳурлик ҳолатлари шоирнинг қуйидаги сингари сатрларида аксини топганди:

Маро гўяд яке мушфиқ, бадат гўянд бадгўён,  
Накугўрову бадгўро намедонам, намедонам.  
Замин чун зан, фалак чу шў хўрад фарзанд чун  
гўрба,

Ман ин занрову ин шўро намедонам, намедонам.

(Мазмуни: Мени биров мушфиқ деса, бадгўйлар ёмон деса, яхши дегувчисини ҳам, ёмон дегувчисини ҳам билмайман, билмайман. Замин гўё хотин, фалак бир эр, йиртқичга ўшаб фарзандини еса, мен бу эру хотинни билмайман, билмайман).

Румий Ўзлигини ишқ ва завқ-ла топганлиги учун ҳам «Ул завқни топсанг, ғанимат тут ва шукур қилки, мен улдурмен» деганди.

Шоир қалбида оташин ҳиссиётларни тўлиб-тошир-

ган висол завқи эди. Шу маънода Румийни на Аттор, на Санойй ўз ортидан эргаштира олмаганди. «Санойй ва Аттор, кўп улуг эрлардир, аммо ҳижрон ва айриликдан кўп баҳс этурлар. Бизнинг сўзларимиз висолга оиддир», — демишди Мавлоно.

Чиндан ҳам Санойй ва Атторнинг ғоявий-бадий талқинларида инсон комилликка қанча интилса интилсин, дунёда не қадар юксалса юксалсин, унинг вужуди четга сурилмас бир пардадурки, инсон то ўлмагунича ҳақиқатга эриша олмас, деган фалсафий қараш ҳокимдир. Румийда бунинг акси, унинг нуқтаи назарида ҳақиқат олами — тириклик ва инсонлик олами. Улим ҳақ — эртадир, кечдир одам ўлади. Бироқ одамлар бир-бирига жон бўлиши, бир-бирининг ишқи билан ўлиши керак.

Инсон — илоҳлик маҳзари. Илоҳни ҳам у ўзидан ахтармоғи шарт. Ундан ташқарида илоҳий исм ҳам, калом ҳам йўқ. Жибрилу амин, набию расул ҳам унинг ўзи:

Онҳо, ки талабгори худоед, худоед.

Берун зи шумо нест, шумоед, шумоед.

Чизе ки накардед гум, аз баҳри чи жуед.

В-андар талаби гумшуда аз баҳри чароед?

Исмеду ҳуруфеду каломеду китобед,

Жибрили ҳуруфеду каломеду китобед...

Бундай фикрлар инсоннинг ўз моҳиятида мавжуд ва яшириниб ётган илоҳий фазилатларни билиш ва теран идрок этишга хизмат қилганлиги шубҳасиз, албатта.

#### 4

Жалолиддин Румий шеърятини — диний-тасаввуфий инончлар таъсирида шаклланган. Тасаввуфий маъно ва ҳиссиётлар Румий ғазалиётида бир-бирини такрорламайдиган оҳангларда тасвирланган. Тадқиқотчиларнинг эътирофларига кўра, Шарқдаги бошқа мутасаввиф шоирларнинг рубойларидан фарқли ўлароқ, Румийнинг кўпчилиги рубойлари само мажлисларида яралган. Само эса Румий тушунчасида ўзига хос бир уйғониш ва сурур мажлиси эди. Шоир уни тирикликнинг ороми, жоннинг жони дея таърифлаганди:

Самоъ ороми жони зиндаги ҳаст,

Қаси донадки ўро жони жонаст.

Академик А. Крымский «Хеч муболагасиз, «Маснавий» тўпламини тасаввуфнинг шеърий қомуси дея аташ мумкиндулки, унингсиз тасаввуфни англаш душвордир», — деганида ҳақ бўлган. (А. Крымский, История Персии, его литературы и дервишеской теософии, том III. М., 1914—1915. с. 276).

Бу ва бунга ўхшаш бошқа кўп далиллар Мавлоно Румийни чин маънодаги сўфий шоир қиёфасида тасаввур қилиш ҳамда ижодиётини сўфийлик маслагининг маҳсули дея таърифлашга ҳуқуқ беради. Бу ҳуқуқдан хориждаги бир қанча олимлар ва шўро даври адабиётшунослиги ўзича фойдаланиб, Румийни сўфийлик дунёсидан четга чиқа олмаган шоирлар даврасига қўшишган. Ҳолбуки, Румийнинг дунёқараши, ҳақиқатга эришиш йўли, ишқдан кўзда тутган мақсади, руҳоний юксалиш босқичлари том маънодаги сўфий ижодкорлар, ҳатто Санойй ва Атторикидан фарқланган. Чунки, Румий, биринчидан, расман ҳеч қайси тариқатни қабул қилмаган. У таълаган комиллик йўли — ишқ, мусиқа ва само йўли эди. Шунингдек, Румий тариқат асосчиси ҳам бўлмаган. Улкан румийшунос Абдулбоқи Гулпинорлининг ёзишича, Румийнинг издошлари бўлиб майдонга чиққан мавлавийлар «бир тариқатни тамсил этмасдилар. Улар, ишқ йўлининг содиқ йўлчилари бўлган Шуттор тоифаси эди ва тариқат аҳли ҳолида эмас, бир зумра ҳолида эдилар. Мавлавийлик Мавлонодан анча кейин қурулди ва мавлоноликни тамомила унуттирди» («Мавлоно Жалолиддин», Истанбул, 1985, 224-саҳифа).

Ушбу фикрларни ўқиган кишида «Мавлонолик нима?» деган савол туғилиши табиий. Бизнингча, Мавлонолик, энг аввало, Румийнинг буюк ва мислсиз шахсияти, шахсий фазилатлари, комил ахлоқи, инсоният тафаккурини олий юксакликларга кўтарган фикр-қарашлари ва руҳоний маърифати. Бироқ булар бир қадар умумий гапдай эшитилиши мумкин. Абдураҳмон Жомийнинг «Нафоҳот ул-унс» асаригаги бир маълумот эса масалани «хусусий» томондан ёритишга йўл очади.

Жомий ёзади: «Бир жамоат Мавлонодан имомат қилишни илтимос этдилар ва ўша жамоа орасида Шайх Садриддин Кунявий ҳам ҳозир эди. Шунда Мавлоно деди:

— Биз мардуми абдолдурмиз, ҳар жойгаки, етурмиз, ўтирурмиз, турурмиз. Имомликка тасаввуф ва

тамкин арбоблари лойиқдурлар (Осор, ж. 8, Душанбе, 1990, саҳ. 89). Демак, Румий сўфийлик маслагидан абдоллик маслагини устун қўйган, ўзини тасаввуф арбоби ёки сўфий эмас, абдоллар вакили ҳисоблаган.

Абдол сўзи тасаввуф истилоҳи тарзида IX асрдан эътиборан фаол татбиқ этилган. Аммо унгина ҳам халқ оғзаки ижодиёти намуналарида абдол калимаси мавжуд бўлиб, абдоллар тўғрисида баҳс юритилган. Фақат улар дунёнинг маънавий низоми муҳофазасини акс эттирувчи Рижоул ғайб назарияси билан алоқадор қилиб кўрсатилган.

Муҳаммад Фуод Кўприлизода абдолга хос сифатларни, «оз сўзламак, оз ухламак, оз емак, носдан айру яшамоқ, мададга муҳтож ва лойиқ бўлганларга ёрдам бермоқ, бир мамлакатга келадиган фалокатларга қарши турмоқ, ёмғир ёғдирмоқ, ғанимларга қарши бош кўтарганларга ёрдамлашмоқ», — деб характерлайди (Адабиёт тадқиқотлари, 2-жилд, Истанбул, 1989, 367-саҳифа). Буларнинг ҳаммаси инсоний ҳаракат, фаолият, ҳиммат, кўпчиликка ғамхўрлик, ҳаттоки миллий журъат ва жасоратни намойиш айлайдиган сифатлардир.

Ҳар қандай ҳолат ва шароитда ҳам қаҳрни — меҳрга, жоҳилликни — маърифатга, нафсни — фаросатга таслим этиш абдолликнинг ахлоқий мажбуриятлари эди. «Нафоҳот ул-унс»да ҳеч бир жониворга озор етказмаслик ва ҳеч бир жониворни ўлдирмаслик «абдоллик мазҳаби» эканлиги айтилган.

Румий шахсиятидан баҳс этилган бир қанча ҳикоят ва ривоятлар ҳаётда ҳам унинг абдоллик одобига тўлиқ риоя қилганлигидан далолат беради. Нақл қилинишича, Мавлоно бир кун кетаётиб йўлакда узала тушиб ётган итга дуч келибди. Ва итнинг оромини бузиб қўймаслик учун уйғонишини кутибди. Шу орада таниш бир киши келибди-да, итни қувиб йўлни очибди. Мавлоно, бу ҳолдан жуда хафа бўлиб, унга «Итга азият етказдинг», — дея танбеҳ берибди.

Ҳақиқий абдолларга ўхшаб, Мавлонода ҳам амирлар, султонлар билан учрашиш ёки уларга яқинлашиш истаги бўлмаган. Бир гал амирлардан бири унинг зиёратига бора олмаганидан узр сўрабди. Шунда Мавлоно «Узр тиламакка ҳожат йўқдир. Бизни кўрмаслик кўришдан кўп қарра қувончбахшдур», — деган экан («Туйғу ва тушунчада тозалик...», 69-саҳифа).

Румийнинг эътиқодига кўра, «Кўнгли ойдин бир

мардга қул бўлмоқ шоҳларнинг бошларида тож бўлишдан кўп қарра афзал»<sup>1</sup>. Аммо бойлик, хонлик, амалдорлик ҳирси бу ҳикматни билишга йўл қўймайди. Натижада «халқ мақом ва мартаба учун тубанликларга бардош берар. Ярамас ҳолларга тушар, юксаклик умиди ила хорликдан лаззат олар, хўрланишдан хушланар» (II, 84-саҳифа). Одам на амал, на мол, на зар билан чинакам ҳурликка эриша олмайди. Чунки булар вужуднинг мақсадлари. Ақлан, руҳан озод яшаш эса дил касби ва шу касб ила кенг маънодаги дўстликни камол топтирмоқдир:

Мол асту зар асту мақсади тан,  
Касби дил дўсти фузудан...

М. Ф. Кўприлизода, абдол энг узоғи билан XII асрда дарвеш атамасига муқобил ўлароқ қўлланила бошлаганлигини айтади. Румий шеърлятида абдолга хос баъзи етакчи хусусият ва фазилатларнинг дарвеш ҳамда фақир образида мужассамланувига ана шу муқобиллик сабаб бўлгандир.

## 5

Жалолиддин Румий бир рубойида «Мени она туғмаган, ишқ туққан. Шу волидага минг-минг раҳмату офарин», — дейди. Румийнинг қарийб эллик минг байтдан иборат девони, йигирма олти минг байтдан ортиқ «Маснавий»си ишқ фарзандларининг кўнгил ва ҳақиқат китобидир. Мавлононинг шеърляти — халққа ишқ шодликларини етказувчи ва айни пайтда шодликнинг додини берувчи шеърлят:

Ишқ он бошад, ки халқаро дорад шод,  
Ишқ он бошад, ки доди шодиҳо дод.

Маълумки, тасаввуф таълимотида ишқ икки турга ажратилган: мажозий ва ҳақиқий ишқ. Мажозий (ёки башарий) ишқ инсоннинг инсонга ва борлиқ оламга бўлган севгисидир. Бу ишқ ҳам инсоннинг руҳий ва ақлий қувватига таянади. Энг юксак ҳиссиёт ила борлиқ гўзалликларини севиш ва ардоқлашни талаб қи-

<sup>1</sup> Мавлоно, Маснавий, туркча таржима, III жилд, Истанбул, 1990, 53-саҳифа. Бундан кейин Маснавийдан келтирилган парчалар ҳам туркча таржимадан олиниб, қавсда китобнинг жилди ва саҳифаси кўрсатилади.

лади. Чунки у илоҳий ишққа етишмоқ учун бир босқич. Ҳамма гап бу «босқич»да баҳимий, яъни хайвоний майл ва сифатларга қул бўлиб қолмасликда. Зеро, гўзалликдан тунилган ишқ руҳоний туйғуларга кенг йўл очини, борлиқ — оламда акс этган гўзалликнинг илоҳий сирларини тирап идрок айлашга чорлаши муқаррардир. Акс тарзда Мавлоно «Ишқ хоҳ мажозий бўлсин, хоҳ ҳақиқий, охир-оқибатда инсонни ҳақиқатга етказур» (1,9-саҳфа) демасди.

Тўғри, Румий ишқни «Тангри сирларининг устур-лоби», деб билган. Илоҳий ишқни мажозий севгидан устун кўрган. Аксарият шеърларида, «Маснавий»сида шу ишқдан баҳс юритган. Лекин уларнинг бирини иккинчисига қарши кўймаган. Балки, «Ишқсиз киши қанотсиз бир кўшга ўхшар, унинг ҳолига вой ва ёзуқлар бўлсун» (I, 30—31-саҳифалар) деган.

Шу ўринда озроқ чекиниш қилмоқчимиз. Литва олими И. Н. Калинаускас «Наедине с миром» номли китобида машҳур ўрис ёзувчиси ва файласуфи Д. С. Мережковскийнинг мана бу фикрини келтиради: «Шу пайтгача бировлар кўп билишган, аммо кам севишган, бошқаларда ишқ кўп бўлган, бироқ билим жуда камлик қилган. Фақат кўп билиб, кўп севишга қодир кишигина инсоният учун ҳақиқатда гўзал ва буюк ниманидир амалга оширмоғи мумкин» (Киев, 1991, 242-саҳифа). Ўйлаб кўришга арзирли гап. Бугун инсоният керакли, кераксиз илмни эгаллашда олдинги асрларга нисбатан илгарилаб кетганлиги рост. Бироқ ишқий ҳиссиётларини юксалтира олгани йўқ. Шу боис дунёда ишқнинг эмас, шахватнинг қуллари кўп. Севги-муҳаббат кучига таянувчиларга қараганда, гафлат ва жаҳолатга таслимларнинг сони беҳисоб. Мавлоно шахват ила ишқ орасидаги масофанинг жуда йироқлигини: «Аз шахват то ишқ роҳи бисёр аст», — деб таъкидлар экан, таҳсил билан ҳосил этилган илм ва ишқ ўртасида ҳам катта фарқ борлигини айтади:

Он илм, ки дар мадраса ҳосил карданд,  
Коре дигар асту ишқ коре дигар аст.

Бу хулоса шоирнинг шахсий тақдири ва ҳаёт тажрибалари билан ҳам боғлиқ эди. Мадрасада ўқиган чоғларида ҳам, Кўниёда мударрислик қилган йилларида ҳам у бошқа киши, яъни чин ошиқ эмас, ақл ва мантиқ ҳукмларига тобе олим ва аллома эди.

1244 йил Румий ўттиз етти ёшларда экан, фикр ва

маънавий ҳаётида туб ўзгариш пайдо қилган бир учрашув бўлади. Ушанда дарвешларнинг султони Шамсиддин Табризий Кўниёга ташриф буюрганди. Нақл қилинишича, Мавлоно от устида, ёнида шогирдлари виқор ва салобат ила мадрасадан уйига қайтаётганда, Шамс унинг қаршисида пайдо бўлади. Ва отнинг жиловидан тутиб, Мавлонога савол беради:

— Эй муллоин Рум, Ҳазрати пайғамбар буюкми, Боязидми?

— Бу қандай савол? Албатта Ҳазрати Муҳаммад буюк-да, — дейди Румий.

Шамс:

— Яхши, аммо, Расули Аллоҳ, қалбим зангланур, шунинг учун Раббимга кунда етмиш карра истиғфор этарман, — демиш. Ҳолбуки Боязид, ўзимни ёмон хислатлардан покларман, зуҳурим нақадар буюк, деюр. Жасадим ичида Тангридан бошқа бир борлиқ йўқ, дея даъво этмиш. Бунга не дерсан?

Мавлоно:

— Муҳаммад алайҳиссалом кунда етмиш мақом ошарди. Ҳар мақом ва ҳар мартабага етганда аввалги мақом ва мартабадан истиғфор этарди. Боязид эса етишажак мақомининг улуғлигидан ўзидан кечди ва ул сўзни сўзлади.

Устози шогирд орасидаги яқинлик, Мавлононинг Шамсга ишқи мана шундай тарзда бошланганди. Шундан сўнг улар хилватга чекиниб олти ой суҳбат қуришди. («Мавлоно гулдастаси», Кўниё, 1991, 39—40-саҳифалар). Бу суҳбатлар — нафс ва ахлоқ, қалб ва руҳ, тафаккур ва маърифат, ишқ ва ҳақиқат сирларидан баҳс этувчи маърифий суҳбатлар эди. Шамс ақидапарастликдан тамоман йироқ, ҳур фикрли комил инсон эди. Унинг учун тоат-ибодатдан мурод зоҳирий русум ва одатларни адо айлаш эмас, қалб ҳузурига эришмоқ эди. У фақат завқ ва ҳузурда риё бўлмас, ибодат — кенгул ибодати, қуллик — қалб қуллиги, булар ҳузурсиз ижро этилган зоҳирий ибодатлардан кўп карра устун ҳамда афзал деб ҳисобларди. Хуллас, Шамс билан учрашувдан сўнг Мавлононинг қалбидаги ишқ ва ҳурлик учқунлари аланга бўлиб ёнишга бошлаганди. Бу ҳолатлар унинг шеърларида ҳам ўз тасвирларини топган:

То дар дили ман ишқи ту афрӯхта шуд,  
Жуз ишқи ту, ҳарчи доштам, сӯхта шуд.

Ақлу сабақу китоб бар тоқ ниҳод,  
Шеъру ғазалу дубайти омўхта шуд.

Айрим олимлар Шамси Табризий то Кўниё уфқида зуҳур этмагунча, Румийнинг шеърү шоирлик билан иши йўқ эди, деган фикрни айтишган. Бу гапга қўшилиб бўлмайди. Мавлоно Шамсини топгунича ҳам шеърлар ёзган. Аммо кейин Мавлоно уларни ёқиб юборган экан. А. Гулпинорли куйдирилган ўша шеърларни шоир «ҳаётининг илк даврларида ёзилганлигини» тахмин қилади.

«Ишқ шариасти барча динлардан айридир. Ошиқларнинг миллати ҳам, мазҳаби ҳам Аллоҳдир» (II, 135-саҳифа).

Румий шеърятининг лирик қаҳрамони худди шу маслак ва мазҳабдаги кишиларнинг вакили. Мавлоно ижодиётида талқин қилинган ҳақиқий ишқ, комил инсонга муҳаббат ёки комиллик сирларини унда кашф айлашдурки, бу ишқ орифлик, гўзаллик, виждон завқи ва кўнгул ҳаловатининг энг олий мужассамадур. Мавлоно шеърятинида инсонни ҳусни мутлақдан ажратадиган фикрий бир тўсиқ йўқ.

Маълумки, аҳли ҳол тушунчасида ишқ севгининг энг охири даражаси ва мукамал шакли. Ишқ мақомига кўтарилгунча ошиқ яна етти даражада қалб ва руҳни камолга етказиши керак. Булар: 1. Дўстлик. 2. Савдо — кўз ёш тўкмак. 3. Севгидан сармастлик. 4. Муҳаббат — ёмон феъллардан покланиб, яхши ва гўзал хулқ-ла севгилига яқинлашмоқ. 5. Шигоф — қалбни пора этиб, оташга ёққан севги. 6. Жунун, яъни маъшуқанинг қулига айланмоқ. 7. Севги шаробидан маст бўлиб ўздин кечмоқ. Севгининг ушбу даражалари ва уларни босқичма-босқич кечиб ўтган ошиқнинг аҳвол-руҳияси Румий томонидан фавқулодда санъаткорлик билан тасвирлаб берилган. Бунда шоирни илҳомлантирган гўзаллик ва латофат илоҳаси, биринчи навбатда, Аёл бўлганки, бунини ҳам алоҳида таъкидлаш керак, албатта. «Аёл Ҳақ нуридир, севгили эмас... айни яра тувчидир, яратилмиш эмас» (I, 195-саҳифа), — дейди Мавлоно. Мана шунинг учун ҳам Румий тасвиридаги фикру туйғулар ниҳоятда жонли, ҳаётий, самимий, ва завқбахшдир.

Шарқ шеърятти ҳамма давр ва шароитда ҳам бир хилда ривожланиб бормаган: у бир неча маротаба турғунлик ва бухрон ҳолатларни бошдан кечирган. Лекин уни руҳий турғунлик, фикрий якранглик офатларидан ҳар гал ҳақиқий истеъдодлар халос айлашган. Жалололиддин Румий ҳам худди шундай буюк санъаткорлардан эди. Одамлар «чин шеър ва санъат очуни» дан узоқлашган замонда Мавлоно шеърятга янги руҳ, янги қувват бағишлади. Унинг учун Сўз фақат инсон қалбинимас, балки икки жаҳонни ҳам янгилайдиган муъжиза эди. Мавлоно бошқалардан ҳам муъжиза яратишни талаб қилганди:

Ҳин, сухани тоза бигу то ду жаҳон тоза шавад...

Мавлоно шеърни севар, шеърдан тинимсиз завқланарди. Бироқ қофиябозликка тоқат қилолмасди. Шеърни вазн ва қофияга тобе билиш унга мутлақо ёт фикр эди. Унинг «Эй шоҳи султони азал, бу байту ғазалдан халос бўлдим, муфтаилун, муфтаилун, муфтаилун ўлдирди мени, дейишида шеърятдаги шаклбозликка қарши исён бор:

Ростам аз ки байту ғазал, эй шоҳи султони азал,  
Муфтаилун муфтаилун муфтаилун кушт маро.

Мавлоно ижоди билан Шарқ шеъряттида янги фасл бошланди. Бу—эскининг янгига таслим бўлиш ва шеърятда янгиликнинг тантана қилиш фасли эди. Шунинг учун эскирган фикр жаллобларининг даври ўтди, биз янгилик сотувчисимиз, бу бизнинг бозоримиздир,— дейди Мавлоно:

Навбати кўҳнафурўшон даргузашт,  
Нав фурўшониму ин бозори мост.

Румий шеърятти ўзининг ҳам руҳоний, ҳам маъруфий янгилиги ва тасвир усулларининг бағоят гўзал ҳолда хилма-хиллиги билан кейинги даврлар ўзбек адабиёти тараққиётига кучли таъсир ўтказгандир. Бу таъсир излари Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Сўфи Оллоёр каби ўнлаб ёзувчи ва шоирларимиз асарларида аниқ кўзга ташланиб туради. Даъвомиз қуруқ бўлмаслиги учун биз бу ўринда Навоий шеъряттидаги айрим далилларга эътиборни тортмоқчимиз.

Ҳар нарсанинг яхшилик ва камолга томон бориши-

га инонган Жалолиддин Румий ёмонликнинг юзага келишини ҳам бошқача тушунтиради. «Нуқсонлар камол сифатларининг ойнасидир, — дейди Мавлоно, — у ҳурлик, юксаклик ва улуғликка кўзгу эрур... Ким ўз нуқсонини кўриб, англаса, тасарруфида тўққиз от бўлса-да, уларни комиллик йўлида елдилар.

Ўзини комил деган улуғлик соҳиби Тангри йўлида парвоз эта билмас. Эй мағрур ва худпараст кимса. Жонингда ўзингни комил англашдан баттар иллат йўқдур» (I, 257—258-саҳифалар).

Энди, Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» достонидаги мана бу сатрларнинг маъносига диққат қилинг:

Ноқис улдурким ўзин комил дегай,  
Комил улким нуқсин исбот айлагай.  
Ўз камолидин демас аҳли камол,  
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.  
Сен нуқсон ичра комилсан баса,  
Олим айтиб ўзни, жоҳилсан баса...  
Ким ўзин комил кўрар ноқисдур ул,  
Нуқс бермайдур камоли сори йўл.

Демак, Навоий ҳам Мавлонога ўхшаб нуқсонни инсондаги камол сифатининг ойнаси билган. Ва нуқсонларни билиш («Комил улким нуқсин исбот айлагай») орқали комилликка етишиш муқаррарлигини таъкидлаган.

Жалолиддин Румий ва Алишер Навоий адабий меросини тарихий-қийосий йўналишда ўрганиш Навоий шеърятининг ботиний оламни мукамал билиш, ундаги бир қатор мураккаб тушунча ва ҳақиқатларнинг моҳиятини тўғри талқин қилишга йўл очади. Масалан, Алишер Навоийнинг:

Кўнглум ичра бут ғами, куфр ичра ўлсам яхшироқ,  
Аҳли дин оллинда борғунча бу исломим била, —

сингари сатрларидаги маъноларни Румий ижодиётидан ажратиб талқин этиш мумкин эмас.

Куфр сўзининг луғавий маъноси маълум: инкор этувчи, ислом динини тан олмаган, шак келтирувчи, яъни кофир дегани. Тасаввуф истилоҳи ўлароқ, куфр мутлақо бошқа мазмунларни ифодалайди. Ва куфрнинг моҳият-эътибори ила имонга ихтилофи йўқ. Шунинг учун «Маснавий» да, «куфр ҳам, имон ҳам ул улуғлик соҳиби Тангрига ошиқдир», — дейилган (I, 196-саҳифа).

Тасаввуф таълимотида куфр мақом, ҳол, йўл ва ҳақиқат тарзида қабул этилган. «Куфри ҳақиқий» дея номланган мақомни ҳозирги кун нуқтаи назари билан шижоат ва холислик мақоми, деб баҳолаш мумкин. Аҳли Ҳақ инончлари бўйича, инсондаги таҳлика ваҳм ва уларнинг ҳосиласи бўлмиш истак йўқдан бор бўлмаган. Уларни ҳам Тангри яратган. Ҳақиқат ва мутлақ борлиққа қовушган киши кўнглида эса таҳлика ва ваҳми яратган Тангрини инкор айлаш туйғуси бош кўтарган. Куфр ҳоли мана шудир.

Ҳақиқати куфрда умуминсоний бир мазмун яширинган. Чунончи, бутун борлиқни Ҳақ ва ҳақиқат маҳзарлари деб билган орифлар бошқа дин ва мазҳабдаги кишиларнинг илоҳий инончларига ҳам тўла ҳурмат билан қараганлар ҳамда инсон қавмининг ҳар бир жамоасида Ҳақни кўрганлар. Аммо куфр шиори билан илгари сурилган бу ҳақиқат икки маънода пинҳон тутилган. Биринчиси, диннинг зоҳирини муҳофаза айлаш, иккинчиси, ўзни жаҳолат, нодонлик ва мутаассиблик хуружларидан асраш учун.

Куфри тариқатда эса барча динлар ва мазҳабларнинг вакилларига бир назар билан қараш, ҳеч кимни ранжитмаслик ва бировлар ранжитганда ҳам ранжимаслик бир қоида этиб белгиланган.

Бутун ҳаёти мобайнида Мавлононинг шу қоидадан чекинмаганлигини тасдиқловчи ҳикоят ва ривоятлар кўп. Бироқ улардан энг эътиборлиси Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асаридан ўрин олган: «Мавлоно Сирожиддин Қазвиний ўз вақтининг бузурги эрмиш. Аммо алар билан (яъни Мавлоно билан — И. Ҳ.) хуш эрмас эмиш, анинг қошида деб турларки, мен етмиш уч мазҳаб била бирдурмен. Тиладики, аларни ранжида қилғай ва беҳурмат этгай. Бировни ўз яқинларидинки, донишманд эрди ва сафиҳ эрди, йибордики, жамъ аросида Мавлонодин сўрғилки, сен мундоқ дебсен. Агар иқрор қилса, сафоҳат қил ва оғзингдин келгунча сўк ва ранжида қил. Ул киши келди. Дерлар: савол қилди. Алар дедилар: айтибмен. У киши муқаррар қилғон дастур била беқоида айтиб, сафоҳат қила киришти. Алар табассум қилиб дедиларки, булар била ҳам бирмен. Ул киши бағоят хижил бўлди ва қайтти».

Мана, куфр тариқининг хосияти ва куч-қудрати. Буни инобатга олмасдан Румийнинг қуйидаги каби фикрларининг мағзини чақиб бўлмайти:

Имон чун куфр, куфр имон нашавад,  
Як бандаи Ҳақ баҳақ мусулмон нашавад.

Яъни: имон—куфрга, куфр — имонга айланмагунча, Ҳақнинг бирор бандаси чин мусулмон бўлмас. Навоийнинг «куфр»парастлик шавқи ва эътиқоди билан битилган ўнлаб байтларида ушбу ғоя ўзига хос шаклларда давомини топган ва уларда амалий бир ворислик туйғуси ҳоким. Балки шунинг учун ҳам Навоий очиқ-ойдин:

Дин нақдини куфри била савдо қилдим,  
Ким қилди бу ишким мени расво қилдим, —  
дегандир.

7

Азиз ўқувчи. Сиз агар Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат»идаги Румийга бағишланган саҳифаларни кўздан кечирган бўлсангиз, бир ҳодиса хотирангизда, албатта нақшланиб қолган. Келинг, ғаройиб ул ҳодисани яна бир эслайлик.

Ушанда Жалолоддин олти ёшда бўлган. Одина куну у бир гуруҳ тенгдошлари билан томда ўйнаб, томдан-томга сакрашар ва қувнашарди. Шунда ўртоғларидан бири унга «Келинг бу томдан яна бир томга сакраймиз», — дейди. «Бу ит ва мушукларнинг иши. Агар сизнинг жонингизда қуввате бўлса, осмон томига секрели...», — дебди Жалолоддин. Ва зум ўтмай болаларни қичқиртириб, йиғлатган воқеа юз берибди: иттифоқо, у кўздан ғойиб бўлибди-да, бир фурсатдан сўнг яна ўша томга тушиб тенгқурларига дебди: «Ул соатки сизга ул сўзни айтур эрдим, кўрдумки, яшил кисватлиғлар мени сизнинг орангиздин сирмадилар ва кўтариб осмонга элттилар ва малакут ажойибин менга кўргуздилар. Чун сизларнинг фиғон ва фарёдингиз чиқти, яна бу ерга тушурдилар».

Бу — бўлажак улуғ шоирнинг илк руҳий парвози эди. Бу — қалби бир умр самовий хислар-ла завқланган илоҳпараст санъаткорнинг келажагига ишорат эди. Бу — Қаъба Инсон қалби эканлигига заррача шубҳаланмаган ва:

Эй қавми ба ҳаж рафта кужоед, кужоед,  
Маъшуқ дар инжост биёед, биёед, —

дея Тангри сирлари инсон кўнглида тажалли этишдан баҳс юритган ҳақшуноснинг малакут ажойиботлари.

дан биринчи ҳайратланиши эди. Эҳтимол, ана ўша, самовий кўтарилиш туфайли ҳам кейинчалик Мавлоно тил ила ифода этилмайдиган сирларга соҳиб бўлганларнинг руҳ тилини ўрганишда ташвиқ айлаб:

Агар тотсан, агар руму агар турк,  
Забони бе забонро биомуз, —

дегандир. Унингча, «Руҳ илм ва ақл ила йўлдошдир, дўстдир. Руҳнинг арабча билан, туркча билан не иши бор?» (II, 5-саҳифа). Мавлоно маъно тилини билгани, руҳ тилида сўзлашгани учун Фарбу Шарқнинг меҳрини қозонганди.

Жалолиддин Румий бир ғазалида «Аз марг чаро тарсам, к-ў оби ҳаёт омад», — дейди. Дарҳақиқат, шоир умрининг энг сўнгги дақиқаларида ҳам шу фикридан чекинмасдан, ўлимни таҳликасиз қаршилай олганди.

Умрининг охири куни дўсти Шайх Садриддин Кунявий касаллиги оғирлашган шоирни кўришга келади. Ва Аллоҳ шифо бериб, Мавлононинг тезда тузалишини тилайди. Шунда шоир унга дейди: «Мундан сўнгра «шифокаллоҳ» сизда бўлсин. Ҳамоноки ошиқ ва маъшуқ аросида бир кўнглакдин ортиқ қолмайди, тиламассизки нур нурга қўшилур». Нур нурга қўшилган ўша кун 1273 йил 17 декабр эди. Мавлононинг жасади солинган тобут эртаси кун уйидан кўтариб чиқилди. Жанозага ҳаддан ортиқ халқу халойиқ тўпланганди. «Олимлар, сўфийлар, ахийлар, футувват эрлари, риндлар, ҳукумат арбоблари... Насронийлар, яҳудийлар... бутун инсонлик Мавлонони бош устида кўтариб борарди. Яҳудийлар Тавротдан, насронийлар Инжилдан оятлар тиловат қилишарди. Ғайридинларининг дафн маросимини тарк этишларини кимдир талаб қилганда, улар фарёд-ла демишлар: «У бизнинг Масиҳимиз эди, у бизнинг Исомиз эди. Мусонинг, Исонинг сиррини биз унда кўрдик, ундан билдик. У қуёш эди. Қуёш эса бир жойни эмас, бутун дунёни ёритур...» («Мавлоно Жалолиддин», 129-саҳифа).

Дарҳақиқат, Мавлоно фикр ва маърифат, руҳ ва ҳақиқат қуёши эди. Мавлоно «олам аҳлининг жони» эди.

## АҲМАД ЮГНАКИЙ ИМОМИ АЪЗАМГА ЗАМОНДОШ БЎЛГАНМИ?

Илдизи чуқур халқ — омадли ва бошидан не қийинчилик, не кулфатларни кечирмасин, толеи баланд халқ. Чунки миллатни миллат бўлиши ва мустақил миллат сифатида камол топишини шу илдиз белгилайди. Маърифат ва маданият, адабиёт ва санъат тараққиёти ҳам бевосита шу илдизнинг қудрати, мустаҳкамлиги ва ҳаётбахшлигига боғлиқ. Илдиз қанча соғлом, нечоғли чуқурлаган бўлса, ўсиш, юксалиш ўшанча яхши, ўшанча умидбахш бўлади. Шу маънода туркий адабиёт дунедаги энг теран, энг таъсирчан адабиётлардан бири дейишга тўла асос бор. Бу адабиётнинг жон томирларига етиб бормоқ учун ҳатто тош билан сирлашмоқ, дунёнинг не-не яхши ва ёмон ҳодисаларига гувоҳ тошлар бағридан ҳам битиг ўқимоқ зарур бўлгандир. Зеро, VI—VIII асрларда яратилган Урхун-Энасой ёдномалари туркий халқлар ёзма адабиётининг илдиз моҳиятига эга қадимий намуналари ҳисобланади. Бу гап Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк»ига ҳам тегишли. Озарбойжон олими Комил Валиев ёзади. «Қошғарий Маҳмуд дунёнинг бу бошидан боқиб у бошини кўрарди. Самарқанддан боқиб Табризни, Бакуни, Бухородан боқиб Нахчивонни, Шамаҳини, Дарбандни, Амударё-Сирдарё орасиндан боқиб Онадўли чўлларини кўрарди.

Қошғарли Маҳмуд она сўзларнинг ботинини кўрарди. Бу сўзлар-ла нашъу намо топган Насимийни, Навоийни, Фузулийни... кўрарди». Шунга яқин ёки ўхшаш таъриф сўзларини туркий ёзма адабиёт бошида турган Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Адиб Аҳмад сингари буюк ижодкорлар ҳақида ҳам айтиш мумкиндир. Басират назари замон пардаларини четга суриб, олис келажакни кўриш даражасига юксалган бу улуғ ижодкорларнинг асарлари миллий адабиётнинг дастлабки йирик ютуқлари — бош китоблари сифатида қадрланган ва асрлар мобайнида меҳр билан ўқиб-ўрганилган.

Маълумки, миллат руҳан ва фикран ўзлигини билишга қанча кучли эҳтиёж сезса, унинг ўз ўтмишига қизиқиши ҳам ўшанча кенгайди ва кучаяди. Миллат виждонининг тўла уйғониши билан, миллат тарихи ҳам уйғонади. Ва унинг ўтмиш маданияти, санъати, илм-фан ҳамда адабиётига муносабати жонли ва ҳар

турли ташаббусларга рағбатлантирувчи бир жараёнга айланади. Соҳибқирон Амир Темур ва маърифатсевар темурий шаҳзодалар ҳукм юритган даврлар шу жиҳатлардан ҳам эътиборга молик ва ибратлидир.

Филология фанлари доктори Э. Рустамовнинг маълумот беришича, Улуғбек ҳукмрон замонларда Самарқандда бўлганидек, Ҳиротда ҳам қадимий туркий адабиёт намуналарини ўрганиш иштиёқи жуда кучайган. Масалан, Мирзо Улуғбекнинг нуфузли амалдорларидан бири, адабиётнинг чинакам мухлиси ва муҳиби Арслон Хожа Тархон кўрсатмаси билан Аҳмад Югнакийнинг машҳур «Ҳибатул ҳақойиқ» дostonининг Самарқандда уйғур ёзувида кўчиртирилиши оддий ёки тасодифий ҳаракат эмасди. Асар матнининг қиёсан жиддий текширилиши, «тузатиш»лардан кечилиб, хато ва қусурларга барҳам берилиши — бу фақат Адиб Аҳмад асарига эмас, умуман қадим туркий адабиёт обидаларига ихлос, эътибор ва ғамхўрликнинг амалий бир натижаси эди деса, хато бўлмас. Афсуски, худди ўша замонлардагидек, Адиб Аҳмаднинг туғилган ва ўлган йили, ҳатто яшаган асри, асарининг ёзилиш тарихи бугун ҳам номаълум ҳамда мажҳул қолмоқда. Лекин бугунги мактаб ўқувчиси ҳам «Ҳибатул ҳақойиқ» XII асрнинг охири XIII асрнинг бошларида яратилган, деган аниқ маълумотга эга. Чунки дostonни топган, илмий-танқидий матнларини тузган, тилшунослик йўналишида кенг ва изчил тадқиқ этган йирик олимлар, айтайлик, турк Нажиб Осимдан бошлаб, то ўзбек Қ. Маҳмудовгача бўлган катта бир олимлар гуруҳи, «Ҳибатул ҳақойиқ»нинг лексик, фонетик ва грамматик хусусиятларига асосланиб уни XI—XII ёки XII асрнинг охири ва XIII аср бошларида ижод этилган дея хулоса чиқаришган. Филология фанлари доктори Э. Умаров эса, «Бизнингча, шубҳасиз, «Ҳибатул ҳақойиқ» XII асрга доир адабий ёдгорликдир», — дейди.

Беш томлик «Ўзбек адабиёти тарихи»да (1-том) таъкидланишича, «Ҳибатул ҳақойиқ»да қўлланилган сўзларнинг лексик, фонетик ва грамматик хусусияти, бир томондан, «Қутағду билиг»га яқинлашса, иккинчи томондан, «Қиссаи Рабғузий»га жуда монанддир. Шунга кўра, Е. Э. Бертельс қадимги ўзбек адабий тилидан классик ўзбек адабий тилига ўтишда «Ҳибатул ҳақойиқ» «кўприк» бўлиб хизмат этган деб кўрсатади.

Е. Э. Бертельснинг ҳукми Шарқ адабиётидан яхши

хабардор, хусусан, тасаввуф ва тасаввуфий адабиётни анча чуқур биладиган адабиётшуноснинг нуқтаи назарини ифодалайдики, буни инобатга олиш шарт. Умуман, «Ҳибатул ҳақойиқ»ни XII асрнинг охири ва XIII аср бошларида ёзилганлигига ишонч билдиришган тилшунос ва адабиётшуносларнинг хулосалари бир қадар тахминий характерда бўлса-да, бизнингча, у ҳақиқатга энг яқиндир. Қолаверса, уни ўзгартириш ё тубдан четга суришга ҳуқуқ берадиган на бирор тарихий факт, тахминга бутунлай барҳам берадиган на бирор илмий ҳужжат ва маълумот ҳанузгача мавжуд эмас.

Адиб Аҳмад асари Дод Сипоҳсолар бек деган кишига бағишланган. Қим бўлган бу бек? Қачон ва қаерда яшаган? Мана шу саволларга жавоб топилса, Адиб Аҳмад яшаган замон ҳам, макон ҳам, ижтимоий-маданий муҳит ҳам равшанлашади. Бироқ бу гапдан мазкур саволлар мутлақо жавобсиз қолаётир, деган хулоса чиқмаслиги керак, албатта.

«Қорахоний даври турк шеъри» номли тадқиқот муаллифи Т. Такин шундай дейди: «Ҳибатул ҳақойиқ»нинг Самарқанд нусхасида бу бек ҳақида (яъни Дод Сипоҳсолар ҳақида — И. Ҳ.) «Амируъл аъзам малики турки ваъл-ажам» «Турк ва Ажам ҳукмдори улуғ амир», дея муносабат билдирилганлиги эътиборга олинса, Муҳаммад Дод Сипоҳсолар бек Шарқий қорахонийлар ўлкаларидан бирида ҳукм сурган бир турк беги бўлган, деган қарорга келиш мумкин. «Ҳибатул ҳақойиқ»нинг ёзилиш тарихи аниқ маълум бўлмаса-да, уни қорахонийларнинг сўнгги пайтлари — XII асрнинг охири ёки XIII асрнинг авваларида яратилган, деган фикрни қатъий илгари сурса бўлади.

Бу — эски турк шеърятни тадқиқига кўп куч бағишлаган ва шу соҳанинг билимдон бир вакили айтган гап. Шунга қарамасдан, уни қатъий тўхтаб маълумотида қабул қилмоқчи эмасмиз.

«Ҳибатул ҳақойиқ» Улуғбек замонида бўлганидек, Алишер Навоий яшаб қалам тебратган замонларда ҳам халқ орасида машҳур эди. Навоий «Насойимул муҳаббат» асарида улуғ турк машойихлари қаторида Адиб Аҳмадга ҳам ўрин ажратди ва унинг шахси, манқабавий сифатлари, ижодининг ўзига хос фазилатлари тўғрисидаги қимматли фикрларни битиб қолдирди. Улар шундай сўзлар билан бошланади: «Адиб Аҳмад... ҳам турк элидин эрмиш. Анинг ишида ғариб нималар

манқулдур. Дерларки, кўзлари бутов эрмишки, асло зоҳир эрмас эрмиш. Басир бўлуб, ўзга басирлардек андоқ эмас эрмишки, кўз бўлғай. Аммо бағоят зийрак ва закий ва зоҳид ва муттақий киши эрмиш. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло агарчи зоҳир кўзин ёпуқ яратқондур аммо кўнгли кўзин бағоят ёруқ қилғондур».

Албатта, Адиб Аҳмад улкан истеъдод ва ақлу дониш соҳиби бўлмаганида «Ҳибатул ҳақойиқ» дек асарни ярата олмасди. Лекин унинг кўзи ожизлигига қарамасдан, кўнгил кўзи бағоят ёруқ, бағоят зийрак, закий ва мутаққий зот эканлигини Ҳазрат Навоий тилидан эшитиш ҳам мароқли, ҳам ниҳоятда аҳамиятли.

Адиб Аҳмадга доир Навоий маълумотларининг давомини келтириш ёки шарҳлашдан олдин бир ҳақиқатга аниқлик киритиш жуда зарурга ўхшайди. «Насойимул муҳаббат» тасаввуф аҳли — машҳур шайх, сўфий, абдол, дарвеш, эран ҳамда валийлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи маноқиб характеридаги асар. Хўш, маноқиб нима? «Ғиёсул луғот»да шарҳланишича, «маноқиб — мақтовга лойиқ яхши сифатлар», «Навоий луғати»да бу атама: 1. Яхши сифатлар, гузал хислатлар, 2. Бир кишининг фазл ва мартабасини мақтаб ёзилган рисола, дея изоҳланган. Маноқибнинг бирликдаги шакли манқаб ва манқабидир. Сулаймон Улдутоғнинг «Тасаввуф терминлари луғати»да ўқиймиз: «Манқаб ва валийларнинг ғайри табиий сифат, ўрнак ҳол, ҳаракат ва ҳаёт тарзларини акс эттирадиган, сўз ҳамда тавсиялари нақл этилган асарлар». Хуллас, манқаб ва вилоятнома, мистик кароматлар мажмуаси, авлиё ва орифларнинг ҳоллари баёни демак. Манқабавий ҳаёт — кўпинча вақт, замон ва макон чегараларини умуман тан олмайдиган афсонавий ҳаёт. Буни достоний ҳаёт ҳам дейишган. Манқабавий ҳаётдан реаллик ахтариш ёки талаб қилиш ақлдан хорижий ишдир. Чунки у аниқ ва реал тарих эмас, жазба ва увайсийлик маҳсули бўлмиш тарих. Манқаб ва асосланиб бирор бир шахснинг таржимаи ҳоли ва ҳақиқий сиймосини тайин этмоқ мушкул эрур. Сайри сулук сирларидан сал бўлса-да, огоҳ, тасаввуф истилоҳларидан хабардор кишилар буларни яхши билишган. Билмаганлар эса хато ортидан хатони эргаштириб, ёлғон устига ёлғонлар тўқишган. М. Ф. Кўприлизодининг таъкидлашича, «Қадимги Шарқ тарихчилари аксарият пайтда тарих ила манқабани фарқлай олмаганликлари учун, халқ ҳаёлотида яралган ҳаёлий ҳақиқатларни

китобларига кўчиришдан бошқа бир иш қилмаганлар».

Хуллас, тарихий ҳаёт бошқа, манқабавий ҳаёт бошқа. Моҳият, ҳолат, ҳаракат тарзи билан улар бир-биридан кескин фарқланади. Шундай бўлмаганида, Кўприлизода Аҳмад Яссавийга бағишланган тадқиқотининг алоҳида бир бобини «Аҳмад Яссавийнинг манқабавий ҳаёти», кейинги бобини «Аҳмад Яссавийнинг тарихий ҳаёти» дея номлаб, айри-айри масала сифатида тадқиқ этмасди.

Манқабата талаблари ва манқабавий ҳаёт хусусиятларини билмаслик, гоҳо умуман фарқлай олмаслик оқибатида ҳар турли хато ва чалкашликларнинг содир этилиши, афсуски, кейинги пайтларда тарихчи, адабиётшунос олимлар орасида одат шаклини эгалламоқда. Аҳвол шу зайлда давом этадиган бўлса, ҳеч ажабмаски, яқин ўртада илмий эртак жанрида ижод қилиш сира кутилмаган равишда мусобақага айланажак.

Маълумки, эски даврларда асолат, хусусан, диний асолат буюкликнинг бир далили бўлиб, унингсиз буюклик мукаммал ҳисобланмаган. Шу боис ўзини Пайғамбар авлодига ёхуд қадимда яшаб ўтган асил бир зот ила қондош кўрсатиш ёзилмаган бир қоида бўлиб қолган. Бу иш кўпинча у ё бу буюк шахснинг ўлимидан кейин амалга оширилган. Масалан, шажара эътибори билан Жалолиддин Румий Ҳазрати Абу Бакр наслига нисбат берилган. Бироқ буни Румийнинг ўзи билмаган. Бу даъвони исботлайдиган ривоят Мавлоно Румийнинг ўғли Султон Валад вафотидан анча кейин тўқилган. Ёки Абдулқодир Гилонийнинг сайидлардан эканлигини билдирувчи ривоят ҳам ўзидан анча фурсат сўнг тўқилган. Манқабавий ҳақиқат билан тарихий ҳақиқатни ажрата олмагани учун, албатта, кимлардир бу гапларга тўла инонган. Манқабатада ишонтириш қуввати фавқуллода кучли. Шу даражада кучлики, қайсидир улуг шайх, сўфий ёки валийнинг ўзидан неча минг замонлар муқаддам яшаб ўтган пайғамбарлар билан суҳбатлар қуриши, имому авлиёлардан сабоқ олишига тўлиғ ишонасиз. «Насойимул муҳаббат»да Ҳаким Термизий ҳақида, «Хизр била суҳбат тутар эрмиш. Абубакр Варроқким, анинг шогирдидир, ривоят қилурким, ҳар якшанба Хизр анинг била келиб, мулоқот қилур эрди ва воқеаларни бир-бирларига айтурлар эрди...»,— дейилгандир. Шу маълумотни дастак қилиб Хизрни Термизийга асрдош дейиш мумкинми?

Ун биринчи асрларда яшаб ўтган Бобо Тоҳир Ур-

ёний дарвеш шоир бўлган. Бир гуруҳ кишилар уни шариат илмини билмасликда айблашган. Шунда Бобо Тоҳирнинг таржимаи ҳолини битувчилар бундай айбномаларнинг илдизини қуритишнинг осон йўлини танлаганлар, яъни унинг шариат илмини ниҳоятда чуқур билишини тасдиқловчи кашфу кароматлари ҳақида ажойиб ривоятлар яратганлар. Ва бунинг исботи ўлароқ, Бобо Тоҳир тилидан «Мен тунда курд эдим, тонгда араб бўлдим», деган ҳадисни нақл этганлар. Ҳолбуки, бу фикр бошқа бир неча шайхларга ҳам нисбат берилган. Барча манқабавий асарлар каби «Насойимул муҳаббат» ҳам ана шундай нақл ва ривоятларга тўлиғдир. Адиб Аҳмаднинг Имоми Аъзамга шогирдлигини «исботловчи» ривоят шулардан биттаси. Навоий ёзади: «Маскани Бағдоддин неча йиғоч, баъзи дебтурлар, тўрт йиғоч йўл эркан. Ҳар кун Имом Аъзам дарсига ҳозир бўлур эркандур ва бир масъала ўрганиб бу йўлни яёғ борур эркандур. Дарс ери сафи ниол эркандур. Нақледурки, Ҳазрати Имомдин сўрабтурларки, шогирдларингиз орасида қайсидин андоқки кўнглингиз тилар, розисиз? Бовужуди Имом Муҳаммад ва Имом Абу Юсуф ва алар абнойи жинси ва ҳамсинлари. Имом дебтурки: бори яхшидур. Аммо ул кўр турки сафи ниолда ўлтурур ва бир масъалани мазбут қилиб, тўрт йиғоч йўл яёғ келиб борур, андоқки керак ул таҳсил қулур».

Бу маълумот фақат оддий ўқувчинимас, тасаввуф маслаги ва тариқат одобидан беҳабар олимни ҳам ҳаяжонлантириши табиий. Ахир, Абу Ҳанифа ан Нуъмон ибн Собит, яъни Имоми Аъзамни ким билмайди дейсиз? Ҳанафийлик мазҳабининг асосчиси, мислсиз аллома сифатида у бутун мусулмон оламида маълуму машҳур. Навоий Адиб Аҳмадни шу улуғ зотдан сабоқ олганлигини нақл этган бўлса, қандай ишонмаслик керак.

Филология фанлари доктори, профессор М. Имомназаров «Адиб Аҳмад қачон яшаган?» номли мақола-сида («Ўз. ад. ва санъати», 1995, 31 март) Навоийнинг Имоми Аъзам ва Адиб Аҳмад муносабатларига оид қайдларга гўё биринчи мартаба чуқур диққат қилиб, уларни ўзича шарҳлайди. Ва: «Адиб Аҳмад тимсолида туркий шеърият ислом оламида VIII аср охири — IX аср бошларидаёқ ислом минтақа адабиётининг бешигини тебратган», — дея умумлашма хулосаларни илгари суради. Очиғини айтиш жоиз: муаллиф кашфиёт-

чилик иддаоси учун бош асос этиб белгилаган факт ва далилларнинг характерини ҳам, моҳиятини ҳам тушунмаган. Ҳолбуки, Адиб Аҳмад реал ҳаётда Имоми Аъзамнинг шогирди бўлмаганлигини таъкидловчи далил ва ишоратлар «Насойимул муҳаббат»да битта эмас, бир нечадир.

Адиб Аҳмад ҳикматларидан Навоий келтирган намуналар орасида қуйидаги байт ҳам бор:

Сўнгакка иликтур, эранга билик,  
Биликсиз эран ул иликсиз сўнгак.

Адиб Аҳмад «ислом минтақа адабиётининг бешигини» тебратишга қанча куч сарфламасин, VIII—IX асрларда бундай деб ёза олмасди. Нима учун?

«Эр» ва «эран» Қуръони каримда «авлиёуллоҳ» дея аталган Аллоҳ дўстларининг туркча номлари. Эр ва эран тасаввуфда муршиди комил, инсони комил маъноларини билдиради. Эранларнинг кўнгли маърифат ва ҳақиқат хазиначисидурки, уларга эргашган, суҳбатидан файз олган одам ҳеч пайт Ҳақ йўлидан адашмайди. Худди шу боис Аҳмад Яссавий:

Эранлар хизматидан чекмагил бош,  
Агар бошингга гардундин ёғар тош,

деса, Алишер Навоий «Эранлар хизматиға улки умрин сарф этар, агарчи умри кетар аммо жовид умриға етар. Узингни бу зумрадан йироқ тутма, бошинг борса, бу муддаони унутма», дейди. Эран туркий панднома ва тасаввуф адабиёти заминида юзага чиққан тимсол. Бу тимсолнинг тасаввуфий адабиётдан ўрин эгаллаши тахминан XI асрдан кейинги даврларга тўғри келади. Демокчимизки, Адиб Аҳмад «аббосийлар халифалиги пойтахти Бағдод шаҳридан бир неча чақирим олиқликда бирор шаҳар ёки қишлоқда» яшаса ҳам, «ўша ердан пиёда қатнаб Имоми Аъзамдан ислом шариати аҳкомлари хусусида» дарс олса ҳам эран мадҳида юқоридаги каби образли сатрларни яратиши мумкинмасди.

Агар ҳақиқат рўёбга чиқса, йўқни бор этишга уришнининг зиёни йўқ. Аммо инкорга берилиб, борни йўққа чиқариш — бу ҳар жиҳатдан кони зиёндр. Афсуслар бўлғайки, «Адиб Аҳмад қачон яшаган?» мақоласида кейинги «усул» танланган. М. Имомназаровнинг ҳукми бўйича, Адиб Аҳмаднинг «ижоди билан бугунги авлодни яқиндан таништиришга бел боғлаб

ишга киришган турк олимлари Нажиб Осим ва Арат Раҳматий» «Насойимул муҳаббат»даги маълумотлардан беҳабар қолган бўлсалар, «Европа ва рус олимлари ҳам бунга эътибор берган эмаслар».

Бизнингча, Европа ва рус олимларининг тадқиқотларини ипидан игнасиғача ўрганган киши ҳам бундай қатъият-ла сўзлашга журъат топмаса керак. Бундан қарийб эллик йил муқаддам босилган мақоласида рус олими А. К. Боровков мана нима деб ёзган: «...Любопытно также, что Навои дважды упоминает ещё дидактической поэмы «Хиббатул хакайик» Адиб Ахмеда, писавшего, повидимому, в XII в. на уйгурском («кашгарском») языке. В своем жизнеописании суфиев «Насойимул муҳаббат мин шамойим ул футувват» Навои говорит об Адиб Ахмеде, что он был «из тюркского народа» и был слеп. Далее говорится, что он ежедневно посещал уроки Имома Аъзама. Адиб Ахмед сочинял поучения и наставления на тюркском языке, и среди большинства тюркского улуса пользовались известностью его мудрые изречения (хикмат) и остроты (нукта). Он слагал стихи, продолжает Навои и приводит два его бейта. Помимо этого, два бейта Адиб Ахмеда приводятся в «Муншаот» Навои».

Демак, Боровков, бугун эътибор берилмаган дея даъво қилинаётган маълумотлардан хабардор бўлиб қолмасдан, ярим аср аввал илм аҳлини ҳам хабардор қилган. Шундай экан, нега у Адиб Аҳмаднинг Имоми Аъзамга замондошлигини баралла эътироф этмаган? Нега «Хибатул ҳақойиқ» VIII — IX асрларда битилган, дея илм оламидаги баҳсу мунозараларга чек қўйишга интилмаган? Боровков эса йирик тасаввуфшунос М. Ф. Қўприлизода фикрларига таяниш билан қаноатланган ва тўғри иш қилган. У ёзади: «Проф. Купрюлюзаде отметил легендарный характер сведений об Адиб Ахмеде, сообщаемых у Навои. Хронологически Адиб Ахмед не мог быть учеником и современником имама Аъзама. В заметке Купрюлюзаде приведен также и текст «Насойимул муҳаббат мин шамойим ал футувват», относящийся к Адиб Ахмеду, и текст его стихов из того же сочинения и из «Муншаот».

М. Ф. Қўприлизода Навоийнинг Адиб Аҳмад тўғрисидаги маълумотлари манқабавий, яъни афсонавий, дostonий характерда бўлганлигини асослаган биринчи ва охири турк олими эмас. «Хибатул ҳақойиқ» ва муаллифи тақдири билан қизиққан турк олимларининг

кўпчилиги ушбу масалани назардан соқит этмаганлар. «Гарчи Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат»... асариди, достоний характердаги баъзи нақлларни келтирган бўлса-да, — дейди Абдулқодир Ҷороҳон, — тарихий хронология ва адабий маълумотларнинг тадрижи, у ерда берилган маълумотга ишонишга мувофиқ эмасдир... Шубҳасиз, ҳануз Эрон адабиётида ҳатто «Ҳибатул ҳақойиқ» вазнида шеър ёзилмаган бир даврда Адиб Аҳмаднинг дунёга келароқ Бағдодга бориб Имоми Аъзамга талаба бўлиши мумкин эмасди. Ва асар ёза олиши ҳам ҳақиқатга тўғри келмасди. Аммо бу каби манқабалар Югнакли Аҳмаднинг XV асрнинг иккинчи ярмида, ҳаттоки Хуросон ва Мовароуннаҳр ўлкаларида зоҳид, мутаққий ва авлиё мартабасидаги буюк нуфуз соҳиби ўлароқ танилганини англатишга хизмат қилади».

Ҳа, Е. Э. Бертельс, «Тасаввуф адабиётини тадқиқ этмай туриб, ўрта асрлар мусулмон шарқи маданий ҳаёти ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас», — деганида тўла ҳақ эди. Тасаввуф мафкураси ва ҳақиқатлари билан ҳисоблашмаслик ўтмишда яшаб ижод этган қанча буюк ижодкорларнинг асарларини нотўғри талқин этиш, ғалат баҳолар бериш, синфийлик, партиявийлик сингари сохта ғоявий мезонларга таяниб кескин айбловлар тўқишга сабаб бўлгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Лекин тасаввуф истилоҳлари, тасаввуфий асарларнинг ўзига хос хусусиятларини билмаслик янада қўпол хатоларга йўл очиши, на ҳаёт, на адабиёт, на тарих ҳақиқатларига бутунлай алоқасиз фикр-мулоҳазалар билан майдонга чиқишларни таъмин айлашини ҳам унутмаслик лозим.

Холис баҳс ва мунозара бўлмаса, илм ютқзади. «Адиб Аҳмад қачон туғилган?» мақоласи, хато ва чалкашликларидан қатъи назар, кишини мунозарага чорлайди. Бу — яхши. Аммо илмий жамоатчилик томонидан ҳали тан олинмаган фикр-мулоҳазаларга китоб саҳифаларидан ўрин ажратиш мумкинми? Яна бу китоб «олний ўқув юртлари талабаларига ва маданий меросимизга қизиққан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган» бўлса, буни қандай баҳолаш керак? «Буюк сиймолар, алломалар» номли тўпلامда (1 китоб, Тошкент, 1995) «Адиб Аҳмад Югнакий» отлиғ мақоланинг босилиши, ёлғиз М. Имомназаровнинг эмас, кўпчилигимизнинг ҳам тасаввуфни билиш жабҳасини ниҳоятда оқшашимиздан аниқ далолатдир.

Мустақиллик шарофати ила кўп асрлик маданий ва адабий меросимизни янгича нуқтаи назардан янги йўналишларда тадқиқ этиш имконига эришдик. Бу имкон олдида ҳамisha масъул бўлмоқ керак. Ва, билим, дид, савия балoфати хусусида тинимсиз қайғуришимиз лозим.

1997 йил.

## ҲАЗРАТ НАҚШБАНД ЖАЛЛОДЛИК ҚИЛГАНМИ?

### I

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини зўр таътанана билан нишонланиши мамлакатимиз маънавий-маданий ҳаётида рўй берган тарихий ҳодисалардан бири бўлганди. Шу юбилей муносабати билан Хожа Нақшбанд ҳаёти ва таълимоти тадқиқига бағишланган кўп мақола, бир неча рисола ва илмий мажмуалар ҳам нашр этилди. Булар орасида, айниқса, академик Иззат Султоннинг «Баҳоуддин Нақшбанд абадияти» номли рисоласи алоҳида аҳамиятга эга. Нақшбанд меросига диний-ахлоқий томондан янгича ёндошилган бу рисолада, нақшбандия тариқатининг тарихи, моҳияти ва бугунги кун маънавий ҳаёт муаммоларини ечишда яқиндан ёрдам берадиган жиҳатлари ўзига хос билимдонлик билан очиб берилган. Домла Иззат Султон умумлаштириш салоҳияти кучли олим. Зарур факт ва далилларни бир «занжир» шаклида тизиш, улардан янги ва яхлит илмий-назарий хулосалар чиқаришда Иззат Султон тажрибаларига бефарқ қолиб бўлмайди.

Албатта, илмдаги ҳар қандай умумлашма ёки хулоса ҳам шахсий мушоҳада маҳсули. Шунинг учун ҳеч бир олим ё тадқиқотчи ўз фикр-қарашларини мутлақ ҳақиқат шаклида қабул этилишини даъво қила олмаганидек, уларнинг баҳс-мунозара қўзғамаслигига ҳам кафолат бера олмайди. Иззат Султон домла шуни аниқ билгани ва эҳтимолки шу ҳақиқатга қарши эмаслиги учун ҳам «Баҳоуддин Нақшбанд абадияти»да анча қалтис бир масалага китобхонлар эътиборини жалб этганлар. Бу масаланинг туб моҳияти эса Нақшбанднинг «жаллод»лик фаолиятига бориб тақалади.

Иззат Султоннинг қатъий ҳукмларига кўра, Муҳаммад ибн Жалолиддин, яъни Нақшбанд маълум муддат Султон Халил жаллоди вазифасида ишлаган. Демак,

Баҳоуддин балогардон бобомиз жаллодлик ҳам қилган. Очигини айтганда, бундай фикрга ишониш ҳам, уни қабул қилиш ҳам жуда қийин. Аммо бу фикр Иззат Султон томонидан тўқилмаган. Балки «тарихий ҳужжат» заминидан юзага келган. Иккинчи бир тарихий фактни рисоланинг 37-саҳифасидан ўрин олган мана бу шарҳдан билиб олиш мумкин: «Ўрта асрларда жаллодлик касби, шариат ҳукмини ижро этиш билан боғлиқ бўлгани учун, кишиларда нафрат уйғотмас эди. Жаллодлик қилган киши ўз вазифасидан бўшайдан кейин ҳам «жаллод» лақаби унинг исмига қўшиб айтилар, яъни бу лақаб фахрли ҳисобланар эди.

«Рашаҳот» муаллифининг айтишича ўн бешинчи асрда нақшбандия тариқатининг раҳнамоси бўлмиш Хожа Аҳрор ўз маънавий устоди Нақшбанднинг жаллод бўлганини тан олар эди».

Сирдан қаралганда, бу гаплар асосли ва тўғрига ўхшайди. Бироқ масаланинг тарихи, моҳияти кенгроқ текширилиб, тасаввуф оламига чуқурроқ кириб борилса, ўрта асрларда жаллодлик лақаби ёки касби нечоғли «фахрли» ҳисобланмасин, маърифат ва ҳақиқат байроқдори Нақшбанд ҳеч қачон жаллодлик қилмаганлиги ва қилиши мумкин ҳам бўлмагани ўз-ўзидан ойдинлашади.

## II

Тасаввуф дунёси, энг аввало, СИР ва ХАЁЛ, НАЗАР ва ҲАЙРАТ дунёси. Тасаввуф сирларидан баҳоли қудрат огоҳ бўлмоқ, унинг ХАЁЛ ва ҲАЙРАТ оламига хаёл, ҳайрат ва алоҳида бир назар йўли билан бормоқ учун икки жиҳатга алоҳида аҳамият бериш зарур. Биринчиси, тасаввуфий ҳаётда яшаш, яъни Ҳол мақомларига юз буриш. Иккинчиси, тасаввуф тилини, хусусан, ундаги истилоҳларнинг маъноларини яхши билиш. Чунки мана шу икки жуфт тасаввуфшуносликда ҳам кўп нарсани ҳал қилади. Акс ҳолда умрни назарий тасаввуфшуносликка бағишлаганда ҳам, қалб ва руҳ тасаввуфдан ҳеч қандай баҳра топмасдан ўтавериши мумкин. Тасаввуфшуносликдаги энг катта иллат ва фойдасиз меҳнат мана шу.

«Мен баъзан тасаввуфдан баҳс этувчи инсонларнинг китобларини ўқирман ва куларман, — дейди турк олими профессор Асад Жўшон. — Тасаввуфий ҳаётда яшай олмаганликлари ва яшашга қодир эмасликлари

учун англамаслар... Шу боис мохиятни-да билмаслар, билмаганликлари учун эса хориждан ғазал ўқурлар...» Бизда ҳам бугун айти шундай жараён: хориждан туриб «ғазалхонлик» қилиш ўзбек тасаввуфшунослигида умумий бир удумга айланиб қолди. Бу фойдадан кўра кўпроқ зиёнدير. Бундан, айтиқса, мумтоз адабиётимиз кўп жабр тортаётир. Тасаввуф ва адабиёт алоқаларини ўрганайлик, тадқиқ ва талқин қилайлик. Лекин бундай ишларга, ҳеч бўлмаганда, тасаввуфнинг алифбосини мустақил ўрганиб, мустақил нуқтаи назар эҳтиёжи билан қўл урайлик. Битта тўғри фикр ва тушунчани қайта-қайта такрорланиши ёки ўн киши томонидан у ё бу тарзда ўзгартирилиб ифодаланиши, балки унча зиён етказмас. Лекин бир хато гап ўнлаб одамнинг илмига «муҳур» бўлса — бу, албатта зарар.

Тасаввуф олами — мажоз ва мажозий фикрлашга кенг эрк берган ўзига хос мураккаб бир олам. Тасаввуф аҳли сўз, ибора ва тушунчаларнинг асил маъноларини ўзгартириб, яъни таъвил асосида улар орқали янги-янги рамзий мазмун ва муддаоларни илгари суришга интиланлар. Уларнинг истилоҳотида рамз — «сўз зоҳирининг тагида ётган ва тасаввуф аҳлидан бошқа кишилар англай олмайдиган яширин маъно эрур». Шу боис Шайх Каннод, «Сўзлашганлари замон уларнинг (яъни сўфийларнинг — И. Ҳ.) рамз ва фикрлари сени ҳайратга солур...», деса; бошқа бир сўфий эса «Қим шайхларимизнинг рамзларидан воқиф бўлишни истаса, уларнинг ёзишмаларига боқсин. Чунки уларнинг рамзлари тасниф этмиш асарларидамас, балки ёзишма ва мактубларида эрур», — дейди. Эҳтимол шунинг учун ҳам Имом Ғазолий оддий одамларнинг тасаввуф илми билан машғул бўлишлари зарар туғдириши ҳақида сўзлагандир. Ғазолийнинг ҳақлигини тасдиқловчи мисоллар эса тарихда жуда кўп.

Тасаввуф арбобларининг «луғат бойлик»лари фақат яхши ва гўзал сўзлардан иборат эмас. Унда салбий мазмундаги калималар ҳам мавжуд. Масалан, «зйно», «қатл», «жаллод» ва б. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд эса маълум бир муддат «жаллод»ликни касб қилганлар. Бу ҳақида рус шарқшунослигида айрим фикр-мулоҳазалар илгари сурилган. Лекин Аҳмад Закий Валиди Тўғоннинг «Ғозонхон Халил ва Баҳоуддин Нақшбанд» номли мақоласида ушбу масалага нисбатан кенг ўрин ажратилган. Мақола муаллифининг айтишича, у Тур-

кияда «Маноқибн Амир Кулол Соҳурий» номли бир китобни мутолаа қилган. Унда Хожа Баҳоуддиннинг устоди ва шайхи Амир Кулол, Нақшбанд ва Халил ота муносабатлари хусусида ҳам фикрлар билдирилган. Нақшбанд маноқибиде Халил ота борасида нима дейилган бўлса, «Маноқибн Амир Кулол»да ҳам ўша гаплар айнан баён этилган экан. Аммо дарвеш подшоҳнинг исми «Халил» эмас, «Қозон Султон» дея тилга олинган. «Ушбу маноқибга кўра, Хожа Баҳоуддин шу хошнинг (яъни Халил султоннинг — И. Х.) муқарраби бўлган бир зобит ёхуд арбоби ва жаллоди бўлган эмиш», — дейди Закий Валиди Тўғон.

Нақшбанднинг ҳам «жаллодлик» хизматини, ҳам бу касбни тарк этишини тасдиқловчи бор-йўғи биргина афсона мавжуд. Бу афсона Амир Кулол маноқибиде қандай шакл ва мазмунга эга бўлса, Нақшбанд маноқибиде ҳам худди шундайдир: Баҳоуддин Султон Халил қўлида жаллодлик қиларкан, кунлардан бир кун тухматга учраган бир киши подшоҳ қароргоҳига келтирилади. Ва шоҳ уни қатл қилишга ҳукм этади. Баҳоуддин ҳукми бажаришга киришади. Лекин айбдорнинг бўйнига у ҳар қанча қилич урмасин, ҳеч натижа чиқмайди. Яъни ўткир қилич ўтмас пичоқ қадар ҳам таъсир ўтказмайди. Шунда Хожа унинг сабабини ўша одамнинг ўзидан сўрайди. У «Мен ҳеч нима қилганим йўқ. Фақат Шайхимга илтижо айлаб, ундан мадад тиладим», — дейди. «Шайхнинг ким?» «Шайхим Ҳазрат Амир Кулол». Хожа Баҳоуддин Амир Кулол номини эшитиши биланоқ, қўлдаги шамширни ташлабди ва «Менга давлат нега керак? Ўзни кўрсатиш даъвоси нечун? Бундан кўра ана шундай пир хизматини адо айлаш саодат эмасми? Кимки ўз муридини шамшир тигидан омон сақласа, унда Аллоҳнинг каромати ва инояти зоҳир эмасми?» — деган хаёллар ила Ҳазрат Амир Кулолга юз бурган экан. Бунда тарихий ҳақиқатмас, маноқибий ҳақиқат устундир. Афсонанинг бош «қаҳрамони» Хожа Баҳоуддин эмас, балки Ҳазрат Амир Кулол. Ундаги асосий мақсад — муршидлик мақоми фавқулодда юксак мақомлиги ва ҳақиқий Шайх содиқ муридни ҳар қандай бало-қазодан халос айлай билишини мажозий йўл ила таъкидлашдир. Шунингдек, афсона Хожа Баҳоуддиннинг «қандай қилиб иккинчи раҳнамони топганини ҳам ўзича талқин этади». Аммо Нақшбанднинг Амир Кулол билан устоду шогирдлик муносабатини фақат шу афсонага алоқа

дор қилиб кўрсатиш тўғри эмас. Чунки Муҳаммад ибн Жалолиддиннинг мумтоз тақдир эгаси эканлиги ва келажак йўли Амир Кулолга аввалдан маълум эди. Баҳоуддин уч кунлик чақалоқ экан, уни ихлос ва ниёз ила даврининг машҳур шайхи Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий ҳузурларига келтирадilar. Шунда бу улуғ шайх «ул бизнинг фарзандимиздур ва биз ани қабул қилдук», дейдилар. Ва айнан Амир Кулолга буюрадilarларким, «фарзандим Баҳоуддин ҳақида тарбият ва шафқатни дариф тутмағайсен ва сенга биҳил қилмағаймен, агар тақсир қилсанг». Шайхнинг бу топширигини Амир Кулол бекаму кўст бажармаслиги ёки камчиликка йўл қўйиши мумкин эмасди, албатта. Шунинг учун Хожа Баҳоуддинга тариқат одобидан таълим бериб, сайру сулук сирларини ўргатиб бўлгач, унга шундай демиш: «... эй фарзанд Баҳоуддин, Хожа Муҳаммад Бобо нафаси васиятин сизнинг борангизда тамом бажой келтурдум... бу эмчакни сизнинг учун қуруттим ва сизнинг руҳониятингиз қуши башарият байзосидин чиқди».

Кўп буюк зотларнинг, хусусан, авлиёуллоҳ жамоасига мансуб кишиларнинг дунёга келиши улар ҳали туғилмасданоқ у ёки бу кашфу каромат соҳибига хабар қилинган. Юнус Эмро эранларнинг кўнглини Аллоҳ дўконига қиёслаб, шундай дейди:

Эранларнинг кўнглида ул Султон дўкон очди,  
Неча бизим кабилар анда қўнибон кўчди.

Баҳоуддин ҳазратлари ҳали туғилмаган бир пайтда Бобойи Самосий қасри Ҳиндивондин ўта туриб, «бу туфроғдин бир Эр иси келур. Бўлғайки, қасри Ҳиндивон, Қасри Орифон бўлғай», деганлар. Ҳақиқатда шундай бўлган. Мана шунинг учун ҳам Баҳоуддин ҳеч бир кор-ҳолда эранлик ва орифлик моҳиятига қарши бора олмас, жаллодликни ҳатто хаёлга келтирмоғи ҳам мумкин эмасди.

### III

Хожа Баҳоуддиннинг тариқатдаги илк раҳнамоси Султон Халил эди. Алишер Навоийнинг ёзишича, ўртадаги маънавий-руҳий робита тушдан бошланган. Бир кун Баҳоуддин турк машойихининг улуғларидан Ҳаким отани тушида кўради. Ҳаким ота уни бир дарвешга топширади. Дарвешнинг сурати унинг хотирида нақш-

ланиб қолади. Баҳоуддин эрталаб кўрган тушини буви-сига айтади. Бувиси «сенга турк машойихидин насибе бўлгусидир», — дейди. Шундан бошлаб Баҳоуддин ўша дарвеш билан учрашиш орзусида яшайди. Ниҳоят, кунлардан бирида Бухоро бозорида дарвеш билан юз-ма-юз келади ва уни дарҳол танийди. Отини сўраганда у «Халил» дейди. Шу билан гап-сўз тугайди. Баҳоуддин уйга қайтади. Оқшом пайти Халил отанинг ёнидан биров келиб, уни сўроқлайди. Аённи баён қилмоққа ҳожат қолмайди: ўша куз оқшомидан бошлаб Баҳоуддин Халил отанинг муриди сифатида хизматга бел боғлайди.

Орадан маълум вақт кечгач, Халил ота Мовароуннаҳр мулкининг подшоҳлигига эришади. Баҳоуддин олти йил унинг хизматида бўлади. Султон Халил ўлдирилгач, саройни тарк қилиб, узлатга чекинган Баҳоуддин, шундан сўнг ўз тариқатига асос солади.

Шу ўринда «Султон Халил хизматида бўлган Баҳоуддин жаллодлик қилмаган бўлса, олти йил мобайнида қандай ишлар билан шуғулланган?» — деган қонуний бир савол туғилиши мумкин. Бу саволга жавоб бўларли фикрлар бор. Ва улар Баҳоуддин ҳазратларининг ўз тилларидан Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асарида ҳам битиб қолдирилган: «...Мовароуннаҳр мулкининг салтанати анга (яъни Халил отага — И. Ҳ.) мусаллам бўлди ва мунга анинг хизмат ва мулозаматин қилмоқ зарур эрди... Гоҳи лутф ва гоҳи унф биламанга хизмат адосин таълим қилур эрди ва ул жиҳатдин кўп фавоид манга етар эрди ва бу йўл сайр ва сулукида кўп ишга ярар эрди ва олти йилгача анинг хизматида бу навъ бўлур эрдим».

Нечоғли золим ва зўравон бўлмасин, дарвешлик мақомига етишган, дарвешлик ҳис-туйғуларидан йироқлашмаган бир подшоҳ муриди ва яқин мусоҳибига жаллодлик касбининг сирларини ўргатмаса керак? Акс тарзда, Баҳоуддин олти йил мобайнида сайр ва сулукда яқиндан ёрдам берувчи ишлар билан машғул бўлганлигини эътироф этмасди.

«Сўфийлар кўп вақт шундай нарсаларни тилга олурларки, уларни зоҳирий маънода қабул этиш ва шарҳлаш тўғри эмас. Аксинча: улардан ташқи маънолардан бошқа бир маъно ахтармоқ тўғри бўлур», — дейди Имом Раббоний. Шу маънода характерли бирикки мисол келтирайлик. Шарқнинг машҳур шоири

Фаридуддин Атторнинг ғазалларидан бирида шундай байт бор:

Аз он модарке ман зодам, дигар бора шудам жуфташ,  
Аз онам габр мехавонандке бо модар зино кардам.

Мазмуни: Ул онаданки мен туғилдим, бошқа маротаба унинг-ла жуфтлашдим. Мени шунинг учун габр дерларки, она ила зино қилдим.

Агар тўғри маънода қабул қилинса, бу байтдаги гапни энг тубан ва жирканч бир эътироф дейиш керак бўлади. Тариқат одоби, сўфийлик маслағи ва тасаввуф шеърятининг ўзига хосликларини тушунмайдиган шеърхонга бундай гап нақадар ёқимсиз ва кераксизлигини тасаввур қилмоқ қийинмас. Аммо «габр» ва «зино» сўзларининг мажозий — сўфиёна мазмунидан хабардор кишида эса ҳеч қандай эътироз ҳам, салбий таассурот ҳам туғилмайди.

Е. Э. Бертельснинг «Тасаввуф ва тасаввуфий адабиёт» номли китобида Атторнинг юқорида бир байти келтирилган ғазалига номаълум муаллиф томонидан ёзилган шарҳ берилган. Уша шарҳга қўра, «она» — Аллоҳ китоби, яъни Қуръони карим эрур. Чунки сўфийлар Қуръонни она ўрнида қабул қилишган ва Аттор байтидаги сингари фикрлар инсоннинг асил моҳиятига назар ташлаш эҳтиёжини ифодалаган.

«Яна қайта жуфтлашдим» жумласи эса бундай талқин этилган: «Аввал ғайб оламидан халқ оламига келдим. Ва яна олами халқдан олами ғайбга қайтдим. Бироқ шуни билмоқ керакки, ғайб олами каломдан (яъни зот тавҳиди саналмиш Қуръон каломларидан — И.Х.), халқ олами жисмлардан иборат эрур. Бу мақомда зино — жоннинг каломга иттисоли демак».

Тасаввуф назарийетчилари «зино» сўзини бошқача маъноларда ҳам изоҳлашган. Гап шундаки, «габр», «зино», «куфр» сингари манфий «қутб»даги атамалар қаторида «жаллод» сўзи ҳам бордур. Шайх Шарофиддин Яҳё Мунирнинг «Иршод-ус соликин» рисоласида, «Солик кофир бўлмагунча, мусулмон бўлмас. Қардошининг бошини кесмагунча, мусулмон бўлмас. Онаси ила зино этмагунча мусулмон бўлмас...», дейилишининг боиси ҳам шу.

### III

«Жаллодлик» ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш учун, бу ерда Будда билан боғлиқ бир воқеага эътиборни қаратиш зарурга ўхшайди.

Нақл этилишича, Будданинг шогирдларидан бири таҳсилни ниҳоясига етгач, устозининг мафкурасини тарғиб ва ташвиқ қилиш учун одис сафарга отланибди. У йўлга равона бўларкан, Будданинг пойига бош эгиб, дуо қилишини сўрабди. Будда уни дуо қилибди. Сўнг йиғилганларга қараб, «Азизларим, эшитинг: бу йиғинг энг камёб толиблардандир. Хўш, унинг камёблиги нимада? Бунинг сири шундаки, у ўз ота-онасини ўлдирди», — дебди.

Бу гапни эшитиб ҳамма ҳайрон қолибди. Чунки Будда ҳеч қачон бундай гапни айтмаган, ҳалиги мурид эса шу даражада сокин, шафқатли, одамларга меҳрибон ва табиатан дардкаш эканки, унинг вужудида шундай ёвузлик яширинганига ҳеч кимнинг ақли бовар қилмабди. Анча жимликдан кейин биров Буддага мурожаат қилиб дебди: «Биз сени тушунмадик, устоз. Ўз ота-онасини ўлдирди, деганда нимани назарда тутдинг? Будда дебди: «Мен айтган гапнинг ҳақиқати бундоқ: у ўз сийратида ота-онасининг овозини ўлдирди. Вақт етиб у энди устозини ҳам «ўлдирмоғи» жоиздир».

Мана шундай нуқтаи назар ва ақидаларга таяниб бошқа бир ҳинд илоҳиётчиси ёзади: «Муршид ўз издошига икки нарсани ўргатмоғи лозим: биринчидан, жаллодликни, яъни ўз ота-онаси, муаллимлари ва пирларини ўлдиришни; иккинчидан, фурсат етгач унга эргашувчилар мутлақ озод бўлишлари учун ўзини ўлдиришни...»<sup>1</sup>

Албатта, бундаги фикрлар жисмоний ўлимгамас, балки психологик ўлимга тегишлидир. Тасаввуфдаги «жаллодлик» ҳам моҳиятан шунга яқин. Ва реал ҳаётда пашшага ҳам озор беришга журъат қила олмаган муршид ёки муридлар ҳеч иккиланмасдан «жаллод»лик ила машғул бўлганлар. Бу «ҳунар»дан кўзда тутилган бош мақсад эса нафси шумни ўлдириш, Ҳақ овозидан ўзга ҳар қандай овозни ботиндан ўчириб ташлаш, катта-кичик гуноҳ ва нуқсонларнинг тамоман пайини қирқиш эди. Бундай жаллодликни Имом Раббоний «ўзи билан биргаликда туғилиб, унинг биродари бўлмиш ва доимо гуноҳ ҳамда фасодга бошловчи шайтонни ўлдирмоқ», дея изоҳлайди. Бу ҳақиқат Аҳмад Яссавийда «нафсини тебмоқ», Хожа Аҳрори Ва

<sup>1</sup> *Влагован Шри Раджниш. Мудрость песков (Беседы о суфизме)*. Москва, 1993, 290-бет.

лида «тариқи лат кардан», деб ифодаланган. Тасаввуфдаги деярли барча тариқатларда, шарт ва мазмунидаги айрим фарқлардан қатъи назар, «жаллод»-лик иши йўлга қўйилган ёки жорий этилган. Бектошийлар уни «жарроҳлик» ёки «ҳакимлик» десалар, мавлавийлар «бошкесмак» дейишган.

Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом «Сўзни мажозли гапиришга буюрилдим, чунки сўзни мажозли қилмоқ яхшидир», деган эканлар. Балки шу сабабдан ҳам тариқат арбоблари мажоз ва мажозий фикрлашни мақбул кўришгандир. «Рашаҳот»да Хожа Аҳрори Валининг «Ҳазрати Баҳоуддин.. муддате жаллоди мекарданд, мо ҳам аз шогирдони эшонем», яъни Ҳазрати Баҳоуддин.. маълум бир муддат жаллодлик қилардилар, биз ҳам у кишининг шогирдимиз, деган сўзлари қайд этилган. Бу сўзлар мажозий мазмунга эга бўлиб, бош кесиш, одам ўлдириш касбига мутлақо алоқаси йўқдир.

1996 йил.

#### «ЭРУР, ОРИФГА ГАНЖИ ФАЙЗ ЕТСА...»

Тасаввуф адабиётини дунёга машҳур қилган омиллардан бири ва энг муҳими — бу адабиётда яралган бош қаҳрамонлардир. Илмда қайд этилишича, Ғарбда XII асрдан кейин «Хур тушунча» деган тасаввуфий ҳаракат ташкил этилиб, у сўфиёна ва орифона фикру туйғуларни ўзлаштириш ҳамда тарғиб этишда катта натижаларга эришган экан. Янада конкретроқ қилиб айтиладиган бўлса, инглизларда XV асрлардан эътиборан «дарвеш», «сўфий» атамаси кенг татбиқ қилинган. Тасаввуф тадқиқотчиларининг умумий эътирофларига кўра «Орифнинг қалби Арш ва курсидан ҳам кенг бўлмоғи муҳаққақдир. Зеро, Арш ва курси ва буларнинг ичидагилар олами жисмонийдур. Қалби солимнинг руҳи инсонийдурки, у амри Раббоний эрур... Ориф бирор бир қавм ёхуд миллатнинг эмас, жаҳоннинг султони дур». Ориф — Аллоҳни таниган, билган ва Ҳақ маърифатини мукаммал эгаллаган зот, яъни илоҳий файз одами. Абу Туроб Нахшабийдан орифнинг фазилатлари ҳақида сўрашганда: «Ҳеч бир нарсдан кирланмайдиган ва ҳамма нарсани ўзи ила поклайдиган кишидир ориф», — деган экан. Абу Наср Саррожнинг таъкидлашича, «Мўмин билан ориф орасидаги фарқ шундайдир: мўмин Аллоҳ нури ила боқар,

ориф эса Аллоҳнинг ўзи ила назар ташлар. Мўминнинг қалби бордир. Орифники йўқ. Мўминнинг кўнгли зикри шоҳий ила ором олур. Ориф эса Аллоҳдан бошқа ҳеч нимадан роҳатланмас». Мана шунинг учун ҳам ориф Шарқ тасаввуф адабиётида марказий мавқелардан бирини эгаллагандир. «Зоҳид бўлма, обид бўлма, ориф бўл». Бу туркий адабиётнинг асосий ғоявий даъватларидан эди. Ва бунинг ёрқин исботини Алишер Навоий ижодида ҳам кузатиш мумкин. Навоий шеъринида орифга хос фазилят, хусусият ва орифона маънолар тасвири кенг ўрин ишғол этган. Бу тўғрида навоийшуносликда айрим умумий фикрлар айтилган бўлса-да, махсус ўрганилмаган.

Иби Синога кўра, «борлиғининг сиррини ва илоҳий Сирга онд ҳақиқат нурларини идрок этган, шу мақсад ила тушунчасини жабарут оламига қаратган шахсга ориф» дерлар. Ориф охират завқи ва мукофоти учун эмас, «валилик ишоратларини англамоқ учун» Аллоҳга юз бургандир. Орифлар наздидаги маънавий-руҳий ҳаракат уч босқичдан иборат. Биринчиси — ирода ҳоли, иккинчиси — риёзат ва учинчиси, диққати таксиф учун ўзни ҳилмлаштирмоқ. Тасаввуфда «ирфон» самимий ва давомли бир илоҳий суҳбат маъносини ҳам билдиради. Шу сабабдан Сулаймон Боқирғоний:

Суҳбатлик орифларга жоним бериб,  
Суҳбатсиз нодонлардан қочғим келур, —

деган. Орифнинг ибрати, энг аввало, тарки даъво, тарки такаллуф, тарки ҳубби мосиво (ғайрни севмак) ва тарки тасаллуф (тилёғламалик ва ялтоқланиш)га эришишидир. Борлиқда фоний бўлиб, Ҳақнинг борлиғида тирилмоқ идеали билан яшаганлиги учун ҳам орифнинг ҳолатларида шошқинлик, бесараңжомлик, шикоят ва тангдиллик мутлақо кўзга ташланмайди. Ориф мушоҳадага бериларкан, ёлғиз Аллоҳнинг ҳаёт, илм, ирода, қудрат, камол-сингари сифатларини билиш билан чекланмайди, балки бутун борлиқ — коинот ва инсонийлик сирларидан ҳам огоҳликка эришади. Бу ҳам бежиз эмас. Тасаввуфда тариқат аҳллари учун турли мақом ва вазифалар белгиланган. Энг охириги мақом орифлар мақоми — сиём (парҳез), қиём (қойим туриш) ва муроқабача бўлиб, уларнинг устози Муҳаммад алайҳиссаломдир. Бу ерда муроқабача ҳақида алоҳида тўхталишнинг имкони йўқ. Лекин орифнинг муроқабаси холиққа давомли назару бошқасини кўрмоқ-

ни унутиш эканлигини эслатиб ўтиш керак, талбатта.

«Орифлар самови мажмаида кўнгиллар тарвиҳи (роҳат ва сокинлиги) учун уч нимага муҳтождурлар, — дейди Алишер Навоий, — равойиҳи таййиба (тавба латофати ва хушбўйлиги), важҳи сабиҳ (сабаб ёки йўл гўзаллиги), сурати малиҳ (ҳол ва кайфият чиройи)».

Ориф кўнглини поклик камолига етказар экан, унинг Руҳ ва хаёлот оламида эврилиш юзага келади. Ва бунинг таъсири табиат дунёсига бориб боғланади. Чунки ориф ниҳоятда кучли, ниҳоятда нурли ҳиссиёт соҳиби. Ибн Синонинг айтиши бўйича, ориф сирли ёхуд ғайбий бир нарсадан сўзласа, табиат олами бағрида албатта шу нарсанинг изоҳи мавжуд бўларкан. Шунинг учун Аҳмад Яссавийнинг «Ориф ошиқ жон мулкида алам тортса, Ун саккиз минг қомуғ олам ғулғул бўлур», деган гапларига шунчаки шоирона бир муболага деб қарамаслик керак. Ориф қисмати ва орифлик салоҳиятига доир мазкур ҳақиқатлар турли шаклларда Навоий шеърлятида ҳам талқин этилган. Шоир бир ғазалида ёзади:

Саҳфаи хотирда, эй ориф, керактур ёру бас,  
Софийи ваҳдатқа хошоки хавотир қотма кўп.

Бу — хотира кўзгусини поклаш ва кўнгил нигоҳини ёлғиз Ҳаққа қаратишга даъват бўлиб, унинг замонавий талқини бундай: орифлик — ташқи дунё ахборот ва маълумотларидан воз кечиб, кўнгилни илоҳий алоқа ва маълумот манбаига айлантириш ҳамда ваҳдат макомига эришишдир.

Тасаввуфда хавотир етти турлидир. Булардан, айниқса, нафс, шайтон тарафидин қалбнинг қўлга олиниши ва ақл жиҳатдин қалбга етказилган хутур жуда ёмондир. Булар тўла барҳам топмоғи лозим. Ана шунда орифликнинг бошқа бир шартти ўз-ўзидан амалга ошади. Чунки орифликда беҳуда баҳс ва эътирозга ўрин йўқ.

Фақр кўйида мусаллам тут неқи қилсанг истимоъ,<sup>1</sup>  
Ориф эрмас ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс.

Хуллас, орифнинг кўнгли файз ва ганж билан нечоғлик бойиб, мушоҳада ва муроқабани йўли билан комиллашиб бормасин, унинг вазифаси сира дам урмас.

<sup>1</sup> Истимоъ — эшитмоқ, тингламоқ.

тирадиган ягона ибодатгоҳ бор. Бу — тасаввуфий ҳаётнинг бош манбаи — Дил ва Кўнгул аталмиш Аллоҳ тахтидир. Тасаввуфда муқаддас деб эълон қилинган алоҳида китоб ҳам йўқ. У Забурга ҳам, Тавротга ҳам, Инжил ва Қуръони каримга ҳам Тавҳид мақомларини англатувчи рамзий маънолар бағишлаган. Чунончи: Инжил исмлар тавҳиди, Забур феъллар, Таврот сифотлар, Қуръон зот тавҳидига тимсол эрур. Қуръон зот олаmidан тажалли топган китоб бўлганлигидан унинг қадри бағоят баланд. Мавлоно Румий бир рубойида «Етмиш икки миллат сиррини биздан тингланг. Биз икки юз мазҳаб аҳли ила бир пардада сўзлашадиган найга ўхшаймиз», — деса, Юнус Эбро: «Етмиш икки миллатни бир кўз ила кўрмаган, Шарънинг авлиёси эрса-да ҳақиқатда осийдир», — дейди. Навоийнинг орифона шеърларидаги мазмун ана шу умуминсоний тушунчаларга ҳамоҳангдир. Шоир лирик қаҳрамонининг «Шайх Санъон киби дин» таркин этиб:

Буту тарсо қошида сажда қилиб,  
Куйдуруб мусҳафу боғлаб зуннор,  
Яна муғ дайриға кирдим сармаст,  
Май тут, эй муғбачаи боданараст, —

дея сўзлаши оддий эътироф эмасди. Ҳар қандай дин ёки мазҳабда хусусий жиҳатлар мавжудлиги маълум, албатта. Тасаввуф бундай хусусийликларга барҳам берган ва шу эҳтиёж туфайли Шарқ шеърятини Шайх Санъонга ўхшащ қаҳрамонлар ва бир қанча ўзига хос поэтик образ ҳамда тимсоллар билан бойитган. Тасаввуф шеърятда, шунингдек, Алишер Навоийнинг юзлаб ғазалларида — «зуннор» — хизматга, яъни «қулликка белни маҳкам этмоқ», «куфр» — Ҳақ сиррини махфий сақламоқ, «тарсо» — дунёдан этак силкиб, илоҳий ишқ баҳрига фарқ бўлган киши, «бутхона» — орифлар мажлиси ва зоти аҳадиятдан ҳузурланиш тимсоли эканлигини айтиш кашфиёт бўлмайди. Аммо ўз вақти-замонида бундай тимсолларни шеърда дидил татбиқ этиш ва улар орқали орифнинг ҳар турли фикр-қарашларини тасвирлаш фақат кашфиёт эмас, шижоат ҳам бўлган. Зоҳирий томондан қаралганда, орифлар бутпарастлик байроғини баланд кўтарган, бутга имон келтиришда намуна кўрсатган кишилар. Аслида уларнинг тушунчасида «бут» — ишқ ва ваҳдат рамзи. Ахир, ашёлар борлиқнинг зуҳури экан, бут ҳам ўша ашёлардан бири, холос. «Эй оқил инсон, — дейди

Маҳмуд Шабустарий, — яхшилаб ўйла. Тавҳид юзасидан бутнинг ёлғонлиги йўқ. Билгилки, унинг яратувчиси ҳам қодир Худодир. Неки Ҳақдан яралса, у ҳақиқатдир... Агар мусулмонлар бут нималигини англаганларида эди, дин — бу бутпарастлик эканлигини билган бўлурдилар... Ахир, Аллоҳ хоҳиш этмаса, ким ҳам бутнинг юзига чирой бахш этар ва ким бутпараст бўла оларди?»

Албатта ҳеч ким. Мана шунинг учун Навоий шеърларида тарсопарастлик ва бутпарастлик ғояси изчил ва кенг тарғиб қилинган. Мана шунинг учун Навоий «риёий Каъбадан» «дайри фанони» устун қўйиб:

Риёви Каъбадин дайри фаноға  
Кириб гар бутқа зоҳир қилдим имон.  
Мени ёзгурма, эй шайхи риёий,  
Ки гар кофир эдим, бўлдим мусулмон, —

деган эди. Биз Навоий қитъалари таҳлилига бағишланган бир мақоламизда «Бадий ижоддаги диний «тажриба» диндорлик тажрибасидан бутунлай фарқланади. Адабиётни диннинг тарғиботчиси деб биладиганлар, албатта, янглишадилар», — деганимизда Навоий шеъриятининг айни шу орифона моҳиятига асосланган эдик. Афсуски, дин алломалари буни «динга Оврўпocha қараш», «тасаввуфни дин деб тушуниш»га йўйишди ва танқидни фикрий зўравонлик қуролига айлантиришди.

Инсоният цивилизацияси тараққиётига кучли таъсир кўрсатган таълимотлардан биттаси, ҳеч шубҳасиз, Сукрот яратган Қалб концепцияси ҳисобланади. Бу таълимотдан Сукрот инсоннинг ақидапарастлиги, ўз-ўзидан қаноатланиши ва мағрурликка қарши тўхтовсиз курашида фойдаланган эди. Шарқда бундай вазифани ўз зиммасига олган ва ўз-ўзидан мамнунлик, мағрурлик ҳамда худпарастликка доимо ботиний қаршиликда яшаган ва гоҳо очиқ курашган кишилар дарвешлар ва орифлар бўлган. Уларнинг тушунчасида, кибр — инсоннинг ўз жони ва имонига зулм ўтказиши, зулмнинг ҳар қанақа хили эса Ҳақ қаҳрига учрамоқдир. Шу ўринда бир ҳақиқатни адоҳида таъкидлаш жоиз кўринади. Жаҳондаги барча динлар ва диндорлар у ёки бу даражада ҳокимият, сиёсат ва султонларга хизмат қилганлар. Дин ва сиёсат ўртасидаги яқинлик баъзан яхши натижалар берган бўлса, баъзан жуда салбий ишга айланган. Фашизм тарихи билан

қизиққан кишиларга аёнки, иккинчи жаҳон уруғида Бенито Муссолинининг ғалабаси учун Рим папаси Аллоҳга тиловатлар уюштирган. Гитлер давлат тепасига чиқиб босқинчилик жангларини авж олдиргач, Олмониядаги черковларда унинг заволини тилашганми? Йўқ, бу одамхўр жаллоднинг бутун дунёга ҳоким бўлишини Тангри таолодан қўллаб-қувватлашни сўрашган. Афсуски, шунга яқин қайғули ҳодисалар Шарқда ҳам содир бўлган. Аммо Шарқдаги ҳеч қайси ориф ёки дарвеш бирор бир золим шоҳни шарафламаган, зулмни қувватлаб, мустабид ҳокимларнинг қўғирчоғи бўлмаган. Мана шунинг учун ҳам адолатли шоҳлар ориф зотларни миллатнинг маънавий-руҳий таянчи ва пешволари деб билишган, уларга катта эҳтиром кўрсатилган.

Инсоннинг бахtimi, бахтсизлигими — буни ҳамма вақт қатъий белгилаш қийинку. аммо, туйғу, ҳолат ва кайфиятлари каби инсон «Мен»лиги ҳам тез ўзгарувчандир. Бунинг сабабларини чуқур мушоҳада қилган тасаввуфшунос Гуржизода бундай дейди: «Инсоннинг индивидуал «Мен»га эга бўлмоғи беҳад қийин. Бунинг ўрнига, кўп ҳолларда, ўзаро алоқасиз, келиштириб бўлмас, бир-биридан йироқ юзлаб ва минглаб майда «мен»лар мавжуд бўлади. Ҳар бир дақиқа, ҳар бир вазиятда инсон «мен» деб ўйлайди. «Мен» деб сўзлайди. Бироқ ҳар гал бу «Мен» бир-биридан фарқланувчидир... Яъни инсон — бу кўпликдирки, унинг номи легион эрур». Легиончиликнинг ўзбекча ифодаси — оломончилик. Оломончилик эса — нафсу тама, шуҳрату хусумат, жаҳолату зўравонликнинг аянч аскарчаси сифатида турланиб, парчаланиб, майда ақидаларга ёпишиб яшаш, руҳоний қиёфасизликка кўникиш, риё ва мунофиқликдан азоб чекмаслик демак. Орифнинг энг буюк фазилати ва ҳамма замонлар учун бир хилда ибратли хислати ана шу оломончиликка тамоман зид равишда инсоний Моҳият бутунлиги ва маслак мукамаллигига эриша олганлигидир. Сўз ва иш мувофиқлиги, фикр ва эътиқод бирлиги маъносида орифдан ҳар қанча ўрнак олса, ўшанча кам. Нақл борки, Сирри Сақатий бир кун сабр ҳақида сўзлар экан, чаён унга ниш ура бошлабди. Мусоҳиблари, «Ҳай, нега уни ўлдирмайсан?» дейишса, у «Уялдим, чун сабр ҳақида сўзлаётган эдим», деган экан. Мана шундай одамлар бўлишган тасаввуф аҳли. Алишер Навоий «Элнинг одоби хушрақ эрур олтундин», — дейди. Ориф-

лар хулқ ва одоб олтинга қиёс қилиб бўлмас даражада қимматли ва шарофатли бойлик эканлигини намойиш эта олган Аллоҳпарастлардир.

1993 йил.

### СУФИ ОЛЛОЁР — МУТАСАВВИФ АДИБ

Сўфи Оллоёр туркий тасаввуф адабиётининг йирик вакилларидан бири бўлган. У мутасаввиф шоир, адиб, диншунос аллома сифатида Туркистон халқлари ўрғасида зўр ҳурмат-эътибор қозонган. У икки тилли ёзувчи — форсийда ҳам, туркийда ҳам маҳорат билан ижод этган. Академик Воҳид Абдуллаев уни Самарқанд яқинидаги Минглар қишлоғида туғилганлигини ёзган. Ҳожи Пўлатқори Муҳаммад ўғлининг маълумоти бошқача: шоир ўзбекларнинг машҳур Мингия қабиласига мансуб бўлиб, ҳижрий 1133 йилда Самарқанд атрофидаги Сўфий гузарида таваллуд топган. Сўфи Оллоёр ўзбекларнинг ўтарчи уруғидан бўлиб, Каттақўрғонда дунёга келган, деган фикр ҳам мавжуд. Саудия-Арабистонининг Ҳожи Тиллоий матбаасида босилган «Сабот ул-ожизин»нинг сўзбошисида бундай дейилган: «...бу китобнинг (яъни «Сабот ул-ожизин»нинг) нозими олим, шарият ва тариқатда, ҳунару адабиётда моҳир ва комил бўлган Туркистоннинг ифтихори Самарқанд ўлкасидан бўлган Темурёр Оллоқули ўғли Оллоёр Сўфи отинда бир алломадир. Бу ориф аллома 1143 ҳижрий қамарийсида дунёга келган...» Сўфи Оллоёрнинг таваллуди ушбу санага тўғри келмайди. Унинг ўзбеклиги аниқ. Буни шоирнинг ўзи эътироф этган. Ҳижрий 1130 йилда туғилганлигига ҳам унча шубҳаланмас бўлади. Чунки бир қанча илмий адабиётларда айнан шу санага дуч келинади. Маълумотларга кўра, Сўфи Оллоёр ўз ота-онасининг ёнида ибтидоий маълумотга эришган. Ун ёшларидан Бухорога бориб ўн беш йил мадрасада таҳсил олган. Сўнгра Бухоро божхонасига маъмур этиб тайинланган. У ниҳоятда қаттиққўл ва раҳмсиз божгир бўлгани учун кўп кишиларга зулм ўтказди, жумладан, Шайх Ҳабибуллоҳнинг шогирдларидан бири ҳам ундан жабр тортган. Орадан кўп вақт ўтмай, бир куни Оллоёр Шайх Ҳабибуллоҳ зиёратига келади. Шунда Шайх унга қараб: «Бу жой мансабдорларнинг жойи эмас, толиб ва ғарибларнинг жойидир», — дейди. Шунда Оллоёр таъсирланиб: «Тавфиқ Аллоҳдан, иноят Кибриёдан, ҳи-

доят Зулжалолдандир, ё шайх», — дебди. Шайх ўшанда Оллоёрда ҳам ҳақ йўлига мойиллик сезибди. Сўнг Оллоёр Шайх Ҳабибуллоҳнинг муридлари қаторига қўшилади ва ўн икки йил шайхдан сабоқ олиб комиллик мартабасига кўтарилади. Сўфи Оллоёр Бухорода уйланган. Унинг Муҳаммад Содиқ отли бир ўғли, Амина ва Ҳалима номли икки қизи бўлган экан. Муҳаммад Содиқ 25 ёшида Бухородан Самарқандга кўчиб кетади. Шундан кейин орадан ўн йил ўтгач, шоир Байтуллоҳга азм қилади. «Сабот ул-ожизин»нинг Саудия Арабистонида босилган нусхасининг сўзбошисида шоирнинг Искандарияга бориб, ўша ерда вафот этганлиги айтилган. Ва қуйидаги шеърини тарих келтирилган:

Чароғи кулбаи асрори тавҳид,  
Зи софи машраби Сўфи Оллоёр.  
Агар жўянд тарихи вафоташ,  
Зи қофу жиму ғайну лом бардор.

Сўфи Оллоёрнинг қабри Искандарияда эмас, Денов яқинидаги қишлоқлардан бирида эканлиги шубҳасиз. Бундан ташқари, унинг вафоти 1133 йилга тўғри келмайди. Саудия Арабистонида Мусо Афанди томонидан чоп этилган «Сўфи Оллоёр» китобининг муқаддимасида ҳам шундай фактик хатоликларга йўл қўйилганлиги тадқиқотчилар томонидан кўрсатиб ўтилган. Сўфи Оллоёрнинг адабий-илмий меросига келсак, у форсий тилдаги «Маслак ул-муттақин», «Мурод ул-орифин», «Нажот ул-толибин» номли асарлари ва ўзбекча битилган «Сабот ул-ожизин» манзумасининг муаллифидир.

«Сабот ул-ожизин» Туркистонда кенг тарқалган. XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида у Қозон, Боку, Тошкент, Бухорода қайта-қайта нашр этилган. Бу китоб «Сўфи Оллоёр» номи билан машҳур бўлган. «Сабот ул-ожизин»ни ўзига ҳос илоҳийнома, дин, шарриятдан баҳс этувчи ахлоқ ва насиҳат китоби деса хато бўлмайди. У инсон маънавий-руҳий саботини улуғловчи, инсон ақл ва саботга таянганда ҳар қандай ожизлик куч ва матонатга айланишини тасдиқловчи асар. Унда дунёнинг яратувчиси — Аллоҳнинг куч-қудрати, маърифати ва сифатлари таърифланган. Пайғамбарнинг шаъни-шарафини улуғловчи сатрлар тизилган. Дин ва шаррият қоидаларининг баёни берилган. Муаллиф китобнинг ёзилиш сабабини характерлаб, жумладан, бундай дейди:

Ақийда сўзларини қилдим исбот,  
Анга қўйдум «Сабот ул-ожизин» от.  
Ўзимдек хасталар бўлғайму деб шод,  
Насойихдин ҳам андак айладим ёд.

Аслида насиҳат руҳи бутун асар таркибига сингдирилган. «Сабот ул-ожизин»нинг таъсир даражасини ундаги панд ва насиҳат оҳангларисиз тасаввур этиш қийин. Оҳанглардаги самимият, фикрий жозиба такрорланмасдир:

Кел, эй толиб, кўзинг ибрат билан оч,  
Муҳаббатсиз кишидан қуш бўлиб қоч.

Қанотли бу сатрлар ўқувчи хотирасига ҳам енгил ўрнашади. Сўфи Оллоёرنинг эътиқодига кўра, «Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз», яъни агар бадийий сўз инсон жонида бир ўт, мунаввар бир ёлқин пайдо этмаса, уни сўз деб қабул этмаслик керак. Сўфи Оллоёр асарлари, айниқса, «Сабот ул-ожизин» ўқувчи имонини нурлантира оладиган манзумадир. Бу манзуманинг зиёсидан кўнгли ёришган киши жаҳолат зулматидан албатта қўрқмайди. Чунки бу зиё мустақил ва орифона тушунчага эга собит эътиқодли одам учун янада фикрий мустақиллик ва ўз-ўзига ишонч имкониятларини очади. Бу ишонч эса кураш мазмунини қамраб олган. Исломда икки турли жиҳод борлиги маълум. Биринчиси — улуғ жиҳод бўлиб, у ботиний кураш, нафс билан боғлиқ гуноҳ ва гумроҳликларга қарши ички жангни ифодалайди ва шунга даъват этади. Бу кураш худпарастлик, ақлий маҳдудлик, шафқатсизлик, дилозорлик сингари қусур ва иллатлардан тамоман покланишни шарт қилиб қўяди. Шу маънода «Сабот ул-ожизин»да муаллиф шахсияти бир ибрат тимсолига айлангандир. Шоир ўзининг қусур ва камчиликларидан баҳс очаркан, фавқулудда самимият ва ростгўйлик билан ўз иқдорларини ҳам баён этади. Мана, у бир ўринда нима деган:

Илоҳо, бандаман, бечорадурман,  
Ҳавойи нафс ила оворадурман.  
Эрурман барча нуқсонимга иқдор,  
Мусулмон ўғли қилмас ишларим бор.  
Эрурман бандаларни сарнигуни,  
Тўлай ёру биродарлар забуни.  
Манингдек осий бўлғайму жаҳонда,  
Гуноҳим зоҳиримдин кўп ниҳонда.

Нетай, чун айни ақлим беziёдур,  
Амал ҳам йўқ, агар қилсам—риёдур.

Бундай фикрлар инсоннинг Аллоҳ олдида кучсиз ё ожизлигини ҳаққоний англашдан туғилади. Ва улар фанолик шавқида ёнган комил Рухнинг абадиятга интилишини ҳам акс эттиради. Бу интилиш орқага, яъни кечган умрга қараш, уни дин ва имон мезони билан сарҳисоб қилишни мустасно этмайди. Аксинча, ўтган умрнинг зиддиятли қатламларини очади. Тавба ва пушаймонлик нури билан келажакка умид йўлларини янада ойдинлаштиради. Ана шунда сиз тақдирнинг ёлғизлик сўқмоқларидан хомуш ва маҳзун одимлаётган толибнинг ёлғизлигини мушоҳада этишга мажбур бўласиз. Одатда, инсон ёлғизлик мақомига юз бурғач, ташқи муҳитга нисбатан унинг қарашлари тозаланиб, табиий тарзда ўзининг богиний дунёсига чекинади. Бу ҳолатда у ҳеч бир пайт ўзлигини назардан четда қолдирмайди. Яъни комиллик даъвосидаги инсон ўзлигининг туб илдизларини кўрмоқ учун энди доимий равишда ўзига нигоҳ ташлаб, номукаммал ўзлигини кўриб туради. Ана шунда у ўзича, Блез Паскал айтмоқчи, одам фаришта эмас, йиртқич ҳам эмас, деган бир хулосага келади. Гап шундаки, бу хулоса англаш ва сезиш, қайғуриш ва надомат чекиш туйғуларини ўткирлаштиради. Қувонч ўрнини маъюслик, жузъий муваффақиятларни умумий бир муваффақиятсизлик ва реалликка ён бермайдиган руҳоний саркашлик эгаллайди. Инсон онги ва кўнглидаги тахайюл, аниқроғи, мистик кучнинг илк қайноғи худди шу нуқтадан бошланади. Мистика — ғайб оламига ишонч, шу олам сирларини ўзлаштириш орқали инсоннинг ўзида яширинган илоҳий моҳиятни кашф этиш демак. Мистик хаёл меърожи—комил инсон руҳининг ердан самога қараб юксалиши, ўша юксак босқичларда ладуний тасаввурларнинг шаклланишдан бошқа нарса эмаслигига Сўфи Оллоёр ўз ўқувчиларини тўла ишонтиргандир. Шоирнинг тавсиясига кўра илоҳий-диний, тасаввуфий-руҳоний ҳаётнинг туб мазмуни ёки нафси пок руҳга тобе этишдир:

Эрур ҳолоки боби тавба мафтўх,  
Емон нафсингни қилгил тобе руҳ.

Сўфи Оллоёр:

Илоҳо, осиймиз, бечорадурмиз,  
Ҳавойи нафс ила авворадурмиз, —

дер экан, нафсу ҳавога қувват берадиган бош омиллар нималигини ҳам бирма-бир қайд этган. Улардан бири тама:

Тамаъ нониға лаб очгунча ўл оч,  
Тамаъ бўйи кўринмай бўйидин қоч.

Яна бошқаси такаббурлик:

Агарчи бўлсанг аҳли илм, зуҳҳод,  
Такаббур қилмағил, аслингни қил ёд.

Ўз аслин ёд этган киши албатта «Ўлум бирла ўзингни айлагил дўст», деган гапни тўғри қабул қилади ва албатта, «Ватанни аслидир бизларга туфроқ», деган боқий ҳақиқатни асло унутмайди.

Сочилмасдин бурун сочғил ўзингни,  
Сўралмасдан бурун сўрғил ўзингни.

Бу талабнинг замирида, инсон ўзига нисбатан шафқатсиз бўлмас экан, ҳеч қачон у бошқаларга шафқат кўрсата олмайди, ўзига ўзи мардона сўроғи йўқ киши ўзгалар қадриятини ардоқлашга қодир эмас, деган бир ибратли мақсад бор.

Маълумки, Ғарбда мукаммал инсон образи ҳокимият тушунчаси билан узвий боғланган. Масалан, Фридрих Нитшенинг таълимоти бўйича инсондаги куч туйғуси, ҳокимиятга интилиш ва қудрат нимадан ўсиб, ривож топса, бу яхши. Кучсизлик ва ожизликдан юзага келган ҳамма нарса ғарқсиз. Нитше «Бахт нима?» — деган саволга инсондаги куч-қудрат ва ҳокимиятга интилиш ҳиссиётининг юксалиши, деб жавоб беради. Шарқда, хусусан, тасаввуф таълимотида ҳокимият-парастлик қораланган. Зеро ҳокимлик туйғусининг ҳар қандай шакли ва даражаси инсон ақли ҳамда ахлоқи учун нуқсон етказиши шубҳасиз деб топилган. Бу масалага эътиборни қаратаётганлигимиз бежиз эмас. Чунки инсоннинг амалдор—мансаб ва мартабага тобе кимса сифатида фожиалари Сўфи Оллоёр томонидан анча кенг таҳлил этилган. Бу ўринда шоирнинг ушбу масала бўйича қарашларининг хулосасини ифодаловчи байтларидан бирини келтириш билан чегараланиш мумкин:

Бу дунёдан агар ўтсанг қуруғлаб,  
Кўнғилга солма ҳаргиз ёди мансаб.

Мансаб ҳирси энг эзгу, энг муқаддас инсоний қадриятларни қадрсизлантириб ташлаётган бизнинг до-

ғули замон учун бу фикр ниҳоятда ибратли эканлигини таъкидлашга ҳожат йўқ.

Мутасаввифлар ислом оламининг жуда илғор ва ўрнак кишилари бўлганлар. Абдуллоҳ ат-Тустарий «Мутасаввиф — кўнгли чиркинликдан тозаланган туншунча ила тўлиб, Аллоҳга йўналган содиқ қулдир», — дейди. Маъно ва ғояда ҳар бир мутасаввифнинг нияти хусни мутлақ билан қовушмоқ бўлганлиги учун ҳам Сўфи Оллоёр «Сабот ул-ожизин» да мутасаввифлар ҳаёти, тарихи ва тақдирига дахлдор ибратли ҳикоятларга кенг ўрин ажратган. Бу китобда туркий тасаввуф шеърятининг асосчиси, султонул орифин Хожа Аҳмад Яссавий ҳақида ҳам қайдлар мавжуд.

Одамнинг то фазлу фалокати бор,  
Унинг бир-бирига маломати бор.

Абдулла Орифнинг ушбу фикри бутун тарих давомида исботланган, ҳануз исботини топаётган бир фикрдир. Айтайлик, фазлу камолотнинг энг юксак тимсоли бўлмиш пайғамбарлар ҳам таънаю маломатдан бенаиб қолмаганлар. Жаҳолат, нодонлик, ғараз ва ҳасад Аллоҳ элчиларига ҳам маломат тошларини отган. Фитна ва иғво, тухмат ва бўҳтон — булар қанчадан-қанча олиму уламоларга қарши қаратилган маломат ҳамчалари ҳисобланган. Бу ваҳшиёна ҳамлалар Аҳмад Яссавийга ўхшаш буюк зотларни ҳам четлаб ўтмаган.

Нақл этилишича, Аҳмад Яссавийнинг тариқатда шуҳрат доираси кенгайиб, муридларининг сафи кўпайган сайин муҳолифларининг хуружлари ҳам кучайган экан. Улар ниҳоят шундай бир миш-мишни тарқатишибди: гўёки Яссавийнинг зикр мажлисларида эркаклар билан биргаликда юзи очиқ хотинлар ҳам иштирок этармишлар. Бу гап шариат ҳукмларини қаттиқ муҳофаза этувчи Хуросон ва Мовароуннаҳр олимларига бориб етибди. Хуллас, улар бу гапнинг тўғри ёки нотўғрилигини текшириш мақсадида тафтишчиларни жўнатишибди. Хожа Аҳмад ҳазратлари буни олдиндан сезиб чорасини ҳам ўйлабдилар. Текширувчилар ортга қайтганда, Яссавий шогирди Жалол отанинг қўлига бир ҳуққа тутқазиб улар билан қўшиб юборибди. Олимлар уни очибдилар. Қарасалар, унинг ичида бир қисм пахта ва бир чўғ бўлиб, на пахта ёнмаган ва на чўғ ўчмаган, иккаласи ҳам асл ҳолича турганмиш. Яссавийдан шубҳаланган шариатчилар дарҳол бу тимсолнинг маъносига етибдилар. Чунончи: агар эркак

хотин бир аҳли ҳақ мажлисида бирлашиб баробар зикр ва ибодат этсалар, Ҳақ таоло уларнинг қалбларини ҳар турли нафсоний ғараз ҳамда майллардан поклашга муқтадирдир. Рамз орқали Яссавий айтмоқчи фикр ана шундай бўлган экан. Лекин орадан йиллар эмас, асрлар ўтса ҳамки Яссавийнинг зикр мажлисларида аёлларнинг қатнашиши билан боғлиқ бўхтонларнинг давомчилари тугамаган. Сўфи Оллоёр ёзади: «Баний одамда бордур бир фарийқа, Тутарлар ўзларин аҳли тарийқа. Алар шаръи набийнинг душманидур, Аларнинг оти, яъни «Равшаний»дур. Булар ўзларига «ориф қўйиб от» шеърбозлик йўли билан омий кишиларни ортларидан эргаштириш ғаразида бўлганлар. Феъли «тўнғизга ўхшаш» бу мунофиқлардан ҳам тубанроқ яна бир тоифа пайдо бўлган экан: «Бўлибдур ҳам тақи бир фирқа пайдо, Оти мўъмин, вале нафсиға шайдо. Йиғарлар пораи бўйни йўғонни, Солурлар ўртаға қизу жувонни...» Шариат ва маърифатнинг айни шу ғанимлари Аҳмад Яссавий номини сотиб, яссавия тариқатидаги аёлларнинг ўрнини нотўғри талқин этганлар.

Яъни:

Ишонсин деб тақи бир неча беақл,  
Қилурлар Хожа Аҳмаддин мунн нақл...

Сўфи Оллоёр бу нақлларнинг асоссиз ва ёлғонлигини Аҳмад Яссавийни улуғловчи мана бундай таъриф сўзлари билан мутлақо инкор қилади:

Худонинг дўсти бўлса Хожа Аҳмад,  
Қилурми ҳеч мунингдек бидъати бад.  
Шариатда эди ул офтобё,  
Қолибдур бизга ул эрдин китобе.  
Ушал султон битибдур балки анда,  
Чиқар мундоқ фақир охир замонда.

Яссавийнинг «Девони ҳикмат»ига тегишли баҳс-мунозараларда бундай эътирофларни эътибордан четда қолдирмаслик керак, албатта.

Маълумки, тасаввуф Шарқдаги энг машҳур ва кўпчилиكنинг диққат-эътиборини тортган теран таълимотдир. Тасаввуфнинг нуфузи нафақат фақру фанонликни идеаллаштирганлар орасида, балки ҳоким табакалар ўртасида ҳам юқори бўлган. Аммо илмий ва бадий асарларда «Тасаввуф нима?» деган саволга

берилган жавоблар шунчалик кўпки, улардаги ўзаро фарқ ва зиддиятларни ҳам ундан кам деб бўлмайди. Шунинг учун буюк мутасаввиф шоир Абдураҳмон Жомий бир рубойида шундай деган:

То кай зи тасаввуф хару бор овардан,  
Бар жои як нукта ҳазор овардан?  
Хомўш, ки ҳосили ҳама як сухан аст,  
Рўй аз ҳама тофтану ба ёр овардан.

Мазмуни: қачонгача тасаввуф дея хару борни келтирмоқ? Нечун бир нукта ўрнига мингни қалаштирмоқ? Ҳаммасининг ҳосили бир сўздир. Бу эса барчадин юз ўгириб ёрга, яъни Аллоҳга нз қаратмоқдир.

Хўш, тариқат илми умуман нималарни қамраб олади ва нималарни ўргатади? Тариқатни ихтиёр этганларнинг асосий муроди нима? Сўфий ким? Чин сўфийнинг фазилатлари-чи? Сўфи Оллоёرنинг тасаввуфга бағишланган «Мурод ул-орифин» асаридан ана шундай саволларга жавоб топиш мумкин. Китобнинг муқаддимасида айтилишича, бу китоб «Маслак ул-муттақин» «Сабот ул-ојизин», «Махзан ул-мутеъин»дан кейин ёзилган. «Мурод ул-орифин»нинг яратилиши сабабини муаллиф шундай изоҳлайди: «Ва муҳиббони дин низ истидъо карданки дар тасаввуф ва иршод ва мувофиқи эътиқод нусха савод карда шавад... Ва аҳбобки бо навиштани ин китоб рухсат додааст таважжуҳ бохондани фотиҳа кушоданд номи ин нусхаро «Мурод ул-орифин» ниҳодианд...» (Дин муҳиблари тасаввуф, унинг йўллари ва эътиқоди хусусида яна бир асар яратиш истагини билдирдилар. Ва китобнинг ёзилишига рухсат берган дўстлар унга «Мурод ул-орифин» деб ном қўйиш қарорини билдирдилар).

Китобнинг таркиби ҳақида бундай дейилган: «Чун ин китобро дар баёни исми қисми сўфия ва русуми эшон бар шонздаҳ фасл эрод карда. Фасли аввал дар баёни расми эшон астқи, чаро сўфи номиданд ва қисми эшонастқи чи гуна анжомиданд». Яъни: «Бу китоб ўн олти фаслдан иборат бўлиб, уларда сўфийликнинг тоифаси, одоби баён этилган. Аввалги фасл сўфийлик одоби хусусида. Унда улар нега сўфи дейилгани, уларнинг қисмати қандай шаклланганлиги ёритилган. «Сўфий» истилоҳига берилган шарҳлар кўп. Лекин «Мурод ул-орифин» даги талқин анча кенглиги ва қизиқарлилиги билан ажралиб туради. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, шоирнинг бошқа асарларидаги бир

қанча диний ва тасаввуфий ғоялар бу китобида ҳам давом топган ва ривожлантирилган. «Сабот ул-ожи-зи»да «Шариат ҳукмидин ташқи риёзат, Эмас тоат, қабоҳатдур, қабоҳат», дейилган бўлса, кейинги асар-да, «Шариат ҳар икки жаҳоннинг раҳбаридир. Қимда-ким бунга гумон этса, ўзи гум бўлади. Соликнинг ҳоли ҳеч қачон шариатдан ташқарида бўлиши мумкин эмас», — деб таърифланган.

Ба жуз ёди Худойи олам оро,  
Ба хилватгоҳи дил ҳаргиз макун жо —

Худойи олам оронинг ёдидан бўлак ҳеч нарсага дил хилватгоҳингдан жой берма, дейди шоир. Бунинг учун эса мужоҳида, тавозеъ, ихлос, сидқ, вафо, тақво, шавқ, муҳаббат, диёнат сингари хислатлар зарурдир. Дей-лик, диёнат бўлмаса, хиёнат юз очади. Шунинг учун орифга шунчаки диёнатли бўлиш камлик қилади, у диёнат баҳрига тамоман фарқ бўлмоғи керак, шунда хиёнатдан асар қолмайди:

Чунон шав фарқ дар баҳри диёнат,  
Намонад зарраи чирки хиёнат.

«Мурод ул-орифин»даги узлат ва хилват баҳсидаги мулоҳазаларни ўқиб, киши хаёлидан ақл узлатга че-кинса, дил Муҳаббатга ётишади. Дил Муҳаббатга тўлса, Руҳ ҳайрат мақомига кўтарилади, деган ёруф бир фикр пайдо бўлади.

Утмишда Сўфи Оллоёр ижодиётига қизиқиш кучли бўлганлигини тасдиқловчи далиллар кўп. Шулардан бири турли даврларда унинг асарларига ёзилган турли тиллардаги шарҳлар ҳисобланади. Бадиий ёки илмий асарларга ёзилган шарҳ, аввало, англаш ва қабул қи-лишни осонлаштириш демак. Шарҳ — оммабоп, кўпчи-ликка енгил тушунарли, содалаштирилган талқин-ларни яратиш эҳтиёжини ифодалайдики, бу ишда шарҳчи муаллифнинг билим, савия, ифода қобилияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Биз Сўфи Оллоёр асар-ларига ёзилган барча шарҳларга ҳатто умумий баҳо бериш фикридан ҳам йироқмиз. Чунки бунинг учун, биринчидан, улар махсус ўрганилиши керак. Иккинчи-дан, бундай вазифани зиммасига олган киши форсий ва туркийдан ташқари араб тилини ҳам билиши лозим бўлади. Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида «Мурод ул-орифин»га ёзилган учта шарҳ бор. Улардан бири Ҳожи Абдурауф бин Абдунаби де-

ган шахс қаламига мансуб ўзбекча шарҳ. У ҳижрий 1330 йилда Тошкентда босилган. Иккинчиси, татар тилидаги шарҳ, 1809 йилда Қозонда чоп этилган. Абдулмуталлиб Булғорий битган яна бир шарҳ арабча. Буларни қиёсий ўрганиш ёки «Мурод ул-орифин»нинг асл матни билан бирликда нашр қилдириш, ҳеч шубҳасизки, илм ва адабиёт манфаати учун кераклидир. Ҳофизхожа Қўзихожа ўғли «Маслак ул-муттақин»га ёзган туркий шарҳини «Ҳидоят ул-муттақин» деб номлаган экан. Назаримизда, Сўфи Оллоёр асарларига ёзилган шарҳлар орасида Саййид Ҳабибуллоҳ ибн Саййид Яҳёхоннинг «Ҳидоят ул-толибин» шарҳи «Сабот ул-ожизин» асари алоҳида эътиборга молик. Ундаги илоҳий, диний, тасаввуфий, тарихий тушунча ва атамаларнинг изоҳлари, шарҳ зарурияти билан келтирилган ривояту ҳикоятлар бадий матнининг гоёвий-поэтик таркибини кенг мушоҳада этишга яқиндан ёрдам беради.

Сўфи Оллоёр илоҳий маърифат ва диний ҳақиқатлар байроғини юксак кўтарган санъаткор. У шеърда дин илми билан ҳақиқий ишқ эҳтиросини уйғунлаштирган шоир. Унинг маслагиди имон ва диёнат, эътиқод ва дард руҳи ҳоким. Ҳокимият ва расмий сиёсат миқёсидаги узоқ йиллар давом топган жаҳолат ва зўравонлик зулмати чекингач, Сўфи Оллоёр ижодиётига муносабат ижобий томонга ўзгарди. 1991 йилда «Чўлпон» ҳамда «Меҳнат» нашриётларида шоирнинг «Сабот ул-ожизин» манзумаси чоп этилди. Сўфи Оллоёрнинг ҳаёти ва адабий меросига бағишланган тадқиқотлар чиқа бошлади. Бу ўринда Исомиддин Салоҳий, Сайфиддин Рафиддин, Нигора Ниёзоваларнинг газета ва журналларда босилган мақолаларини эслатиш мумкин. Шунингдек, Сўфи Оллоёрнинг ҳаёти ва ижодиётига бағишланган номзодлик диссертацияси ёзилаётир. Лекин бу хайрли ишлар келажакда оллоёршуносликда амалга ошириладиган тадқиқотларга бир дебоचा бўлмоғи керак.

1992 йил.

## II ТАСАВВУФ ҲАҚИҚАТЛАРИ

### ТАСАВВУФИЙ МАСЛАК ЗИЁСИ

Тарихдан яхши маълумки, Ўрта Осиё халқлари ислом дини туфайли янги бир маданият ва маънавият майдонига кирган эдилар. Туркий халқларнинг исло-

мийатга ўтиши, турк тарихида бўлганидек, дунё тарихида ҳам жуда муҳим ҳодисалардан бўлганди. Ислом динининг ишонч ва эътиқод мафкураси ўтмиш аجدодларимизнинг маданияти ҳамда ижтимоий турмуш тарзига кучли таъсир кўрсатди. Тасаввуф ана шу янги маданият заминида Ўрта Осиё халқларининг қадимий маданиятининг исломий моҳият билан бирикишидан туғилган кўп қиррали ва ниҳоятда қудратли маслақдир. Тасаввуфнинг шаклланиши ва кенг қулоч ёзишида хуросонли зоҳид сўфийлар ва зоҳид олимлар Иброҳим Адҳам, Шақиқи Балхий, Абдуллоҳ ибн Муборак, Аҳмад Ханбаллар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган. Бироқ тасаввуфнинг дарғалари сифатида ироқлик Маъруфи Қархий, Жунайд Бағдодий, Шиблий, хуросонли Боязид Бистомий, Саҳл ат-Тустарий, Мансур Ҳаллож каби буюк сўфий ва шайхлар тан олинганлар. Ўрта Осиёда сўфийлик ва тасаввуф тариқатларининг юзага келишида, айниқса, машҳур сўфий ва мутасаввифларнинг маълум таъсирлари бўлган.

Жунайд Бағдодий «Сўфийлар кимлардир?» — саволига: «Улар халқ орасидаги Ҳақнинг эътиборли қулларидир. Аллоҳ уларни хоҳласа очикча чиқарур, хоҳласа яширур», — деб жавоб берган экан. Имом Ғаззолий таърифича, «Ҳақиқий сўфийлар илм-ла амални бирлаштира билган ва зафарга эришган зотлардир. Улар айтганларини адо этдилар... Сўзлари ва ўзлари бир бўлди. Асил илм, маърифат, ибодат, тақво мана шулардадир. Сўфийларни шу ҳолга етказган ботинларида порлаган юксак имонлари ва буюк ҳимматларидур».

Тасаввуф, энг аввало, инсоннинг ўз моҳиятини тегран идрок қилиш ва билиш йўлидаги оғир, қийноқли интилишларини ифодалагандир. Одам фарзандининг заҳирий баҳсу мунозаралари, моддий манфаат йўлидаги ҳар турли тортишув-талашувлари, аслида, унинг ботинидан бошланади. Ва булар инсондаги кучсизлик ёки шайтонга таслимиятнинг айни кўринишлари ҳисобланади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки Қуръони каримнинг «Нисо» сурасида айтилганидек, «Инсон ожиз қилиб яратилгандир» (27-оят). «Қаҳф» сурасида эса инсон «жуда кўп баҳс-жанжал қилувчи» деб таърифланган. Тасаввуф — инсоний ожизликлар ва кучсизликларга тутилган бир кўзгудирким, унга назар ташлаб ахлоқни поклаш, кўнгилни илоҳий ҳис-

сиётлар билан камол топтириш чора-тадбирларини мукаммал эгаллаш мумкин. Тасаввуф ҳақида фикр юритганда, ҳарқалай, тафаккурга кўп аҳамият бериш керак. Албатта, тафаккур дейиш ёки тафаккурга даъват қилишнинг ўзидан бир натижа чиқмайди. Аслида тафаккур — тафаккурнинг фазилати, қиммати, ҳақиқат ва манбаларини чуқур англашдан бошланади. Илмсиз тафаккур бўлмаганидек, тафаккурсиз маърифат ҳам йўқ. Тасаввуфнинг асосий талаб ва кўрсатмаларидан бири ҳам мана шу: Хужжатул ислом Имом Ғаззолийнинг таърифлашича, «Тафаккурнинг умумий маҳсули — илм, ҳол ва амал. Хусусий натижаси эса фақат илм. Қалбда илм ҳосил бўлгач, қалбнинг ҳоли ўзгаради. Яъни амал ҳолга, ҳол илмга, илм эса тафаккурга боғлиқдир. Айтиш мумкинки, барча эзгуликларнинг боши ва бошланғичи тафаккур эрур...» Демак, тафаккур деганда ёлғиз фикрий, англаш, ҳиссий билишни эмас, қалб ҳаётини тубдан янгилайдиган маърифатни, ҳол билан боғлиқ амални ҳам назарга олмоқ лозим. Зеро, барча эзгулик ва юксак фазилатларнинг тамалини тафаккур ташкил этар экан, комилликка чорламайдиган ҳеч бир фикр, ҳеч бир тушунча ёки мақсадни тафаккурга нисбат бермаслик шартдир. Шу маънода ҳақиқий сўфий ва мутасаввифлар ислом оламининг ўрнак хислатларга эга кишилари бўлишган. Улар нафсларини поклаш учун ибодат қилиб, зикр ила машғул бўлганларида ҳам, хилватга юз буриб чилла ўтирганларида ҳам, сир ва шавқ шаробидан қониб кўз ёш тўкканларида ҳам тафаккур завқи ила нафас олганлар. Дарвоқе, инсонга Аллоҳ ато айлаган тафаккур имтиёз ва имконияти беҳад кенг ва беқиёс эрур. Аммо шу имтиёз ва имкониятдан у етарли даражада фойдалана олганми? Йўқ, албатта. Бунга эса биринчи галда, нафс, гафлат, жаҳолат сабаб бўлса, ундан кейин билим сустлиги, ақидапарастлик ва риё монелик қилган. Шунинг учун тасаввуф тариқатларига мансуб зотлар нажот зиёсини тафаккурдан ахтаришган. Шунинг учун Фудайл Аёз: «Тафаккур — сенинг ойнанг эрур. Ва барча яхшилик ҳамда ёмонликларингни ўзингга ошкор айлар», — деган эди. Тасаввуфда тафаккур худосеварлик «дастури»га асосланади. Тасаввуф Худо ишқи ва хаёлига боғланмайдиган, инсонни руҳоният, маърифат ва ҳақиқат мақомларига кўтарилишига хизмат қилмайдиган фикр ва тушунчалардан кечмоққа даъват қиларкан, бундан

асло ажабланмаслик керак. Тасаввуф маслаги ва маф-  
кураси тўғрисида аниқ ва тўғри тасаввурларга эга бў-  
лишининг илк йўли — тариқат арбобларининг тасав-  
вуфга берган таърифларидан хабардор бўлмоқдир.  
Машҳур Шайх Жунайд Бағдодий: «Тасаввуф — Аллоҳ-  
нинг сени сафода махсус айлашидир», — деса, Абу  
Бақр ал-Каттоний «Тасаввуф — сафо ва мушоҳада»,  
дейди. Абу Али ар-Рузборийга кўра «Тасаввуф — Ал-  
лоҳдан йироқлик / касофатларидан қутулиб, Ҳаққа  
яқинлик софлигини қозонмоқдир». Аҳмад Мақрий эса  
янада аниқроқ қилиб, «Тасаввуф — Аллоҳ ила исти-  
қомат қилиш ҳолоти эрур», деган экан. Бундай таъ-  
рифларни кўплаб келтириш мумкин. Бу таърифларни  
тасдиқлайдиган ҳикоят ва ривоятларнинг миқдори  
улардан-да кўп ва қизиқарлидир. Нақл қилинишича,  
бир кун халифа Муътасим, шоҳликдан кечиб дарвеш-  
лик тариқига юз берган Иброҳим Адҳамдан, «Қасбинг  
недур?» — деб сўраганда, у: «Мен бу дунёни дунё-  
парастларга бағишладим. Бу дунёда Аллоҳу таолонинг  
зикр айлаш, у оламда эса Тангри дийдорини кўриш  
учун ҳаракат қилиш менинг касбимдир», деганмиш.  
Абул Ҳасан Ҳарақонийдан «Кўнглида Худо мавжуд-  
лиги голиб кишининг нишонаси недур?», дея сўраш-  
ганда: «Оёғидан бошигача Аллоҳ борлигини иқрор  
айлашдир. Унинг юриш-туриши, кўриши, ҳатто бурни-  
дан чиқадиган нафаси ҳам Аллоҳ дейди...», — деган  
экан. Ривоят қилинурким, Боязид Бистомий ҳар қачон  
Ҳақ таолонинг сифатларидан сўз деса, шодмон бўлиб  
мук ўлтириб олар, чун Ҳақ таолонинг зотидан гапирса  
ўрнидан қўпар ва ҳар тарафга юриб, «Келди, келди,  
ана келди», дея нидо этаркан.

Тасаввуф ҳақиқий ишқ — Аллоҳ севгисини биринчи  
ўринга чиқараркан, омма диққат-эътиборини ахлоқ  
ва одоб муаммоларига чуқур жалб қилган эди. Тасав-  
вуф — бошдан-охир одоб, тасаввуф — хулқ ва одоб  
ҳусни деган қарашларнинг илгари сурилиши бежиз  
эмасди. Тасаввуфий ахлоқ учун тубан хулқ ҳосиласи  
бўлмиш ҳар қандай ўткинчи даъво ва ғаразлардан  
кечиш, тилеғламалик ва манфаат юзасидан ялтоқ-  
ланишлардан ҳазар этиш, хусусан, ҳосидлик ва муно-  
фиқликнинг тарки албатта шарт эди. Қалбни поклаш,  
маърифат соҳиби бўлиш, беҳуда кечган ҳар бир умр  
дақиқалари учун афсус чекиш, одамларга фақат ва  
фақат яхшилик тилаб, меҳру вафо кўрсатмоқ — булар  
тасаввуфий ахлоқнинг мажбуриятлари эди. Сўфиёна

одоб ўткинчи дунё ташвишлари учун жонсарак бўлмаслик, тирикчилик ранжларидан бўлар-бўлмаста шикоят қилмасликка ўргатар, айниқса, тангдиллик, зиқналик, ичиқораликни кескин инкор этгандир. Зеро, Абдурахмон Жомий айтмоқчи, «шикоят ва тангдиллик маърифатнинг камлигидан туғилажак» бир хасталик саналмиш. Тасаввуфда уятнинг кучи ва аҳамияти бошқа бировлардан эмас, аввало, одамнинг ўзидан-ўзининг бағритошлиги, манманлиги, фитнакорлиги, ҳорислиги, хуллас, кишини ҳақ йўлидан оздирувчи қанчалсалбий иллатлар бўлса, шуларнинг барчасидан ўзи уяла олишидадир. Тасаввуф тил, дил, хулқ одоби билан бир қаторда, ҳолат ва руҳоният одобини ҳам кенг қамраб олган эди. Эрон тасаввуфшуноси Жавод Нурбахш: «Аҳли тасаввуф дунёсида ғазаб ҳам, нафрат ҳам йўқ. Унда эркинлик ҳукмрон ва зиддиятга мутлақо ўрин қолдирилмаган. Мунофиқлик ва алдов ҳам йўқ... Сўфийлик оламида фақат поклик, осудалик ва муҳаббат мавжуддир. Бу ҳақиқатда барча юрак орзу қилувчи бир хаёлдир. Бу — шу дунёда эришилажак жаннат эрур», — деганида муболағага эрк бермаган, албатта.

Шу ўринда «Хўш, тасаввуф ўзи нима?» Диний-ахлоқий таълимотми ёки фалсафами? Нима деб қараш керак тасаввуфга: дунёни билиш ва идрок этиш йўли дебми ёки таркидунёчилик дебми, сингари бир қатор саволлар туғилиши мумкин. Ҳиндистонлик профессор Иноятхон ёзади: «Қатъий айтганда, тасаввуф дин ҳам эмас, фалсафа ҳам эмас. У деизм ҳам эмас, атеизм ҳам эмас. У мана шуларнинг ўртасида туради ва улар орасидаги етишмовчиликларни тўлдиради». Тасаввуф руҳини ҳеч иккиланмасдан, исломий Руҳ дейиш жоиз. Чунки тасаввуф, биринчи галда, Ислом ҳақиқатларини Қалб ва Виждон орқали билиш ва ҳис қилишга йўл очади. Лекин айни пайтда одам фарзандларига ато этилган бошқа бир қатор динларнинг соф моҳиятини ҳам ўзида мужассамлаштиргандир. Тасаввуфшуносликда «Илк сўфий ким?» саволига «Одам Атодир», деган жавобнинг мавжудлиги ҳам тасодифий бир гап эмасдир. Ушбу даъвога кўра, Аллоҳ Одамнинг баданига жон киритишдан аввал, маълум бир тариқатга мансуб соликка ўхшаб уни қирқ кун ёлғизлантирган эмиш. Шундан сўнг унинг юрагига ақл завқини ва кўнглига маърифат нуруни сингдирган. Ва Ҳазрати Одамнинг руҳи хилватда ёришиб, у тўғри йўлга кирган мутасаввифга ўхшаб одим ташлай бошлаган. Одам

Ато жаннатдан ерга қувилгач, Аллоҳ уни «тасфия» этгунча, яъни сўфий бўлгунига қадар Ҳиндистонда тавба ва истиғфор эттириб, чилла ўтиртирган ҳамда мосиводан халос айлашга рағбат кўрсатган. Бундаги софланиш, ҳеч шубҳасизки, нафсга тегишлидир. Кейинги тўрт-беш йилда жумҳуриятимиз илм аҳли орасида тасаввуфга қизиқиш анча кучайди. Афсуски, бу соҳада ҳам мустақил фикр юритиб, янги гап айтишга лаёқатсиз тақлидчилар, амалга оширилган ишларни гўё билмаганга олиб, аслида ўша тадқиқотлардаги фикр-хулосаларни бошқача сўзлар билан такрорлашдан нарига ўта олмаётган соябозлар анча кўпайиб қолди. Сўфи Али Шох «Тасаввуф — нафс манзиллари асрорларини билмоқ», дейди. Демак, тасаввуфдан баҳс этилдими, истанг, — истаманг, нафс ва нафсоний муаммоларга тўқнаш келинади. Аммо бу—нафсга тегишли маълум ва умумий гапларни такрорлаб, қайсидир бир шоирнинг шеърдан бир мисол келтириш дегани эмаску. Бу масалада айтилиши керак бўлган қанчадан-қанча фикрлар яшириниб ётибди. Уларни кашф айлаш учун виждонан машаққат чекмоқ лозим. Акс ҳолда яқин ўртада тасаввуф хусусидаги кўп гаплар тингловчининг энсасини қотирадиган якранг ва сийқа гапларга айланмоғи муқаррардир. Ахир, барча инсонлар бир жондан яратилганлари ҳолда, нафснинг ҳар бир вужуддаги фаолияти бир-биридан фарқлидир. Шубоис табиятан нафсоний ҳаётдан йироқлаша олмайдиган ҳайвонсифат кимсаларнинг нафсга қарши курашиш ва нафсни мағлуб айлашга доир ўғитлари доимо жирканч эшитилади. Бу эса ўзни фош қилишдан бошқага хизмат қилмайди. Сўфийларнинг эътирофида, нафс вужуднинг энг тубан табақаси. Ундан юқорида қалб, руҳ ва сир мартабалари бор. Нафсдан пастда эса «таъб» дейилмиш «тўрт унсур» мавжуд. Сўфий навбат ила таъбдан нафсга, нафсдан қалбга, қалбдан руҳга, руҳдан сирга юксалмоқ учун мушоҳадага фарқ бўлади. Бу юксалиш жараёнида уст мақомдаги сир, паст мақомда истиқомат қилгувчиларга ҳеч вақт равшанлашмас. Нафс жисмоний борлиқ ичида, яъни вужудда мавжуд бўлган ва фаолият кўрсатувчи бир қувватдурки, у барча ёмон хулқлар ва чиркин ҳаракатларнинг манбаидир. Бунга муқобил руҳ, қалбнинг таъсири остидаги Аллоҳга етишадиган маънавий бир куч ҳисобланади. Қалб нафсга майл этса, «нафис», руҳга майл қилса, «руҳ» дейилган.

Дин ва тасаввуф алломаларининг ҳукмларига биноан, пайғамбарлик қирқ олти мақомдан иборат. Бу мақомларнинг еттитаси руҳга тегишли, яъни руҳники ёхуд руҳдандир. Булар: нурлардан завқланмоқ, поклик, тамийз, яъни яхшини ёмондан хатосиз ажратиш басират — ички нигоҳ ила оламни кўрмоқ, ғофил бўлмаслик, сироят қуввати ва ниҳоят дўстлар ёғдирган азиятларни азият сифатида қабул айламаслик. Алишер Навоий ғазалларидан бирида:

Шавқ тийғи бирла солик айласа кўнглини чок,  
Файз шаҳристони сайрига топар дарвоза руҳ, —

деганида руҳ мақомига юксалишнинг бир йўлини кўрсатгандир. Юқорида тилга олинган Руҳга тегишли етти ҳақиқат устида кенгроқ мулоҳаза юритилса, айрим илмий китобларда нақл этилганидек, тасаввуф бошни гангитадиган мураккаб бир тушунча эмаслиги ўз-ўзидан ойдинлашади. Ва бундай содда тавсифларга бошқа диний-фалсафий таълимотларда ҳам дуч келиш мумкин. Масалан, қадимги тибет мистиклари маънавий-руҳий камолотга етишиш йўлини тўрт босқичга ажратишган. Биринчиси, кузатиш, билиш, бутун борлиқнинг маъно сирларини теран ўзлаштириш. Иккинчиси, ҳар бир нарсани бутун икир-чикирлари билан тадқиқ қилиш. Учинчиси, кашф этилган нарсаларни мукамал мушоҳададан ўтказиш. Тўртинчиси — хотирлаш. Тасаввуфга ҳам жуда мухтасар бир таъриф бериладиган бўлса, уни учта сўзда ифодалаш мумкин. Булар: Билиш, Кўриш ва Эришиш. Бунда билишнинг тамали — нафсни билишдирки, бу билим инсон поклиги ва камолоти учун зарур бўлган деярли барча ҳақиқатларни қамраб олади. Кўриш — илоҳий гўзалликни кўриш ва оламдаги ҳамма нарсага Ҳақ нури ила назар ташлай олиш мақомига юксалмоқдир. Эришиш эса — Қалбни поклаш, пок қалб ва ҳур Руҳ кучи билан Аллоҳ висолига етишмоқ демак. Лекин бу уч сўзнинг мазмун-моҳияти охир-оқибатда Покланиш ёки Поклик деган битта сўзда мужассамлашади. Чунки нафс ва назар покланиб, мақсад холислашгач, бошқа бир калимани қўллашга эҳтиёж қолмайди. Шунинг учун Алишер Навоий:

Поклик даъби гар эрмастур сулук ичра, не суд,  
Баҳру барда гар таҳорат, гар таяммум айларам, —  
дея сайру сулукнинг туб мазмунини биргина байтда

шарҳлаб берган. Тасаввуф покланмоқ учун нафсга — тазкия, қалбга — тасфия, ахлоққа — таҳзиб усулини тавсия қилади. Бироқ бу «усул»лардан кўзда тутилган мақсад ҳам, натижа ҳам яна ўша: софлашмоқ, равшанлик касб этмоқ ва покланиш. Албатта, тилда покланиш, яъни поклик ҳақида сайраш осон. Бироқ дилни поклаш — ҳар жиҳатдан ботиний покланишга эришмоқ ҳаддан зиёд оғир ва қийин ишдир. Бир киши Боязид Бистомийга: «Кўнглингни соф қилгил, то мен сенга сўз айтайин», — дебди. Шунда Шайх Боязид: «Ўттиз йилдир Худои таолодин соф кўнгил тилармен, ҳануз бунга эришганим йўқдир. Ва бир соатда сенинг учун соф кўнгил не ердан келтиройин?» — деган экан. Шунинг учун тасаввуфда софланиш дард ва ғам чекиш салоҳияти билан ўзига хос бир уйғунлик топгандир. Мана, бир характерли мисол. Машҳур сўфий Ҳасан Басрий ғам чекиш ва қайғу ичида яшашни ўзи учун шир айлаган. Дунёни тарк этиш, зоҳидона бир ҳаёт, нафсга ҳамиша қаҳр айлаш — булар унинг учун ғамгинликнинг ўзани бўлгандир. Унингча, «давомли қайғу яхши амалларнинг қайноғи» эди. Ҳатто Алишер Навоийда ҳам Ҳасан Басрийга ўхшаш сўфийларнинг ғампарастлик «фалсафа»сини қувватлаш майллари кўзга ташланади. Акс ҳолда Навоий:

Кўнгил ичра ғам камлиги асру ғамдур,  
Алам камлиги дағи қаттиқ аламдур, —

деб ёзмаган бўлурди. Мана шу жойда ғам ва шодлик ва бу сўзларнинг замирида яширинган моҳият ҳақида алоҳида тўхталиш зарурияти бор.

Шўро тузуми даврида яратилган илмий ишларда тасаввуф мафкураси шодлик ва ҳаёт қувончларининг қушандаси деб қораланган. Бу — энг адолатсиз ва асоссиз танқиддир.

Тасаввуф аҳли — Аллоҳ муҳаббатига берилган ошиқдир. Улар дунё гўзаллиги, ҳаёт мазмуни, инсон тақдири ва шахснинг маънавий-руҳий камолотини бевосита илоҳий ишқ моҳиятига мувофиқ равишда идрок этишган. Аммо бу йўлдаги уриниш ва интилишлар осон кечмаганидек, барча томонидан қўллаб-қувватланмаган ҳам. Чунки Аллоҳсеварлик маслагига ҳамма ҳам ишонавермас ва уни барча одамлар ҳам бир хилда қабул қила олмасди. Имом Ғаззолийнинг таъкидлашича, «ҳатто баъзи олимлар илоҳий ишқ имконини атайин инкор этиб, «Аллоҳ севгиси демак, унга ибодат демак-

дир. Чин маънода Аллоҳга ишқ ва муҳаббат маҳолдир. Ишқ фақат жинслар ва тенглар орасида бўлур», — деганлар. Бу олимлар ишқни инкор қилганларидек, унс, шавқ, муножот завқи ва севгининг бошқа зарурий талабларини ҳам инкор этганлар». Бу хил муносабат ва қарашлар ҳар турли фикрий қарама-қаршиликларнинг юзага қалқиб чиқишига сабаб бўлган. Ҳақ ошиқлари онгида мажозий фикр миқёслари жуда кенгайган. Қуръони каримдаги англашилиши қийин ёки хилма-хил маъноли, яъни «муташибиҳ» оятларни таъвил қилиш дин ва шариат томонидан тақиқланган бўлса-да, бундай ишларни амалга ошироқни зиммасига олган кишилар, хусусан, ботинийларнинг ҳаракатларига барҳам беришнинг иложи бўлмаган. Натижада Қуръондаги айрим сўз, ибора ва оятларнинг ҳар турли маъноларини даъво этувчи шарҳлар пайдо бўлган. Масалан, Ҳазрати Мусога қарата айтилган, «Эй Мусо, сан Фираъвнинг олдига боргин, чунки у (куфру исён билан) ҳаддан ошди» оятидаги «Фиръавн» сўзини ботинийлар золим бир подшоҳ эмас, балки инсонга тажовуз қилгувчи золим қалб тимсоли деб изоҳлаганлар. Тасаввуф назарийётчилари жуда кўп сўз ва таъбирлар қатори «ғам» ва «шодлик» сўзларига ҳам хусусий маъно бағишлаганлар. Сўфийлик маслагидан баҳс этувчи қадимий манбаларда дунёдаги шодликларнинг жами учта деб белгиланган. Биринчиси — ҳалок айловчи шодлик, иккинчиси — макруҳ, яъни нафрат уйғотувчи шодлик. Учинчиси — вожиб, яъни зарурий ва эришилмоғи шарт бўлган шодлик. Ҳалок айловчи шодлик гуноҳ қилиб ва ёвузлик, дилозорлик, манманлик, жаҳолат ботқоғига ботиб қувонмоқдир. Бундай кимсалар Қуръондаги «Қилмишларининг жазоси ўлароқ, бундан буён оз кулсинлар, кўп йиғласинлар», деган кўрсатмаларга мутлақо амал қилмайдиган ёки сира амал қила олмайдиган гумроҳлардир. Макруҳ шодлик — дўстни душманга айлантириб, инсоннинг жон томирларини шикастлаб охир-оқибатда дилни ҳалокатга маҳкум айловчи шодлик. Тасаввуф ана шундай сохта қувончларга қарши бўлган, эл-улуснинг қалбини кадардан ҳам емирувчан ана шу шодликлардан муҳофаза қилишга интилган. Ҳақ ошиқлари тарғиб этган шодликлар, Ҳақни таниш, Ҳақни севиш ва имон амрларию виждон ҳукмларидан туғиладиган шодликлардирки, улар ҳар бир мусулмоннинг умр йўлини равон айлаб унга ҳидоят эшикларини очиб,

одамларнинг бир-бири билан дўстлигини самимият ва садоқат ила мустаҳкамлагандир. Бугун халқимиз учун тасаввуф аҳли ёқлаган айни шундай қарашлар ва шодлик сабоқлари жуда муҳим.

Нақл этилурки, Маъруфи Қархийнинг қардошларидан бири унга «Сени ибодатга ундаган сабаб нима?» деб савол берибди. Қархий ҳали жавоб қайтармасдан туриб ҳалиги киши яна, «Ўлимни хотирладингми?» дебди. «Ўлим недур?» — сўрабди Қархий. «Мазор ва барзах олами». «Булар недур?» «Жаҳаннам кўрқуси ва жаннат умиди». Шунда Маъруфи Қархий дебди:

— Булар нима? Ўртада бир ҳукмдор бор. Айтганларингнинг барчаси шу мутлақ ҳукмдорнинг қўлида. Уни севсанг буларнинг ҳаммасини сенинг хотирангдан чиқарур. Ўртада яқинлик ва садоқат бўлса, шу сенга етар ва сени улардан асрагай.

Ҳа, тасаввуф — ишқ йўли, сир йўли, ҳуррият йўли. Тасаввуф тавбани — тавбасизликка, сабрни — бесабрликка, орифлик ва комилликни — ноқислик ва нодонликка, фақру фанони — эрксизлик ва қарамликка қарши қўяркан, инсоннинг руҳонияти ва Руҳий эрки учун кескин курашганди. Тасаввуф ислом маърифати, ислом ҳақиқати ва ислом нуридан дунёга келиб, исломнинг ахлоқий комиллик, инсонпарварлик ва Аллоҳсеварлик тушунчаларини бойитиб, ўзига хос тарзда янги юксакликларга олиб чиқди. Зеро, бу таълимот буюк ислом Дарахтининг ҳосили эрур.

1995 йил.

#### ТАВБА — НАЖОТ МАҚОМИ

Тасаввуфдаги сайри сулук йўли — бир қанча илоҳий-руҳий, маънавий-ахлоқий босқич, манзил ва майдонларни босиб ўтиш демак. Хожа Абдулло Ансорий ҳазратлари «Юз майдон» номли рисоласининг муқаддимасида Ҳақ ошиғи ва маъшуқи азал ўртасидаги «ошноликдан то дўстликкача» бўлган «чегарани» минг мақом, «огоҳликдан бегуноҳликкача» бўлган «масофа»ни минг манзил сифатида таъкидлайди. Ва буларнинг барчаси юз майдондан таркиб топишини айтади. Солик кечиб ўтмоғи зарур бўлган бу юз майдон тавбадан бошланиб, бақо майдони билан ниҳоясига етади. Лекин тасаввуфда ишқ ва маънавий комиллик йўли тўрт катта босқичга ажратилганки, булар: Шариат, Тариқат, Маърифат ва Ҳақиқатдан иборат. Абдулло Ансорийнинг

этирофи бўйича, «шариат ҳама ҳақиқатдур, ҳақиқат ҳама шариат эрур ва ҳақиқатнинг биноси шариатда».

Мавлоно Жалолиддин Румий «Маснавий»нинг муқаддимасида ёзади: «Шариат шамга ўхшар, йўл кўрсатар. Аммо қўлга олмоқ билан шамнинг йўли очилмас. Йўлга тушдингми, бу юришинг тариқат эрур, мақсадга эришдингми—бу Ҳақиқат.. Шариат билимдир. Тариқат—тутмоқ. Ҳақиқат—Тангрига етишмак». Шариат фақат билим эмас, қонун ҳамдир. Қалб ва вужуд айни шу қонун ила тарбияланур. Мана шунинг учун ҳам тасаввуфга юз буриш — дин ва шариат илмини чуқур эгаллашдан бошлангандир.

Жунайд Бағдодий демиш: Шайхим Сарийяус Сақатий бир кун менга шундай савол берди:

— Сен менинг ёнимдан чиқиб кимнинг мажлисига борурсен?

— Ҳорис ал-Муҳосибийнинг мажлисига борурмен,— дедим.

— Кўп яхши, унинг мажлисига борғил, илм ва ододдан баҳраманд бўлғил. Фақат сен унинг калом ҳақидаги фикрлари ва каломчиларга қарши ҳужумларига қўшилма.

Мен Шайхимдан бу сўзларни эшитиб бўлгач, кетишга чоғландим. Шунда у яна бундай деди:

— Аллоҳ энг аввал сени ҳадис илми ила нурлантирсин, сўнгра сўфийликни насиб айласин. Аввал сўфий, сўнгра ҳадис билгувчи этмасин.

Юқорида айтилганидек, тариқатнинг илк мақоми — тавба. Тавба — солиқлар йўлининг бошланғичи, хато ва гуноҳлардан покланишнинг бош чораси ва муридларни барча шубҳали нарсалардан муҳофаза этувчи бир «қалқон»дир. Тавбанинг маъноси — гуноҳ ва тубан ахлоқий сифатларнинг инсонни Аллоҳдан йироқлаштирувчи таҳликали нарса эканлигини билмоқ. Бунда рафлат ва гумроҳлик зулматларидан ақл нури ила қутулмоқ талаб этилади.

Тавба тарихи, бевосита, Одам Ато тақдири билан боғланидиган жуда узоқ тарихдир. Чунки тавба дарди билан ёнган ва тавбаси қабул қилинган биринчи киши Одам Ато эди. Ривоят борки, Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломнинг тавбасини қабул айлагач, малаклар уни қутлашга келдилар. Жаброил ила Макоил унга: «Эй Одам, Аллоҳ тавбаңни қабул этти. Энди бундан буёғи ҳузурга эришдинг», — дейишибди. «Эй Жаброил, дебди Одам Ато, — бу тавбадан сўнгра бир савол-жавоб бўл-

са, маним ҳолим не кечар?» Шунда Аллоҳ таоло унга шундай ваҳий айлабди: «Эй Одам, зурриётингга тўрт заҳмат ва меҳнат келтирдинг. Шунингдек, тавбани ҳам уларга мерос эттинг. Сенинг дуоингни ижобат қилганим сингари уларнинг ҳам менга муножотларини ижобат этарман. Зеро, мен даъватга ижобат этувчи бир яқинман. Тавбакорларнинг ҳам барча талаб ва дуоларини қабул қилурмен».

Динда бўлганидек, тасаввуфда ҳам тавбанинг фикрий-ахлоқий замини Қуръони каримдадир. Сулаймон Боқирғоний Қуръон оятларидаги тавбага доир фикр ва талабларга таяиб мана нима деб ёзган эди:

Тавба қилиб Ҳақга ёнғон ошиқларга,  
Учмоқ ичра тўрт ариқда ишрати бор.  
Тавба қилмай Ҳақдин ёнғон ғофилларга  
Тор лаҳадда қаттиғ азоб ҳасрати бор.  
Тавба қилғон ошиқларга нур ёғилур,  
Туни-куни собир турса, кўнгли ёрир...

Тавбанинг арқони учта: биринчиси, дил-дилдан пушаймонлик, иккинчиси, тилдаги узр ва кейингиси, ёмонликлардан халос бўлиб, ёмонлар ва мунофиқлардан алоқани узмоқ. Ҳукамолардан бирининг қайд этишича, «Кимда-ким пушаймонликка етмасдан аввал истиғфор этса, билмасдан Аллоҳ ила истиҳзо этиш демакдир». Аммо самимий ва ҳақиқий истиғфор тез ёки осон эришиладиган иш эмас. Шу маънода Робиа ал-Адавиянинг сўзлари эътиборга молик: «Бизнинг истиғфоримиз яна бир қанча истиғфорга муҳтождир. Яъни, истиғфоримизнинг фалокатидан халос бўлмоқ учун яна бир неча маротиба тавба этишга мажбурмиз...»

Ҳақиқий тавбакорлар — маҳзунликдан — куч, синиқликдан — бутунлик, таслимиятдан — зафар топгувчилар. Улар тавбани тавбасизликка қарши қўйишаркан, тўғрилиқни кашфу каромат мақомига етказганлар. «Аллоҳнинг шундай қуллари борки, — дейди Зунуни Мисрий, — улар гуноҳ дарахтларини кўз ўнглирида ўстириб, тавба ёшлари ила уларни суғорурлар. Бундан пушаймонлик ва маҳзунлик майдонга келур». Тавба туйғуси кучайган сайин, инсоннинг ўзига танқидий муносабати ортади. Гуноҳ ва гумроҳликларини тарк қилмасдан тавба остонасига одим ташламайди. Зеро, гуноҳнинг тарихи — ҳаминша ўтмиш ва кечмишдир. Шу боис тавба — йўл қўйилган хато ва содир этилган гуноҳлардан надомат чекишни шарт қилиб қўяди. Бу эса айни

пайтда қилинажак ёки бўлажак хатоларнинг олдини олиш чораси ҳамдир. Тавбага суянган, тавбани гўзал ахлоқни камол топтириш чораси деб билган одам ҳеч вақт умидсизликка эрк бермайди, жаҳолат чоҳига қуламайди. Чунки у фосиқлар — фисқу фужурдан, нодонлар — ғафлатдан, золимлар — зулму зуравонликдан ҳар турли олчоқлар — тамагирликдан тавба этишганда бу дунёнинг ишлари нечоғли яхшилашиб, илгарилашини чуқур фаҳмлайди. У худбинликдан ботинан тавба қиларкан, «Ёмонликдан ҳазар қилмоқ авомнинг тавбаси, Ўзидан ўзлигин поклаш хослар тавбаси» эканлигига заррача шубҳаланмайди.

Тасаввуфий китобларда уч турли тавбадан баҳс этилган. Булар — тавбаи куфр, яъни куфрдан қайтмоқ. Тавбаи фасоқ — ёмон сўз, ёмон ишлардан кечмоқ. Ҳақдин ўзга ҳаммасидан қайтиш — бу комиллар ва авлиёлар тавбаси.

Алишер Навоийнинг «Насойимул муҳаббат» асарида Ҳишом бинни Абдуллоҳ отлиғ сўфий ҳаётидан шундай бир воқеа нақл этилган: «... Ҳишомга ваҳшате ва ҳайбате этиштиким, бир йил намоздин қолди ва эл ани такфир қилурлар эрди. Бу хабар масжиди жомеъ машоъихиға етди. Барча анинг қошиға бордилар ва Ибни Саъдони Муҳаддис ҳам бирга эрдилар. Андин сўрдиким, мени тонирмусен? Деди: Ибн Саъдонсен. Деди: Невчун намоз қилмассен? Деди: Манга бир неча хасталик юзланур ва намозга монёъ бўлур. Дедиким, «Қандай касаллик?» Ул жавоб бермади. Шайх Абу Абдуллоҳ Хафифдин сўрдиларки, сабаб не эрдиким, Ҳишом намоз ўқимас эрди. Дедиким, ғайб мутолааси қилур эрди. Ғайб ҳаёти анга ғолиб бўлди. Ҳайрат мақомиға тушти ва зоҳир аъмолидин ўзни четга тортди. Бир кун машоъих Ҳишомга дедиларки, эшитиббизки, сен мушоҳадаға машғулсан. Ҳар ким мунга қойил бўлса, тавба қилмоқ керак ё ани адаб қилмоқ керак. Ҳишом деди: «Манга тавба талқин қилинг». Талқин қилдилар. Янаги кун машоъих қошиға келиб дедиким, тонуғ бўлингким, мен тунов кун қилган тавбадан тавба қилдим. Машоъих қўпуб, ани судраб, масжиди жомеъдан чиқардилар».

Толиб ва солиқлар содир бўлмиш кечаги гуноҳлари учун тавба-тазарру этишган. Зоҳидлар — ўтаётган айни кунлари учун. Ориф ва сўфийлар эса ҳам бу дунё, ҳам нариги дунё учун тавба қилганлар. Зоҳид ва обидлар тавба қилишаркан, жаннат бахти, жаннат роҳатини кўзлашган. Сўфий ва ориф зотлар Аллоҳ ишқи ва висоли

матлабида ҳамма нарсадан умид узишган. Улар ўзликдан кечган Йўлчидирки, шунинг учун ориф ва анбиёга тавба эҳтиёжи йўқдир. Акс ҳолда «ман»ликнинг мавжудлиги эътироф этилган. Ҳишом бинни Абдуллоҳнинг «Тавбадан тавба қилдим», дейишининг туб сабаби ана шу. Алишер Навоий рубойларидан бирида:

Гар қилса киши қилиб гуноҳе тавба,  
Ул журмға бўлса узрхоҳи тавба.  
Қилмоқ неча гоҳ журму гоҳи тавба,  
Бу журм ила тавбадан, илоҳи, тавба,—

деганда ҳам айна шу ҳақиқатни ёқлаган.

Хуллас, «тавба — Ҳақдан нажот тилаш вақти келгани, банданинг нафсга тобе бўлишни тарк этганидир». Бу вақт — шубҳа ва гумон булутларининг тарқалиш, тамаъ ва ҳаром эшикларининг ёпилиш вақти. Бу — тақабурликдан сесканиш, шайтоний ҳаётдан кечиш ва гафлатдан узоқланишнинг муқаррарлашуви. Бу — тасодифан эмас, балки аниқ бир сабаб ва кучли руҳоний эҳтиёждан туғилажак юксак ҳолат эрур. Тавбанинг хосияти беҳисоб. Бунда унинг парҳезкорлик ва тақводорлик ҳолига кенг йўл очишини эслатиш лозим. Чунки вараъ мақомини эгаллашни истаган киши, албатта, тилини ғийбатдан поклаши, уятсизликнинг ҳар қандай кўринишидан, албатта, қочиши шарт бўлган. Шунингдек, кўзни ҳаромдан тийиш, дил ва тил тўғрилигига мутлақ содиқлик, нафсу ҳавога берилмаслик, илм ва маърифатга интилиш — булар ҳам, вараъ соҳибининг зиммасидаги ахлоқий мажбуриятлар саналмиш.

Ҳақ аҳлининг инонч-эътиқодига кўра, нафсоний ҳаётдаги кўп ишлардан кечикиш ёки уларни кечиктириш мумкин. Аммо тавбакорликдан кечикмаслик керак. Луқмони ҳақимнинг ўғлига насиҳат тарзида айтилган қуйидаги сўзлари ҳам, аслида тавбани кечиктирмасликка даъватдир: «Уғлим, тавбани кечиктирма. Чунки ўлим кутилмаганда келур. Кейин тавба қилурман деган икки катта таҳлика ўртасида қолур. Биринчиси, гуноҳ қилиб, гуноҳга чўка-чўка қалби қораяр ва бу табиий бир ҳолатга айланиб, бошқа ҳеч пайт поклана олмайдиган бўлур. Иккинчиси, ҳасталик ва ўлимнинг тезлашувидирки, қалбнинг покланишига фурсат бермас. Шунинг учун хабарда, «Жаҳаннам аҳли азобларининг кўпи тавбанинг кечикишидандур», — дейилган.

Тасаввуф тарихи — маълум бир маънода, тавба ва истиғфор тарихи. Тавба ва тавбакорлик — тасаввуфий

ахлоқнинг тамалини белгилайди. Буни билган, тушунган киши надомат ва пушаймонлик бесамак иш эмаслигига осон иқрор бўлади. Ахир, тавбада сабрнинг шукуҳи, тавозенинг ҳаловати, хилмнинг латофати мужассам. Тавбадан туғилажак хотиржамлик — заминдай вазмин, осмондай даҳлсиз ва ҳеч бир таҳлика ёки қўрқув таъсир ўтказма олмайдиган хотиржамлик. Аллоҳга муҳаббат эҳтиёжидан юзага келган тавба тафаккур, маърифат ва мувоқабанинг юксалишига ҳамиша ижобий таъсир ўтказган. Аҳмад Яссавийнинг «Тавбасизлар бу дунёдан кечмас бўлур», деган сўзларида дунёпарастлик ва моддий дунёга қуллик кулфати жуда аниқ таърифлангандир. Дарҳақиқат, сўфийликда билим ва маърифат, энг аввало, тавба зиёсидан қайноғланган. Шунинг учун кибр, манманлик, тангдиллик, ҳосидлик, риёкорлик тасаввуф дунёсидан хориждаги иллатлардир.

Аксарият тариқат арбоблари учун тавба ўзига хос бир тўхтама жойи. Улардаги янги руҳоний ҳаёт ва сайри сулук йўли ана шу жойдан бошланади.

Нақлга кўра, Абдуллоҳ Муборак бир канизак ишқига мубатало бўлибди. Ва бир қиш кечаси тонг отгунча маъшуқа девори олдида ўтирибди. Устига эса қор ёғаверибди. Бироқ у ҳеч нимани сезмабди. Вақтида намоз ўқиш ҳам хотирдан кўтарилибди. Кун ёришгач, у ўз ҳолини идрок айлаб, ўзига ўзи дебди: «Эй Муборакнинг номуборак ўғли, уят сенга, агар имом намозда бирор сурани узунроқ қироат қилса, ториқиб телбаланасан. Лекин ўзинг нафсинг ҳавоси учун мундоғ азоб тортарсенки, қийинчилигининг хабаринг йўқтур». Дили бу гуссадан вайрон бўлган Абдуллоҳ Муборак барча ишдан тавба қилиб тариқатга юз бурган экан. Абу Усмон Мағрибийнинг тавбасига даҳлдор воқеа бундан-да, фаройиб. Мағрибийнинг ҳикоя қилишича, унинг бир ити бўлиб, у билан Жазоирда ов қилиб юрган экан. Бир ёғоч косада эса доимо сут солиб ичаркан. Кунлардан берида одатдагидек шу косадан сут ичмоқчи бўлибди. Шунда ит изтироб ила гингший бошлабди. Косани ерга қўйибди. Сўнг яна сутни ичмоқ учун уни қўлга олибди. Бу гал ит кўпроқ ҳуриб, унга ҳамла қилишга ўтибди. Коса яна ерга қўйилибди. Хуллас, бу иш яна икки маротаба такрорланибди. Охири идишдаги сутни ит ичган экан, зум ўтмай шишиб, йиқилиб ўлибди. Маълум бўлишича, сутни ичган илон унга заҳрини тўккан экан. «Итдин ул вафо кўргачки, ўзин манга фидо қилди, қилдурғонлардин тавба қилиб, бу тариқни ихтиёр қил-

дим», — дейди Мағрибий. Тариқат соҳиблари ҳаёти ва кашфу-кароматлари ёритилган рисола ёки маноқибларда бундай мисолларни кўп учратиш мумкин. Ва уларнинг деярли барчасида «тавба — бахтсизлик йўлининг охири, тўғрилиқ йўлининг бошланиши» эканлиги таъкидланган.

Бани исроил фарзандларидан бир йигит йигирма йил ибодат ила машғул бўлибди. Кейин куфру исён қилибди. Бир кун ийнага қараб сочу соқол оқарганини кўргач, йигирма йиллик гуноҳлари учун надомат чекиб дебди: «Илоҳо, йигирма йил сенга итоат эттим. Мана йигирма йилки, сенга исён айларман. Ё Раб, сенга юз бурсам ва тавба қилсам, тавбамни қабул қилурмисан?» Ушанда унга ғайбдан, «Бизга ижобат эттинг, биз сени қабул эттик. Бизни тарк қилдинг, биз ҳам сени тарк қилдик. Исён эттинг, сенга муҳлат бердик. Не замон бизга йўналсанг, биз ҳам сени қабул қилурмиз», — деган садо етиб келибди.

Тавба — ботиний ҳаёт ҳосиласи. Фикр одами, эртадир-кечдир, кўнгил Ҳақ назаргоҳчилигини тушунади. Шунда табиий равишда тавба-тазарру ҳиссиётларининг миқёси кенгайди. Шунда инсон ўзи билан ўзи юзма-юз келишдан асло чўчимабди. Чунки у ўзининг ички ожизлик ва чиркинликларига мураса қила олмайдиган даражага етади. Айни шундай туйғу ва ҳолатлар Аҳмад Яссавий ҳикматларида ҳаққоний тасвирланган:

Гуноҳим кўб, ерга сиғмас, кимга айтай,  
Тавба қилиб эгри йўлдин ростга қайтай.  
Надоматда этларимни узиб тортай,  
Сад дариф деб бармоқларим тишласам мен...

Одам фарзанди хатосиз яшай олмайди. У фариштамас — мутлақ бегуноҳлик мақомига кўтарилмоғи мушкул. Гуноҳ дардини торта-торта, хато тўқайларида адаша-адаша у руҳий ва фикрий ҳаётини изга солади. Шайтоннинг Ҳазрати Одам руҳига сажда қилишдан бош тортиши ҳасад эди. Нафс ва ҳасад — мана шу икки шайтоний ғанимга баҳолу қудрат қарши тура билган кишининг тавба тотини билиши мумкин. Валилардан бири Шайтонга: «Одам фарзандини қандай мағлуб қилишингни менга кўрсат», — деганда Иблис: «Мен ғазаб, кин, ҳавоу ҳавас ҳолатида инсоннинг ёқасига ёпишурман», — деб жавоб берган экан. Демак, ҳойи ҳавас, манманликни йироқ ташлаш, нафси баднинг жиловини қўлга олиш, сабру бардош ила луқмаи ҳалолга қаноат этиш, кин ва

ғазабдан ҳазар айлаш — тавба-тазаррунинг бош шартларидан саналади. Инсон дилида тавба чироғи ёнаркан, бу ҳолатда у буюк Бобур айтганидек:

Дур этар жумла маноҳийдин ўзин,  
Аритур барча гуноҳидин ўзин.

### НАФС ВА НАФС МАРТАБАЛАРИ

Тасаввуф, энг аввало, нафс лаззатларидан кечиб, қалб ва руҳ севинчларига эришмоқ йўлидир.

Нафс, аслида, жон, ўзлик, руҳдан пастдаги туйғулар маъносини англатади. Тасаввуф аҳли нафс сўзининг мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартирганлар ва нафсни инсондаги шайтоний, ҳайвоний, хусусан, шаҳвоний қувватларни ўзида мужассамлаштирувчи бир мавжудлик сифатида таърифлаганлар. Уларнинг назарида, инсон учун дунёда нафсдан кучли, нафсдан хавfli душман йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Нажмиддин Кубронинг таърифлашича, «Нафс ўлмайдиган бир илондир. «Афъо» аталмиш заҳарли илон бунинг аниқ тимсоли эрур. Бу илон кесилса, боши эзилса, териси баданидан шилиниб, гўшти майдаланиб пиширилса ҳам, орадан қанча йил ўтишидан қатъи назар, терисига қуёш нурлари тегиши билан ҳаракатлана бошлар. Нафс ҳам худди шундайдир...» Мана шунинг учун сайри сулукка юз бурган киши нафсга қарши қатъий мужодала этмоғи шартдир. Зеро, нафси шумни мағлуб этган — табиатидаги барча ёмонлик, барча ботиний чиркинлик ва ожизликларни мағлуб қилади. Нафсни енгиш — қалбдаги шайтон эшикларининг бекилиши демак. Лекин Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг бир фармонида таъкидланганидек, «инсон табиати ўзининг яратилиши бўйича нафс лаззатларига мойилдир, завқ келтирувчи ёқимли нарсаларни тарк этиш Аллоҳнинг тавфиқ беришига ва осмоний кўмакка боғлиқ. Башар нафси ёмонликка майл этишдан» узоқлашуви жуда қийиндир. Шу боис Ҳақ ошиқлари нафсни поклашни, энг аввало, Аллоҳнинг марҳамати ва эҳсони ила амалга оширишга ишонганлар, нафсининг ҳар қандай талабига ён беришдан ҳам Тангри огоҳ бўлур, деган қаноатдан чекинмаганлар. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг, «Агар хоҳласам, нафсимни эллик марта сув лабига олиб бориб, яна ташна ҳолда қайтариб келаман», — деган фикрларининг замирида ҳам ушбу ҳақиқат мавжуддир.

Ривоятга кўра, нафси ила мужоҳадага киришган Жабр ибни Носир исмли бир муҳтарам зот рўза ойида Жунайд Бағдодийга маълум миқдорда пул бериб, «Бунга мен учун султоний анжир олиб келгил», — дебди. Бағдодий бозорга бориб анжирни олиб келибди. Ифтор асносида ўша анжирлардан бир донасини оғзига солибди-ю, дарҳол чиқариб, йиғлай бошлабди. Ёнидагилар ундан не бўлганлигини сўрашганда у: «Қалбимда илҳоми Раббоний уйғонди ва дейилдики, «Маним учун тарк этганинг бир орзуга (яъни нафс орзусига — II. Ҳ.) таслим бўлишдан уялмайсанми?» Шундан таъсирланиб анжирни емакдан воз кечдим ва ғайри ихтиёрий равишда кўз ёшларимни тия олмадим», — демишдир.

Бу ҳикоят биз учун бир қадар муболағали бўлиши мумкин. Аммо нафс қилмишлари ва истакларини мумкинмал билишга киришган, нафсини қийнаган сайин маънавий-ахлоқий комиллик манзиллари сари дадил юксалган Ҳол соҳиблари учун эса бўёқсиз ҳақиқат эди.

Тасаввуф нафсни билиш, нафсни танишга хизмат қилувчи ўзига хос бир таълимот яратди. Унда нафсининг турлари, мақом ва мартабалари кўрсатиб берилди. Нафсга қарши кураш ва «жиҳоди акбар» деб аталмиш катта мужоҳадада нафсдан енгилмаслик чоралари аниқланди. Тасаввуф масалаларидан баҳс юритилган турли характерли китобларда нафсининг етти тури ва етти мақоми мавжудлиги айtilган ҳамда улар бирмабир таъриф тавсиф этилган. Нафсининг турлари мана бундай иборалар билан номланган: 1. Нафси жамодий, яъни моддий нафс. 2. Нафси наботий. 3. Нафси ҳайвоний. 4. Нафси инсоний. 5. Нафси нотика. 6. Нафси қудсия. 7. Нафси куллия, яъни оламнинг жони, коинотнинг руҳи бўлган нафс. Демак; нафс табиатидаги ўзгариш ва юксалишлар — инсон моҳиятидаги ўзгариш ва юксалишлар бўлиб, инсон шу йўл билан моддий, наботий, ҳайвоний оламни ортда қолдириб, руҳоний ва илоҳий мавжудлик чўққисига кўтарилиши мумкин экан.

«Атвори сабъа — етти тавр» дейилган нафс мартабаларининг биринчиси — нафси амморадир. Нафси аммора усти қуюқ ва қалин парда билан бурканганидан, дунёга идрок кўзи билан боқиш, ҳорислик ҳирсларидан покланиш ва маънавий ҳаётга юз буришга имкон бермайди. Нафси амморанинг ўн икки сифати қайта-қайта таъкидланган. Булар:

- |                     |                |
|---------------------|----------------|
| 1. Ширк             | 7. Ҳирс        |
| 2. Куфр             | 8. Бахиллик    |
| 3. Жаҳл             | 9. Шаҳват      |
| 4. Фафлат           | 10. Ғазаб      |
| 5. Гуноҳи кабиралар | 11. Ҳасад      |
| 6. Қибр             | 12. Қин-адоват |

Сўфи Оллоёр семиришга ўч, жоҳил ва бадқаҳр бу нафси шумнинг руҳга тобе қилиш ҳақида шундай дейди:

Ўзинг паст айласанг нафсинг забардаст,  
 Бошинг чайноб солур чун уштури маст,  
 Бурунға боди кибр эсмай бурундин,  
 Бурундуқ сол анга қўпмай бурундин...  
 Йиқилиб қолмағудек бер емишни,  
 Зиёда айла кам-кам қаттиқ ишни...  
 Бу меҳнат бирла ул аммораи дун,  
 На бўлғай мутмаинна бўлса бир кун.

Сўфи Оллоёр нафси амморани шахслантириб, уни семирган сари тишлари ўткирлашиб, одам этларини узадиган йиртқичга ўхшатади. Унинг макрига учишни — илонни асраб-авайлаш билан тенг кўради. Унингча, агар инсон нафси аммолага бўйин эгиб умр кечирса, у ҳеч пайт инсонийликка даъво қилмаслиги керак. Чунки бундай ҳолда бу нафс соҳиблари саксонга кирганда ҳам сакъни ит бўлиб қолаверади:

Агар нафсинг муродин изламаксан,  
 Агар саксонга умринг етса сак сан, —

дейди шоир. Оллоёрнинг «На бўлғай мутмаинна бўлса бир кун» сатрида мутмаинна сўзи бежиз тилга олинмаган. Шоир шу сўз орқали нафсининг тўртинчи мартабаси — нафси мутмаиннага ишорат этган. Лекин унчага ўзни койимоқ, маломат нашъасига етишмоқ, хусусан, маънисиз ўтган умрдан пушаймон бўлишга мажбур қиладиган нафси лаввома ва кўнгилини доимий тарзда яхшилик, эзулик, гўзалликдан завқланишга чорлайдиган нафси мулҳама босқичлари бор. Мутасаввифларнинг эътирофлари бўйича, мазкур икки мақомда нафсининг устидаги қалин парда ҳафифлашиб, нур ва қоронғулик қоришмасидан иборат бир ёруғлик юзага келаркан. Нафс мартабаларидан илгарилаш осон ва тез эришилдиган натижа бўлмаган, албатта. Биз бу маънавий-руҳий, ахлоқий-психологик тажрибани балки тўлиғ тасаввур ҳам қилолмасмиз. Гап шундаки, тасаввуф маслаги

кеиҗ қанот ёзган ўтмиш замонларда ҳам бу йўлда кўп чалғиш ва адашишларга эрк берилган. Шунинг учун Шайх Али Хавос, «Халқнинг кўпи нафс ила сайр этурлар. Аммо улардан баъзиси сайрни билур, баъзиси билмас», дейди. Демак, ҳатто сайри сулук йўлига кирганларнинг барчаси ҳам нафс мақомларини кечиб ўтишга салоҳият касб этишолмаган. Ва бунда пирнинг раҳнамолиги, мадади, тариқат арбобларининг тажриба ва кўрсатмаларига алоҳида аҳамият ила қаралган.

Дарҳақиқат, сўфийларнинг тушунчасида муҳолифоти нафс — ибодатнинг боши, яъни ибтидоси эрур. Шу боис «Тасаввуф недур?» — деган сўроққа баъзи машойихлар «Муҳолифат қиличи билан нафсни чопмоқ», дея жавоб берганлар. Азим Хожа Эшон «Нафсинг ўлмас иззат ҳурмат таркин қилмай», дейдики, нафсни чопадиган «қилич»ни қўлга олишнинг бош шарти: тамаъ ва иззаттаблаблик, кибру ҳаво ва муомонлик, ёлғон даъво ва мунофиқлик ҳирсларидан озод бўлишдир. Одамни нафс ўзгартирганидек, одам ҳам нафсни ўзгартиришга қодир. Нисон ботинида нур ва равшанлик устунлик қиладиган нафси мутмаинна мақомига қўтарилган киши бунга сира иштибоҳ этмайди. Тўғри, бу мақомда ҳам нафсининг эътироз ва саркашликлари батамом тугамайди. Бироқ яхши сифатларнинг кўпайиши ва кучайиши туфайли нафс дир-дир титраб туради. Сабр, тақдирдан рози-ризолик, ишонч, хотиржамлик, таваккул сингари бир қатор олий фазилатлар — нафси мутмаинна мақомда тўла шаклланажак фазилатлар эрур. Нафсининг шундан кейинги босқичи **нафси розия** дейилиб, у Тангридан розилик, Ҳақ жамоли гўзалликларидан ҳузурланишни таъминлайди. Нафси марзияда эса нозик мижозлик, холиқ яратган барча нарсаларга меҳр-муҳаббат, руҳий идрок одатий ишга айланади. Бу мақомда қалбнинг барча ҳаракатларини Аллоҳ бошқаради ва у «олам дил-гайб»дан «олам аш-шаҳода»га парвоз этади. Охири мақомнинг номи «**нафси софия**» ёки «**нафси закийя**» дейилади. Бундай номланишига сабаб, мақомдан мақомга ўтган сайин жисмоният ҳамда касофатларнинг камайиб, руҳоният ва датофатнинг ортишидандир. Зеро, ҳар нафснинг ўзига хос бир олами, бир сайри, бир ҳоли, бир манзили, мушоҳада имтиёзи, бир нури ва ранги бўлганки, буларни билмасдан, кўрмасдан, идрок этмасдан нафсдан ғолиб чиқиш ўзни алдаш саналган. Нафсини таниш ва унга қарши туришнинг хосияти ҳақида тариқат вакиллари, Шарқ мутасаввиф шоирлари жуда

кўп фикр билдиришган. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанднинг мана бу сўзларига эътибор қилинг: «Киши ўзининг нафсига тўхмат қилиши керак. Қимки Ҳақ субҳонаҳу инояти билан ўз нафсининг ёмонлигини таниган, унинг ҳийла-найрангларини англаган бўлса, бундай ишни қилиш унга осон бўлади. Бу йўлдан юрувчиларда ўзгаларнинг гуноҳини ҳам ўзларидан деб билиш ҳоллари кўп бўлади».

Бошқаларнинг гуноҳини ҳам ўзидан деб билиш ҳоли — фаришталик даъвосидан йироқ, инсон моҳиятини чуқур англай оладиган зотларга хосдир. Тамкин соҳиб бўлган бундай кишилар одатда нафсни маломат айлашдан асло тўхтамайдилар ва толиқмайдилар. Улардаги синиқлик ва мискинлик қаршисида ҳар қандай нафспараст, яъни дунёпараст ҳам у ёки бу тарзда ўзини ожиз сезади. Ва бир кун бўлмаса, бир кун нафснинг ботиний зулмларидан эзилиб, маънан адо бўлганлигини тан олади. Аҳмад Яссавийнинг «Золим нафсим ҳеч қўймайин ўтқа солди», дея нафсга золим сифатини бериши бежиз эмасди. Яссавий ҳикматларининг маълум бир қисмида нафснинг қилмишлари бадий талқин қилинган.

Тасаввуф йўли—қозилик йўлимас. Тасаввуф маслағи одамларни тоифаларга ажратиш, бир-бирига қарши қўйиш ёки қайрашни тубдан инкор қилади. Лекин у «ҳою ҳавас ва нафс аҳллари қилган ишлар асосининг барчаси залолатдан иборат» (Нақшбанд) деб ўргатади. Тасаввуф аҳлининг тушунчасида, хаёл — нафснинг назари, мисол — ақлнинг назари. Шунинг учун тасаввуфий ахлоқ амалий ишни, комилликқа эришишнинг амалий тажрибаларини талаб қилади. Нафсга муносабат, нафс амрларига бўйинсунмаслик, нафсни таниш орқали Ҳақни таниш мақомига кўтарилиш ўша амалий иш ва тажрибаларнинг ҳам боши, ҳам ниҳоятидир. Шахснинг бутунлиги ва қонёблиги нафс тизгинини қўлга олишга қанчалик боғлиқ бўлса, миллат ҳамжиҳатлиги ва оёйишталигига ҳам ўшанча дахлдордир. Синиқлик ҳолати бошқа, синиш қисмати бошқа. Синиқлик — ҳовлиқмалик, такаббурлик, олифталик, худнамоликнинг мутлақо зидди эрур. Бир ориф шоир, «Бандаликни шартидур ожизлиғу синуглиқ, Султон бўлсанг оламга ҳаргиз қилма улуғлуқ», — дейди. Бу ҳолат одамнинг Аллоҳ олдида қадрини баланд қиладиган, ёвузлик ва жоҳиллик хуржларидан муҳофаза этадиган ҳолатдир. Эҳтимол шунинг учун ҳам Алишер Навоий, «Мен синук, кўнглум синук, сабрим уйи худ ерга паст», дегандир. Лекин бу

шафқатсиз ва маккор оламда синиб парчаланмаслик учун Навоий бобомизнинг мана бу сатрларини албатта хотирда сақлаш керак:

Нафс амрида ҳар нечаки толпингайсен,  
Кўп гарчи бутунлик тиласанг, еингайсен.

Ком истаю неча элга ёлингайсен,  
Нафсингга хилоф айлаким, тингайсен.

1995 йил.

## ШАЙТОН ВА ШАЙТОНЛИК СИРЛАРИ

Маълумки, малак ёки фаришталар Аллоҳнинг нуридан яралган ва басират нигоҳи ила кўриладиган руҳоний мавжудликдир. Фаришталар фақат яхшилик қилмоқ, туну кун Аллоҳ ибодати ила машғул бўлмоқ учун яратилган. Диний инончлар малакларнинг ерда, кўкда, хуллас, ҳамма жойда пайдо бўлишлари, энг қисқа муддатда олис масофаларни ҳам кечиб ўтишлари, хоҳлаган шакл ва сувратга кириб, истаган кишиларга кўришни беришларини тасдиқлайди. Аллоҳга ишонган киши малакларга ҳам ишонмоғи шартдир. Бунинг акси ўлароқ Аллоҳга инонч — Шайтонга мутлақо инонмасликни талаб қилади.

Шайтон ва шайтонлик тарихи одамийлик тарихидан узоқдир. Чунки Шайтон тарихан Одам Атодан аввал мавжуд эди. Одам Ато яралгунча ҳам у Тангри ёнида бўлган, Тангри билан сўзлашган ва Тангри амрини бажаришдан бош тортган. Шайтоннинг табиати, тақдири, ёмонликлари ҳақида кенг маълумот берувчи муқаддас китоб — бу Қуръони каримдир. Шайтон Одамга сажда эгиллишига амр қилинишидан олдин «малакут олами»даги бир малак бўлган эмиш. Ал-Исро сурасининг олтинчи биринчи оятида бундай дейилган: «Эсланг. Биз фаришталарга Одамга сажда қилинг, дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат Иблис кибру ҳаво билан: «Сен лойдан яратган кимсага сажда қилурманми?» — деди. Шунда Аллоҳ унга: «Эй Иблис, мен ўз қудрат қўлим билан яратган нарсага — Одамга сажда қилишдан нима сени ман қилди? Кибру ҳаво қилдингми ёки сен (Одамга нисбатан) юксак мартабали зотлардан эдингми?» — дея сўрайди. Иблис бу саволга: «Мен ундан яхшироқдурман. Сен мени оловдан яратгансан, уни лойдан яратдинг», — деб жавоб қайтаради. Ва шунинг

учун Аллоҳ даргоҳидан қувғин қилинади. У жаннатдан ҳайдалгани туфайли «лаъин», яъни қувилган, лаънатланган сифати ила тилга олинур. Ана шундан буён Шайтон Одам фарзандларининг ашаддий душмани. Ана ўшандан бошлаб у инсонни Ҳақ ва Ҳақиқат, имон ва диёнат йўлларида оздириб, уни сонсиз-саноқсиз кулфат ва офатларга гирифтор айлаш билан машғулдир.

Шайтоннинг бир номи Иблис бўлса, яна бир номи — Азозил. Бу атама иброний ва насроний манбаларда Азоал, Ҳазозал тарзида тилга олингандир. Ибн Қутайба «Ал-Маориф» асарида Азозилни Иблиснинг исмларидан бири сифатида шарҳлаган экан. Мансур Ҳаллож эса Азозил тўғрисида анча кенг мулоҳаза юритган. Унга кўра ҳам Азозил — бу Иблис бўлиб, Одамга сажда этмаганлиги ва исёнкорлиги учун шундай деб аталган. Олимларнинг эътирофлари бўйича, Азозил энг ёвуз юз жиннинг раҳбарларидан бирининг номи сифатида ҳам қайд қилинган. У инсонларга қилич ва қалқон ушлаб уришишни ўргатган. Аёллар ундан ҳаёсизлик, макр ва нозу карашма сирларини ўрганишган эмиш. Шарқ халқлари орасида ҳам Азозил чўл жинларининг бошлиқлари сафида юриб қоронғу кечаларда йўлчиларга кулфат ва азият етказувчи бир махлуқ ҳолида тасаввур этилган.

Тасаввуф аҳлининг тушунчасида инсон шайтонларини кўрмагунча, ўзини кўра билмас. Ўзни англаш — одам табиатидаги раҳмоний фазилатлар нимаю, шайтоний хусусиятлар нима — шуларни мукамал англаш демак. Шу маънода халқу халойиққа ҳақиқий ибрат ва намуна бўлган одамларни тўхтовсиз равишда шайтонга қарши курашга чорлаган зотлар пайғамбарлар эди. Қуръони каримнинг «Наҳл» сурасида айтилганки, «Эй Муҳаммад, Аллоҳ номига қасамки, дараҳақиқат, Биз сиздан илгари ўтган умматларга ҳам пайғамбарлар юборганимизда, шайтон уларга ҳам ўзларининг қабих амалларини чиройли қилиб кўрсатган» (63-оят).

Лекин ҳеч бир пайғамбар Шайтоннинг макру ҳийлаларига алданмаган. Ривоят этилурки, «Иблис Ҳазрати Мусо алайҳиссаломга учраб, «Ё Мусо! Сен шундай зот-дурсенки, Аллоҳ сени пайғамбарлик мартабасига етказмиш ва сенинг билан сўзлашмишдир. Мен ҳам Аллоҳнинг бир махлуқиман. Гуноҳ қилдим. Энди тавба этмак истайман. Раббим ёнида менга шафоатчи бўл, токи раббим тавбамни қабул қилсин», дебди. Ҳазрати Мусо бу гапга розилик билдириб, сўнгра тоққа кўтарилибдида, у ердан Аллоҳга мурожаат этмоқчи бўлибди. Шунда

Аллоҳу таоло унга: «Ё Мусо! Амонатини бажо келтирдим. Борғил унга айт, тавбасининг қабул бўлмоғи учун Одамнинг мазорига бориб таъзим ила сажда айлан», — дея ҳукм этибди. Ҳазрати Мусо бу хабарни Иблисга етказибди. Пайғамбарнинг сўзларини эшитган Иблис ғазабланиб, кеккайиб дебди: «Мен Одам ҳали тирик эканида унга таъзим ҳам, сажда ҳам қилмадим. У эса ўлгандир. Энди унга сажда қиламанми?»

Хуллас, Иблис ўз айтганидан қайтмабди. Лекин Ҳазрати Мусонинг тўғрилиги ва ҳушёрлигига тан бериб яна бундай дебди: «Ё Мусо! Сен Аллоҳдан менинг учун шафоат тиладинг, шу туфайли менда бир ҳаққинг бор. Шунини тўламоқ, яъни қарздан қутулмоқ учун сенга шуларни тавсия этаман. Мени уч нарсанинг ёнида албатта хотирла. Шундай қилсанг, ўша уч нарсада сани ҳалок этмасман. Биринчиси, ғазабланганинг замон, ғазабнинг мендан етганлигини ёдингга келтир. Чунки ўша онда менинг руҳим сенинг қалбингда, кўзим сенинг кўзингдadir ва мен сенда, қонинг қайнаган ерда айланурман. Иккинчиси, душманинг қарама-қарши келгани он мени хотирла. Учинчиси, ўз махраминг бўлмаган бир ёлга яқинлашма. Чунки мен у хотинни сенга жўнатган элчиси бўлурман».

Шайтоннинг Ҳазрати Одамнинг руҳига сажда қилишдан бош тортиши ҳасад эди. Зеро, ҳасад бор кўнгилда — Шайтон бор, Шайтон кезган юракда ҳасад ҳукмрондир. Шунингдек, у Ҳазрати Мусога ғазаб, шаҳват ва ҳирсдан беҳуда сўз очмаган. Чунки бу туйғулар — инсонни Шайтонга тўла таслим айлайдиган туйғулардир.

Иблис кунлардан бир кун Исо Руҳиллоҳга юзма-юз келиб, унга «Ло илоҳа илаллоҳ де». — дебди. Ҳазрати Исо эса ҳеч нима эшитмагандай сукут сақлабди. Шайтон бир неча бор шу гапни такрорлабди. Охири Ҳазрати Исо унга, «Сенинг талабинг билан Ҳақ бир калимани ҳеч қачон тилга олмасмен», — дебди. Бу эътирозга сабаб нима? Сабаб шуки, Иблиснинг хайрга даъвати ҳам зиддиятли ва ҳатто хатарли саналади. Мактов ҳам Шайтоннинг хадисларидан бири. Мактов риё ва ёлгоннинг хавфсиз ва ёқимли шакли. Шунинг учун тариқат арбоблари Шайтон тили билан айтиладиган ҳар қандай мактовнинг зиёнини тез илғашган, фавқулодда ҳушёрлик билан унга ишонмасликни тарғиб этишган.

Ривоят этилишича, Жунайд Бағдодий тушида Шайтонни яланғоч ҳолда кўриб, унга «Одамлардан уялмайсанми?» — деса, Шайтон «Шу инсонларданми? Булар

уйтга арзирли кимсалар эмас. Уялиш лозим бўлган асил инсонлар Бағдоднинг Шавнийия масжидидадурлар. Мени қийнаб, жигарларимни ёққан ана ўша зотлардир», — дебди.

Жунайд Бағдодий уйғониши билан ўша масжидга қараб йўл олибди. Бориб қарасаки, у ерда бир қанча кишилар бошларини эгкунларича сукутга чўмиб ўтиришган экан. Жунайдни кўрибоқ улар: «Ул малъуннинг сўзига алданма, эҳтиёт бўлгил», — дейишибди.

Хўш, Шайтоннинг ўзи нима? Унинг шакл-шамойили қанақа? Манзил-макони қаерда? Уни мағлуб айлаш чоралари нима? Булар тасаввуф таълимотидан кенг ўрин эгаллаган ва тариқат вакилларининг диққат-эътиборларини доимий равишда ўзига жалб этиб келган саволлардир. Кашф аҳлидан айримлари Шайтонни бир ўлаксага ёпишган ва одамларни ҳам ўша ўлаксага ундайдиган бир кўппак сифатида кўрганлар ва ўша ўлаксени дунёнинг тимсоли деб билганлар. Имом Ғаззолийнинг ёзишича, «Қалб — бир қалъа мисолидир. Шайтон шу қалъага киришни истаган бир душман эрур. У қалъани ишғол айлаб, унга соҳиб бўлишни истар. Қалъани ғанимдан муҳофаза қилмоқ, фақат эшикларни, кириш жойларини бекитмоқ ва у ерларга қўриқчи қўймоқ орқали мумкиндир». Ғаззолийга кўра, Шайтоннинг қалбга кириш йўллари ва эшиклари инсоннинг сонсиз-саноқсиз сифат ҳамда хусусиятлари ҳисобланади.

Агар Ғаззолийнинг Шайтон эшиклари тўғрисидаги фикрларини давом эттирадиган бўлсак, булар: нафс, тамаъ, адоват, зебу зийнат ва ортиқча ҳашамдорликни севмак, фақирликдан кўрқмак, шуҳратпарастлик, юлғичлик, хушомад ва бошқалардир. Хуллас, инсондаги ҳар бир ёмон хислат ва тубан сифат Шайтоннинг қуроли ва кириш нуқталари саналаркан. Мана шунинг учун Шайтонга қарши кураш — тинимсиз давом этадиган курашдирки, бу мужоҳада фақат ўлим билан ниҳоясига етмоғи мумкин. Улуғ жиҳод аталмиш бу йўлдаги асосий ва муқаддас қалқон эса Аллоҳ ишқи ва зикри. Бу ҳақида Қуръони каримнинг «Наҳл» сурасида бундай дейилади: «(Эй мўмин бандам), ҳар қачон Қуръон қироат қилсанг, албатта қувилган малъун шайтон (васвасаси)дан Аллоҳ паноҳ беришини сўрагин. Албатта иймон келтирган ва ёлғиз Парвардигорларига таваккул қиладиган зотлар устида (шайтон) учун ҳеч қандай салтанат — ҳукмронлик йўқдир» (98—99-оятлар). Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»идаги бир қанча ҳикматлар Аллоҳ китоби-

даги шу муқаддас каломларнинг амалий исботи ўлароқ яралгандир. Мана улардан бири:

Ун биримда раҳмат дарё тўлиб-тўшди,  
Аллоҳ дедим, шайтон мендан йироқ қочди.  
Ҳою ҳавас, моумонлик турмай кўчди,  
Ун иккида бу сирларни кўрдим мано.

Хожа Ориф Ревгарийнинг «Орифнома»ларида шундай савол-жавоб бор: «Шайтони ланин ҳар саҳар орифга ушмундоқ ваҳимали савол қилур: «Бугун не танаввул қилурсен?» Ориф дер: «Ўлим». Шайтон яна дерки: «Либосинг йўқ, қай либосни киурсан?» Ориф жавоб қилурки: «Қафанини». Яна сўроқ қилур: «Қаю ерга борурсен?» Жавоб: «Гўрга».

Бу савол-жавоб тўппа-тўғри мазмунда қабул этилса, маърифат дарғаси бўлмиш ориф ўқувчи тасаввурида ўлим соғинчи билан яшайдиган бир кимса ёки тирикликдан ўлимни афзал кўрувчи тушкун, афтода бир киши қиёфасида гавдаланиши шак-шубҳасиз, албатта. Бунда асил ҳақиқатни билмоқ учун камида уч жиҳатни ҳисобга олмоқ лозим. Қуръон оятлари ва пайғамбар ҳадисларида ўлимни эслашга даъват қилинган. Масалан, бир ҳадисда: «Ҳамма лаззатларни қирқиб ташловчи — ўлимни кўп ёд этинглар...» — дейилган. Шайтоннинг касби нима? Унинг бир касби инсонни тўғри йўлдан четлаштирувчи, дунёнинг ўткинчи, нафсоний лаззатларига рағбатлантириб, дунёпарастлик ҳирсларини оловлантирмоқдadir. Шу боис ориф шайтоннинг илк саволига «Ўлим» деб жавоб бераркан, бу унинг руҳоний ҳаётда тирилиб, нафсоний ҳаётда ўлишга эриша билганини ўтироф қилгани бўлади. Энди иккинчи жиҳат тўғрисида: ҳадисда кўрсатилишича, «Шайтон одам боласининг қон йўлидан юради». Шайтонни мағлуб этиш ёки унинг раъйи равишидан ўзни муҳофаза этишнинг беҳад қийинлиги мана шунда. Ўз шайтонини билмаган ё кўра олмайдиган кимсаларгина Шайтондан ғолибликлари билан мақганмоқлари мумкин. Шу учун ориф кейинги икки саволга ҳам «Ўлим» деган сўзни такрорлайди. Чунки у инсон бир умр ботинан минг-минглаб шайтон қуршолида яшашга маҳкумлигини яхши англайди.

Муҳиддин-ал-Арабий Иблиснинг Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ила мубоҳасасидан ҳикоя қиларкан, Иблиснинг фақат содиқ қуллардан чўчишини тан олганлигини ёзади. Ҳазрати пайғамбарнинг «Сенинча,

мухлис қуллар кимлардир?» деган саволларига у жавоб бериб дейди:

— Билмайсизми, эй Муҳаммад, бириси пул ва олтинни севади. У Аллоҳга ихлосли эмас. Бошқаси буларни севмайди, мақталишни, мадҳ этилишни ёқтирмайди. Шундан унинг ихлос соҳиби эканини биламан ва зудлик билан уни ташлаб қочаман... Билмайсизми, мол севгиси катта гуноҳларнинг энг каттасидир. Билмайсизми, эй Муҳаммад, амал ва мартаба севгиси яна катта гуноҳларнинг энг катталаридандир.

Иблис давом этди:

— Ё Муҳаммад, билмайсизми, менинг етмиш минг болам бор. Буларнинг ҳар бирини бошқа-бошқа жойларга тайин қилганман. Ҳар бир болам билан яна етмиш минг шайтон бор. Уларнинг бир қисмини эса машойихга юбордим. Яна бир қисмини кекса хотинларга ҳамроҳ қилиб жўнатдим. Ешларга келсак, улар билан орамизда ҳеч низо йўқ. Улар билан гоятда яхши чиқамиз.

Тасаввуфга оид манбаларда Шайтон болаларидан бир қанчаларининг номлари ва вазифалари ҳам кўрсатиб берилган. Масалан, улардан бирининг номи Сабар бўлса, бириники Аъвар, бошқалариники Мисвот, Досим ва Заламбур экан. Сабар мусибатларнинг орқадози бўлиб, у мусибат ва кулфат чоғларида азобни чақирар, одамларни ёқа йиртиш, сабрни унутиш ва жоҳилият одатларини ижро айлашга ташвиқ қилар экан. Қаердаки ёлғон, риё ва алдов бўлса, Мисвот ўша жойда ҳозир нозир бўлармиш. Заламбурнинг хизмати янада қизиқ. У кўча ва бозорларни кезиб, шу жойларни идора этар, олди-сотди ишларида алдов ва риёкорликни оёққа қўярмиш. Эҳтимол, бу гапларга тўла ишониш қийиндир. Лекин ҳозирги бозор ишлари ва олди-сотди жараёнларига қараб, наҳотки одам фарзандининг ўзи Заламбурга айланса, деган оғриқли бир фикр ҳам кўнгилдан кечиши шубҳасиз.

Йигирманчи аср инсониятнинг бошига кўп кулфат ва офатларни ёғдирди. Шуларнинг аксарияти Шайтон ҳийлалари ва туҳфаларидир. Ҳазрати пайғамбаримиз: «Ҳар қулнинг тўрт кўзи бордир. Ва иккиси бошда, иккиси қалбадур. Биринчиси ила дунё ишларини кўрар, кейингиси билан Ҳақ ишларини кўрар», — деган эканлар. Бебақо ва бевафо дунёнинг ўткинчи ишлари, руҳониятни яқсон айлаган ўткинчи ташвишлар одамнинг қалб кўзларига парда тортди. Ва ҳар турли ғайринисо-

ний мафкура, сохта ғоялар инсонни ўзининг ботиний дунёсидан йироқлаштирди. Акс ҳолда Одам фарзандлари ташқи дунёда бунчалик кўп адашмас, бунчалик кўп гуноҳга ботмас ва бир-бирининг бошига қирғин, ўлим, босқин ўқларини бунчалик кўп ёғдирмасди. Тасаввуф аҳли ҳаммадан ортиқ Шайтоннинг ҳақ суратида кўринишидан ҳазар қилишган. Шайтон аллақачонлардан буён ер юзида ҳақ сувратида ва ҳақиқат даъвоси ила кезиб юрибди. Шунинг учун мўмин мўминнинг қаттол душмани. Шунинг учун бир миллат, бир дин вакиллари бир-бирини аёвсиз алдайди, талайди, бири иккинчисига зулм. ўтказади. Шунинг учун инсоният кўнглида таҳлика кўп, умидсизлик булутлари қуюқдир. Бу фожиа ва бахтсизликлардан ўз-ўзидан халос бўлмоқ мумкин эмас. Нажот — маърифатда. Нажот — ҳар бир шахснинг ўз шайтонини таниши ва унга қарши курашда ўзни аямасликда. Шу маънода Шарқ тасаввуфининг кўрсатмалари ва тариқат арбобларининг тажрибаларидан кўп нарса ўрганиш мумкин ва зарур ҳамдир.

1995 йил.

### III ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИНЛАР

«Эй қўйғучи кўнгилга ғами ишқ доғини...»

Эй қўйғучи кўнгилга ғами ишқ доғини,  
Зулфинг мушавваш айлади жоним димоғини.

Боқсун бўюнгни туби ниҳолин кўрай деган,  
Кўрсун юзунгни орзулағон равза боғини.

«Нунол-қалам» румузини қошингдин онглағон,  
Илмас кўзига нуқтача юз Қоф тоғини.

Маҳзи равону руҳ турур қадду қоматинг,  
Ҳар неча синчилар киши бошдин аёғини.

Талпинди ҳар тараф била қушдек кўнгул, вале,  
Жон бўйнидин айирмади зулфунг тузоғини.

Ичсун майи муфарриҳи гулранги ғамзудой,  
Бу даврда ким истаса хотир фароғини.

Сочи бикин Атоий бошинг қўй аёғина,  
Инсон десанг қошингда саодат чароғини.

Мавлоно Атоий ўзбек ғазалчилигининг устозларидан бўлган шоирларимиздан биридир. Атоий ўзбек адабиёти, хусусан, XV аср туркий шеърят тараққиётига улкан ҳисса қўша олган санъаткор. Алишер Навоий «Мажолисун нафоис» тазкирасида Атоийнинг ғазаллари туркийлар орасида машҳур бўлганлигини алоҳида таъкидлайди. Атоий лирикаси инсонга, ҳаётга, ҳаёт гўзалликлари ва Аллоҳ қудратига муҳаббат билан йўғрилгандир.

Инсон бу дунёда ишонч ва ишончсизлик оралигида яшайди. Инсон ақл ва идрок, имон ва диёнат, ҳақиқат ва тўғрилиқ, илм ва тафаккур кучига қанча кўп ишонса, у ишончсизлик офати ва ожизликларидан ўшанча кўпроқ қутила боради. Лекин одам фарзандининг ишончсизлик кайфиятларидан тамоман фориғ бўлиб яшаш қийин, албатта. Маълум бир вазиятларда ҳатто пайғамбарларда ҳам шубҳали ҳолатлар бўлган. Масалан, даҳшатли тўфон пайтида кема қаттиқ чайқаларкан Ҳазрати Нухнинг кўнглига «Ҳозир чўкаман», деган хаёл келган экан. Шунда Аллоҳ унга ваҳий юбориб, «Эй Нух иккиланма. Иккиланинг чўкасан»,—деган хабарни етказган экан. Демак, Ҳазрати Нухни ҳаётининг энг қийин дамида ишонч суягандир. Инсон илоҳга ишонаркан, айни пайтда ўзининг илоҳийлигига ҳам ишонади. Инсон қалбида шундай ишончни устувор айлаш учун Шарҳ адабиётининг улуғ вакиллари кўп заҳмат чекишган.

Атоийнинг ушбу ғазали ҳам инсоннинг илоҳийлик салоҳиятини кашф айлаш, унинг буюклик сирларини кўрсатиш эҳтиёжи ила ёзилгандир. Атоийнинг бир қанча ғазаллари бевосита маъшуқага мурожаат сўзлари билан бошланади: «Эй кўнглум олган дилрабо, жоним фидо бўлсун санга»; «Эй бегим, валлоҳ, керакмас танда жон сенсиз манга», «Эй кўзи жайрон, қаро кипруклари сайёдлар»; «Аё гул чеҳралик сарви равоним»; «Эй орази шамсу қамарим, нетти, не бўлди?» ва ҳ.к.

Лекин шоир бу мурожаатлардаги бирор бир фикр ва таърифларни иккинчи бир ғазалида деярли такрорламайди. Шунинг учун «Эй қўйғувчи кўнгилга ғами ишқ доғини» деган гап маъшуқага қарата айтилаётган бўлса-да, Сиз унда бошқа ғазалларда қўлланилган бирор бир сўзни учратмайсиз. Ҳатто «кўнгилга ғаму ишқ доғини» қўйиш бироз ғайритабiiроқ эшитилса-да, сўзла-

гувчининг ҳоли, яъни дили доғлигимас, боғлилигидир. Чин ошиқнинг бағрида доғ қанча кўпайса, унинг кўнгилида туйғу ва ҳиссиёт-чечаклари ўшанча кўп қулф уриб очилади ва руҳи нур ила безанади. Шунинг учун ундаги дард ва қайғу, ҳазинлик ва ҳасрат сизни эзмайди, балки қалбингизни суяйди. Айтайлик, жоннинг «димогии»ни аниқ тасаввур айлаш мушкул.

Аммо:

Зулфинг мушавваш айлади жоним димоғини,

сўзларини ўқиганда беихтиёр паришонлик ҳолатини бошдан кечиргандай бўласиз. Чунки сиз ёр зулфининг сеҳрига ишонасиз. Шу қадар мушавваш бўлгингиз келадикки, майин оҳангли шу сўздан хаёлингиз ёришганлигини ҳам сезмай қоласиз. Энди бетараф шеърхон эмассиз. Балки шоирга маслакдошсиз. Маслакдошлик эса фикр ва назар, ишонч ва эътироф бирлиги демак. Албатта, туби дарахти ҳақида эшитгансиз. Жаннат боғидан ноумид ҳам эмассиз. Бироқ булар ҳақидаги қарашларингиз бир зумда реаллашади:

Боқсун бўюнгни туби ниҳолин кўрай деган,  
Кўрсун юзунгни орзулағон равза боғини.

Бу гапларни ўқиб кўкдан ахтарилганини гўё ердан топгандай бўласиз. Дарҳақиқат, ёрнинг қомати қайси хаёлий ниҳолдан кам? Нега инсон гўзаллигини илоҳий гўзалликдан ажратмоқ керак? Балки басират нигоҳи билан қаралганда равза боғининг сирлари инсон ҳуснида очилар. Атоий ёрнинг «зулфи», «бўйи», «юзи» ва «қош»ини мадҳ этаркан, ҳеч шубҳасизки, мажозий ишқ тушунчалари билан чегараланиб қолмаган. Шу боис мазкур тимсоллардан шоир илоҳий ишқ ҳиссиётларини ифодалаш мақсадида фойдаланилганлиги ҳам жуда осон англашилади. Учирчи байтда ўқиймиз:

«Нунул-қалам» румузун қошингдан англағон,  
Илмас кўзига нуқтача юз Қоф тоғини.

«Нунул-қалам» — бу Қуръони каримнинг Қалам су-расига ишорат эрур. Шоирнинг эътирофича, шу суранинг сири маъшуқанинг «қоши»да яширинган. Уни англаган ошиқ «юз Қоф тоғи»ни ҳам бир нуқта қадар назарга илмайди. Нега айнан Қоф тоғи? Чунки тасаввуфий нуқтаи назар бўйича, Қўҳи Қоф — тоқ ранглилик, фанод мақоми. Қош «румузини» билган солиқ жазба ва ило-

ҳий иноят таъсири ила маъшуқи азалнинг унсиятига етишган бўлурки, унинг хотири тоқлик ёки бирлик истақларидан ҳам покланади.

Тўртинчи байт:

Маҳзи равону руҳ турур қадду қоматинг,  
Ҳар неча синчилар киши боштин аёғини.

Маълумки, инсон тирик экан, унинг руҳи вужудидан ажралмайди. Аммо руҳ ила тан бир-бирига нечоғли яқин бўлишмасин, улар айна бир нарсамас. Шунинг учун Заҳириддин Муҳаммад Бобур бир рубойсида:

Руҳим яратиб эдинг латофат бирла,  
Қилдинг анга танни ҳамроҳ офат бирла.

Руҳимни чу тан эвига келтурдунг пок,  
Мундин бори элитма касофат бирла,

дейди. Атоийнинг таъкидлашича, руҳ ва қадди қомат айна бир мавжудлик. Синчилар ёрнинг бошдан-аёғини қанчалик синчиклаб текширмасинлар, унинг қадди қомати соф ва мутлақ руҳдан бошқа бир нима эмасдир. Бу гапни қандай англаш ёки қандай шарҳлаш лозим? Айрим суфий ижодкорлар инсон вужудига паст назар ила қараб, руҳни вужудга қарама-қарши қўйишган. Инсон қисматига ҳар жиҳатдан масъуллик сезган улкан санъаткорлар бундай нуқтаи назарларни ёқлашмаган. Шу учун Атоий «Маҳзи равону руҳ турур қадду қоматинг», дейди. Шу учун Муҳаммад Фузулий «Матлаъул эътиқод» асариде: «Руҳ ила таннинг алоқаси ошиқ ила маъшуқнинг алоқаси кабидур. Уларнинг орасидаги унсият вақт ўтиши билан шиддатланур... Руҳ бадансиз том маъноси ила ҳузур ва лаззатга етиша билмас», деб ёзган эди.

Бундан ташқари, Атоийнинг байтида илоҳий ишқнинг қудрати ва устунлигига ишорат ҳам бор. Буни кейинги байтдаги фикр тўла тасдиқлайди:

Талпинди ҳар тараф била қушдек кўнгил, вале,  
Жон бўйнидин айирмади зулфинг тузоғини.

Кўнгилнинг қушдек ҳар тараф талпиниши ҳам, жоннинг «зулф тузоғи»га илиниши ҳам чин севгининг қудратини ошкор айлади, дейиш мумкин.

Олтинчи байт:

Ичсун майи муфарриҳи гулранги ғамзудой,  
Бу даврда ким истаса хотир фароғини.

Байтнинг оддий ва зоҳирий маъноси шундай: Кимки бу даврда хотиржамлик ёки кўнгул осудалигини истаса, ғам-андухга барҳам берувчи шодлик майини ичсин. Давр ва замондан озор чеккан ёки дили дардга чўмган ҳар бир одамни бу гап, албатта, суяйди. Ушбу чорловни бугун кўпчилик бир хил маънода қабул қилиши мумкин. Аммо Мавлоно Атоий замонидаги ўқувчилар нигоҳи билан қаралганда эса бундай деб бўлмайди. Байт сўнгидаги «хотир фароғи» иборасини олайлик. «Хотир» деганда биз одатда бирор нарсани эшлаш, ёдда сақлаш қобилиятини англаймиз. Шоир «хотир фароғи»да фикр, кўнгил, хотира осудалигини ҳам назардан четда қолдирмаганлиги аниқ. Бироқ буни бош мақсад сифатида белгилаш тўғри эмас. Чунки мумтоз адабиётимиз вакиллари «хотир» дейилганда кўпинча ва кўп ҳолларда инсоннинг ич оламида пайдо бўладиган сас, овозларни билишган. Ва бу даъват ёки хитоб овозлари тасаввуф тадқиқотчилари томонидан тўртга ажратилган. Биринчиси, Аллоҳдан келадиган саслар бўлиб, у «хотири Ҳақ» дейилган. Иккинчиси, малакдан етадиган овоз. Унга «илҳом» номи берилган. Учинчиси, шайтондан келадиган садолардурки, унинг исми «васваса»дир. Тўртинчиси, нафсдан туғилажак саслар. Унга «хавожиз» номи берилган. Инсон ботинидан васваса билан хавожиз барҳам топмас экан, у ҳеч қачон хотир тинчлиги ва осудалигига етиша билмайди. Демак, Атоий ичишга раббатлантираётган «май» инсонни шайтоний ва нафсоний кулфатлардан муҳофаза этишга қодир Завқ ва Маърифат бодаси эрур.

Шоир ғазал муқаддимасини «зулф» ва унинг жонга таъсиридан бошлаган эди. Хотимада эса:

Сочи бикин Атоий бошинг қўй аёғина,  
Енсун десанг қошингда саодат чароғини,

дейди. Чин ошиқликда эътироз эмас, доимо эътироф бўлади. Шоир ёр сочининг узунлигини эътироф этаркан, айна пайтда уни ошиқ учун ибрат намунаси қилиб кўрсатади. Бу эса ўз навбатида «саодат чароғи»нинг ёниши бевосита ўша узун «соч» билан боғлиқлигини таъкидлайди ва шеърхон кўнглига ажиб бир эркинлик бағишлайди.

1997 йил.

«ЛАБИНГДАН ХАСТА ЖОНКИМ БЎЛДИ БЕТОБ...»

Лабингдин хаста жонким бўлди бетоб,  
Эмас бетоб, анга эрур шакархоб.  
Ёшимдин обрўм борди, билдим,  
Ки равнақсиз қилур олтунни сиймоб.  
Қошинг ҳажрида ҳар наълики кийсам,  
Келур пайваста, жоно, шакли меҳроб.  
Қилич боғи белинг кучоқон ҳасаддин,  
Кўзумга аждаредур шакли қуллоб.  
Фироқ илги, фиғон, жон риштасидин,  
Чиқорур тордин андоққи мизроб.  
Фалак бошингга қоплаб ит терисин,  
Сен они жаҳлдин деб кишу санжоб.  
Ажаб йўқ, одамилиғни унутсанг,  
Ўзунгни бўйла ит чармида асроб.  
Навоий, ранж кўрма, оғзин йстаб,  
Ким ул бир жавҳаредур — осру ноёб.

Алишер Навоий девонларида маъно ва образли ифодалари осон тушуниладиган ғазаллар ҳам кўп. Бундай шеърларни шарҳлашга унча эҳтиёж йўқ, албатта. Айтайлик, «Лабингдин хаста жонким бўлди бетоб, Эмас бетоб, анга эрур шакархоб», деган фикрда мураккаблик сезилмайди. Бу ўринда шоир татбиқ этган поэтик санъатни қайд қилиб ўтиш мумкин. Биринчи сатрда «хаста жон»нинг бетоблиги лабдан деб белгиланган. Иккинчи сатрда шу мантиқ инкор этилади. Ва бетоблик аслида шакархоблик, яъни ширин уйқу дея ўзгартирилади. Бу фикрий қайтиш санъатининг номи ружуъ дейилган.

Ёшимдин обрўм борди, билдим,  
Ки равнақсиз қилур олтунни сиймоб.

Бундаги илк сатр алоҳида олинганда, уни «Ёшлигимдин обрўдан айрилдим, билдим», мазмунида ҳам англаса бўлади. Лекин асл муддао «Йиғлашимдин обрўсизландим»дир. Кейинги қатордаги гап тамсилий моҳиятга эга. Тамсил — мисол келтириш. Шоир симобнинг олтинга салбий таъсир ўтказишини шунчаки эслатмайди. Бу орқали - аҳвол-руҳиясининг нега шундайлигини асослайди.

Қошинг ҳажрида ҳар наълики кийсам,  
Келур пайваста, жоно, шакли меҳроб.

Наъл — тақа. Наъл — кавуш. Бу ерда тилга олинаётган наъл, гўё махсус бир кавуш. Махсуслиги шундаки,

у ҳижрон кийими. Айни вазиятда ошиқ уни ёр қошининг ҳажри туфайли кийган. Аммо кийилган ҳар қандай наъл ҳам меҳроб шаклидаги қошларга пайваста келавермайди. Тасаввур ҳаракатидан наъл — қош, қош — муқаддас меҳробдир.

Қилич боғи белинг қучқон ҳасаддин,  
Қўзумга аждаредур шакли қуллоб.

Қилич боғи белни қучганлиги рост. Лекин буни ҳасадга тақаш ишончсиз. У эҳтимолки рашкнинг лофидир. Балки шунинг учун оддий боғлагич ва қилич ошиқ назарида қўрқинчли аждарга айланади. Навбатдаги байт «фироқ илги» деган истиоравий ибора билан бошланади. Нохун танбур торларидан қандоқ оҳанг чиқарса, «фироқ илги» ҳам жон ипларидан ўша усулда фиғонлар чиқаради.

Фироқ илги, фиғон, жон риштасидин,  
Чиқорур тордин андоқки мизроб.

Мазкур газалнинг яна уч байти бор. Аммо шу уч байтдан иккитасининг маъносини тугал билмоқ учун бошқа ёзувчининг асаридан ўрин олган бир ривоятни эслатмоқ зарурдир.

Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романи чиққандан сўнг манқурт деган сўз тез-тез такрорландиган бўлиб қолди. Манқуртлик — қуллик. Аммо қўрқинчли қуллик. Манқуртлик тарихи романда бундай нақл қилинган: Ривоятга кўра қадим замонларда жунгжанглар деб аталган босқинчилар ўтган экан. Жунгжанглар туркий халқларнинг ҳам ерларини босиб олишибди. Жунгжанглар асир олинган жангчини ё қул қилиб ўзга ўлкаларга сотиб юборишар ёки уларга нисбатан беҳад оғир жазо чораларини қўллар эканлар. Бу жазо тутқиннинг бошига териқалпоқ тортиш бўлиб, бунга одатда, асосан ёш кишилар маҳкум қилинаркан. Қонда бўйича маҳбусларнинг сочлари аввал тақир қирилар, сўнг янги сўйилган туянинг бўйин териси бошларига қалпоқча шаклида қопланар, бу азобга гирифтор қул ё ўлиб кетар ёки бир умрга хотирасидан ажралиб, ҳеч нимани эслай олмайдиган манқуртга айланаркан. Узининг кимлиги, авлод-аждоди, болалиги, одамлигини буткул ёддан чиқарган манқурт фақат хўжайинига қуллик қилишу, унинг буйруқларини бажаришдан нарига ўта олмаскан. Унинг қорни тўйса бас. У хурсанд. Унинг бо-

шини хўжайин силаса, кифоя. У хотиржам. «Қулдор учун энг даҳшатли нарса — қулларнинг исёни. Ҳар бир қул сиймосида исёнкорлик руҳи яширинган. Елғиз манқурт бундан мустасно, исён кўтариш, бўйин товлаш унга бутунлай ёт». Шунинг учун манқуртга энг оғир ва ҳақоратли ишларни бажартиравериш мумкин. У топшириқ кутиб яшайди. Ҳукм этилса, бўлди: манқурт жаллодликка тайёр. Унинг ваҳшийлиги чексиз-чегарасиз. Чингиз Айтматов Найман онанинг манқурт ўғли томонидан қандай ўлдирилганлигини батафсил тасвирлаб берганки, бунда манқуртликнинг моҳияти бутун даҳшати билан очилгандир. Инсоннинг инсонлигини бошқарадиган асосий қудрат Хотира бўлса-ю, шундан уни жудо этишса? Қандай бедодлик? Хуллас, манқурт воқеаси юракни ларзага солади. Ва беихтиёр кетма-кет саволлар туғилади. Шу саволлардан бири мана бундай: «Чиндан ҳам тарихда одамларни хотирасизлантириш ҳодисаси бўлганми? Бўлган бўлса қайси даврларда?» Бу саволга аниқ жавоб қайтариш қийин, албатта. Лекин ўтмишда шундай ёвузликлар амалга оширилганлиги ростга ўхшайди. Ақс ҳолда Алишер Навоий таҳлил қилаётганимиз ғазалида мана бундай деб ёзмаган бўлурди:

Фалак бошингга қоплаб ит терисин,  
Сен они жаҳлдин деб кишу санжоб.  
Ажаб йўқ, одамилигни унутсанг,  
Ўзингни бўйла ит чармида асроб.

Бу сатрларда Чингиз Айтматов ифодалаган ўша машъум ҳақиқат — манқуртлик моҳияти тўғрисида сўзланган. Навоий манқурт сўзини ишлатмаган. Бироқ хотирасиз махлуқнинг кимлигини унга гўё тушунтирган. Навоий тасвиридаги манқуртнинг бошига «ит териси» қопланган. Аммо у жоҳиллиги туфайли уни бошқа жонзотлар, яъни сув ҳайвонлари қундуз ва санжоб териси деб фаҳмлаётир. Унинг одамлигини эсдан чиқаришга ажабланмаслик керак. «Ит чармида»ги манқурт ёвузлигида хотиржам, энди бемалол яшайверади. У ҳар қандай эзгуликка тиш санчади. Чингиз Айтматовнинг «Манқурт худди ит каби фақат эгасини танийди. Бошқалар билан иши йўқ», деган фикрлари Навоий айтган манқуртга ҳам тўла мос келади. Навоийда босқинчи ўрнида «фалак» қилмиши сўзланган. Аслида ғаддор фалак барча ёмонлик ва ёмонларнинг дояси. У одамни одамийликни унутишга мажбур қилади. У инсонни жаҳл отига миндириб, қўлига ғазаб ва қаҳр «қиличи»ни тутқазади...

Навойй ғазал матлаини ошиқона фикр билан бошлаган. Оғир таассуротлар уйғотувчи юқоридаги сатрлардан сўнг мақтаьда шоир яна ишқий гапга диққатни тортади:

Навойй, ранж кўрма, оғзин истаб.  
Ким ул бир жавҳаредур — осру ноёб.

Ғазалдаги «лаб», «қош», «бел», «оғиз» кабилар тасаввуфий маънолар тасвири учун ҳам татбиқ этиладиган тимсоллардир. «Лаб» — илоҳий сўз мазмунини англатса, «қош» — қусурлар туфайли ошиқнинг маънавий-руҳий пасайиш, суस्ताшиш ҳолатини акс эттиради. «Бел» эса сайри сулук асносида ошиқ ва маъшуқ орасидаги муносабатларга ишоратдир. Илоҳий сўздан инсон ҳеч қачон «шакархоб» ҳолига тушмаслиги инobatга олинса, «лаб»да сирли бир ҳақиқат яширинмаганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шунга яқин фикрни «қош» ва «бел» тимсоллари хусусида ҳам айтса хато бўлмас. Аммо охирги байтдаги «оғиз»да илоҳий бир талаб бор. Чунки бу образ бир маънода «ҳақнинг каломи» деган қарашни ифодалаган. Чунончи, шоир илоҳий ишоратлар ва ҳақ каломини энг ноёб «жавҳар» ҳисоблайдики, унга эришмоқ йўлидаги ранжни ҳам қувонч ўрнида қабул этади. Лекин бизнингча, ғазалдаги энг муҳим ва ибратли нукта манқуртлик моҳиятининг ёритилишидир.

1988 йил.

#### «НАВБАҲОР АЙЁМИ БЎЛМИШ...»

Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,  
Булбул ўлғондек ҳазон фасли гулу гулзорсиз.

Гоҳ сарв узра, гоҳи гул узра булбул нағмасоз,  
Ваҳки, менмен гунгу лол, ул сарву гул рухсорсиз.

Тонг эмастур гар диёру ёрсиз озурдамен,  
Ким эмас булбул гулу гулзорсиз озорсиз.

Равза ашжори ўтундур, гуллари жонимға ўт,  
Мумкин ўлса анда бўлмоғлиғ дами дилдорсиз.

Май чу бердинг зулф ила банд эт мени, эй муғбача,  
Ким хуш эрмас муғ била ичмак қадаҳ зуннорсиз.

Топмадуқ гулранг жоми беҳумор, эй боғбон,  
Ваҳки бу гулшан аро гул бутмас эрмиш хорсиз.

Аҳли зуҳд нчра Навоий топмади мақсадқа йўл,  
Вақтингизни хуш тутинг, эй жамъким, хумморсиз.

Бу ғазал Алишер Навоийнинг йигитлик даври ижодига мансуб. Арузнинг рамал баҳрида битилган. Етти байтдан таркиб топган. Мазмун-моҳияти ила ошиқона ғазаллар туркумига киради. Зеро, унинг бош қаҳрамонни — ошиқ. Фикр-туйғулар ҳам ошиқ тилидан акс эттирилган. Илк байтдан англашилишича, шеър навбахор фаслида, илк баҳор таассуротларидан туғилган. Чунончи: атрофда навбахор айёми. Лекин шеър қаҳрамонни ўзини «хазон фасли»да гулу гулзорсиз қолган булбул ҳолатида тасаввур айлайди. Негаки, у ёру диёридан йироқда. Кўнглида кўклам ҳавоси ва уйғонишларини эмас, кузнинг нафаси ва ҳазинлигини ҳис этади:

Навбахор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,  
Булбул ўлғондек хазон фасли гулу гулзорсиз.

Табиат, албатта, инсон кайфиятлари билан ҳисоблашмайди. Аммо ҳар қандай фаслда ҳам инсонга ўзининг ҳолати ва қисматини тиради мушоҳада қилишга имкон яратади. Биринчи байтдаги булбулга доир гап тасаввур ҳосиласи эди. Аслида эса ошиқ — шоирнинг ногоҳи «гоҳ сарв узра», «гоҳ гул узра» кўниб-учиб сарв раётган булбулга қадалган. Қарангки, кўнгил ва руҳ завқлантирадиган шу манзара ҳам унинг ғамига ва аламига алам қўшади:

Гоҳ сарв узра, гоҳи гул узра булбул нағмасоз,  
Ваҳки, менмен гунгу дол, ул сарви гул рухсорсиз.

Қиёс — инсонни гоҳ қийнаса, гоҳ суяйди. Қиёс — баъзан мурасасизликка чорласа, баъзан тамкин ва тасаллга ундайди. Қиёс — гоҳида чорасизлик сабаблари кўрсатса, гоҳида иродани синашга кўниктиради. Маъшу мантиққа кўра, ошиқ «Ёру диёр»дан айрилиқ туфали озурда бўлишнинг ажабланидиган жойи йўқ. Чунгулу гулзорсиз булбул ҳам озор тортмасдан яшай олади», деган донишмандона бир хулосага келади:

Тонг эмасдур гар диёру ёрсиз озурдамен,  
Ким эмас булбул гулу гулзорсиз озорсиз.

Ҳижрондан бутун борлиғи эзилган ошиқ ҳар қандай азоб ва қийноққа чидаши мумкин. Фақат ёр висолидан ноумид бўлмаслиги керак. У дийдор умидидан ажралса — ҳамма нарсадан ажралади. Ҳатто жаннат истағи ҳам сўнади ёки тамоман тескари мазмун касб этади:

Равза ашжори ўтиндур, гуллари жонимга ўт,  
Мумкин ўлса анда бўлмоғлиғ дами дилдорсиз.

Яъни: Агар дилдорсиз бирор бир дам жаннатда бўлишга тўғри келса, унинг дарахтлари мен учун қуруқ ўтин, гуллари жонимни куйдирадиган оловдан бошқа бир нима эмасдир. Жон жонон ила, жонон эса равзан ризвон эрур.

Маълумки, Алишер Навоий ғазалиётида мажозий ишқ билан илоҳий ишқ ўртасида қатъий бир чегара йўқ. Улуғ шоир ишқий кечинмалар тасвирини яратар экан, кўпдан-кўп ғазалларида, аввало, мажозий ишқ ҳақиқатларига таянади. Инсонни севиш сирлари ва илоҳий имтиёзларини очиб беради.

Навоийнинг аёлга муҳаббатини тор ва бирёқлама англамаслик лозим, албатта. Навоий бир ёр ёҳуд маъшукқа муҳаббатидан баҳс юритаркан, айни пайтда бутун аёл зотига, ундан инсониятга, инсоният орқали эса Аллоҳга бўлган ишқни изҳор этади. Ва ҳеч вақт аёллик салтанатини инсонийлик шарафига, инсонийликни — илоҳийликка зид қўймайди. Навоий учун инсоний ишқнинг ҳосиласи — Аллоҳ севгиси бўлганидек, ҳақиқий ишқнинг меваси — олам ва одамга муҳаббат эрур. Бу муволиқлик юқорида талқин қилинган байтларда ҳам кўзга ашланади. Шу учун навбахор ҳақидаги бир «хабар» абийий равишда «гул-гулзор», «ёр—диёр», «булбул — ниқ», «васл—ҳижрон» тўғрисидаги тасвир ва таърифлар билан уйғунлашади. Ташбиҳ ва тимсоллар мутаноблигидан эса кўз ва кўнгилни яйратадиган жонли манра яралади. Лекин тўртинчи байтга келганда моҳиятан гариш, тўғрироғи, юксалиш бошланади. Буни сезгир «Равза ашжори ўтиндур, гуллари жонимга ўт» сатданок осон илғайди. Дарҳақиқат, кейинги мисрада лга олинган «Дилдор» энди фақат замин гўзали эмас. Алки олий гўзаллик рамзи ҳисобланмиш Ери азалдир. ар ушбу ҳақиқат эътиборга олинмаса, асосан тасаврий маъно ва тимсоллардан таркиб топган навбатар байтнинг асл мазмуни очилмасдан қолаверади:

Май чу бердинг зулф ила банд эт мени, эй муғбача,  
Ким хуш эрмас муғ била ичмак қадаҳ зуннорсиз.

Байтдаги фикр айнан қабул қилинадиган бўлса, у бундайдир: Эй мажусийларнинг ибодатхонасида май ташувчи бола, майнику бердинг, энди зулф билан банд айла. Белга зуннор боғламасдан оташпарааст билан қадаҳ кўтариш яхши эмас.

Хўш, бу билан шоир нима демоқчи? Оташпараастликни улуглаб, уларнинг инонч-эътиқодига даъват қилмоқчимми? Йўқ, албатта! Тасаввуфнинг имтиёзлари ва рамзий тимсолларидан фойдаланиб бутунлай ўзга мақсадни ифодаламоқчи. Чунончи: байтда тилга олинган «май» биз билган ёки кўрганимиз ичимликмас, балки илоҳий ишқ ғалабаси, завқ ва жазбадур. «Зулф» нима? Тасаввуфий моҳият бўйича, зулф — эришилиши бағоят мушкул бўлган ғайбий ҳақиқат, ишқдаги энг юқори имкон даражаси, «муғбача» — содиқ мурид, чин ошиқ. «Зуннор» — ёри азалга етишмоқ учун белга хизмат камарини маҳкам боғлаш белгиси. «Муғ» — пири комил. «Қадаҳ» — унинг файзи илоҳий нурлари порлаган кўнгли.

Демак, Навоий кўзда тутган маъно қуйидагичадир: «Эй муриди содиқ, менинг дилимда ишқ завқини хосил қилдинг, энди ғайбий ҳақиқатга асир қил мени. Пири комил ҳузурига бошлагилки, унга таслим бўлмасдан дийдор талаб қилмак ҳам хуш эрмасдур.

Алишер Навоий бошқа бир ғазалида фахр ила:

Хусни васфида сўзум тутти бари оламини.

Муршиди ишқ манга айлагали талқин сўз,—

дейди. Буюк шоир қатор ғазалларида, жумладан, таҳлил қилинаётган ғазалда ҳам «муршиди ишқ»ни «боғбон» дея номлайдики, у кўнгил боғи ва руҳ гулшанининг боғбони эрур:

Топмадуқ гулранг жоми беҳумор, эй боғбон,

Ваҳки бу гулшан аро гул бутмас эрмиш хорсиз.

Ирсоли масал усулида ва алоҳида бир таъкид ила айтилган бу гапдан муддао нима? Биринчидан, чин ошиқ ҳоли ва маънавий-руҳий эҳтиёжини ёритиш. Иккинчидан, ишқ гулшанининг қуруқ зуҳду такво саҳроси ила асло ўхшаш эмаслигини кайд этиш. Учинчидан, сўнгги байтда умумлаштирилажак фикрга мустаҳкам мантиқий асос ҳозирлаш. Шарқ шеърятининг кўп буюк шоирлари қатори Алишер Навоий ҳам зуҳд ва зоҳидлик

йўлини қатъиян инкор этади. Ҳолбуки, тасаввуфнинг шаклланишида зуҳд маслағи сезиларли таъсир ўтказган. Илк зоҳидлар ибрат олса арзийдиган бир қанча фазилат соҳиблари бўлишган. Навоий бундан беҳабар эдими? Йўқ, ҳамма-ҳаммасидан хабардор ҳолда буюк бобомиз зоҳидликни ёқламаганлар. Ҳожи Бектоши Валининг ёзишича, «зоҳидларнинг ибодатлари кеча-кундуз Тангрини зикр этмак... Қўрқув ва умид ичида яшамак ва бу дунёда охират учун яроғли ишларни амалга оширмоқдир». Бундоқ қараганда, булар савоб ва хайрли ишлар. Лекин зоҳидлар эришган ютуқларига мамнунлик ва дунё ишларига тамоман масъулиятсизлик ила қўли силтаганликлари сабабли ўзларининг йўлларига ўзлари тўсиқ қўйганлар. Натижада даъво аҳли даражасидан нарига кўтарилма билмаганлар. Ҳожи Бектоши Вали таъкидлаганидек, зоҳидларга «Қаёндан келиб қаёнга кетишларини билиш насиб этмаган, ҳидоят эшиғи ҳам очилмаган»дир. Шу учун Навоий зоҳидни ишқ гулшанида пайдо бўлган «тикан»га қиёслайди. Шу учун:

Аҳли зуҳд ичра Навоий топмади мақсадга йўл,  
Вақтингизни хуш тутунг, эй жамъким, хумморсиз,—

дейди. Бизнингча, улуғ мутафаккир шоиримизнинг бу сўзлари бугун ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Зуҳди тақво қачон ўзини тўла-тўқис оқлайди? Қачонки кўнгилда меҳр ва муҳаббат, руҳда илоҳий ҳақиқат нурлари порласа. Қачонки, зоҳирий даъволарга қул бўлиб, диннинг ботиний маъно ва завқларидан йироқлашилмаса. Қачонки, ишқ — илоҳий сир-асрорларнинг хазиналарини босқичма-босқич очиб борса.

### БИР БАЙТ ТАЛҚИНИ

Алишер Навоийнинг «Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил», сатри билан бошланадиган ғазалини таъриф-тавсифлашга эҳтиёж йўқ: ҳар бир сўзи бир ранг, ҳар бир ибораси бир маъно ва оҳанг, ҳар бир байти улуғ орзу ва илтижо билан яралган бу ғазал халқимиз орасида жуда машҳур, унинг ихлосмандлари эса сонсиз-саноксиз. Устод Мақсуд Шайхзода Ҳазрат Навоийни «Ғазал мулкининг султони» деб таърифлаган эди. Шу таърифга асосланиб мен «Қаро кўзум...»ни буюк шоиримизнинг султоний ғазалларидан бири дегим ке-

лади. (Ҳақиқатда ҳам бу ғазалнинг лирик қаҳрамони — ошиқ «маликул ҳол» соҳибидур):

Бу ғазалга қизиқишнинг йилдан-йилга кучайиб бораётганлиги табиий ва қувонарли. Кейинги пайтларда унга бир неча шарҳлар битилди. Шоир Эркин Воҳидов, олимлардан И. Абдуллаев, Н. Комилов ва Н. Жумахўжаларнинг талқинлари билан бугун шеърят ихлосмандлари яхши таниш.

«Қаро кўзум...» маъно олами беҳад теран, туйғу ва ҳиссиётлари фавқулодда рангдор, тимсоллар сирри ва мажозий тасвирлар моҳиятини тўла-тўкис англаш ва аниқлаш қийин бир ғазалдир. Шунинг учун унинг муҳиблари кўпайган сайин, унга шарҳ битувчиларнинг сонини ҳам ортиб бораверади. Биз бу ўринда ғазалнинг ёлғиз бир байтига тўхталмоқчимиз:

Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,  
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Бу — ғазалнинг учинчи байти. Уни биринчи маротаба ўқиган бугунги шеърхон «Таковар нима экан?» — дея албатта луғатга мурожаат этади. Менда ҳам шундай бўлган. Ва анча йиллар мобайнида «таковар» ни қизил рангли бир от деб ўйлаганман. Иккиланиш эса кейинроқ — мазкур ғазал талқинлари билан танишишдан бошланган.

Навобий «Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла» дейди. Бу фикр айнан англашиладиган бўлса, «Отингга бағир қонидин ҳино боғла», — дегани бўлади. Аммо бутун бошли отга «ҳино» боғлаш — ёр минган отни ошиқнинг бағир қони билан бўяш тасаввурга сиғмайди.

Биринчилардан бўлиб «Қаро кўзум...»ни шарҳлаган шоир Эркин Воҳидов балки шунинг учун «ҳино»ни отнинг туёғига нисбат бергандир: «Шоирнинг юрак қони ёр отининг туёқларига ҳино бўлиш учун, жон риштаси — жон ипи итнинг бўйнига расан, яъни тасма бўлиш учун фидо. Негаки, ошиқ шоир бағридаги қоннинг ҳар бир томчиси ишқ билан йўғрилган. Жони вафо учун шу қадар фидоки, вафодорликнинг рамзи бўлган ёр итининг бўйнида қолишга тайёр».

Бу фикрлар байтнинг мазмун-моҳиятига анча яқин. Яқинлиги туфайли ҳам ўқувчида маълум тасаввур ва таассурот ҳосил қилади.

Профессор Нажмиддин Комиловнинг «Ешлик» журналида чиққан «Ишқни оловлантирган сув» номли ма

қоласида «Қаро кўзум...»нинг ғоявий-бадий сир-асрорлари жуда изчил ва ўзига хос кенг бир миқёсда шарҳланган.

Ҳазалнинг учинчи байтига мақолада шундай шарҳ берилади: «Таковар — тез юрадиган йўрға от. Маъшуқа уни миниб сайрга чиққанда ошиқ дарди баттар ортади, безовталанади. От ва унинг суворийси саркаш, бебок, бепарво. Бу анъанавий тасвир ҳар хил кўринишда классик шеърятда тез-тез учраб туради». Шундан сўнг олим байтдаги ўша анъанавий образларнинг халқ орасидаги ҳино қўйиш одати билан боғланишини атрофлича изоҳлайди. Дарҳақиқат, ҳино қўйиш, хусусан, қўлга, оёққа ҳино боғлаш халқимизнинг қадимий бир урфи бўлмаганида Навоий, албатта, «Таковарингга багир қонидан ҳино боғла», деб ёзмасди. Лекин Н. Комилов ҳам ошиқнинг жигар қонидин ҳино боғлаш жойини маъшуқа отининг оёғи деб кўрсатади.

«Қаро кўзум...»га доир талқинлардан яна бири филология фанлари номзоди Нусрат Жумахўжага тегишли У бошқа муаллифлардан фарқли ўлароқ, ҳазалнинг Навоийнинг «Илк девони»дан ўрин олган дастлабки вариантга ҳам эътиборни қаратади. Шунини ҳам қайд этиш керакки, Н. Жумахўжа талқинида анча-мунча меҳнат сарфлаган. Буни ҳатто мақолани «Қаро кўзум...» ҳазалининг қиёсий таҳлили» дея номланишидан ҳам илғаш қийин эмас. Биз бу мақола ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни кейинга қолдириб, ҳозирча «Қаро кўзум...»нинг ёлғиз учинчи байтига доир ўринларига эътиборни қаратмоқчимиз. Ушбу байт таҳлилинини бошлашдан олдин Н. Жумахўжа ёзади: «Байтдаги от (таковар) ва ит образлари, «ҳино боғлаб» ва «ғамзада жон» ибораларининг маъносини тўғри тушунмаслик таҳлил йўналишини издан чиқариб юбориши мумкин».

Ҳақиқатда худди шундай: таҳлилни издан чиқарганда ҳам бутунлай тахминий ёки эҳтиёжсиз гапларнинг тўқилишига сабаб бўлиши шубҳасиз. Бу ерда масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам бор. Шеър талқинларида фақат «тўғри тушунмаслик» эмас, ҳаддан зиёд «тўғри тушуниш»га берилиш ҳам баъзан ўзини оқламайди. Бу эса аксарият пайтда шеърнинг мажозий «мавжуд»лигини ҳисобга олмаслик, сўз ва тимсоллардаги мазмун ўзгаришлари ёки янгиланишларни пайқамасликдан содир бўлади. Насимий бир ҳазалида:

Ўзи ўзига таржумондир сўз,

дейди. Шеър талқинида, энг аввало, ана шу хусусият — сўзнинг ўзи ўзига таржимонлиги инobatга олинмоғи лозим. Бу, албатта, қийин иш. Чунки бир неча аср муқаддам дунёга келган, турли даврларда маъно, ранг, оҳанг, мавқе жиҳатидан турли ўзгаришларни бошдан кечирган сўз ва истиорали ибораларнинг ички ҳақиқатларини билиш, шунингдек, уларнинг инсон ақли, қалби ва руҳи билан алоқасини юзага чиқарувчи асосларини хатосиз белгилаш унчалик осон эмас. Бунда ҳар турли дугатлар, илмий, бадий ва тарихий асарлар маълум даражада яқиндан ёрдам беради, албатта. Бироқ ҳамма қийинчилик ва англашмовчиликларни ҳал қилишга улардан ҳеч бири мутлақ асос бўлолмайди. Шунга кўра ҳам мумтоз шеъриятимиз намуналарини ҳар ким ҳар хил тушунади, дид, савия, билим даражасига қараб ҳар хил шарҳлайди. Буни табиий ҳодиса сифатида қабул айлаш керак. Эътиборга лойиқ шарҳ ва талқинлар қанча кўпайса, ўшанча фойда. Қолаверса, бу ёшларни мумтоз шеъриятимизга қизиқтиришнинг ўзига хос бир йўли ҳамдир. Бироқ бунда ҳам масъулият ва эҳтиёткорлик зарур. Биринчидан, талқинлар икки томчи сувдай бир-бирига ўхшаш бўлиб қолмаслиги лозим. Иккинчидан, ўзидан олдин амалга оширилган шарҳларга холис ва ҳалол муносабат зарур. Айрим тадқиқотчиларда худди шу фазилат етишмайди. Ва нусхакашликни хаспўшлаш учун қилинган ишлардан, ҳеч иккиланмасдан, кўз юмиб ўтаверишади. Учинчидан, мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юрти талабаларига мўлжалланган таҳлил ва талқинлар кўпчилик мутахассислар томонидан муҳокама этилган ва маъқулланган бўлмоғи шарт. Акс ҳолда кўзланган натижа кутилмаган муаммо, қийинчилик ва чалғишларни майдонга чиқариши муқаррардир. Буларнинг ислоҳига эса кейин осонлик билан эришиб бўлмайди.

Мумтоз шеъриятимиз вакилларининг ғазаллари гоҳ шундай талқин қилинадикки, уларни кўриб «Наҳотки, шоир ёрнинг юзи — ой, сочи — сунбул, қоши — камон, қомати — сарв»га ўхшашлигини англамоқ учун қўлига қалам олган бўлса?» — деган бир фикр хаёлдан ўтади. Диний-тасаввуфий тамойилдаги айрим талқинлар билан танишганда эса «зулф», «хол», «қош», «кўз», «киприк» каби тимсолларнинг мазмуни шу қадар мураккаблаштирилганми?» деган мулоҳазаларга борасан одам. Бундай шубҳаларнинг пайдо бўлиши тасодифий эмас. Чунки айтилган ҳар икки ҳолда ҳам у ёки бу тарзда сунъийлик, зўрма-зўракиликка ён берилган бўлади.

Аслида ҳар қандай шарҳ ва таҳлил шеърӣ матннинг ички талаби ёхуд бош моҳиятигагина эмас, ундаги «белги» ва ишоратларга ҳам бўйсунishi керак. Мана шунда рамз ва ишоратлар, тимсол ва ташбиҳлар тилида тасвирланган ҳақиқатлар «ичкари»дан ойдинлаша бошлайди. Тўғриси тани оладиган бўлсак, бизнинг адабиётшунослигимиз шеърни текшириш ва таҳлил этишнинг ниҳоятда осон усулини танлаган. Асосан ғоявий-мафкуравий талаб ва мезонларга таянадиган бу усул шеърга тепадан туриб қараш, ундаги ботиний маънолар билан деярли қизиқмаслик, рамз ва тимсоллар оламига юзаки ёндашиш сингари кўникмаларни шакллантирган. Натижада яхлит-яхлит шеърӣ парчалардан кейин илгари сурилган фикр-мулоҳазалар «аённи баён айлаш» чегарасидан унчалик нари ўтмагандир. Шунинг учун баъзи олимларимиз шеърнинг изчил таҳлилидан кўра, шеър тўғрисида умумий гаплар айтишни ёқтиришади. Ва янги талқинларни иложи бўлгани қадар инкор этишга интилишади. Ҳолбуки, бугунги талаб бошқа. Талқин ва таҳлил усуллари тубдан ислоҳ этилмас экан, шўро мафкураси тазйиқи билан тақа-тақ беркитилган мумтоз адабиётимиз «дарча»лари ёпиқлигича қолаверади. Классик адабиётимизни ўрганиш ва тарғиб қилишда ўзбек адабиётшунослиги кўп ютуқларга эришган. Лекин ўтмишда яшаб ижод этган у ёки бу шоиримизнинг алоҳида бир шеъри мукамал таҳлил қилинган ва намуна дейишга арзирли тадқиқотлар борми ўзи бизда? Бизнингча, бу саволнинг жавоби унчалик қувонарли эмас.

Бундан ташқари, «Қаро кўзум...»нинг илмий таҳлиллари шуни кўрсатдики, ғоявий-бадий таркиби мураккаб, мажоз ва ҳақиқат ранглари уйғунлашиб кетган, руҳий ва фалсафий моҳият устунликка эришган ғазаллар нечоғли батафсил текширилмасин, бир ёки икки талқин билан чегараланиб бўлмас экан.

Н. Қомилонинг «Ишқни овлантирган сув» мақоласи «Қаро кўзум...» баҳсидаги янги гап. Қарангки, шу мақола ҳам кишини ғазалга янада янгича ёндашишга рағбатлантиради. Эҳтимол шунинг учун ҳам умумий бир қарорга етгунча талқинлар сонини кўпайтириш ва охир-оқибатда уларни алоҳида китоб шаклида нашр эттириш керакдир.

Асосий муддаога қайтсак, Н. Жумаҳўжа ҳам «таковар»ни от деб билади ва ёзади: «Таковар, яъни тезюар йўрға от мумтоз шеърятдаги анъанавий тимсоллардан. Севиклининг отига илтифот кўрсатиш орқали ўз муҳаб-

бати ва садоқатини изҳор қилиш барча мумтоз шоирларимиз учун умумий хусусият. Масалан, Навоий томон маъшуқа от елдириб унинг ёнидан ўтиб кетишни, ҳижрон балосига яна мубтало бўлишни истамайди. Шунинг учун суюкли ёрига мурожаат қилиб айтади: «Отингнинг туёғига бағрим қонидан ҳино боғлагин, токи у қошимдан шитоб билан ўтиб кетмасин, мен сенинг васлингдан баҳраманд бўлай». Отнинг туёғига боғланган «ҳино» унинг шитоб билан юришига монелик қила олармикан? Бунга ишониш қийин. Назаримизда, гап от ҳақида эмасга ўхшайди. Тўғри, «Навоий асарлари лугати»да «таковар» — юрумли от дея изоҳланган ва шу маънонинг исботи учун «Лисонут тайр» дostonидан бир байт келтирилган:

Қайси жонибким, таковар сурди тез,  
Шаҳру мулки аҳлига солди рустахез.

Чиндан ҳам бундаги «таковар» — от эканлигига шубҳа уйғонмайди. Бундай мисоллар фақат Навоий шеърлятида эмас, улуг шоирнинг туркий ва форсий салафлари асарларида ҳам тез-тез учрайди.

«Таковар» — форсий сўз, аслида «таговар» бўлган. Муҳаммад Фиёсиддин «таговар» югуриш, чопиш мазмунини англатувчи «таг» ва буйруқни ифодаловчи «овар» сўзларидан таркиб топганлигини ёзади. «Озарбойжонда нашр этилган «Араб ва форс сўзлари лугати» (Баку, 1985)да «таковар» уч маънода изоҳланган: 1. Тез ҳаракат қилувчи, елиб-югурувчи. 2. Югурувчи от. 3. Туя. Таковар кўчма маъноларда ҳам кенг қўлланилган. Масалан, «таковари фалак» дейилганда осмондаги бирор от эмас, айнан кўк ва самоннинг ўзи тушунилган.

Энди «Қаро кўзум...»даги «таковар»га келсак, унинг отга ҳам, туяга ҳам алоқаси йўқ.

Модомики, бу сўзнинг бир маъноси туя экан, эртага кимдир чиқиб, Шоир туя карвони ила сафарга кетаётган ёрига мурожаат қилиб, «Туянгнинг туёғига бағир қонидан ҳино боғлагин, у шитоб билан юрмасин, мен сенинг висолингдан баҳраманд бўлай», деб айтмаслигига ким кафолат беради? Қолаверса, иккинчи мисрадаги «ит» тимсоли отга нисбатан мантиқан карвон билан табиийроқ боғланади.

Бизнингча, ғазалдаги бошқа образларга ўхшаб «таковар» ҳам икки маънони аке эттиради. Унинг зоҳирий маъноси — елиб-югурувчи ошиқ. Маълумки, Шарқ шеърлятида кенг талқин қилинган ошиқликнинг бош

сифатларидан бири — бамисоли шамол, сарсону саргардон елиб-югурмоқ (албатта, бунда асосан руҳий ҳаракат ва илгарилаш кўзда тутилган). Алишер Навоий ғазалларидан бирида:

Қолурлар оғзин очиб ишқ аҳли пўямдин,  
Соғ элга кулгу эрур телба айлаган ҳаракат,—

дейди. «Пўямдин» — чопишим ва югуришимдан демак. Бу ҳаракат тарзини Навоий кўпинча ел ва қуюн тимсоллари воситасида гавдалантиради:

Ғайр хошокин агар совурмас эрсам бас недур,  
Кўйи даврида қуюндек мунча саргардонлигим.

Ёки:

Қуюндек дашт аро кўрсанг мени, кўп қочмаким, ҳар дам,  
Бошингга эврүлүр саргаштан бехонумондур бу.

Хуллас, ҳаттоки ишқ аҳлига ҳам елиб-югуриши ғайритабиий туюлган ана шу ошиқ мажозан «таковар»дир. Ва бу, «таковар»нинг «Араб ва форс сўзлари луғати»да изоҳланган биринчи маъносига тўла мувофиқ эшитилди. Демак, байтнинг зоҳирий мазмуни бундай бўлмоғи керак: «Эй бераҳм, бевафо ёр, таковарингга, яъни васлинг учун чопиб юргувчи ошиғингга бағир қонидан ҳино боғла! У сенинг вафодор итингдурки, бу «ит»нинг бўйнига хоҳласанг жон риштасини расан қилғил!» Аммо шуни ҳам унутмаслик зарурки, байтдаги «таковар» ва «ит» ҳам, «ҳино» ва «расан» боғлаш ҳам рамзийдир. Чунки ҳеч бир ошиқнинг (от тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас) оёғи, қўли ёки баданига ҳеч қачон ҳино боғланмаган. Аммо ҳинонинг ранги қонни эслатгани, қон эса касрат азобларини енгишга чоғланган ошиқ ҳолининг «белги»си бўлганлиги учун, аёллар орасида кенг тарқалган ҳино боғлаш одатини шарқ ошиқлари ўзларича рамзий бир «удум» деб белгилашган. Бу «удум» уларни шавқлантирган. Акс ҳолда форс-тожик адабиётининг вакилларида бири:

Аз ашки лоларанг ҳино бандие кунем,  
Дил аз нигоҳи аҳдшикаи баргирифтаем,

яъни: лоларанг кўз ёшларимиздан ҳино бандлик этайлик, аҳдини бузувчи нигоҳидан юракни йироқлантирайлик, демасди. Навоийнинг лирик қаҳрамонида эса маъ-

шуқадан дил узиш истаги йўқ. Шунинг учун фироқдан бағри қонга тулганлигини у аввало маъшуқаси кўришни хоҳлайди. Унга «бағир қонидин ҳино боғла менга», дея илтижо айларкан, ишқ сиррини ўзи эмас, жоннинг маҳрами бўлган ўша ҳусни якто ошкор этишини тилайди.

Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Бундаги «ит»нинг зоҳирий маъноси — вафо ва садоқатда ўрнаклик. Чунки анъанавий тасвирларга кўра, сидку садоқат ва вафодорликда ошиқ ўзини ит билан (кўпинча ёрнинг ити билан) тенг кўради. «Ғамзада жон» — ишқу жунун ғамига гирифторм жон. Бу чин ошиқларнинг жони ва маърифатли жондир. Ҳожи Бектоши Валининг ёзишича, бу жоннинг назарида «тан йилқига ўхшар — тан жоннинг маркаби эрур. Иссиғни, совуғни, аччиғ ва ширинни тан жон ёрдамида туяр. Отлар тиканга илашмас, чўл-саҳро йўлларини биларлар, адашмаслар. Аммо Ҳақ йўлини билмаслар. Чунки уларнинг кўнгили кўзлари кўрдир». Демак, «таковар» билан «бағир қони» ва «ҳино» орасида қандай табиий ва қонуний боғлиқлик бўлса, «ит», «ғамзада жон ипи» ўртасида ҳам худди шундай мутаносиблик мавжуд. Бизнингча, «жон ипи» ила боғланадиган «ит» ва унинг шакл-шамойили — нафси аммора эрур. Зеро, Ер ёрдам ва илтифот кўрсатмаса бу «ит»ни ҳеч қачон таслим этиб бўлмайди.

Ҳар қалай, байтда «Ер учун ағёр дарди»ни чеккан ошиқнинг ҳолати тасвирлангандирки, «ағёр эса вужуддир, нафсдир, шайтондир...» (Нажмиддин Кубро).

1997 йил.

#### IV ТАСАВВУФИЙ ИСТИЛОҲ ВА ИЗОҲЛАР

##### СУФИЙ СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ НИМА?

Тасаввуф — сўфийлик маслаги, тасаввуф — ботиний илм, яъни ҳол ва Сир илми, тасаввуф — Аллоҳсеварлар тариқи. Шу маслак, шу илм ва тариқат соҳибларига сўфий дейилган. Лекин бу сўз қачон пайдо бўлган? Маъноси не? Уни қайси тилга нисбат бериш мумкин? Сўфийнинг ўзи ким? Илк сўфийларнинг ташқи кўринишларию ботиний хусусиятлари қандай бўлган? Булар ҳақида Шарқ, Ғарб олимлари кўп фикр-мулоҳазалар

ни баён қилган бўлсалар-да, ҳанузгача ягона ҳулсага қелингани йўқ. Айрим олимлар «сўфий»ни равшанлик, порлоқлик, тозалик мазмунидаги «сафват» сўзининг ўзагидан; зоҳидона ҳаётлари билан танилган «Аҳли суффа» жамоасининг номидан; Мадина масжидида бино этилган «суффа»дан яралган десалар, бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар унинг юзага чиқишини «сифат» сўзи; Арабистон чўлларида ўсадиган ўсимлик — «суфана»; Саффи аввалда намоз ўқиганларнинг олдинги сафи билан боғлайдилар. Тасаввуфшунослар орасида сўфий ҳикмат маъносини ифодалайдиган «сафос»дан келиб чиққан дегувчиларнинг сони ҳам унча оз эмас.

Сўфий сўзининг луғавий шарҳ ва истилоҳий талқинлари ҳамма томонидан маъқулланиб, бир хилда қабул этилавермаган, албатта. Ҳатто бу атама бағдодликлар топган бир уйдирма деган фикр ҳам ўртага ташланган экан. Саррож буни нотўғри эътироз деб ҳисоблайди. Унингча, «сўфий лафзи Ҳасан Басрий замонида ҳам мавжуд» бўлган. Басрийнинг ўзи эса «Маккада ибодат пайтида бир «сўфий»ни кўрдим» деганмиш.

Макка билан алоқадор ривоятлар жамланган бир китобда сўфий калимасининг исломгача бўлган даврларда ҳам мавжудлигини тасдиқлайдиган далиллар қайд этилган экан: «Исломдан анча аввалги замонларда Макка бўм-бўш ва Байтуллоҳни тавоф қиладиган ҳеч ким қолмаганмиш. Шунда узоқ бир маскандан бир сўфий (сўфий қабиласидан ёки сўф кийган киши) келиб Байтуллоҳни зиёрат айлаб, бир қанча вақтдан сўнг яна манзилига қайтиб кетибди» («ал-Лумаъ», 23-бет).

«Агар бу ривоят тўғри бўлса, — дейди Саррож, — «сўфий» сўзи исломдан анча муқаддам мавжуд бўлган ва ул замонларда бу ном фазилат ва салоҳ аҳлига мансуб кишиларга нисбат берилгандир»

Ибн Холдин «Сўфий» калимасига доир шарҳ ва қайдларга қўшилмаслигини англатаркан, умуман бу сўзнинг ўзагини тадқиқ қилганда айримлар зўрма-зўраки изоҳларга киришиб, қиёсан номақбул фикрларга эрк беришганини ҳам айтади. Унингча, Сўфийлар сўф — юнг ҳирқа ёпинган кимсалар эмас. Улар бундай либосни кийишга хусусий бир эҳтиёж сезмаганлар. Зарурият сезганлар эса сўфийларга ўхшашга интилган баъзи кишилар бўлган. Тўғри, гоҳи гоҳида сўфийларнинг орасида ҳам юнг либос кийганлар учраб турган. Аммо бу иш «фақат зуҳд ва фақр (Аллоҳга муҳтожлик маъносида — И. Ҳ.) сабабидан, айниқса, «фақр ҳоли билан безанишга» бир

ишорат тарзида амалга оширилган («Тасаввуфнинг моҳияти», 98-бет).

Ибн Холдин «суфий»нинг ўзаги ва тасаввуф йўлининг тамали «суффа»дан дегувчиларнинг қарашларини инкор этади ва ёзади: «Суффа аҳлининг Расулиллоҳ замонида хусусий бир ибодат тарзи ила машғул бўлмаганликлари равшанлашмоқдадир. Улар ибодат ва шаръи вазифаларни адо этишда бошқа саҳобалардан фарқланмаганлар. Масжид суффасининг иқоматларига тахсис этилганлиги уларнинг йўқсил ва ғарибликларидан эди» (Уша асар, 100-бет).

### ҲИҚМАТ

Умумий маънода Ҳикмат — панд-насиҳат, Ҳаққа мувофиқ сўз, гўзал илм, солиҳ амал демак. Лекин ҳикмат ниҳоятда кўп маъноли бир атама бўлганлиги учун луғатларда қуйидагича шарҳланган: маърифати ҳақойиқи мавжудот, илоҳий ахлоқ соҳиби бўлмоқ; ботилдан йироқлашиш, мутлақ тарзда Аллоҳга итоат; коинот ва яратилишдаги илоҳий ғоя; илми ладуний ва ҳ.к.

Нажмиддин Кубро ёзади: «Яхши билгилки, шарият ҳикматнинг қонунидир. Ҳикмат эса суфийларнинг тилида қудрат маъносида қўлланилган ва ҳимматнинг тамали ҳамда қонуни эрур».

Қуръони каримда йигирмага яқин ўринда ҳикмат калимаси зикр этилган бўлиб, тўрт маънони ифодалаган экан:

1. Насиҳат ва ўғит («Бақара» сураси, 23-оят).
2. Нозик англаш ва илм («Аниқки, биз Луқмонга ҳикмат ато этдик...». «Луқмон» сураси, 12-оят).
3. Пайғамбарлик салоҳияти («Бақара» сураси, 251-оят).
4. Қуръон сирларини билиш («У ўзи истаган кишиларга ҳикмат берур. Қимга ҳикмат берилган бўлса...» «Бақара» сураси, 269-оят).

Ҳикмат илми — бир нуқтаи назарда тасаввуф илми-дир. Шунинг учун Х асрдан эътиборан диний-тасаввуфий мазмундаги шеърлар «Ҳикмат» деб аталган. Ва уни биринчи бўлиб Хожа Аҳмад Яссавий қўллаган.

Ҳамдий Ёзарнинг айтишича, ҳикматнинг бошланғичи «илми назарий» эрур. Бироқ бу илм «илми амалий» учун тўлиқ асос бўла олмайди. Шу боис «фақат назарий илм савиясида қолиб, амалий ҳикматга (Ҳикмати

амалий) эришмаслик», «шайтонга йўл бермак», деганидир.

Форобийнинг ҳукмига кўра, ҳикмат «бешиги» файласуфларнинг онги эмас (қадим даврларда файласуфлар ҳаким, уларнинг асарлари ҳикмат дейилган), пайғамбарларнинг кўнглидир. Аҳмад Яссавий ҳикматларининг моҳият-эътибори ила Қуръони карим ва ҳадисларга бориб боғланиши, уларда руҳ ва кўнгил ҳақиқатларини дарж айлашга алоҳида диққат қилинганлигининг асосий сабаби ҳам мана шунда. Бу ҳақида «Девони ҳикмат»да бундай дейилган:

Мени ҳикматларим фармони субҳон,  
Уқиб уқсанг ҳама маъни Қуръон.

Мани ҳикматларим оламул султон  
Қилур бир лаҳзада чўлни гулистон.

Мани ҳикматларим шавқи муҳаббат,  
Кўзин ёшиға қилғай таҳорат...

Ҳикмат яратиш Аҳмад Яссавийдан кейин ўзига хос бир ижодий анъанага айланган, хусусан, Яссавийга издош шоирлар кўплаб ҳикматлар битиб қолдирганлар.

### ҲОЛ

Аҳвол, ҳолат, вазият ичида яшаётганинг вақт, замон, маълум бир пайт ёки дамда туғилиб, сўнг ўтиб кетадиган маънавий ҳис, туйғу, ҳаяжон, эҳтирос, шавқ, ҳузун, важд, ғайбат, ҳузур каби ҳоллардир. Ҳол ҳақ туҳфаси ва ҳадяси эрур. Шунинг учун ҳол инсоннинг иродаси ва ҳаракатига тобе эмас. Абу Наср Саррож ҳолни «лаҳзада туғилиб, қалбда ризо, тафвиз ва шунга ўхшаш сифатларни муқимлаштирадиган аҳволдир», — дейди. Абдулкарим Қушайрийга кўра, ҳол «қулнинг (Ҳақ ошиғининг — И. Ҳ.) қасди, жалб айлаш ташаббуси, эришиш истагисиз қалбда пайдо этиладиган нашъа-ҳузур, шодлик-қайғу, ҳайбат-ҳаяжон сингари маънолар эрур».

Нажмиддин Кубро «Фавоих-ул жамол» рисоласида ҳол, мақом, вақт ва улар орасидаги фарқлардан баҳс юритиб, жумладан, бундай дейди: «Сўфийларга кўра, инсондаги куч, қувват ва тоқат мол ҳамда ҳол ила юзга келур. Ҳол шаҳват, нафс ёки Рухнинг қуввати эрур.

Мол эса фақат нафс ва шаҳватни таквия этувчи бир нарсадир. Табиат эътибори билан ҳол жуда қувватли бир куч ва тоқатдир. Чунки ҳол, боқий бўлганидан, боқий бўлганга ва «боқий бўладиганга, мол эса фоний бўлганидан, фоний бўлганга ва фоний бўладиганга бериладиган бир қувватдир». Шунинг учун руҳ ва юракнинг қувватини ифодаладиган ҳол тасаввуф аҳлининг наздида энг яхши амалдан ҳам устун ҳисобланган. Ва айни шу сабабдан тасаввуфга «илми ҳол», «илми аҳвол» номи берилган.

Кўнгли зариф, руҳи латиф, ахлоқи гўзал, маънавий ҳаёти мукамал ва Ҳақнинг содиқ қулларига «ҳол соҳиблари» дейилган. Улардан бир қисми ҳолига маҳкум— талвин соҳиблари, яна бошқа бир тоифалари ҳолига ҳоким — саҳв ва тамкин вакиллари бўлишган. Биринчи тоифага «Абноъул аҳвол» (ҳол болалари), кейингиларига «Абоъул аҳвол» (ҳол оталари) дейилган.

Нажмиддин Кубро ҳолни қушнинг икки қанотига қиёслайди. Зеро, «Ҳоллар Аллоҳ таолонинг жўмардлик ва лутфидан, мақомлар эса жаҳд ва ғайратдан ҳосил бўлур. Мақом соҳиби мақомида тамкин соҳиби эрур. Ҳол эгаси эса ҳоли ичида тинимсиз юксалиш ҳолатидадир (А. Қушайрий).

Баъзи сўфийлар ҳоллар доимий ва боқий бўлади, агар шундай бўлмаса, уларга лавоих ва баводих номи берилур, деган фикрда бўлганлар. Лавоих ва баводих соҳиби эса ҳали тасаввуфий ҳолларини топмаган ва ҳолда камолга етиша билмаган киши демакдир. Ҳол лаҳзада туғилиб, тез фурсатда ғойиб бўлади, дегувчиларга қараганда, унинг собит қолишига инонувчиларнинг сони кўндир. Шуларнинг қарашларини ёқлаб Қушайрий ёзади: «Ҳолларнинг давомли бўлишига ишорат этган сўфийларнинг сўзлари тўғридир. Чунки маъно (ҳол) бир кимса учун ширб (масраб, мақом) вазиятида келур-да, ул кимса шу мақомда тарбия этилур. Лекин бу вазиятда бўлган ҳол соҳибининг тавориқ<sup>1</sup> номини олган ва бошланғич ҳолатига ҳоллардан ортиқ давом топмаган иккинчи даражали бир қанча ҳоллари ҳам бордир». Бироқ шунга қарамасдан, тавориқ туфайли сўфий янада устун ва «абдий бир юксалиш ҳолати»га эга бўлур.

Ҳавф<sup>2</sup>, ражо, ҳузун, мужоада, муроқаба, убудият,

<sup>1</sup> Йўл.

<sup>2</sup> Аллоҳдан қўрқиш.

истиқомат, сидқ, ҳаё, ҳуррият — булар тасаввуфий ҳолларга (бир қисмига) берилган номлар. Лекин ҳол тасаввуфдаги шундай ғаройиб ҳолат ва хилма-хил маънавий руҳий, психологик ҳодисаки, унинг барча шакл ва кўринишларини номлаш ёки таърифлашга имкон бўлмаган, албатта. Масалан, солиқ унс ва баст ҳолидан баланд кўтарилганда борлигидан қуш саслари эшитиладиган бир ҳолга етишар экан. «Қарбало йўлида бўлганимда бир дарвешдан худди шундай бир сасни эшитгандим, — дея ҳикоя килади Нажмиддин Кубро. — Лекин уни яхши кўрмаганим ва инкор айлаганим учун ушбу ҳолат маъносини унинг ўзидан сўрадим. «Ҳаммаси хайрли бўлур, иншооллоҳ. Аммо бу муборак бир товушдир», — деганди. Мени у мақомга кўтарилмаганимни фаросати ила англаганлиги учун, шундан бошқа ҳеч нима демади». Орадан бир замон кечгач, Кубро ҳам ўша дарвеш кўтарилган мақомни эгаллайди. Ва «қуш овозларини тинглашни тажрибада ўзлаштиргандан кейин» дарвешнинг башорати нуқсонсизлигига икром бўлади. Кубро ҳикоясини давом эттириб дейди: «Ишнинг ажойиб томони (бундан хабардор бўлганлар мустасно) инсонлар орасида номим Мажнун ва девонага чиқиши эди. Бу гўзал бир ҳолдир. Аммо бундан ҳам юқорида янада буюк ҳоллар бордир. Бу мулкул ҳол (ҳолларга султон) бўлмақдир».

Ҳолни берадиган ҳам, оладиган ҳам Аллоҳ бўлганлиги учун сўфийлар уни «Муҳоввилул аҳвол», «Муқоллибул қулуб» дейишган.

### ҒАЙБАТ — ҲУЗУР

Ғайбат — солиқ қалбида ҳосил бўлган диний-илоҳий маънолар ила машғул бўлиб, моддий оламдан фориг қолиш, халкнинг аҳволидан беҳабарлик, важд ва истиғроқ ҳоли. «Рисолаи Қушайрий»да ёзилмиш. «Ғайбат туйғуларнинг қалбда туғилган файз ва илҳом ила машғул бўлиши сабабли халққа алоқадор ҳолларга доир билим ва шуурнинг барҳам топиши — кўнгилдан кўчиши». Ғайбат ҳолида қул моддий олам билан боғлайдиган ҳиссиётларни тарк этиб, илоҳий ҳузурда тажаллийларни тамошо айларкан, барча нарсани унутади. Нақл қилинишича, Жунайд Бағдодий бир кун хотини билан ўтираркан, уларнинг ёнларига Шиблий кириб келибди. Уни кўрган аёл ўрнидан туриб, ундан яширинмоқчи бўлибди.

Эри эса унга «Шиблийнинг сендан мутлақо хабари йўқ» (У ғайбат ҳолидадур), жойингда ўтиравер», — дебди. Бироз фурсатдан сўнг Жунайд Шиблий билан шундай гаплашибдики, охири Шиблий йиғлай бошлабди. Ва Жунайд хотинига: «Шиблий ўзига келди, ғайбат ҳоли зоил бўлди, энди бекиनावер», — деган экан.

Ҳузур — халқдан кечиб, Ҳаққа юз буриш. Бунда ҳузур роҳат маъносида эмас, балки Ҳақнинг ҳузурисида бўлмоқ, Аллоҳ тажаллиётига восилликни англатади. Қушайрийнинг таъкидлашича, «Ҳузур ҳоли Ҳақ зикрининг қул қалбини эгаллаш сурати ила юзага чиқур. У замон қул қалби билан улуғ Раббийнинг ҳузурисига чиқар. Қулнинг халқдан ғайбати нисбатига қараб Ҳақ билан бўлган ҳузуриси мукаммаллашур». Ғайбатга «ҳузурли халқ», ҳузурга «ҳузуриси Ҳақ» дейилур.

### САКР — САҲВ

Сархушлик ва ҳушёрлик. Ғайбат ва ҳузур ҳолининг олий шакли. Сакр (ёки сукр) илоҳий ишқ майидан маст бўлиб ўзини унутган, ўзидан кечган ошиқнинг ҳоли. Саҳв эса бунинг акси: ўзни унутганининг ўзига келиш, ҳушёр бўлиш, тамкин ҳолати; ғайбат ҳолининг зоил этилиши. Сакр ҳолисиз саҳв ҳоли ҳам бўлмас. Шунинг учун сакри Ҳақ билан бўлганининг саҳви ҳам Ҳақ билан бўлур. Сакри нафсоний лаззатларга қоришганининг, саҳви ҳам бошқача бўлмас.

Абдулкарим Қушайрийнинг таъкидлашича: «Қул сакр ҳолида ҳол шоҳиди (маънавий бир ҳол ила ҳузуриси илоҳийдадир) биландир. Саҳв ҳолида эса илм шоҳиди (шариат илми талабларига кўра амал қилгувчи) биландир». «Кашфул маҳжуб»даги тасниф бўйича сакр икки турлидир: 1. Муваддат (дўстлик) шаробидан туғилажак сакр. 2. Муҳаббат қадаҳидан ҳосил бўладиган сакр. «Муваддат сакри маълулдир. Зеро, у неъматни кўрмакдан туғилар. Муҳаббат сакри иллатсиздир. Чунки у неъмат бергувчини кўрмакдан юзага келур... Неъмат бергувчини кўрган ҳар бир киши уни Унинг-ла кўрар. Бу тақдирда ўзини кўрмас бўлур...», — дейди Ҳужварий. У саҳвни ҳам «Ғафлат саҳви» ва «Муҳаббат саҳви» дея иккига ажратиб, шундай ёзган: «Ғафлат саҳви Ҳақ билан қул ўртасидаги энг катта ва энг қалин ҳижобдур. Муҳаббат саҳви энг очиқ кашф эрур...».

Сакр ва саҳв орасидаги асосий фарқ эса мана бун-

дай: сакр ҳолида инсон ўзини тамоман унутади. Ақлу ҳушни тарк айлагани учун фано ва бақога доир билим ва тушунчалардан ҳам фориг бўлади. Чунки Ҳақ қулга жамол сифати билан тажаллий этгач, у бундан сархуш ва сармаст бўлиб «ман»ликдан йироқлашади. Саҳв ҳолида эса бундай эмас, инсон ҳамма нарсага ақл нигоҳи билан қарайди, ўзлигига доир тушунчалардан ажралмайди. Фақат буларнинг барчасига «фано» кўзи ила боқади. Чунки ҳақиқатда боқий бўлган ва боқий қоладигани ёлғиз Аллоҳдир. Қолгани ўткинчи ва йўқликка маҳкум эрур.

Сакр ҳоли инсонни тобелик, қарамлик, маҳдудлик туйғуларидан халос айлаб, руҳий фаолликни таъмин этса-да, ақл ва иродага ён бермаганлиги туфайли Жунайид Бағдодий ва унинг издошлари сакрдан саҳвни устун қўйганлар. Ва сакр соҳибларининг ҳолатларини мақбул ҳам кўрмаганлар.

Ривоят этилишича, Мансур Халлож Амр бин Усмон билан алоқани узгач, Жунайид Бағдодийнинг ҳузурига борибди. Жунайид: «Бизнинг ёнимизга нега келдинг?» — деб сўраганда Халлож: «Шайхнинг суҳбатидан баҳраманд бўлмоқ учун», — дебди. Жунайид эса: Мен телбалар билан суҳбат қурмасмен. Суҳбат ақлнинг комиллигини талаб этар. Акс тарзда, оқибат салафларнинг Маккий ва Тустарий каби бўлур», — демиш. Халлож: «Устод, саҳв ва сакр қулнинг икки сифати эрур. Қул башарий сифатларидан фориг бўларкан, Раббисидан маъжуб қолур...» Жунайид: «Мансур, саҳв ва сакр ҳақида галат фикрдасен. Саҳв — Аллоҳ ила саломатда бўлиш ҳоли эрур. Сакр эса шавқ ва муҳаббатнинг жўшишидир. Буларнинг иккисига ҳам қасддан ва мажбуран эришила олинмас...».

Боязид Бистомий ва унинг тарафдорлари сакрни саҳвдан юксак ҳисоблашган. Уларнинг ақидаси бўйича, саҳв қул билан Аллоҳ орасида қалин парда бўлган ўша башарий сифатларнинг мавжудлигини таъминлаган. Сакр эса бу сифатларни йўқотиб, ихтиёр, тадбир, тасарруф сингари ҳижобларни ҳам ўртадан кўтаришга қодирдир. Айрим сўфийлар сакрни «султоний ҳолнинг» энг сўнг даражада камолга эришуви деб билганлар. Абдуллоҳ Давалининг «Гулзори сўфия»сида «нафснинг воридаги ғайбия сабаби ила завқ ва сурудан туғилган» сакр — «сакри табиий», ишқнинг ғалабасидан юзага келган сакр — «сакри илоҳий» деб номланган.

## РИЖОЪУЛ ҒАЙБ

Тасаввуфий маслакда дунёни бошқариш ва идора этишлари қабул қилинган валилар жамоаси рижоъул ғайб деб аталган. Ва улар ғайб эранлари, рижоуллоҳ, мардони худо, мардони ғайб, ҳукумати маънавия деб ҳам юритилган.

Оламни идора айловчи ушбу ҳукумати маънавиянинг бошида «қутб» турган. Қутб аслида тегирмон тошининг ўқи демакдир. Тегирмон тоши бир ўқ атрофида айлангани сингари, оламнинг меҳварини ҳам қутб ташкил этар. Қутбга «ғавс» (мадаккор) «ғавсӯул аъзам» (энг буюк ғавс), «қутбӯул ақтоб» ҳам дейилмиш.

Аҳли Ҳақ тасавури бўйича, қутбнинг икки томонида икки имом бўлган. Унгдагиси малаклар оламини, чап томондагиси мулк оламини бошқарган. Қутб вафот этгач, сўл ёқдаги имом унинг ўрнини эгаллаган. Ундан анча кейин «автод» (тирак, таянчлар) дейилмиш тўрт валига навбат келмиш. Булар дунёнинг тўрт жиҳатига масъул этилган бўлишса, «абдол» ёки «ахёр» отлиғ етти вали етти иқлимга раҳнамолик қилишган. Навбатдаги сафга мансуб ва «нуқоба» дейилган қирқ вали эса халққа ёрдам кўрсатиб, оғирини енгил қилиш билан машғулдирлар. Одамларни кузатиб, амалларини текширадиган уч юз валига «Нуқоба» дейилган. Халқ орасида ишлатиладиган учлар, еттилар, қирқлар ҳам ана шу уч юз валидандир. Ҳужварийга кўра, бу уч юз валидан ташқари яна тўрт минг кишилик валилар жамоаси мавжуддирки, буларнинг вали эканликларини ҳеч кимса, ҳатто уларнинг ўзлари ҳам билмайдилар. Агар рижоъул ғайбдан бирови вафот этса, олдинги табақага мансуб валилардан бири унинг ўрнини эгаллайди, унинг ўрнини бошқа табақадан яна бири олади ва ниҳоят ўрин алмашинишга «нуқоба» ҳам иштирок қилади.

Мазкур тушунчага кўра, дунёда доимо бир қутб мавжуд бўлар ва дунё қутбсиз қолмас.

Рижоъул ғайб бир-бирларини яхши танирлар, фақат ўзгалар уларни билавермаслар. Бу жиҳатдан тариқатларда ўзи мансуб тариқат асосчисини қутб қабул қилиш (унга нисбатан муҳаббат туфайли) одат тусига кирган. Умуман, тариқат вакилининг назарида ўша тариқатнинг шайхи қутб эрур.

## «МУТУ ҚАБЛА АН ТАМУТУ»

Тасаввуф маслагининг шаклланиши ва кенг тараққий топишида Муҳаммад пайғамбарнинг бир қанча ҳадислари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган. Сўфийлик тушунчасининг тамалини ташкил этган «Муту қабла ан тамуту», яъни «Улмасдан бурун ўлинг» мазмунидаги ҳадис ана ўша ҳадислардан бири эди. Сўфий, ориф, эран, абдол — хуллас, Ҳақ ошиқлари учун ушбу ҳадис ахлоқий бир дастур ва амалий ҳаёт низомига айлангандир. Шу боис Аҳмад Яссавийнинг айрим ҳикматлари шу ҳадиснинг шеърӣ тафсири ўлароқ яратилган бўлса, баъзи ҳикматларда ундан айни шаклда фойдаланилган. Яссавийнинг бир ҳикматида «Улмас бурун жон бермакин дардин тортдим...», — дейилса, бошқа бирида:

«Муту қабла ан тамуту» хок бўлмаклик,  
Ошиқлари ўлмас бурун ўлар эрмиш, —

дея таъкидланган.

«Улмасдан бурун ўлинг» ҳадисининг мазмун-моҳияти хусусида кўп тадқиқотчилар баҳс юритишган. Ҳинд пайғамбари Буддага ҳам уни нисбат беришган. Озарбойжон файласуфи Мирзо Фатали Охундовнинг ёзишича, «Ҳинд файласуфларининг ишончларига кўра муҳтарам пайғамбар (яъни Будда — И. Х.) «Улмасдан бурун ўлинг», — дегандир. Пайғамбарнинг ўзи эҳтимол бу таъбирнинг маъносини билган. Бироқ бошқа кишиларга уни англаш душвор: хусусан, унда ўлим ҳақидаги иккала сўз ҳам тўғри маънода татбиқ этилган бўлса».

Исломи сўфийларининг деярли барчаси мазкур ҳадисни Муҳаммад алайҳиссаломга нисбат беришган. Лекин унинг мазмунини англаш ва шарҳлашда ўртада фарқ ва тафовутлар мавжуд. Совет даври олимлари эса бу ҳадисдан тасаввуф ва Аҳмад Яссавийга ўхшаш тасаввуф адабиётининг йирик вакиллари ижодиётини кескин қоралаш ёки таҳқирлаш учун фойдаланиб келишган. Аммо совет давридаги ҳеч бир адабиётшунос ёки тадқиқотчи ундаги асил мақсад билан қизиқмаган. Қуръоннинг «Ваш-шамс» сурасида айтилишича, «Дарҳақиқат уни (яъни нафсини-жонини иймон ва тақво билан) поклаган киши нажот топади» (91-оят). «Фуссилат» сурасида эса «Уларга оятларимизни офоқда (ташқи дунёда) ва анфусда (нафсда) зуҳурлантирурмиз» (43-оят), дейилган. Тасаввуф тафсирларида Қуръон оятларининг офоқ ва анфусда кўрсатилиши «ўлим» тарзида талқин

этилиб, ўлим умумий ва хусусий ўлароқ иккига ажратилган. Биринчиси — нафс ва шаҳватларнинг ўлими. Иккинчиси — бутун мавжудотга ҳақ назари билан боқмоқ, борлиқдан кечиб Аллоҳга кўз тикмоқ, тавҳидга етмоқ, қулнинг ҳолдан ҳолга юксалиб ашёни Ҳақда фоне кўрмоғи.

Алишер Навоий «Мажолис-ун нафоис» тазкирасида ёзади: «Сўфий Пири Сесадсола — дарвеш Хусайннинг набирасидур. Ва Мавлоно Муҳаммад Чоҳунинг ўғлидур. Суфиликқа табобатни зам қилибтур. Гўё мараз риёзатин тортқон соликларга «муту қабла ан тамуту» иршодин қилур». Демак, Сўфий Пири Сесадсола сўфийликка табобатни қўшаркан, нафсни енгишни, яъни соликларга руҳоний ҳаёт ва завқу-шавқ ила яшаш сирларини кўрсатган. Навоийнинг бир рубойида:

Ҳақ йўлида нафсингга ўлим косини тут,

дейилишидан асосий мақсад ҳам «муту қабла ан тамуту» талабларига амал қилишга даъватдир.

Хўш, Пайғамбаримиз нимага ундаганлар? Ул ҳазратнинг бу ҳадисдан назарда тутган туб мақсадлари нима эди? Бу саволга Мавлоно Жалолиддин Румий «Маснавий»сининг тўртинчи дафтаридан жавоб топиш мумкин: «Пайғамбар нурни англатаркан... дедики: Нур қалбни мунаввар қилдими, бунинг натижаси шудир: инсон ёлғон дунёдан йироқлашур, нашъалар диёри бўлмиш охиратдан-да кечар». Пайғамбарнинг «Нур қалбга киргани замон қалб севинар ва кенгаяр», деган ҳадисларини эшитганлар, «Бунинг аломати недур?» — дея сўрашганда Расулиллоҳ: «Алданиш, ғурур, мунофиқликдан тозаланмоқ, ўлмасдан бурун ўлиш ҳолини камол топтирмоқ», — деб жавоб қайтарган эканлар. Дарҳақиқат, «ўлмасдан бурун ўлиш» сифати ва ҳолини камолга етказмасдан на тасаввуфий ҳаёт ва ахлоқда, на ишқу ошиқликда олий мақсад мақомларига юксалиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Имом Раббоний, «... ўлмасдан бурун ўлим ҳақиқатга айланмагунча, муқаддас зотга етишмак мумкин бўлмас... бу фано ҳоли валоят (валийлик) мартабаларига ташланадиган илк одимдир ва ишнинг ибтидосида ҳосил бўладиган бир камол даражаси эрур», — деган. Шунинг учун ҳам Ҳақ таолонинг хос одамлари сайру сулукда ишни «ўлмасдан бурун ўлиш»дан бошлашган. Ва бу мувожаба тарзида амалга оширилган бўлиб, унинг ижро шаклини Муҳаммад Нурий Шамсиддин Нақшбандий шундай тасвирлайди:

«Ҳақ йўлчиси солиқ мууроқаба билан машғул бўлиб, бутунлай шахсий истакларидан кечар, ақлига келган нарсаларни бир ёнга суриб, фикрлашдан ҳам тўхтар. Шу ҳол ила вужуд аъзоларини жонсиз ҳисоблаб, кўзларини ҳам юмар. Айни шу аҳволда гуё ўлим ҳукми келгану, у бу фоний дунёни тарк қилган. Шундан сўнг солиқ ўзини қабрда тасаввур этар. Орадан маълум замон ўтиб жасад ва суяклари ҳам чириган. Вужуд тупроққа қоришиб кетган ва ундан ҳеч бир ному нишон қолмаган... Ана шундай мууроқаба энг ози билан бир, ўртача икки, кўпи билан уч соат давом топар. Шунинг оқибатида эса «Ўлмасдан бурун ўлинг» амрининг сирини очилар».

### УЗЛАТ

Имом Ғаззолий «Хилват — машғулиятларидан қутултирадиган, кўз ва қулоқни муҳофаза қиладиган энг гўзал парда эрур», — дейди. Ибн Арабийнинг ёзишича, «Аллоҳ таоло ҳазратларининг неъматлари зиёда бўлишини истаган, асрори илоҳия ва Ҳақнинг жўмардлик хазиналаридан мавжудотдаги номутаноҳий (чексиз, битмас-туганмас) сирларнинг тажаллийсига талабгор киши, албатта, хилватга кириши ва зикриллоҳ айлаши шарт». Чунки хилват — инсонга тубан ва чиркин қилиқ ва ҳаракатлардан халос бўлмоқ учун кенг имкон яратди. Хилватга чекинмоқ — тил ва дилни офатлардан асрамоқ, кўнгилга зийнат, вужудга осойиш бермоқ, тафаккур ва мууроқаба чегараларини беҳад кенгайтирмоқ демак.

Хуллас, хилват ҳолати — қалбга фавқуллода сокинлик, хотиржамлик бағишлайдиган бир ҳолат. Хилват — фикр одамини оломоннинг фикрсизлик ғавғолари, жаҳолат ва аҳмоқлик ғалваларидан муҳофаза этадиган дахлсиз бир ибодатгоҳ. Ҳасан Басрийнинг «Аҳмоқ бир кимсадан узоқ бўлмоқ, Аллоҳ таолога яқинлашмоқдир», — дейиши ҳам бежиз эмас. Ва Ҳазрати Умарнинг «Узлатдан насибингизни олингиз», — деган даъвати ҳанузгача аҳамиятини йўқотгани йўқ.

\* \* \*

Азиз китобхон! Сизнинг диққат-эътиборингизга ҳавола қилмоқчи бўлган фикр-мулоҳаза, таҳлил ва талқинлар ҳам мана ниҳоясига етди. Лекин хотима сифатида

яна шундай демоқчимиз: инсон нигоҳи фақат ташқи дунё ва зоҳирий борлиқдаги нарсаларга қаратилганда, ботиний оламга, хусусан, ўзининг ички ҳаётига унинг қизиқиши ниҳоятда сусаяди. Натижада у илоҳий моҳиятдан узоқлашган, руҳий ҳиссиётлардан маҳрум ва қалб эҳтиёжлари бой берилган оддий бир вужуд соҳибига айланади. Маълумки, Шарқда ирфон дейилганда, билиш, тафаккур ила ҳақиқатга етишиш ва маърифат назарда тутилган. Тасаввуф истилоҳида эса ирфон — Ҳақдан келган илҳом, кашф, маънавий-руҳий тажриба билан эришилажак илми ҳол, сирнинг очилиши, маърифати ҳақойиқ демак. Ирфон эгаси — руҳоний ҳолларда яшай олган, илоҳий сир-асрор ва ҳақиқатларни бевосита ички тажриба орқали кашф этишга қодир комил киши ҳисобланган.

Ғарбда «соф шеърият» тушунчаси баҳсида кўп фикрлар илгари сурилган. Агар масалага тарихан қараладиган бўлса, «соф шеърият» тажрибалари дастлаб Шарқда бошланиб, энг юксак шаклларда Шарқда давом топганлигини эътироф қилишга тўғри келади. Аммо бунда «соф шеърият» эмас, «ҳол ва сир-шеърияти» атамасини ишлатиш лозим бўлади. Чунки «ҳол ва сир-шеърияти»да ирфоний, илоҳий, руҳоний ҳаёт гўзалликлари ўзига хос бир уйғунлик ва бутунликка эришган. Шунинг учун унда қалб, руҳ, ҳолат сувратларининг тасвири табиий равишда кенг ўрин эгаллаган. Шу маъноларда ушбу китоб Сизнинг тасаввур ва фикр-қарашларингизни оз бўлсада бойишига ёрдамлаша олса, биз ўзимизни мақсадга эришган ҳисоблаймиз.

## МУНДАРИЖА

<b>I Моҳият, маслак ва қисмат</b> . . . . .	<b>3</b>
«Анал-ҳақ» недур? . . . . .	3
Хожа Ориф Моҳитобон . . . . .	14
Тимсол ва моҳият . . . . .	26
Боқирғоний сабоқлари . . . . .	46
Руҳи ҳур, ирфони ҳур шоир . . . . .	49
Аҳмад Югнакий Имоми Аъзамга замондош бўлганми? . . . . .	66
Ҳазрат Нақшбанд жаллодлик қилганми? . . . . .	75
«Эрур, Орифга ганжи файз етса...» . . . . .	83
Сўфи Оллоёр — мутасаввиф адиб . . . . .	91
<b>II Тасаввуф ҳақиқатлари</b> . . . . .	<b>100</b>
Тасаввуфий маслак зиёси . . . . .	100
Тавба — нажот мақоми . . . . .	109
Нафс ва нафс мартабалари . . . . .	119
Шайтон ва шайтонлик сирлари . . . . .	121
<b>III Таҳлил ва талқинлар</b> . . . . .	<b>127</b>
«Эй қўйғучи кўнгилга гами ишқ доғиви .....» . . . . .	127
«Лабингдан хаста жоним бўлди бетоб...» . . . . .	132
«Навбахор-айёми бўлмиш...» . . . . .	135
Бир байт талқини . . . . .	139
<b>IV Тасаввуфий истилоҳ ва изохлар</b> . . . . .	<b>146</b>
Сўфий сўзининг маъноси нима? . . . . .	146
Ҳикмат . . . . .	148
Ҳол . . . . .	149
Ғайбат — ҳузур . . . . .	151
Сакр — саҳв . . . . .	152
Рижоъул ғайб . . . . .	154
«Муту қабла ан тамуту» . . . . .	155
Узлат . . . . .	157

*Адабий-фалсафий нашр*

**ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛИ**

**ИРФОН ВА ИДРОК**

*Тошкент «Маънавият» 1998*

Муҳаррир *У. Қўчқор*

Мусаввир *С. Соин*

Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*

Мусаҳҳиҳ *С. Абдусаматова*

Теришга берилди 05.06.98. Босишга рухсат этилди 20.07.98. Бичими 84×109<sup>1</sup>/<sub>32</sub>.  
Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. т. 8.4.  
Шартли кр-отг 8,61. Нашр т. 8,47. 3000 нусха. Буюртма №81. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти, Тошкент. Шодлик, 6. Шартнома. 10—98.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муроодов кўчаси, 1-уй. 1998.